

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG`LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



United Nations  
Educational, Scientific and  
Cultural Organization



UNESCO Chair  
in Bioethics  
University of Haifa



Международный государственный экологический  
институт имени А.Д. Сахарова Белорусского  
государственного университета



## TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari  
(16 fevral, 2021 yil)

IKKINCHI QISM

Toshkent - 2021



**UO'K: 61.613.8**

**KBK 53.59 (O'zb.Rus.Ingliz)**

“Tibbiy ta'limda etika va integratsiya masalalari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari 2021 yil 16 fevralda Toshkent tibbiyot akademiyasi va Toshkent davlat stomatologiya instituti, Samarkand davlat tibbiyot instituti, Qozon davlat tibbiyot universiteti, Belorusiya davlat universiteti, Janubiy Qozog'iston tibbiyot akademiyasi, Qirg'iziston davlat tibbiyot akademiyasi hamkorligida tashkil etilgan konferentsiya asosida tayyorlangan bo'lib, ushbu to'plam tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida Bioetika fanini o'qitishning roli va ahamiyati, tibbiy ta'limda integratsiya masalalariga bag'ishlangan.

**Bosh muharrir:** t.f.d., professor A.Q.Shadmanov

**Tahririyat a'zolari:** f.f.d., professor Norqulov D.T., f.f.d., professor Z.M.Muxamedova, t.f.d., professor F.L.Azizova, t.f.d., professor SH.A. Boymurodov, t.f.d., professor Xolmatova B.T., f.f.d. Norqulov S.D., f.f.n., dotsent F.S.Atamuratova, t.f.n., dotsent Alimova M.F.

ISBN 978-9943-6085-1-8

© “TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA MASALALARI” MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI, 2021-yil 16-fevral.

**Keltirilgan dalillar, iqtiboslar va statistik ma'lumotlarning haqqoniyligi uchun maulliflar mas'uldirlar.**

© “MUMTOZ SO‘Z”, 2021.

**BIOAXLOQIY MADANIYAT RIVOJIDA MILLIY VA DINIY  
QARASHLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ И РЕЛИГИОЗНЫЕ ОСОБЕННОСТИ В  
РАЗВИТИИ БИОЭТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ**

**NATIONAL AND RELIGIOUS CHARACTERISTICS IN THE  
DEVELOPMENT OF BIOETHICAL CULTURE**

**ХРИСТИАНЛИК ВА ИСЛОМ ЖАМИЯТЛАРИДА АБОРТ  
МУАММОСИНИНГ БИОЭТИК МАСАЛАЛАРИ**

*Алиджанова Л.А.*

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*

**Аннотация.** Охирги ўн йилликларда фан-техника соҳасида эришилаётган ютуқлар билан боғлиқ ахлоқий мураккаб масалалар, дилеммалар, хоҳ диний, хоҳ дунёвий жамият бўлса-да, ҳар қандай кўринишдаги жамиятга даҳл қилмоқда. Биоэтика соҳасидаги секуляризация ходисаси бу борадаги баҳс-мунозараларда устунлик қилмоқда.

Бундан йигирма йил олдин биоэтика соҳасида диний-тиббий анъана ўрнига фалсафий-ҳуқуқий концепция қарор топаётганлиги кузатилмоқда”, - деб таъкидлаган эди Дэниел Каллаан. Бироқ, кўплаб диний жамоаларда, мисол учун, мусулмонлар орасида биомедицинанинг этикасига оид саволларига жавоб излашда диний анъаналар асосий манба сифатида ҳали ҳам устувор мавқега эга. 2010-2011 йилларда ислом ва христиан жамиятларида биоэтиканинг муҳим масалаларини белгилаш учун халқаро анкета сўровлари ўтказилди. Ушбу мақолада мазкур тадқиқотнинг натижалари, биоэтика ривожланишининг муҳим йўналишлари тақдим этилган. Шунингдек, глобаллашув даврида дин ва тиббиёт алоқаси, аъзолар трансплантацияси, аборт ва шу каби тиббий муолажалар дунё афкор оммаси томонидан қизғин баҳс марказидаги масалалар бўлиб келмоқда.

**Калит сўзлар:** аборт, эътиқод, биоэтика, ҳомиладорлик, ҳомила, фатво.

Бугунги кунда аксарият мамлакатларда аборт қилиш учун аёлларни қутқариш учун рухсат берувчи қонунчилик мавжуд. Дунё мамлакатларининг 62 фоизида абортга аёлнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини сақлаб қолиш учун, 42 фоизида жинсий зўравонлик ёки қариндошлар никоҳи натижасида ҳомиладорлик пайтида, 40 фоизида аниқланган ҳомила нуқсонлари туфайли, 29 фоизида иқтисодий ва

ижтимоий сабабларга кўра, 21% да илтимосига кўра аборт қилишга рухсат берилади.

Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилигида “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни мавжуд бўлиб (2019 й. 11 март, 18-модда) унда аборт қилиш муддатлари тартибга солиниши билан рухсат берилади:

- ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида аёлнинг хоҳишига кўра;

- ҳомиладорнинг ҳаётига хавф солувчи тиббий кўрсатмалар мавжуд бўлганида ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар амалга оширилади.

Тиббиёт муассасалари тиббий кўрсатмаларга кўра ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тўғрисида ёки ҳомиладорликни тўхтатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган аёлни унинг соғлиғи учун ҳар қандай эҳтимол тутилган салбий оқибатлар ҳақида хабардор этиши шарт.

Христианлик жамиятида динга бўлган муносабатига қараб шифокор ва беморларнинг жавоблари бўйича аборт қилиш муаммосига муносабати бўйича С.В.Филимонов 2004 йилда ўзининг “Медицина и православие: медико-социальные, организационные и этические проблемы” номли тадқиқотида сўровнома асосида кўриб чиққан бўлиб, саволлардан бири шифокорлардан аборт қилишнинг кўрсатмаларини қандай сабабларга кўра кўриб чиқилиши ва у ёки бу сабабларга кўра қайси вақтда аборт қилиш мумкинлиги ҳақида сўралган.

Сўровнома иштирокчилари кўрсатган абортларнинг сабаблари ва муддати уларнинг эмбрион ҳолати концепцияси, қонунчилик ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари билан белгиланади. Барча гуруҳлардаги кўрсаткичлар сабабларга кўра бир-бирига яқин. Энг юқори улуш бўлажак она тиббий кўрсаткичларига тўғри келади, бу жуда тушунарли ва тўғри, аммо "аёлнинг шахсий истаги" каби сабабларнинг муҳим қисми 16.5 фоизни ташкил этиши ажабланарли. Христиан жамиятидаги диндорлар учун бу кўрсаткич 2 гуруҳ кўрсаткичидан паст. Православ черковига эътиқод қилувчи шифокорлар жавоблари ўрганиладиган бўлса, уларнинг абортга бўлган муносабати ҳомиланинг муддатидан қатъи назар агар онанинг саломатлиги ва ҳаётига ҳеч қандай таҳдид солмаса бу гўдакни ўлдириш ҳисобланади ва ҳеч қандай сабаб билан асосланмайди. Маълум бўлишича, сўровнома иштирокчиларнинг 77%и аборт қилиш учун аёлнинг шахсий истагини тан олишади. "Бошқа сабаблар" қаторидаги исталмаган бола, генетик касаллик, экологик ва техник офатлар, ижтимоий хавфли аёлларга нисбатан суд қарори, хотинининг ҳомиладорлиги пайтида турмуш ўртоғининг ўлими каби сабаблар ҳам алоҳида кўриб чиқилган. 3-қатордаги сабаблар кўрсаткичига акушер-гинеколог жавоб бериш ўрнига Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари рақамларини ёзишди. Шунингдек, аборт қилиш учун ҳеч қандай сабаб йўқ деган жавоблар ҳам бўлди. Сўровнома таҳлил қилинса, 3.1% черковга мунтазам борувчи шифокорлар шу ва шунга ўхшаш жавобларни берган. Жавобларда “Қотиллик учун сабаблар йўқ ва буни қонунийлаштириш шарт эмас. Ҳатто, абортга мурожаат қилиш ҳам

“қотиллик учун ордер” бўлиб, сабаблар бор деб ўзингизга ва бошқаларга ёлғон гапиришингиз шарт эмас”, деган фикрларни кўриш мумкин.

Юқоридаги муаммоларни ислом жамияти доирасида кўриб чиқилса, бугунги кунда ислом мазҳабларининг бари аёлнинг ҳаётига таҳдид солувчи ҳомиланинг аборт қилиниши энг мақбул ечим эканлигини эътироф этмоқдалар[1]. Ҳомила аёлнинг соғлиғи учун хавф туғдирса, туғма нуқсон аниқланса, ҳомила дефомацияси кузатилса, шунингдек ушбу ҳомила гуноҳ оқибатида вужудга келган бўлса, ислом дини бу каби ҳомиланинг аборт қилдирилишига қаршилик қилмайди. Бугунга қадар кўплаб ислом фақиҳлари ҳомилани аборт қилишда аниқ бир муддатга иттифоқ қилмаганлар, ушбу муддат ҳомила пайдо бўлгандан бошлаб 40 кундан то 120 кунликкача бўлган ораликда ҳомилани тушуриш мумкинлиги бўйича турли фикрлар мавжуд. Чунки ушбу давр оралиғида ҳомила ҳали тирик инсон мақомида бўлмайди[2]. Бунга дилил қилиб Қуръони каримнинг Муъминун сураси 12-14 оятларини келтириш мумкин: “Қасамки, Биз инсонни (Одамни) лойнинг сарасидан яратдик. Сўнгра уни (инсон наслини, аввало) мустаҳкам қароргоҳ (бачадон)даги маний қилдик. Сўнгра (бу) манийни лахта қон қилиб яратдик, бас, лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик, бас, парча гўштни суяклар қилиб яратиб, (бу) суякларга гўшт қошладик, сўнгра (унга жон киргизиб, олдинги ҳолидан бутунлай) бошқача бир вужудни пайдо қилдик. Яратувчиларнинг энг гўзали – Аллоҳ баракотлидир!”[3]

Оятдаги ҳомиланинг ривожланиш босқичларини ҳозирги илмий кашфиётлар ҳам тасдиқ этмоқда. Бу тўғрида Ғарбнинг йирик олимлари талай илмий изланишлар натижасида, Қуръони каримнинг илоҳий мўъжиза эканлигини яна бир бор тасдиқ этганлар. Ушбу оят маъноси Муҳаммад Пайғамбарнинг қуйидаги ҳадисларида ҳам ўз аксини топади. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: “Рост гапирган ва чин гапиришига гувоҳлик берилган Муҳаммад Пайғамбар бизга қуйидаги ҳадисни айтиб берган эдилар: “Бировингизнинг яралиши онасининг қорнида қирқ кун маний, сўнгра яна шунча қуюқ қон, сўнгра яна шунча бир парча гўшт ҳолатида жамланади. Сўнгра унга фаришта юборилади. Ва у парча гўштга руҳ (жон)ни пуфлайди. Сўнгра фариштани тўрт нарса: (ҳомиланинг) ризқи, ажали, амали ва бахтли ёки бадбахтлигини ёзишга буюрилади” (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)[4].

Маълумки, уруғлантириш жараёнида инсон эмбрионлари ҳосил бўлади. Ушбу эмбрионларнинг тақдирини ҳал қилиш, шунингдек ҳомиладорликнинг турли даврларида абортларнинг бўлиб туриши ва эмбрионлардан экспериментал тадқиқотларда ва терапевтик мақсадларда фойдаланиш имконияти билан боғлиқ ҳолда, инсон эмбрионининг онтологик, биоэтик муаммоси, яъни, эмбрионни ривожланишининг қайси пайтида унга ушбу тушунчадан келиб чиқадиган барча муносабат билан инсон деб ҳисоблаш мумкинлигини аниқлаш муаммоси келиб чиқади.

1990 йилга қадар Саудия Арабистонида аборт шартлари ҳомиланинг 40 кунликдан ўтмаганлиги ва дарҳақиқат она соғлиғига жиддий хавф

туғдириши 3 та мусулмон шифокори томонидан тасдиқланиши шарт эди. 1990 йилда Саудия Арабистони уламолари юқори Кенгаши ушбу 40 кунлик муддатни 120 кунлик муддат билан узайтириб фатво берди[5]. Шунингдек, 1998 йилда Алжир Олий ислом Кенгаши томонидан жинсий зўравонликка учраган аёлларнинг аборт қилиши мумкинлиги ҳақида ҳам фатво берган. 1998 йилда Мисрдаги ал-Азҳар шайхи М.Тантовий турмуш қурмаган аёлларнинг жинсий зўравонлик оқибатида вужудга келган ҳомилани аборт қилдириш учун фатво берди, аслида ўша даврда Мисрда аборт фақатгина она соғлиғи учун жиддий зиён бўлсагина рухсат берилар эди. 2004 йил М.Тантовий бу фатвони Қонунлаштириш учун ҳам ҳаракат қилади, лекин Қонун сифатида тасдиқланмайди. Ушбу қонун лойиҳасида М.Тантовий жинсий зўравонлик оқибатида вужудга келган ҳомилани, хаттоки, 120 кундан кейин ҳам олдириш мумкин, деган ғояни илгари суради. Бирок, бошқа ислом уламолари томонидан кўплаб қаршиликларга учрайди[6].

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ислом ва христианлик жамиятларида шахснинг шахсий ва ижтимоий ҳаёти, унинг саломатлик, касаллик, ҳаёт ва ўлимга бўлган муносабатлари диний таълимотдан келиб чиқади. Эътиқодчилар учун ўзларининг диний эътиқодлари саломатлик масаласида ҳам бирон бир қарор қабул қилишда кучли омил ҳисобланади. Ислом ва христианликнинг этика-ҳуқуқий анъанаси ҳам биотиббиёт кўяётган саволларга жавоб излашга асос бўлиб хизмат қилади. У клиник ва тадқиқот амалиётида қарор қабул қилиш жараёнига ҳам татбиқ қилинади. Исломнинг барча ҳуқуқий мактабларини бошқариш бўйича марказлаштирилган бир идоранинг йўқлиги сабабли, амал қиладиган диний амалиётни Шариат (фикҳ) соҳасидаги мутахассис (фақиҳ)лар белгилаб беради. Христианликда эса, диний манбалар ва черков диний масалаларда асос ҳисобланади.

#### **Адабиётлар:**

1. Л.Алиджанова. Ислом Дини Манбаларида Тиббиёт масаласининг Аҳамияти. 2020. ECLSS International online conference Economics and Social sciences. Б. 11-12
2. D. Al Hussein, «The Implications of Religious Beliefs on Medical and Patient Care», 14.11.2011, University of Pennsylvania, p. 17
3. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. - Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2018. - 624 б.
4. <http://islom.ziyouz.com/component/wrapper/>
5. M.Albar, «Induced abortion from an Islamic perspective: is it criminal or just elective?», DM, FRCP (London), 2001 Sep-Dec; 8(3): 25–35.
6. Mamadiyev, Baxrom Mr (2019) "A COMPARISON OF SOME OF THE FATWAS ISSUED BY THE MEDICAL AFFAIRS," The Light of Islam: Vol. 2019: Iss. 4, Article 12. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiaw/vol2019/iss4/12>

## О ЦЕННОСТЯХ В НАУЧНОЙ СРЕДЕ

*Туленова К.Ж.*

*Ташкентский государственный педагогический университет*

*Кудратуллаева С.Ш.*

*Ташкентский химико-технологический институт*

**Abstract.** The article examines the meaning of values and their classification in the formation of scientific activity, the change in the meaning and role of values in the structure of modern science.

**Key words:** value, value attitudes, classification of values, science, scientist, professional activity, responsibility.

Начиная от деятельности первых философов и их философских школ, вплоть до сегодняшнего многомиллионного международного научного сообщества, наука претерпела огромные изменения. Сегодня она представляет собой профессиональную деятельность, которой человек посвящает всю свою жизнь.

Достижения науки огромны. Открытия в психологии и социальной психологии направляются на манипулирование настроениями и поведением общественных групп. Психофармакология нацеливается на изготовление средств манипулирования психическими свойствами личности – желаниями, эмоциями, волей. Вынашиваются планы применения генетической инженерии для изменения наследственности человека.

Понятно, что в силу отмеченных обстоятельств с особенной остротой встает вопрос о соотношении (и взаимодействии) науки и ценностей, профессиональной деятельности ученого и его ценностных установок.

Среди ученых прошлого (и не только среди них) был широко распространен (если не господствовал) взгляд, согласно которому полная автономность научного познания по отношению ко всем внешним факторам не только возможна, но даже нужна. Роль ученого сводилась к тому, чтобы задумать и провести те или иные наблюдения либо эксперименты, зафиксировать полученные итоги и вывести из них все логически возможные следствия. Предполагалось, будто окончательный результат научного познания содержит в себе только то, что вытекает из изучаемых факторов, и зависит лишь от умений исследователя правильно осмысливать практический материал. Ученый здесь не может вносить ничего от себя. Больше того, он должен посредством определенных приемов устранить то вредное влияние на познавательный процесс, которое нередко связано с психофизиологической и общественной обусловленностью последнего. Таким образом, принималось, что наука как система истинных утверждений независима от всех внешних детерминаций, а ученый является ученым только тогда, когда он в состоянии сохранить полную автономию по отношению к этим детерминациям. Исследователю надлежит придерживаться

нейтральной аксиологической позиции. Ценность же самой науки состоит в том, что она ищет и находит истину, которая, в свою очередь, есть общее благо всего человечества.

С изложенной позицией было сопряжено убеждение в том, что ученому чужды какие-либо моральные конфликты, связанные со столкновением различных ценностных установок, с возможными отрицательными последствиями использования научных достижений и т. д. Это убеждение достаточно наглядно выражено у А. Пуанкаре в его известной книге «Ценность науки». Наука, по его мнению, и мораль имеют свои собственные области, которые хотя и соприкасаются, но не проникают в друг в друг, поэтому не могут столкнуться друг с другом. И он выводит не может быть не моральной науки, так как не может быть научной морали».

Такой взгляд неизбежно толкал к выводу, что ученый ответствен только за то, что и как он делает в своем кабинете или лаборатории, и то, что его миссия состоит лишь в занятиях чистой наукой, лишь в постижении истины. Сегодня вопрос судьбы сделанных исследователем открытий в том плане, как они будут использованы – во благо или во вред людям имеет неоднозначный ответ.

Давно ушел в прошлое «идеал» науки, изолированный от общества, его потребностей и этических норм; архаичным выглядит сегодня образ ученого-одиночки, связанного лишь нормами узкого «цеха», к которому он принадлежит [1]. Атомарность научной деятельности и спорадичность ее соприкосновения с обществом, его потребностями, внешняя независимость от них и в этом смысле свобода выбора проблем и направлений исследований, характерные для прошлых этапов развития науки, навсегда остались лишь радужным воспоминанием.

То, что основная тенденция развертывания событий именно такова, все более осознается учеными. Очень примечательно в этом плане высказывание выдающегося физика М. Борна о том, что в науке и ее этике произошли такие изменения, которые делают невозможным сохранение старого представления о науке. Представления о тождественности истины и добра.

Происходит изменения взглядов ученых на свою собственную деятельность. Сегодня они задумываются не только над методами достижения новых теорий и открытий, но и над наукой как социальном фактом, заново осмысливают роль науки в общественной жизни и перспективы, которые открывает ее непрерывное развитие.

Вопрос о соотношении науки и ценностей приобретает сегодня особую актуальность и остроту, он затрагивается почти во всех работах по истории, философии и социологии науки. Вместе с тем все более очевидными становятся его сложность, многогранность и многоаспектность. Отсюда – возникновение задачи разработки типологии взаимоотношений науки и ценностей.

Заслуживает внимания следующая идея классификации.



Во-первых, вопрос ценностей в науке. В его рамках находятся такие проблемы, как место ценностных суждений в содержании научных теорий, роль систем ценностей в познавательной деятельности ученого, проблема этоса науки, т.е. совокупности ценностей и вытекающих из них норм, на которые опирается функционирование науки как социального института [2].

Во-вторых, вопрос ценностей для науки, что означает систему ценностей, общественное признание которой вне науки является условием научного творчества. Иначе говоря, речь идет о влиянии функционирующих систем ценностей в обществе на развитие науки, на изменение ее внутренней структуры, а также на возможные изменения в ее этосе.

В-третьих, наконец, вопрос ценностей науки, т.е. проблема ценностно-творческих и ценностно-разрушающих функций науки в общественной жизни, стало быть, обратной зависимости, чем та, о которой мы упомянули в предыдущем пункте.

На каждом этапе своего исторического развития наука вырабатывает собственные ценности и нормы. Это, прежде всего методологические принципы, используемые для определения того, что является научным, а что – ненаучным методом исследования. До второй половины XIX в. ученые в массе своей были убеждены в том, что регуляторами их исследовательской деятельности являются в основном внутринаучные методологические нормы. Последние, в отличие от всех других общественных норм, считались объективными, так как следование им вело к достижению объективной истины. Абсолютизация внутринаучных ценностей способствовала возникновению взглядов сциентистского толка. Однако было бы неверно вообще игнорировать наличие таких ценностей. Научно-познавательная деятельность включает их в себя и, кроме того, может быть направлена на изучение самых различных ценностных установок, ориентаций и т.д.

Заметим также, что одни лишь методологические принципы нередко оказываются недостаточными для принятия конкретных решений в ходе научной деятельности. Такая ситуация наблюдается, например, при выборе определенной проблематики исследований из множества новых теоретических проблем, представляющихся с эвристических позиций равноценными. В подобных случаях решающую роль может сыграть ориентация ученого на общегуманистические ценности, на то, что является наиболее полезным для общественного процесса в данный исторический процесс, и т.д., Иными словами, главным стимулом научного поиска выступают в рассматриваемой ситуации как раз вненаучные ценности (скажем, предпочтение, отдаваемое ныне экологической проблематике, не в последнюю очередь, определяется ценностными аспектами дела охраны природной среды).

С учетом вненаучных ценностей связан и вопрос о моральной ответственности ученого, в частности при постановке или проведении экспериментов, которые могут быть опасными сами по себе или по своим последствиям. В ряде случаев подобные эксперименты, хотя они порой и

желательны с чисто методологической точки зрения, все же не осуществляются. Причиной здесь выступает нежелание вступить в конфликт с общепринятыми моральными ценностями, поскольку речь идет об угрозе серьезного ущерба для личности и общества (как, например, при некоторых экспериментальных разработках в области генетической инженерии, генетики человека, психофармакологии и т.п.).

Суммируя изложенное, можно выделить во всем многообразии взаимоотношений науки и ценностей пять основных видов таких взаимоотношений.

1. Ценности в науке, или внутринаучные ценности, выполняющие определенные регулирующие и ориентирующие функции. В плане науки как социального института это этос науки со всеми своими нормами. В научной деятельности это признанные методологические нормы и процедуры научного поиска, проведения экспериментов и т.д. И, наконец, в научном знании это оценки научного материала, входящие, так или иначе, в состав научных теорий.

2. Ценности для науки, или внешние по отношению к науке ценности. Их непосредственное влияние распространяется главным образом на институционально понимаемую науку и на научную деятельность. Такие ценности выступают в качестве внешних регуляторов научной деятельности, а также в роли факторов, изменяющих внутринаучные ценностные системы.

3. Ценность науки. Здесь подразумевается, во-первых, активность науки как одного из регуляторов в других областях человеческой деятельности и, во-вторых, влияние науки на изменения в общей системе ценностей. В первом случае роль регуляторов выполняют преимущественно научные знания и научно-познавательная деятельность, во втором – наибольшее значение имеют опять-таки научные знания и, кроме того, этос науки.

4. Ценность как объект научного изучения. Здесь ценности тоже оказываются внутренним элементом науки, но не в той мере и не в том смысле, как было представлено в п.1. Они не выполняют регулятивной функции, являясь лишь объектами научной деятельности и входя в научное знание только в качестве содержательных моментов научных концепций, отражающих природу ценностей и их взаимодействие с остальными социальными феноменами.

5. Наука как элемент ценностных систем. В этом случае научная деятельность, и особенно научное знание, выступают в качестве «ценности», признаваемой в той или иной либо в нескольких ценностных системах.

Таким образом профессиональная деятельность ученых моральная ответственность ученого ориентация ученого на общегуманистические ценности приобретает особую значимость и важность в условиях глобализации всех процессов.

## **Литература:**

1. Назаров К. Аксиология (Кадриятлар фалсафаси). Т.2011. С.6-18; Харрис С. Моральный ландшафт. Как наука может формировать ценности людей. М.2015. С.31-35;

2. Демина Н.В. Концепция этоса науки: Мертон и другие в поисках социальной геометрии норм // Социологический журнал, 2005. №4. С. 5-11.

3. Кичерова М.Н. Этос науки в информационном обществе // Интернет-журнал «Науковедение», 2013. №4. С.1-9.

## **БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА КАСБКОРЛИК АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИ ВА ШИФОКОР АХЛОҚИ**

*Норкулов Д.Т.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

*Бобоёрова Н.Д.*

*Олмазор тиббиёт коллежи*

**Аннотация.** Мақолада бозор иқтисодиёти шароитида касбкорлик ахлоқий маданияти, шунингдек шифокор ахлоқи масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** бозор иқтисодиёти, касбкорлик ахлоқи, касбкорлик ахлоқий маданияти, шифокорлик ахлоқи, маънавият, меҳнат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 19 январь куни маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустахкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси аждоқларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган кучли маънавият”[1] деб айтиб ўтдилар. Бу масалаларни ечимини топишда турли назариялар ва ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни каттадир. Жумладан ахлоқшунослик фанининг тузилишида касбий ахлоқ назарияси алоҳида ўрин тутди. Касбий ахлоқ назарияси қайси хунар ёки касб бўлишидан қатъий назар ҳар бир шах шулар билан шуғулланган вақтида амал қилиши лозим бўлган ахлоқ-одоб нормалари қоидаларини ўз ичига олади.

Ахлоқшуносликнинг бу таркибий тузилиши жуда мураккаб характерга эга. Ҳар бир касб эгаси амал қилиши керак бўлган умумий ахлоқ қоидалари ва нормалари, айни чоғда алоҳида олинган касб ёки хунар эгалари риоя қилишлари зарур бўлган ахлоқ нормалари ҳамда қоидалари мавжуддир. Касб ахлоқи назарияси ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мувофиқ тарзда ривожланиб боради. Касб ахлоқи нормалари ва қоидаларидаги ўзгаришлар жамият ижтимоий таркиби, ички ва халқаро меҳнат тақсимотидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлади. Ҳар бир мамлакатда доимо касб, кадр-қиммат кадрланган ва ҳурмат қилинган. Устани ҳар қандай касбда эъзозлайдилар.

Касб-хунар эгаларининг хурматини таъминлайдиган восита бу меҳнатдир. Меҳнат яна бутун моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамда ижтимоий тараққиётнинг асоси, шу билан бирга кишилар камолотининг муҳим воситасидир. Меҳнат ижтимоий фойдали бўлиши билангина аҳамиятли бўлиб қолмай, балки у кишининг шахсий ҳаёти учун ҳам алоҳида мавқега эга. Меҳнат инсоннинг ички дунёсини кўркам қилиб, маънавий фазилатларини шакллантиради, иродасини мустаҳкамлайди, мақсадларини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим[2]” деб уқтирди Олий Мажлисга Мурожаатномасида.

Меҳнат умуминсоний, миллий ва маънавий қадриятлар тараққиётининг асосидир. Инсон меҳнат фаолияти жараёнида ўз-ўзини қарор топтиради, қобилиятларини ўстиради, истеъдодларини такомиллаштиради. Меҳнатсиз у ўз инсоний моҳиятини йўқотади. Ёш авлодда юксак маънавий фазилатларни ўстириш ва камол топтириш учун мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш, унда меҳнат қилишга амалий, руҳий жиҳатдан мойилликни уйғотиш, касб-хунар ўргатиш талаб этилади. Бу ҳақда Баҳоуддин Нақшбанд айтганидек: “Агар киши хунарли бўлса, ўз билимини ҳақиқатга бағишлайди, ўз меҳнати билан кун кечиради, борди-ю касби бўлмаса, билимини кун кечиришга сарфлайди, ҳалол меҳнатни унитади.”

Бу ҳақда Фаробий шундай ёзади: “Фозил жамият ва фозил шаҳар (ёки мамлакат) шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўладилар... Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади” [3. – 39 б.].

Бу фикрни Беруний давом эттириб, “инсоннинг қадр-қиммати ўз вази-фасини аъло даражада бажаришдан иборат: шунинг учун инсоннинг энг асосий вази-фаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз ҳоҳишига меҳнат туфайли эришади”[4. – 51 б.], деб ёзган эди.

Ёш авлодни сабот-матонат билан фаолият кўрсатишга одатлантириш унда кўникма ва малакаларнинг ҳосил бўлишига кўмаклашади. Шундагина у меҳнат қилиш натижасида олган билимларини ҳаёт билан боғлаш имко-ниятига эга бўлади. Бундан ташқари меҳнат уларнинг табиатида жамият фойдаси учун фаолият кўрсатиш инсоний бурч эканлигини англаб етиш каби энг юкасак туйғуни уйғотади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида “Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, меҳнат турини ихтиёрий танлаш, адолатли, қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқига эга деб таъкидланган. Шундай экан бугунги кунда Ўзбекистон мустақиллигини

мустаҳкамлаш, ҳалқ фаровонлигини таъминлаш йўлида меҳнат қилаётган халқимиз, фермер деҳқонларимиз фидокорона меҳнати билан фахрланиш ҳисси, меҳнат ва интизомнинг ахлоқий мазмуни ортиб бормоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонда хусусий фирмалар ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган ишчиларнинг маҳсулот сифати учун жавобгарлик ҳисси ошиб бормоқда. Меҳнат жараёнида кишиларда касб-корлик маданияти қарор топади, меҳнат самарасидан эл-юрт манфаатдор бўлади. Умуман меҳнатсеварлик халқимиизнинг асосий хислатларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун “меҳнат – роҳатнинг пойдевори”, деб халқимиз бежиз айтишмаган. Жамият манфаати учун фидокорона ҳалол меҳнат қилиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун хулқ нормасига айланса, киши камолатининг асосий омилларидан бирига айланади ва ахлоқий бузилишдан сақлайди. У чинакам ижодга, шодлик манбаига айланади. Шундай қилиб, ижтимоий фойдали фаолиятнинг турли соҳаларида меҳнат фаоллиги қанчалик юксак бўлса, уларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Марказий Осиё халқлари, хусусан ўзбек халқи ҳам, касб-хунар ахлоқи бўйича юксак даражада ривожланган маданиятга эга бўлганлар ва бу маданият ҳали ҳам ривожланишда давом этмоқда.

Масалан, халқимиз орасида моҳир усталар, хунармандлар юқори даражада обрў-эътиборга эҳтиромга эга бўлган. Усталар хунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар нафақат минтақада, балки халқаро даражада ҳам гўзаллиги, чидамлилиги, бежиримлилиги билан ажралиб турган ва қадрланган. Бунга албатта хунармандларнинг юксак ахлоқий сифатларга эга бўлгани туфайли эришилган. Аҳоли хунармандларни ҳалоллиги, инсофлилиги учун қадрлаган. Халқ манфаатларига хиёнат қилган хунармандлар эл орасида ўз обрўсини йўқотган. Марказий Осиё халқларининг касб-хунарга бўлган ҳурмат-эҳтироми жуғрофий ҳудудларнинг номланиши, халқ ижодиётида ўзининг эркин ифодасини топган. Масалан: “Ишчилар шаҳарчаси”, “Ўқчи маҳалласи”, “Шифокорлар шаҳарчаси”, “Новвойлар маҳалласи” ва бошқалар. Ўзбек халқининг қатор мақолларида ҳам минтақамиз аҳолисининг касб-хунар ахлоқига муносабати ўз аксини топган. Масалан:

*Хунари йўқ ишининг,*

*Мазаси йўқ ишининг.*

*Хунар хунардан унар.*

*Йигит кишига қирқ хунар ҳам оз ва ҳақозалар.*

Мустақиллик Республикамизда халқимизга, ёшларимизга миллий, маҳаллий касб-хунарларини риовжлантириш имкониятларини яратди. Ўтиш даври одамлардан ишбилармонлик, тадбиркорлик, етти ўлчаб бир кесишни талаб қилмоқда. Халқимиз ҳозирги шароитда ўтказилаётган хунармандчилик, касб-кор соҳаларини тиклашга алоҳида эътибор бермоқда. Давлатимиз халқни бозор инфратузилмасига мос касблар менежмент, маркетинг ва бошқаларни эгаллашга даъват қилмоқда. Хуллас халқ қонун йўл кўйган тарзда тадбиркорлик билан шуғулланиши учун шароитлар

яратилган. Бугун масала ўша “Буюк ипак йўли” орқали аҳоли ишлаб чиқарган маҳсулотларининг шуҳратини қайта тиклаш, мавжуд бозорларининг жаҳон мезонлари талаблари даражасига кўтарилишидан иборатдир. Бозор иқтисодиётига ўтилиши, қишлоққа саноатни олиб кириш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар муносабати билан янги касблар шаклланимоқда. Бу албатта улар олдида қўйиладиган ахлоқий нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқишни талаб қилади. Бундай муаммоларнинг ҳал қилиниши эса ахлоқшунослик назарияси ва амалиётининг янада ривожланишига катта имкониятлар яратади.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида шифокор ахлоқи масаласи янада долзарблашди. Шифокор ахлоқи умуман касб ахлоқи, шунингдек ўзига хос нормалар ва қоидаларга бўйсунди. Шифокорлик касби шарафли, айни чоғда маъсулиятли ҳамдир. Чунки шифокорнинг фаолияти қандай ташкил қилиниши халқ, инсониятнинг саломатлиги қай даражада бўлишини белгилаб беради. Шифокорларимиз орасида эл-юрт олқишига сазовор бўлган, обрў-эътиборли кишилар кўпчиликини ташкил қилади. Мустақиллик тиббиёт соҳасини ривожлантиришда бевосита хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кенг имкониятлар яратди. Кейинги йилларда аҳолини дори-дармон билан таъминлаш тизимини эркинлаштириш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилди. Бу тиббиёт соҳасида бозор муносабатларини ривожлантиришга кўмаклашади. Дори-дармонларга, тиббий хизматга қўйиладиган баҳолар эркинлаштирилди. Бу бир томондан, тиббиёт ходимларининг фаровонлигини оширишга йўл очиб берган бўлса, иккинчи томондан, аҳолининг маълум қисми олдида тиббий хизматдан фойдаланишда қатор қийинчиликларни ҳам келтириб чиқармоқда. Биз тиббиёт соҳасида янгича иқтисодий муносабатларнинг шаклланишига ижобий муносабатдамиз. Лекин уларнинг фаолияти ҳаракатдаги қонунчилик талабларига мос бўлиши керак. Республикадаги тиббиёт тизими хизматларидан аҳолининг барча табақалари фойдалана олиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Албатта, тадбиркор, эл-юрт манфаатини ўз манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган моҳир шифокорларимиз кўп.

Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2017 йил 5 январь, 7 февраль, 12 декабрь кунлари соғлиқни сақлаш соҳасининг бир гуруҳ етакчи мутахассислари билан учрашди. 2 минг 500 нафар врач етишмаслиги, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва дори воситалари билан таъминлаш даражаси пастлиги таъкидланди. 340 номдаги дори воситалари ва тиббиёт буюмлари чегараланган нарх билан сотилишини ташкил этишга эътибор қаратиш ўқтирилди. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ 78 та туман тиббиёт бирлашмаларини, 7 та шаҳар, 2 та вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази қайта қурилди, тез тиббий ёрдам хизматини 1200 та махсус автотранспорт билан таъминланди [5. – 105 б.].

Ҳаракатлар стратегиясида тиббиёт соҳаси, хусусан, бирламчи тиббиёт муассасалари, қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар, патранаж хизмати, тез тиббий ёрдам тизими тубдан ислох этилиб, уларнинг

фаолиятини замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ишлар амалга оширилмоқда.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ҳаракатлар стратегиясида бир қатор қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган бўлиб, одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси шулар жумласидандир. Ушбу қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш орқали аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар доираси кенгайтирилади ҳамда одам аъзолари ва тўқималарини трансплантация қилиш тартиби белгиланади ва бу соҳадаги ишлар янада юқори даражага кўтарилади.

Соғлиқни сақлаш, таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга ҳар йили давлат бюджетининг 60% йўналтирилмоқда. Маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда таълим самарадорлиги, тараққиётнинг 16% - моддий техник базага, 20% - ахборот ресурсларига, 64% - инсон омилига боғлиқ экан [6. – 107 б.].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Ахлоқшунослик фани асосларини билиш талаба ёшларимиз ва тиббиёт ходимлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда “Соғлом авлод учун” дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар бошқа касб эгалари сингари тиббиёт ходимларини ҳам синовдан ўтказмоқда. Иқтисодий қийинчиликларни рукач қилиб, ўз касбий мажбуриятларига хиёнат қилаётган шифокорлар ҳам, афсуски учраб турибди. Эл-юрт орасида обрў топган шифокорлар ҳам талайгина. Ҳозирги вақтда бошқа соҳалар каби тиббиёт соҳасида ҳам хусусий тадбиркорлик билан қонуний асосда шуғилланиш учун имкониятлар яратилди. Бу ҳам шифокорлар учун катта имконият. Аҳолини кам таъминланган табақаларига ҳам пуллик тиббий хизматдан фойдаланишга шароит яратиб берилмоқда.

Шундай қилиб, Ахлоқшунослик фани муаммоларини ўрганиш мамлакатимизда ахлоқий жиҳатдан маданиятли, яхши фазилатли, ўз касбини моҳир устаси бўлган инсонларни, шифокорларни тарбиялашда ўзига хос аҳамиятга эгадир.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 19 январь 2021 йил маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича видеоселектор йиғилиши. // Халқ сўзи, 20 январь 2021 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Халқ сўзи, 30 декабр 2020 йил
3. Буюк сиймолар, алломалар. – Тошкент: “Абдулла Қодирий” номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – 39 б.
4. Ўша асар. - 51 б.
5. Норкулов С., Рахимов М. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияси. Ўқув қўлланма, - Тошкент: “Университет”, - 105 б.
6. Ўша асар. – 107 б.

## СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ БИОЭТИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ

*Атамуратова Ф.С.*

*Ташкентская медицинская академия*

*Султонова А.Р.*

*Ташкентский финансовый институт*

**Аннотация.** Данная статья посвящается деятельности Национального этического комитета при Министерстве Здравоохранения Узбекистана, вкладу философов в области гуманизации медицинского образования и биоэтики в Узбекистане.

**Ключевые слова:** этика, этические ценности, биоэтика, медицинские исследования, комитет, медицина, социально-гуманитарное образование в медицинских вузах.

Современное состояние мирового научно-технического прогресса в области биологии и медицины характеризуется возрастанием роли универсальных этических ценностей, направленных на защиту прав и уважения достоинства человека. Эти тенденции приобретают особое историческое звучание в ходе глубоких социально-политических преобразований, происшедших в последние десятилетия на постсоветском пространстве, что обусловило актуальность разработки и реализации национальной политики новых независимых государств постсоветского пространства в области этики и биоэтики путем выдвижения инициатив и укрепления деятельности в области законотворчества, образования, создания систем этической экспертизы и международного сотрудничества.

С обретением независимости и выходом на международный уровень развития науки и образования в Республике возникла необходимость организации Национального этического комитета, что было связано с необходимостью гуманизации общества, которая связана со становлением новых, более эффективных форм организации социальных отношений, в фокусе которых человек как мера всех вещей и ценностей мира.

С целью совершенствования биоэтических экспертиз при проведении научных исследований, в которых объектом исследования является человек, приказом (№370 от 10.07.2000 г.) Министра Здравоохранения Республики был создан Национальный комитет по этике (НЭК), председателем которого стала академик, Герой Узбекистана Малика Самадовна Абдуллаходжаева. Данный комитет является одним из первых, кто начал свою работу в Центральной Азии.

НЭК функционирует на общественных началах и является независимым органом, предназначенным для защиты прав, здоровья и гарантии безопасности пациентов при проведении медицинских исследований. В своей работе Комитет руководствуется Конституцией Республики Узбекистан, Законами Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан» (1996г.), «О лекарственных средствах и



фармацевтической деятельности» (1997 г.), принципами Хельсинской Декларации (2000 г.), КИ GCP (Good Clinical Practice), а также действующим законодательством Республики Узбекистан. В 2000 г. Национальный комитет по этике вошел в состав Форума этических комитетов стран СНГ и европейских стран.

Задачами комитета являются: рассмотрение вопроса проведения биомедицинских клинических исследований лекарственных препаратов, а также контроль за получением информированного согласия пациентов, участвующих в проводимом медицинском исследовании, соблюдением этических аспектов исследования, ходом медицинских исследований с целью выяснения степени риска, которому подвергаются участники исследования. Особо было отмечено, что в перспективе важной задачей НЭК является организация обучения специалистов базовым основам биоэтики: преподавателей ВУЗов, организаторов здравоохранения, членов региональных и локальных этических комитетов.

В состав комитета вошли специалисты-медики, философы, представители духовенства и общественных организаций. Члены НЭК принимают активное участие в международных конференциях, где обмениваются опытом и информацией с зарубежными специалистами, принимают участие в работе постоянно действующего семинара по актуальным вопросам этики биомедицинских исследователей, который каждый год проходит в одной из стран СНГ.

При становлении НЭК Узбекистана, его члены были участниками первого совместного семинара для членов по этике государств-участников СНГ ФКЭ, который состоялся 19-21 марта 2001 г. в Санкт-Петербурге (Россия); 9 международных семинаров и конференций, например, международной конференции государств – участников СНГ на тему «Качественная этическая практика биомедицинских исследований» (Алматы, 26-28 сентября 2002 г.); с 29 сентября по 2 октября в Киеве (Украина) проводился Второй Национальный Конгресс по биоэтике; в Баку состоялась международная конференция по теме «Защита прав человека и доступность лекарств при проведении биомедицинских исследований в государствах – участниках СНГ». Также члены комитета участвовали на тренингах по этике, которые проводились в рамках проекта «Стратегической инициативы развития возможностей этической экспертизы». В рамках этого проекта был проведен тренинг «Стандартные операционные процедуры комитетов по этике» в Ташкенте (2006 г.).

НЭК Узбекистана провел тренинги для членов этических комитетов стран Центрально-азиатского региона: в 2003 г. в Ташкенте был проведен тренинг «Принципы этики научных исследований», в 2005 г. «Принципы проведения этической экспертизы и получение информированного согласия»; в 2006 г. «Защита прав участников исследований» и «Стандартные операционные процедуры».

Члены НЭК Республики Узбекистан участвовали в подготовке модельного закона стран СНГ, принятого на Межпарламентской Ассамблее

стран СНГ «О защите прав и достоинств человека в биомедицинских исследованиях»; в переводе и распространении его в регионе по рекомендации ВОЗ для комитетов по этике (2000-2002 гг.) на государственном языке.

Отражением активной деятельности НЭК явилось проведение в 2005 г. I Национального конгресса с международным участием; выпуском в 2006 г. сборника материалов конференции «Биоэтика в Узбекистане: клинические, философские и правовые аспекты»; проведение в ноябре 2006 г. научной конференции «Этические аспекты новых биотехнологий в биологии и медицине».

На I Национальном конгрессе были обсуждены 4 направления в биоэтике: этические проблемы науки; правовые аспекты биоэтики; биоэтика и образование; биоэтика и окружающая среда. Особое внимание было уделено современным этическим аспектам новых биотехнологий, взаимоотношению врача и пациента в различных областях здравоохранения: в педиатрии, неонатологии, хирургии, в экстренной медицине, нейрохирургии, неврологии, психиатрии, а также образованию в области биоэтики.

На I Национальном конгрессе по Биоэтике была принята резолюция, которая должна содействовать развитию биоэтики в Узбекистане. В основу данной резолюции вошли, связанные с Авестой принцип «не нанесения вреда всему живому» (Ахимса) в контексте биоцентризма и концепции выживания человечества.

Сегодня Национальный комитет по этике Узбекистана расширил сферу деятельности и влияния его при решении этических вопросов современной генетики и репродуктивных технологий (проблемы суррогатного материнства, искусственного оплодотворения, прерывания беременности (аборт), регулирование геномных исследований, клонирования человека). Два члена НЭК Узбекистана были избраны почетными членами Иранской ассоциации биоэтиков (академик М.С.Абдуллаходжаева, профессор З.М.Мухамедова).

Как было сказано выше, согласно одной из задач НЭК является содействие образованию врачей и студентов в области защиты прав и достоинств человека с учётом применения современных научных достижений в биологии и медицине. В связи с этим в практику додипломного и постдипломного образования Республики Узбекистан было введено систематическое преподавание биоэтики в университетах (юридическом, философском, биологическом факультетах) и в медицинских ВУЗах Узбекистана.

В развитии биоэтического образования в Узбекистане внесли свой вклад узбекские философы, в частности д.ф.н., профессор З.М.Мухамедова и д.ф.н. Ф.Б.Загыртдинова. Профессор З.М.Мухамедова и д.ф.н. Ф.Б.Загыртдинова были членами НЭК, участвовали в организации и проведении конференций, семинаров, тренингов в Узбекистане и в международных конференциях, семинарах за рубежом. Первые докторские диссертации в области биоэтики и гуманизации медицинского образования

стали диссертации Ф.Б.Загыртдиновой «Философско-этический анализ проблем современной биомедицины (на примере Республики Узбекистан)» (Ташкент, 2006) и Мухамедовой З.М. «Философско-методологические основания гуманизации образования в Республике Узбекистан» (Ташкент, 2007).

В 2013 году был организован комитет биоэтики при Ассоциации врачей Узбекистана, председателем был профессор Асадов Дамин Абдурахимович, заведующий кафедрой Общественного здравоохранения в институте повышения квалификации врачей, заместителем – Замира Мухамеджановна Мухамедова. Сегодня З.М.Мухамедова возглавляет Юнит группу международной сети кафедр «Биоэтики» Юнеско (Хайфа) международного факультета образования ТГСИ. З.М. Мухамедовой в 2003 была издана первая типовая программа по философским проблемам медицины и биологии на русском и узбекском языках; в 2004 году пособие по биоэтике для студентов медицинских ВУЗов «Введение в биоэтику», в 2006 году «Биоэтика» (особое внимание было обращено на религиозные аспекты биоэтических проблем), в 2009 году издано пособие в ТашИУВ, учебник «Биоэтика» и учебное пособие «Биоэтика» ( на узбекском языке) в 2020 году для медицинских вузов Узбекистана. Под ее руководством в Национальном Университете Узбекистана имени Мирза Улугбека были защищены первые магистерские диссертации по различным проблемам биоэтики. По инициативе З.М.Мухамедовой с 2015 года курс Биоэтики был включен для студентов стоматологических направлений обучения. Активное участие было предпринято ею в создании типовой программы по курсу биоэтики в 2020 году для медицинских вузов Узбекистана.

Образовательный аспект проблем биоэтики актуален не только на додипломном и постдипломном этапах подготовки врачей в медицинских ВУЗах, базовые проблемы биоэтики являются актуальной основой биоэтической культуры социума. Проблемы отношения врача и пациента охватывают права человека на здоровье и на получение качественных медицинских услуг, исходя из чего, считаем целесообразным участие НЭЖ в разработке и принятии законов в Законодательной Палате Олий Мажлиса, касающихся биоэтических проблем. Принятие Закона о Биоэтике было бы логическим ответом на вызовы времени, разработка которого должна ориентироваться на мировой опыт на основе норм и принципов международного права, с учетом конфессионального плюрализма и особенностей менталитета народа.

## **БИОЭТИКА ДОИРАСИДАГИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АХЛОҚИЙ ЖИХАТЛАРИ**

*Мамажоновна Г.К.*

*Наманган муҳандислик-қурилиш институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада биоэтика доирасидаги илмий тадқиқотларнинг маънавий-ахлоқий асослари ҳақида фикр юритилиган. Фан-техника тараққиёти ва ривожланиши натижасида юзага келаётган ахлоқий муаммолар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** Ахлоқ, биоэтика, тиббиёт, биотиббиёт, биотехнологиялар, ахлоқий тарбия.

Бугунги кунда илм-фан, техника ва технология ривожи тиббиёт соҳасидаги туб ўзгаришларни содир этмоқда. Тиббиёт соҳасидаги тадқиқотларни янги йўналишларига асос солинмоқда. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида бошланган илмий инқилоб фундаментал тиббиёт-биология фанларининг методологияси ва истиқболли технологияларини ривожланишига замин яратмоқда десак янглишмаган бўламиз. Сабаби тиббиёт соҳасидаги кўплаб янги технологиялар жамият ҳаётига самарали тадбиқ этилмоқда. Бироқ, бугунги кунда тиббиётнинг амалий соҳалари илмий экспериментлар ҳамда янги дори препаратлари ва тиббий технологияларни инсонда синаб кўриш ва бошқа шу каби ижтимоий-ахлоқий муаммолар кўлами ҳам ошиб бормоқда. Чунки амалий тиббиёт инсон организмнинг энг чуқур тузилмаларига, инсоннинг насл қолдириш жараёнларига, унинг руҳиятига, ирсиятига, самарали таъсир кўрсатиш йўллари изламоқда.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда аксарият олимлар томонидан тиббиёт соҳасида инсонга кўрсатилаётган таъсирларнинг аксарияти агрессив хусусият касб этаётганлигини муҳим ахлоқий муаммо сифатида кўтармоқдалар. Биотиббиёт фани ва биотехнологияларнинг жадал ривожланиши анча мураккаб бўлган ахлоқий масалаларни кун тартибига қўймоқда. Тиббиёт технологик жиҳатдан мукаммаллашиш билан бирга, шифокорларни ҳам касб этикаси билан боғлиқ муаммолари илмий жамоатчилик томонидан қизгин муҳокама қилинмоқда. Бугунги амалий тиббиёт «Гиппократ қасамёди»ни тўла бекор қилмаса-да, унинг асосий ахлоқий қоидаларини тубдан ўзгартирмоқда. Тиббиётнинг анъанавий ахлоқий қадриятлари бўлган меҳр-шафқат, пациентга зиён етказмаслик, хайрия ва бошқалар баъзи ҳолатларда соҳа вакиллари эътиборидан четда қолаётганлиги бу борадаги муаммоларни ҳал этиш заруратини туғдирмоқда [1].

Ҳозирги замон клиник амалиётида ахлоқий муаммолар тобора мураккаб мазмун-моҳият касб этмоқда. Бугунги кунда биоэтика амалий этика соҳаси сифатида янги тиббий технологияларни амалга жорий этиш соҳасида эришилган ютуқлар, инсон геномининг ўқилиши, ирсий даволаш, клонлаш, ирсий модификацияланган организмларнинг тарқалиши ва улардан озик-овқат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланиш каби муаммоларни ўрганишда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Биоэтикада мазкур масалалар нафақат маҳсулотларнинг захарлилиги ёки безарарлиги нуқтаи назаридан, балки инсоннинг ахлоқий, диний ва маданий қадриятлари

нуқтаи-назардан баҳоланади. А.С.Маркарян фикрича, биоэтика мураккаб ва бугунги кунда ягона ечими бўлмаган муаммоларга мурожаат қилиб, инсон, табиат ва жамият ҳақида янги шаклланаётган интеграл билим соҳаси ҳисобланади. Айнан шунинг учун унинг асослари, тузулмаси, амал қилиш методлари ва услубларини нафақат замонавий фан доирасида, балки амалиётда ҳам қўллаш жуда муҳим.

**Калит сўзлар:** табу, така, қора кийик, қашқир, қорачкулон, жондор, газанда, Қуръони Карим, Ҳадис, Кўк Тангри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар.

Ҳайвонларга нисбатан муносабат масалалари дунё олимлари томонидан муҳим илмий муаммолардан бири сифатида ўрганиб келинган. Улар масалани турли жиҳатларини тадқиқ этиш орқали илмий хулосалар беришга ҳаракат қилганлар. АҚШ эволюционист олимлари томонидан ҳайвонларнинг эъзоланиши ибтидоий диний қарашлар таъсири туфайли шаклланганлигини илгари сурганлар. Ушбу илмий хулосаларни илгари сурган олимлар қаторига Д.Фрейзер [1], Э.Тейлор [2], Р.Лоуи [3] каби эволюционистларни киритиш мумкин. Бироқ, XX аср бошиларида француз социологик мактаби асосчиси Эмил Дюркгейм “Диний ҳаётнинг элементар кўринишлари” асарида ҳайвонлар билан боғлиқ ишонч тизими асосан онг билан боғлиқ тушунча сифатида баҳолайди [4].

Инглиз функционализм назарияси асосчиси Бронислав Малиновский ҳисобланади. У ўзининг Янги Гвинядаги тадқиқотлари натижасида ёзилган “Ғарбий Тинч океани оргонавтлари” асарида ҳайвонларга нисбатан эътиқодий қараш тотемизм бир қисмини ташкил этишини тасдиқлади [5].

Кейинчалик аввалги этнология мактабларидан фарқли ўлароқ инсон атроф-муҳит тўғрисидаги тасаввурлари тушунчасига асосланган замонавий анималистик қараш тарафдорлари шаклланди. Улар табиатга нисбатан мавжуд муносабат нормаларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этдилар. Уларнинг фикрича инсоннинг ҳайвонот оламига муносабати қадимдан анимализм тушунчалари асосида шаклланган [6]. Ҳайвон билан боғлиқ тасаввурлар антропозооморфизм тушунчаларига қоришиб кетган. Унга кўра табиатдаги жониворлардан, уй ҳайвонлари ўзини тутишидан инсонга хос бўлган хулқ-атвор аломатларига қиёсланади [7].

Сўнги йиллардаги янги тадқиқотлар бевосита инсон онги ва тасаввурлари биоахлоқий тушунчаларнинг манбаси сифатида тадқиқ этилмоқда. Шунингдек, табиатни асраш ва ундан мақсадли фойдаланиш алоҳида йўналиш сифатида ажралиб чиқмоқда.

Дунё халқлари каби ўзбеклар қадимдан табиатнинг инсон ҳаёти учун аҳамияти, ўрнини яхши тушунган ва уни асраб-авайлашга ҳаракат қилган. Шунинг учун халқ биоэтик маданиятида табиат билан боғлиқ дунёқараш ўзига хос равишда шаклланган. Ушбу қарашларни диний-мифологик тасаввурларда, халқ оғзаки ижоди наъмуналарида, урф-одатларда сақланиб қолганлигини кузатишимиз мумкин.

Халқ биоахлоқий маданиятида ҳайвонларга нисбатан шаклланган дунёқараш алоҳида аҳамиятга эга. Ҳусусан, ҳайвонларни парваришлаш, уларнинг табиат занжиридаги ўрнини англаган ҳолда муносабат ўрнатиш нафақат табиатни кузатиш асосида йиғилган билимларнинг амалий маҳсули, балки, анъанавий дунёқараш даражасига кўтарилган тушунчалардир.



Табиатни асраб-авайлаш зарурияти диний-мифологик тасаввурларнинг ишонч тизимига кўчиши натижасида ҳайвонлар билан боғлиқ таъқиқлар, маросимлар вужудга келди.

Бундай таъқиқларнинг дастлабки кўриниши ҳайвонларнинг номига нисбатан қўлланадиган табулардир. Масалан, кийикни “така” [8], тўнғизни “қора кийик”, бўрини “қашқир”, Самарқанд аҳолиси орасида “жондор” ёки “қорачкулон” [9], чаён “газанда” [10] каби номлар билан атаганлар. Шу орқали айрим жониворлар билан боғлиқ диний-мифологик тасаввурлар халқ дунёқарашидан мустаҳкам ўрин эгаллаган. Чунки айрим ҳайвонларга оид мифологик тасаввурларга кўра номи (чаён) тилга олинган жонивор инсонга зарар етказди.

Иккинчи гуруҳ тақиқлари эса маълум ҳайвон (тўнғиз, кийик)нинг гўштини истеъмол қилинишида чекловлар туфайли номи ўзгартириб айтилади ва шундан сўнгина уни танавул қилиш мумкин бўлади. Бундан ташқари истеъмолдаги тақиқ ҳайвоннинг маълум бир қисми (қорамол тили, суяги, қўй тўши)га нисбатан шаклланган бўлиши мумкин.

Учинчи гуруҳ табулари жониворларни парваришлашда қўйилган тақиқлар бўлиб, унга кўра ҳайвонларга озор бериш, ҳеч қандай сабабсиз ўлдириш мумкин бўлмаган ва бундай ишга қўл урганлар жазоланиши билан боғлиқ қарашлар ҳозирги кунда ҳам сақланиб келмоқда. Масалан, ўлдирилган илон жуфти қасос олади, кўнгилхушлик учун азобланган ёки ўлдирилган жонивор сабабли инсон ҳаётида ноҳушлик содир бўлиши мумкин каби ишонч кўринишлари мавжуд.

Ўзбек халқи дунёқарашидаги жониворларга нисбатан муносабат нормалари асосларидан бири ислом дини ҳисобланади. Ҳусусан, ҳайвонот оламининг Аллоҳ томонидан яратилганлиги (Наҳл 8) [11], одамга бўйсундирилганлиги (Зухруф 12, 13) [12], инсонлар катори улар ҳам яратувчисига сажда қилиши (Ҳаж 18) [13] Қуръони Каримда келтириб ўтилган. Бундан ташқари Пайғамбаримиз с.а.в. дан бизгача етиб келган ҳадисларда ҳайвонларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги келтириб ўтилган. Бундан ташқари ҳадислар орқали етиб келган жониворларга муносабат нормалари аҳоли орасида кенг тарқалган. Улар бугунги кундаги ҳайвонлар билан боғлиқ тасаввурларнинг асосини ташкил этади. Шунга қарамай исломгача бўлган диний-мифологик тасаввурлар қоришиқ тарзда биоахлоқий маданиятда сақланиб келмоқда. Бу билимлар халқ дунёқараши ва тасаввурларида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Уларда ҳайвонларнинг ўзига хос хусусиятлари, хулқ-атвори билан боғлиқ ишонч кўринишлари гавдаланади.

Ушбу тасаввурларга кўра ҳайвон инсон учун қариндош, ҳимоячи, ҳамроҳ, ҳомий, худо ва одам ўртасидаги воситачи сифатида гавдаланади. Натижада, халқ кўшиқлари, мақолларида уларнинг сиймоси катта аҳамиятга эга. Айрим ҳайвонлар билан боғлиқ қарашлар эса аҳоли орасида асрлар давомида мавжуд бўлган бўлсада, ислом дини кириб келиши билан трансформацияга учраган. Бундай хусусият асосан уй ҳайвонларига оид

дунёқарашга ўз таъсирини ўтказган. Шундай уй ҳайвонларидан бири ит ҳисобланади.

Ит қадимдан туркий халқлар орасида эъзозланиб келинишига сабаб у бўрига қиёсланган. Бўри Кўк Тангрининг муқаддас жонивори ҳисобланиб, байроқларда ҳам тасвири туширилган [14,15]. Қадимги турк асотирларида бўри, рангига кўра, Кўк бўри, Оқ бўри, Қизил Бўри деб аталган. У турк асотирларида Бўри, Бўрта, Бўржу, Оссано, Сино, Жино, Жина, Жину, Яшқар, Қашқир, қурт номлари билан юритилади [16]. Унинг аналогларини бошқа маданиятларда ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Скандинавия халқлари мифологиясида Фенрир сифатида гавдаланади [17].

Қушлар орасидаги инсонлар ҳамроҳи қалдирғоч бўлиб, у “қирқ йиллик кадрдон” деб аталади [18]. Аҳолини ҳимоя қилувчи қушлардан яна бири лайлак ҳисобланади. Қарашларга кўра лайлак илонларни овлаб одамларни улардан ҳимоя қилади. Халқ қарашларига кўра илон кўринишига жинлар кириб олган бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам лайлак алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Уй кўриқчиси, асровчиси сифатида илонлар тасаввур қилинади ва эъзозланиб келади. Фарғона водийси тоғолди ва текислик қисмида уларга нисбатан қараш икки хил шаклланган. Бу ҳусусият илонларнинг рангига қараб шаклланган. Унга кўра “қора илон”га нисбатан уй кўриқчиси сифатида қаралади. Илон қадимдан кўплаб халқларда кўриқчи сифатида тасаввур қилинган. Масалан, қадимги Мисрда илон фиръавн тахти ҳимоячиси ҳамда давлатчилик рамзи сифатида улуғланган [19].

Илонга хос бўлган салбий характерни эса асосан, диний тасаввурлар билан боғлиқ тушунчалар ҳамда маросимларда учратиш мумкин. Хусусан дафн маросими ва қабристон билан боғлиқ қарашларда илонга нисбатан ўзига хос ишонч шаклланган. Илон “қабристон кўриқчиси, эгаси” ёки “қабр илонлари” бўлиши мумкин деб тасаввур қилинади. Андижон вилояти Булоқбоши тумани аҳолиси қарашларида “қабристон илони” тушунчаси алоҳида аҳамият касб этиб келган. Қабристоннинг пойлоқчиси ва эгаси сифатида “сарик илонлар” мавжуд бўлиб, одамлар уларни яна “қабр илони” дея номлаганлар. Азалдан исломий тасаввурларга кўра илонни гуноҳ ишлар қилган инсонларнинг қабрига кириши тўғрисидаги ишонч устун ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, биоахлоқий маданият фақатгина жониворлардан тиббиётда фойданиш эмас, балки, ҳайвонот олами билан боғлиқ дунёқрашнинг муҳсулидир. Ушбу анъанавий қарашлар асосида ҳайвонлар билан боғлиқ ахлоқий нормалар қарор топган ва ривожланиб бормоқда.

Демак, ўзбек халқи биоахлоқий маданияти қадимий тарихий илдизларга эга бўлиб, аҳоли турмуш тарзи, маросимлари, диний-ахлоқий қарашлари ва ишонч тизимида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун диний қарашларда ҳайвонларга нисбатан илиқ муносабатда бўлиш, диний қонун-қоидаларга амал қилган ҳолда уларни парваришлашга ҳаракат қилинган. Халқ биоахлоқий маданиятининг шаклланишида ва ривожланишида ушбу

тасаввурлар аҳамияти катта бўлиб, бугунги замонавий маданий жараёнлар таъсирида кундан-кунга ўзгармоқда.

**Адабиётлар:**

1. Frazer G.J. Totemism. E., Adam & Charles Black: 1887. 7 p.
2. Edward B. Tylor. Remarks on Totemism, with Especial Reference to Some Modern Theories Respecting it. // Journal of the Anthropological Institute of Great Britain and Ireland, – Volume 28, Issue ½ (1899), – P 138.
3. Robert H. Lowie. Primitive religion. London: George Routledge and Sons Ltd, 1936. 113 p.
4. Emile Durkheim. The Elementary Forms of the Religious Life. New York: The Free Press, 1965. – P. 337-338.
5. Bronislaw Malinowski. Argonauts of The Western Pacific. London: George Routledge & Sons, Ltd. 1932.
6. Tim Ingold. What is an animal? London and New York: Routledge, 2003. – P. 1-2.
7. Philippe Descola. Beyond nature and culture. Chicago and London: University of Chicago Press. 2013. 3 p.
8. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани 2018 йил.
9. Потапов Л.П. Волк в старинных народных поверьях и приметах узбеков / Краткие сообщения (института этнографии имени Миклухо-Маклая), Издательство Академии Наук СССР. Москва: 1958. – С. 142.
10. Дала ёзувлари. Фарғона вилояти Бешариқ тумани 2017 йил.
11. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимчалар киритилган иккинчи нашр. 3 жуз. Тошкент: Шарқ, 2008. 319 б.
12. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимчалар киритилган иккинчи нашр. 5 жуз. Тошкент: Шарқ, 2008. 371 б.
13. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. Тузатилган ва қўшимчалар киритилган иккинчи нашр. 4 жуз. Тошкент: Шарқ, 2008. 16 б.
14. Рысбаева Г.К. Вераования и обычаи, связанные с тотемом животных. // НАУКА И НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ. – № 7, – 2012. – С. 267.
15. Гумилев Л.Н. Қадимги турклар. Тошкент: Фан, 2007. 28 б.
16. Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқод ва маросимлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. 15 б.
17. Hilda Ellis Davidson. The Lost Beliefs of Northern Europe. Routledge. Taylor & Francis e-Library, 2003. 74 p.
18. Дала ёзувлари. Андижон вилояти Булоқбоши тумани. 2018 йил.
19. Patricia D. Netzley. The Greenhaven Encyclopedia of Ancient Egypt. San Diego, Detroit, New York, San Francisco, Cleveland: New Haven, Conn. Waterville, Maine, London, Munich: Greenhaven Press. 2003. – P. 297-298.

## АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ БИОЭТИКИ И НРАВСТВЕННОГО ВОСПИТАНИЯ

*Хашимова М.К.*

*Ташкентская медицинская академия*

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы биоэтики и нравственного воспитания будущих врачей, анализируются вопросы соблюдения принципов биоэтики и нравственности в условиях пандемии и подходы изучения концепции нравственного воспитания исходя из специфики медицинского образования на основе интеграций знаний таких наук как физиология, биология, медицинская психология и биоэтика.

**Ключевые слова:** биоэтика, принципы биоэтики, пандемия, нравственность, процесс нравственного воспитания, эстрогенные элементы, экстрогенные элементы.

Биоэтика – учение о нравственной стороне деятельности человека в медицине и биологии.

В настоящее время медицинская биоэтика существует в четырёх моделях:

1. Модель Гиппократата. Основной принцип- «не навреди». Истоки врачебной этики содержатся в «Клятве Гиппократата», которая актуально в условиях пандемии.

2. Модель Парацельса. Основной принцип- «Делай добро». Весь лечебный процесс строится на построении положительного эмоционального контакта с пациентом.

3. Деонтологическая модель. Врачебная этика. Основной принцип- «нравственная безупречность и соблюдение долга». Базируется на строжайшем исполнении установленного медицинским сообществом и собственным разумом врача «кодекса чести».

4. Современная модель биоэтики. Основной принцип- «уважение прав и достоинств человека». Все меры направлены на сохранение и поддержание жизни пациента.

Понятно, что, эти принципы должны быть основой любой врачебной деятельности. А также нужно отметить, что, соблюдения вышеизложенных принципов в первую очередь требуют формирования нравственной культуры у будущих медицинских работников. Так как в условиях пандемии или экстремальных ситуациях мы можем полагаться только на нравственную воспитанность медицинских работников. Исходя из этого выходить на первый план такая задача как - повысить эффективность нравственного воспитания и формировать высокую нравственную культуру у будущих врачей.

Нравственное воспитание – это систематическое воспитательное воздействие на человеческую личность, направленное на формирование у

человека общественно одобренных нравственных качеств. К ним относятся ответственность, доброта, честь, достоинство, гуманность, высокая культура поведения, понимание и стремление к сохранению общечеловеческих ценностей, выработка нравственных убеждений и привычек, высокая культура межнациональных отношений, патриотизм, устойчивость научного мировоззрения и т. д. Создание стойкой системы моральных убеждений, благодаря которой человек может самостоятельно понимать границу между нравственным и безнравственным, определяется единством и гармонией нравственного сознания, выраженные в устойчивых нравственных привычках. Эта система убеждений сообщает нам о моральной зрелости человека. Это немаловажный признак соответствия между процессом воспитания и развитием нравственности в воспитуемом [1].

В настоящее время педагогическая наука вопросы нравственности рассматривает как социальную потребность. И это концепция служит основой при организации нравственного воспитания. В ходе процесса нравственного воспитания основное внимание уделяется внешним элементам воспитания, т.е. воспитанию нравственного поведения и культуре общения. Однако, на воспитание нравственного сознания, на формирование нравственных чувств и нравственных убеждений подходим поверхностно. Нравственное воспитание, которое не подкреплено осознанностью и чувствами не может быть полноценным и не отвечает современным требованиям. Мы в процессе нравственного воспитания используем следующие методы: приучение, объяснение, личный пример, обучение, поощрение, наказание. Эти воспитательные методы эффективны в воспитании культуры общения, нравственного поведения с участием педагога-воспитателя. Но, вышеуказанные методы недостаточно эффективны для формирования нравственного сознания, нравственных чувств как честь, совесть, долг особенно в высших учебных заведениях.

Воспитание нравственного сознания основывается в первую очередь на мышление личности, но мы в процессе нравственного воспитания почти не пользуемся методом научного анализа. А также не изучаем такой вопрос как специфика деятельности и нравственность в мышлении. Между тем нужно подчеркнуть, что воспитание нравственного сознания должно базироваться на нравственном мышлении. Нравственное мышление – это мышление в рамках нравственности. Мы не задумываемся и не размышляем о том, что не соблюдение норм нравственности может влиться, в конечном счёте, в отрицательные физиологические, психологические изменения в организме человека. К вопросам нравственности мы относимся, лишь как социальное требование и изучаем этот вопрос в узком ракурсе. А это приводит к одностороннему и узкому подходу в нравственном воспитании. В результате теряется возможность достижения заведомо запланированных целей в процессе нравственного воспитания. Не достаточно формируется нравственные чувства, убеждения и принципы, которые считаются основой нравственной воспитанности личности. Только интеграция разрозненно развивающихся наук, может предоставить возможность решений возникших

глобальных проблем [2]. Потому, что интеграция расширяет круг исследований и даёт возможность комплексному подходу. Исходя из этих логичных рассуждений, целесообразно организовать научно-исследовательские работы путём интеграции наук. Синтезирование и создание единых выводов научных открытий родственных наук является источниками решений новых проблем или возникновения новых направлений. Исходя, из этих соображений мы в своих научных исследованиях при решении задач нравственного воспитания обратились к интеграции наук и к сбору информации синтезу и разработке единых заключений, которые констатируются в области биологии, биофизики, биоэнергетике.

Под интеграцией в педагогическом процессе исследователи понимают одну из сторон процесса развития, связанную с объединением в целое ранее разрозненных частей. Интеграция в педагогике – основной путь для решения проблем успешной реализации выпускников в окружающем мире. Интеграция есть объединение нескольких идей, точек зрения, сфер деятельности и т.д. в одно целое. Этот процесс может проходить как в рамках уже сложившейся системы, так в рамках новой системы. Сущность процесса интеграции – качественные преобразования внутри каждого элемента, входящего в систему. В настоящее время проблема интеграции содержания образования является актуальной и одной из наиболее перспективных. Сегодня, мы должны особое внимание уделить к углублению процессов нравственного воспитания, обогащению содержания, развитию нравственно-духовного сознания и нравственных чувств, формированию новых подходов к нравственному воспитанию на основе интеграции знаний, относящихся к нравственным вопросам. Именно такой подход к решению вопросов нравственного воспитания считается целесообразным, он даёт возможность обогатить содержание нравственного воспитания, понять необходимость и значимость нравственного воспитания, осознать, что нравственность в настоящее время выходит на арену не только как социальная, но и как личная потребность в процессе выживания общества и каждого человека отдельно взятого. Такой целостный подход повысит эффективность нравственного воспитания и послужит мотивом к самостоятельной работе воспитанников над собой.

Изучение нравственных канонов исходя из физиологии, биологии и биоэнергетики откроет новые возможности в процессе нравственного воспитания, расширит круг мировоззрения, обогатит содержание нравственного воспитания и повысит эффективность данного процесса. Имея, введу специфичность медицинского образования мы изучали вопросы нравственности под углом биологических и физиологических законов. Изучали как влияют на здоровье человека нравственные чувства как уважение, любовь, радость, благодарность, честь. Сопоставляли влияние отрицательных чувств на здоровье человека. Такой подход изменил отношение студентов-к нравственному воспитанию, пробудил личный интерес и формировал нравственную сознательность, укрепил знания о нравственной культуре.

**Литература:**

1. Вернадский В.И. Живое вещество и биосфера. М. «Наука», 1994, с. 437-464.
2. Хашимова М.К. Проблемы нравственного воспитания. Журнал «Вопросы гуманитарных наук». – М.: 2009. – № 2. С. 207–300.
3. Masuda K. Khoshimova. The Problems of Bringing up the Moral Perfect Personality. Издательство Аипч Kommunikat ions – und Verlagsgesel l s chaft mbH . Königsallee 68, 4 0 2 1 2 Düsseldorf 2018 й. 7 бет
4. Berlen D.E., Jones S. The integration of science and maths: Early childhood and middle school levels // School science and maths. 1987. Vol. 87. P. 271–273.

**БИОЭТИКА ВА ЭТНОС НАЗАРИЯСИ БОРАСИДА КОНСТРУКТИВ  
ВА ПРИМОРДИАЛ ЁНДАШУВЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Фуломова А.Н., Абилов У.М.  
Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада биэтика назарияси борасида конструктив ва примордиал ёндашувлар таҳлили, келиб чиқиши ва тарихи хусусида қисқача баён этилган. Бундан ташқари мақолада миллат ва этнос назариясига ёндашувларнинг тарихий ва замонавий концепциялари ҳам ёритилган.

**Калит сўзлар:** этнос, конструктивистик, примордиалистик, миллат, элат, миллийлик, этногенез, идентификация.

Узоқ вақт давомида фақат марксистик методологиянинг догматик интерпретациясига асосланган мамлакатда олиб борилган тадқиқотлар ҳозирча концептуал жиҳатдан миллат, миллатчилик, миллатлараро муносабатлар ва хоқозоларга ғарбий ёндошувлар билан рақобатлаша олмайди. Бу масалада Россиялик ва Украиналик муаллифларнинг замонавий нашрлари ёки ривожлантиради ёки англаб туриб Ю.Бромлейнинг примордиалистик ва этномарказлашган ёндошуви, миллийликни этник томонга пасайтирган ҳолда ҳорижий тадқиқотчиларнинг ишлаб чиқишлари муаммо ўрганилаётган давлатларнинг ижтимоий вазияти ва тарихи билан мослаштиради. Аммо бундай мослаштирувга гоҳида ўта қизиқ ва қимматлидир, лекин барибир Э.Геллнер, Б.Андерсон, М.Хрох, Э.Смит, Э.Хобсбаум, К.Вердери, М.Вебер, К.Хюнбер каби тадқиқотчиларнинг ишларига нисбатан иккинчи даражалидир. Айнан шу ишлаб чиқишлар этник миллий муаммоларнинг назарий ечимининг замонавий даражасини белгилайди. Бу билан шуни таъкидлаш жоизки, бундай масалаларда оптимизм учун асос бордир мисол тариқасида охириги йилларда айнан миллий ва ижтимоий масалаларга бағишлаб Россияда, хорижда хусусан Ўзбекистонда ҳам бир қанча қатор илмий баҳслар бўлиб

Ўтди, уларнинг натижаларига фақат ватан этнологиясининг ҳақиқий илгари сурилиши сифатида эмас, балки миллат, миллатчилик, миллий ўхшашликнинг умумий назарий муаммоларини фалсафий идрок этишнинг даражасига хиссаси сифатида ҳам қараш мумкин. Ҳозирча бундай олдинга қаратилган тадқиқотларда ўз ифодасини топаётгани йўқ аммо, яқин келажакда буни кутиш мумкин.

Примордиализм (инглиз тилидан *primordial* – “бошланғич”, “дастлабки”, “азалий” деган сўздан олинган) йўналишнинг машҳур намоёндалари қаторига К.Гирц, Р.Гамбино, У.Коннфрo, Ю.В.Бромлей, Э.Стуард, П.Ван ден Берг каби машҳур тадқиқотчиларни киритиш мумкин. Бу йўналиш тарафдорлари миллатни тарихдан белгиланган кишиларни умумийлиги нуқтаи назаридан яъни, аниқ мавжуд феномен сифатида ёндошадилар. Бу назария доирасида бир гуруҳ олимлар маданий ғоя ёки иқтисодий детерминизм тарафдори бўлиб, бошқа миллатларни биоэнергетик табиатини қайд этади. Масалан Советлар даврида яратилган этнос назариясининг асосий манбаи ва таркибий қисмига 1913 йилда И.Сталин томонидан миллатга берилган таъриф асос бўлган. Бунга кўра “миллат тушунчаси кишиларнинг тарихий таркиб топган гуруҳи бўлиб, маданиятлар умумийлиги асосида намоён бўладиган умумий тил, ҳудуд, иқтисодий ҳаёт ва руҳий жамланма асосида юзага келади [1]. Албатта бу ерда миллат тушунчасига берилган таъриф маълум маънода совет мафкураси доирасида эди. Чунки миллат тушунчасига советлар даврида берилган таъриф маълум даражада умумманфаатларни ҳам ҳисобга олган тақозо. Кейинчалик И.Сталин ва рус тадқиқотчиси С.М.Широкогоров томонидан миллатга берилган таъриф П.Кушнер, С.Токарев, Н.Чебоксаров, В.Козлов тадқиқотларида маълум маънода такомиллаштирилган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида номлари зикр этилган олимларни маълум даражада собиқ советлар давридаги “этнос назарияси” нинг ҳаммуаллифлари деб ҳам аташ мумкин. Лекин бу назария тараққиётида ғарб тадқиқотчиси Ю.Бромлейнинг хизматлари аҳамиятга моликдир. У томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида миллат назарияси янада такомиллаштирилган ва материалистик фундаментдаги яхлит бир тизимли концепция даражасидаги назария кўринишига эга бўлган. Ўз навбатида шуни таъкидлаш керакки, миллат назарияси доирасида совет даври олимлари айрим масалаларда умумий бир фикрга келган бўлсалар ҳам қатор муаммолар ечилмай қолган. Марказ олимлари миллат назариясига кўпинча умумий фикр-мулоҳозалар билдириб, Россия империяси таркибидаги миллатлар, ва элатларга хос хусусиятларга етарлича аҳамият бермаганлар. Примордиалистлар миллатни тарихдан белгиланган кишиларни умумийлиги нуқтаи назаридан ёндошадилар. Яъни, бу назарига кўра миллат, қадимдан мавжуд бўлиб, инсонларнинг умумий ҳудуд, маданият, тил ва ҳокозолар асосида бирлашувидир. Жумладан миллат ва миллийлик масалаларига примордиалистлар нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, этниклик бу бир органик тузилма бўлиб, унинг ғоявийлаштирилиши ва у ёки бу афзалликлар, нафлар олишга қаратилган бўлиши мутлоқ зарур



эмасдир. Примордиалистлар фикрича, этникликка объектив берилиш, инсониятнинг дастлабки характеристикаси деб қаралади. Бошланишини антик даврнинг сиёсий фалсафасида топиш мумкин бўлган бу ёндошув, Э.Дюркегеймнинг гуруҳий бирдамлик ҳақидаги ишидан сўнг “иккинчи маротаба туғилишни” бошдан кечиради.

Агар биз миллат назариясининг примордиалистик ёндошувини таҳлил қиладиган бўлсак, бу ерда икки хил фикр пайдо бўлади: биринчиси ҳозирги пайтда дунёда мавжуд бўлган миллатларнинг шаклланиш тарихини ўрганиб чиқадиган бўлсак, уларда кечган дастлабки этногенетик жараёнлар яъни, этнослар ва этниклик кейинчалик эса элат ҳамда халқ бўлиб шаклланганлигини кузатамиз. Бу ерда ўз-ўзидан миллат қадимдан мавжуд бўлмаган, у аста секин босқичма босқич шаклланган деган фикр пайдо бўлади.

Чунки инсонлар миллат бўлиб, шаклланиш учун бир нечта шаклланиш босқичлари ва ижтимоий жараёнларни босиб ўтади. Бу ерда уларга албатта тил, маданият, дин, ҳудуд каби компонентлар билан бирга миллий урф-одатлар, миллий байрамлар, миллий диний маросимлар билан биргаликда миллий бирлик ва бирдамлик каби туйғулар ҳам бўлиши керак. Қоловерса биз тарихга назар ташладиган бўлсак, ҳозирда ер юзида мавжуд бўлган миллатларни бирданига миллат сифатида шаклланганлигини кузатмаймиз. Гарчи айрим миллатлар босқинчилик урушларини камроқ бошдан кечирган бўлсаларда, уларда нисбатан тил тўлалигича сақланиб қолган аммо, бундай миллатлар ҳам дин, ахлоқ, ҳуқуқ, маданият каби ижтимоий жараёнларда маълум бир тўсиқлар ва қийинчиликлар тўла даврларни бошидан кечирганлар. Чунки ер юзида бўлиб ўтган турли хил мақсаддаги босқинчилик урушлари бир халқнинг нафақат турмуш тарзига балки, маданияти, тили, урф одатларига, миллий қадриятларига ҳамда миллий ҳис туйғуларига бевосита ва билвосита таъсир ўтказиб қолмасдан, ўзига хос бўлган ижтимоий ва сиёсий дунёқарашни ҳам шакллантирган. Натижада истило қилинган давлат халқларида асрлардан бери сақланиб келаётган миллий қадриятлар, тил, маданият, урф-одатларга истилочи халқларнинг миллий қадриятлари, маданияти, тили, урф-одатлари ўз таъсирини ўтказган яъни уйғунлашган. Вақт ўтиши билан бу уйғунлашув натижасида истило қилинган халқларнинг айрим қадриятлари жумладан тили, (тил ҳам маълум маънода ўзгарган) ва урф-одатларигина сақланиб қолган. Айнан миллий тил ва қадриятларнинг уйғунлашуви бошқа компонентларга нисбатан қийин кечган. Бу билан миллатнинг шаклланиши интеграциялашув жараёнлари асосида юзага келади деган назария пайдо бўлади. Айнан бундай фикрни примордиалистик ёндошувнинг издошлари этносларга ҳам ижтимоий, ҳам қондош (биологик) ҳамжамиятлар сифатида қарашларида ҳам кўриш мумкин. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда примордиалистларни ҳам иккита гуруҳга ажратиш мумкин: ижтимоий биологик (масалан, Л.Н.Гумилев) ва эволюцион тарихий (Ю.Бромлей ва бошқалар).

Кейинчалик эса этнос назарияси Россиялик ва ғарблик айрим тадқиқотчилар томонидан кескин танқид остига олинган. Жумладан, миллат

назариясини тадқиқ этишда конструктивизм тарафдорларидан бири антрополог В.А.Тишков этнос ва миллат назариясининг асосий тақризчиларидан бири сифатида этнос билан боғлиқ бўлган назарий-методологик қарашларни ноанъанавий усулда таҳлил қилиш асосида кескин танқид қилган. Назарий-методологик олим тарихий ижтимоий воқеликни инсоният тасавури натижаси сифатида таҳлил этиб, этносни тарихчилар, социологлар, этнологлар, ҳамда оммавий ахборот вакиллари томонидан яратилган сунъий ижтимоий тузилма деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, аслида ушбу “ақлий тузилма” ўрнида жамият ва маданиятда объектив мавжуд ҳамда ўзаро фарқли кўринишлардан иборат бўлган ўз-ўзини бошқарув контингизми ва структуравийликка ҳаракат қилувчи мозаик лекин, ўзига хос бўлган маданият хилма хиллик мавжуддир. Муаллиф этнос ва миллат назариясини “ревизия” тафтиш қилиш асосида мантиққа зид бўлган хулосаларни ҳам баён этади. Жумладан, олимнинг фикрича, миллат бу тасаввурдаги тузилма бўлиб, жамоавий ҳаракатларга асос бўлади ва қатъий воқеликка айланади. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, конструктивистлар одатда ўзларининг назарий методологик қарашларидан ташқарида бўлган ёки уларга қарама-қарши ҳар қандай нуқтаи назарни примордиализмга киритадилар. Ўзларининг ғояларини эса замонавий фан инъикоси бўлган ягона илғор таълимот сифатида талқин қиладилар. Конструктивистлар примордиалистик қарашларни - “илмий хатоликлар мажмуи” деб баҳолайдилар. Антрополог В.Тишков фикрича, миллатни чуқур тушуниш унинг тарихий анализидан кўринади. Шу билан бирга олим миллат назариясига бўлган турли нуқтаи назар ёки исталган олимларни бу муаммо бўйича тадқиқотлари жамиятнинг маълум бир ривожидан ҳақ деб ҳисоблайди. Олим фикрини давом эттириб, бу мазмунда миллатнинг релятивистик назариясини энг тўғри деб баҳолайди. Унинг фикрича, релятивистик назария “миллат” тушунчасини ўзини объективистик ва релятивистик шарҳини енгиб ўтади яъни, миллатларни бир биридан алоҳида ажратган ҳолда кўрмай балки, ўзаро муносабат, ўзаро ҳис контекстида кўради [2]. Яъни ушбу назария миллатларни ҳар бирини реферан табиат ҳақидаги тезисга асосланади. Тадқиқотчи фикрича, “миллат” тушунчасини илмий таркиби унда кўплаб йирик олимлар ва публицистларни иштирокига қарамай (ўтмишда М.Гердер, О.Баустронг, Э.Смит, Э.Хобсбаум, М.Хрох) кам маҳсул эга мунозара ҳисобланади. Жумладан, бу борада ғарб тадқиқотчиси М.Хрохнинг фикрлари эътиборга моликдир. Дунёвий илмда миллатни умумлаштирувчи дефиниция мавжуд эмас, айниқса гап уни макон ва чоралари, аъзолик ва статистик категорияси ҳақида кетганда” [3]. Шунга қарамай яқин вақтларгача кишилар ўртасида миллатни реал умумийлик сифатида тушуниш ҳукмронлик қиляпти ва бу ўз ўрнини сақлаб келмоқда дейди М.Хрох. Миллатнинг бу кўриниши примордиалистик ёндошув билан чекланиб қолмай, одатда миллий ҳисларни чуқур илдизлари, қадимий келиб чиқиши ва алоҳида маънавий кучи ҳам ҳисобга олинади. Шунингдек миллат тушунчаси борасида онтологик қарашни модернистик ва конструктив ёндошув тарафдорлари кўп бўлиб, улар миллатни индустрия ва “муҳр

капитализми” ёйилиши натижаси сифатида, замонавий давлатни қудратли интеграл таъсири натижаси яъни, миллат давлатни эмас балки, давлат миллатни яратади деб қарайди. Бу борада М.Хрох фикрича, субстанцион ёндошув миллатга жамоавий реаллик сифатида яъни, объектив характеристкага тил, дин, ҳуқуқга эга бўлган умумийлик билан чегараланмайди, у шунингдек бошқалар учун ҳам хосдир.

Конструктивистларнинг (Э.Ю.Гелнер, Б.Андерсон, В.А.Тишков ва бошқалар.) нуқтаи назаридан этниклик ижтимоий қурилмадир ва объектив илдизларга эга эмасдир. Этнос ва миллат сунъий тузилма бўлиб, интелектаул элитанинг йўналтирилган фаолияти натижасидир. Конструктивистлар фикрича, бу конструкт этниклик ёки этноснинг потенциал вакилларига оммавий маданиятнинг турли феноменлари, оммавий ахборот воситаларининг, таълим ва тарбия тизимининг ёрдами билан трансляция қилинади ҳамда, элита ҳамжамиятни бирдамлаштириш учун этник рамзлар сифатида ишлатадиган маданият элементлари, маданиятдан етарли даражада ихтиёрий тарзда “олинади” ва гурухий бирдамликнинг фақат белгилари бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда айрим ривожланган давлатлардаги демографик муаммолар масалан, оилаларнинг қисқариши билан боғлиқ бўлган ажралишлар, (Россия, АҚШ) туғилишнинг кескин камайиши, (Германия, Франция, Россия, Япония) ҳамда миллат доирасидаги ижтимоий муаммолар бўлган алкоголизм, (Россия, АҚШ), гиёхвандлик, (АҚШ, Россия, Франция) ОИТСнинг кенг тарқалиши (АҚШ, Россия, Германия) натижасида ушбу давлатларда юқорида келтириб ўтилган ижтимоий муаммоларни ечиш учун кураш бошланган. Шундай бир вазиятда биз миллатчиликни бироз камайганлигини кузатишимиз мумкин масалан, бошқа миллатга мансуб фуқаро мигрант сифатида яшаб, агар фарзанд дунёга келтирса, унга давлат томонидан бир қанча имтиёзларнинг берилиши жумладан, компенсация тўлаш, мукофот пули ёки автомобиль совға қилиш, уй-жой билан таъминлаш ва бошқалар.

#### **Адабиётлар:**

1. С.Журукюров. Нация и этногенез. - М: Мысл, 1992. – С. 178-179.
2. В.Тишков.Примордиализм и конструктивизм. Москва, “Наука” 1998. – С. 121.
3. М.Хрох Распространение нация. Москва, Наука. – С. 95.

## **БИОЛОГИК АХЛОҚНИНГ ТИББИЙ ВА ДИНИЙ ТАРАҚҚИЁТДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

*Кўйлиев Т.*

*Тошкент давлат аграр университети*

**Аннотация.** Мақолада вужудга келиши бир неча ўн йиллик тарихга эга бўлган биологик ахлоқнинг дастлабки асослари энг қадимги давр ижтимоий фикри ва унинг амалиёти билан боғлиқ қийин ва мураккаб шароитларда кечганлигини, яъни тиббий ва диний таълимотлар кураши замирида ҳозирги ҳолатга етиб келганини назарий асосда изоҳлашга ҳаракат қилинган.

**Калит сўзлар:** биологик ва ижтимоий омиллар, инсоният цивилизацияси, биологик ахлоқ ва тиббий ахлоқ, тиббиёт ва дин, шифокор ва табиб, фикрлар хилма-хиллиги ва яхлитлик.

Инсон ўзида биологик ва ижтимоий омилларни мужассам этган табиий мавжудот бўлгани учун ҳам у доимо турли даражадаги касб эгаларининг диққат марказида бўлиб келган. Биологик ахлоқ ҳақидаги тасаввурлар энг аввало тиббиёт ва дин билан боғлиқ тарзда ривожланиб боргани ҳеч кимга сир эмас. Аммо бу соҳадаги силжишларнинг кенг кўламда оммалашмаслиги, депсиши табобат олами вакиллари ва дин пешволари ўртасида яхлитлик вужудга келишидаги барқарорликка эришмаслик оқибатида вужудга келган.

Ўтмишнинг назария даражасига кўтарилмаган оддий кундалик урф-одатлари, анъаналари, рағбатлантирувчи ёки таъқиқловчи мотивларини, уларнинг такомиллашиб ҳозирги кўринишга айланиш қонуниятларини ўрганиш жуда катта аҳамият касб этади. Ўтган асрлар давомида тиббиётдаги ахлоқий масалалар шифокор ва бемор ўртасидаги муносабатлардан иборат бўлди. Шифокор касб одоби, ундан келиб чиқадиган хатти ҳаракатлар, масалан шифокор беморнинг аҳволи, касаллик тарихи ҳақида унинг ўзига ва яқинларига етказиши зарурми ёки беморнинг руҳиятини ўйлаган ҳолда унга қуйилган ташхисни яшириши мумкинми? Шу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб масалалар тиббиёт этикасининг мавзу доираси бўлиб келди.

Аммо XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI асрнинг бошлари инсоният ҳаётига янги ғоялар, инновацион технологиялар билан кириб келди. Бу ғоялар ва технологиялар инсониятнинг келажаги, фаровон турмуш тарзи, соғлиги учун хизмат қилиш баробарида, илгари маълум бўлмаган қатор муаммоларни ҳам юзага келтиргани ҳам сир эмас.

Диннинг ҳукумрон мафкура даражасига кўтарилиши табобат олами вакиллари чўчитиб келгани рост. Энг қадимги даврлардан бизнинг кунларимизгача яратилган ижтимоий онг таркибидаги ғояларга эътибор қаратадиган бўлсак барчасида шунга жуда ҳам яқин бўлган хулосаларга келиш мумкин. Мазкур ҳодиса кейинги йилларда медицина фанига илмий техник тараққиёт натижасида кириб келган инқилобий ўзгаришлар билан боғлиқ тарзда содир бўлмоқда.

Шу маънода кейинги бир неча ўн йиллар ичида қараб чиқаётган масала соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди. Биоахлоқ тиббий ва ахлоқий муносабатларни бирлаштирувчи омил сифатида дастлаб

АҚШ, сўнгра Ғарбий Европа мамлакатларида пайдо бўлган. Биоахлоқ тушунча сифатида Ван Ренсселер Потер томонидан муомалага киритилган бўлса, унинг мустақил илмий йўналиш ва фан сифатида шаклланиши Эдмунд Пеллегрино номлари билан тарих саҳифаларига муҳрланган. Мутахассислар биоахлоқга фанлараро фан мақомини бериш мумкин деган ғояни аллақачон англаб етганлар. Чунки улкан кашфиётлар, буюк ихтиролар бир қанча фанларнинг кесишган нуқтасида содир бўлмоқда. Қараб чиқаётган масала доирасида ҳам тиббий, ахлоқий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний муаммолар тўқнашади ва муҳокама қилинади. Улардан айримларини қараб чиқиш имконияти мавжуд.

Масалан фанда трансплантация ҳодисаси дейилганда асосан бошқа бировга тегишли бўлган инсон танасидаги турли аъзоларнинг маълум қисмини ёки тўлалигича бошқа бир шунга муҳтож беморларга кучириб ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар тушунилади. Дастлаб оғзаки адабиёт намуналарида кейинчалик ёзма адабиётларда бу жараён ва ҳодисалар бизгача етиб келган. Фантастик ёзувчиларнинг тафаккур маҳсули бўлган “Амфибия одам”, ”Профессор Доэлнинг боши” ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб асарларда илгари сурилган ғоялар аста-секинлик билан бўлсада кундалик ҳаётга кириб келаётгани бугун оддий ҳодисага айланиб қолгани ҳеч гап эмас.

Бугунги кундалик ҳаётимизда бунлай эҳтиёжларнинг сони турли сабабларга кўра ортиб бормоқда. Бировнинг муайян аъзосини (буйрак, жигар, мия баъзи косметик характерга эга бўлган бурун, юз, лаблар ва қавоғ ости териларини торттириш, соч эктириш, жинсий аъзоларни ўзгартириш) бошқа беморга жарроохлик операцияси йўли билан кўчириб ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа шакллар бериш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибда долзарб бўлиб турибди.

“Биологик ахлоқ деганда,-деб ёзади ахлоқшунослик соҳасида йирик мажмуа - маърузалар матни, ўқув қўлланмалар, дарслик муаллифи, таниқли шоир Абдулла Шер,- одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигида ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий йўналишлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири – инсонларнинг кичик биологик олам сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан воқелик “ташқи”, иккинчиси инсонларнинг ўз ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ “ички” ахлоқий масалалар” [1].

Биз одатда “экологик ахлоқшунослик” деганимизда айнан биринчи ҳодисани назарда тутамиз. Икки биологик оламнинг муносабатларини, яъни экологик ахлоқий муаммоларни биологик ахлоқ доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун нақадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Таниқли файласуф-эколог, профессор С.Мамашакиров жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий,

экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб кетаётганидан хавфсираб, илмий жамоатчиликнинг бу соҳадаги масалаларга муносабатлари турлича бўлиб қолаётгани, бунинг натижасида уларни шартли равишда: оптимистлар, пессимистлар, скептиклар ва реалистларга ажратиш мумкинлиги ҳақида ёзган эди. Бундай ажралиш ўрнига “Ҳозирги давр реаллиги турли таълимотларнинг “ҳақиқат таллашиб” бир-бирлари билан охири кўринмайдиган самарасиз мунозараларини давом эттириши эмас, балки ўтмишнинг аччиқ тажрибаларидан хулоса чиқариб мавжуд воқеликни билишда илмий назарий-методологик асосларга таянган ҳолда умумий муросага келишлари, келажак авлодлар барқарор тараққиётининг яхлит стратегиясини ишлаб чиқишлари – инсоният цивилизациясини муқаррар халокатдан қутқаради” [2].

Биологик ахлоқнинг иккинчи йўналиши тиббиёт илми ва амалиётининг тобора тараққий этиб бориши билан боғлиқдир. Тотли ўлим – эвтаназия ҳам биотиббий ахлоқнинг глобал муаммоларидан. Худонинг ихтиёридан ташқари ўлимни ихтиёр қилган киши диний нуқтаи назардан кечирилмайди. Чунки сабрли, бардошли бўлиши, бу дунё изтиробларини тоқат билан бошдан кечириш инсоннинг вазифаси. Лекин ахлоқий жиҳатдан олибқараганда масала қандай баҳоланади? Дейлик, муайян инсон, бемор ўз кунларининг санокли эканини, лекин бу кунлар саноксиз азоблар ичида ўтишини англаб етади. Шу боис у ўзининг ана шу ҳолатини жуда яхши биладиган бошқа бир одам шифокордан азобларга чек қўйишни сўрайди. Унинг илтимоси ва шу илтимосни бажариш учун шифокор томонидан қилинган ҳатти-ҳаракатларни қандай баҳолаш мумкин? Умуман, эвтаназия ахлоқийликми, ахлоқсизликми? Бу муаммо ҳам умумжаҳоний миқёсда ўз ечимини кутмоқда.

Чунки, таъабат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмас инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастлаб мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шу кейингина инсонни ўлган дейиш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда токи мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги таъабат техникаси воситасида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали муайян муддатгача инсонда тирикликнинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юрак, буйракни кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тирикликка бўлган ҳуқуқини поймол қилишдир. Бунинг устига, америкалик нейрохирург Пол Пирсон ўз тажрибаларига асосланиб, юрак кўчириб ўтказилганда руҳ ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради.

Биологик ахлоқшуносликнинг анчадан буён кўпчиликка маълум муаммоларидан яна бири, бу аборт. Маълумки, тўртинчи хафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккинзинчи хафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, халқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тириликка бўлган ҳуқуқдан маҳрум қилишдир. Хўш, абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми

йўқми? Ёки АҚШ олимлари томонидан “инсон зотини яхшилашга” қаратилган тадқиқотларни олиб кўрайлик. Уларда “яхшиланган” соғлом, кучли интеллект эгаси бўлган одамлар ҳужайрасини аёл организмидаги энди ривожланишга киришган нисбатан “оддий одам” ҳужайраси ўрнига кўчириб ўтказиш тажрибаларини олиб бориш мўлжалланган. Улар амалда тадбиқ этилса, аста секинлик билан инсоният ирсият жамғармасининг (генофондининг) бир ёқлама ўзгаришига олиб келиши шубҳасиз. Румо папаси буни инсон зотига, инсоний табиатга аралашув, уни зўрлик йўли билан ўзгартириш, нафақат катта гуноҳ, балки ўта ахлоқсизлик деб атади. Ўн тўрт асрлик тараққиёт йўлига эга бўлган ислом дунёси ҳам бу масалада ўзининг қатъий шаклланган позициясига эгадир. Хўш, бундай тажрибаларни қандай баҳолаш керак? Бу саволларга ҳам ахлоқшунослик фани жавоб топмоғи лозим.

“Табиб жонлар ва жисмлар ҳокимидир. Жонлар ва жисмлар моллардан шарафли эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шунинг учун табиб ўзига тиб ишида зарур бўладиган одоб ва илмларни касб қилмоғи лозим” [3].

Шубҳасиз айтиш ўринлики, жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи оламшумул миқёсда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, экологик ва бошқа соҳалардаги инқирозлар глобаллашиб бораётган бир даврда одамларни жами тирикликка муҳаббат ва дарддошлик руҳида тарбиялаш борган сари долзарб бўлиб бораётганини англатувчи ижтимоий масаладир. Тараққиёт соҳасида маънавиятга эришмай туриб инсоният ҳеч қачон фаровонликни кўлга кирита олмайди. Ҳадемай дунё 10 миллиард инсон яшайдиган мега жамиятга айланади. Бу эса сўзсиз ҳозирги ҳолатида ҳам мураккаб бўлиб турган масалаларни янада ўткирлаштириб, кўламини ҳам вертикал, ҳам горизонтал миқёсда кенгайтириб ва чуқурлаштириб юбориши тайин.

#### **Адабиётлар:**

1. Abdulla Sher. Axloqshunoslik. Darslik. O`zbekiston faylasyflari milliy jamiyati nashriyoti. T- 2010. 318-bet.
2. С.Мамашакиров. Вахимами ёки ҳақиқат. Т.: “ИQTISOD-MOLIYA” 2012, 61 бет.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. – Т: “HILOL - NASHR” нашриёти, 2019. 187 бет.

### **ИБН СИНОНИНГ АСАРЛАРИДА АХЛОҚ ВА ТИББИЁТ ЭТИКАСИ ҲАҚИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР**

**Суннатов Д.Б.**

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ибн Синонинг асарларида ахлоқ ва тиббиёт этикаси таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам

ахлоқий-эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишишнинг асосий мезони сифатида талқин этилган.

**Калит сўзлар:** кузатиш, эксперимент, тафаккур, ахлоқ, меҳнат, ақлий тарбия, «Китоб аш-шифо» «Китоб Нажот», «Китоб ишорат ва танбиҳот», «Донишнома» ақл-тафаккур.

Буюк мутафаккирларимиз ақл-тафаккур, билиш ҳақида ҳам гапириб ўтганлар. Билиш сезгидан бошланади, деган тамойил маълум. Сезгига кузатиш, эксперимент киради. Ибн Сино кузатиш, фахмлаш (интуиция) ва инстинктни биргалик ҳолда қараганида, уларни билишнинг асоси ва бу асос қуйидагича намоён бўлади: А) бевосита пайқаланиш - оддий ўхшашлик; Б) сезги, масалан, қуёш нурини сезиш; В) хурматли одамларнинг гапларидан; Г) урф-одатлардан, удумлардан, анъаналардан.

Ибн Сино умумийлик, алоҳида ва махсуслик бирлигини кўп ишлатган. Ибн Сино билишда тушунчаларни таърифлашнинг ҳам аҳамияти катта эканлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат, оламда нарсалар бор, уларнинг сон-санови йўқ, лекин уларнинг номлари, тушунчалари бўлмаса, аввало, сўз, жумла, мантиқ бўлмайди, бинобарин тафаккур ва фикр бўлмайди. Шуни ҳам айтиб ўтайликки, ҳар бир тушунча бошқа тушунчалар орқали таърифланади.

Ибн Сино билишнинг усулларида аксиомалаштириш ва теоремалаштиришга ҳам алоҳида эътибор берган. Масалан, икки сон бир-бирига тенг бўлса, яримлари ҳам тенг, бу аксиомадир, деб айтган. Шу билан бирга теорема тарзида ифодаланган фикрлар борки, улар теоремалар бўлиб исботлашга муҳтож. Ибн Сино айниқса “тескари теорема”га эътибор берган. Тескари теорема тўғри теорема исботлангунча вақтинча ишлатилади, деган фикрни олға сурган. Ибн Сино айтишича сезги нарсани тўла билолмайди, фақат тафаккур тўла бўлиши мумкин. Тафаккур нарсанинг ўзи қандай бўлса, ўшандай билиб олиши керак, ундан ортиғи керак эмас. Кўз кўрганда нарсанинг рангидан ташқари узунлиги, бўйи, эни, шакли, шунингдек, ҳаракатдами ёки жим турибдими, буни ҳам билиб олади. Баъзи сезги органлари қаттиқ, юмшоқ, хид, товушларни пайқайди. Сезиш ўзгарувчанликни, тафаккур ўзгармас боғланишларни белгилаб беради. Сезиш акниденцияларни, тафаккур субстанцияни билишда хизмат қилади. Ниманики билмоқчи бўлсак, билингани ёрдамида амалга ошади, дейди Ибн Сино. Ибн Сино таъкидлайдики, одам сезги органлари ўзларини кузата олмайдилар. Масалан, кўз ўзини кузатмайди (бу, албатта, ойна ихтиро этилгунча). У бошқа нарсаларни кўриш воситасидир. Касални даволаш кузатишдан бошланади, дейди Ибн Сино. Диагностика шунга боғлиқ.

Касалларнинг мижозларини суриштириб, шу асосда даволашга ўтиш Шарк тиббиётининг асосий тамойилларидан бўлган. Шу асосда Ибн Сино хирургия, терапия, нерв тизими, ички касалликлар, тиббиётнинг бошқа соҳаларидаги кашфиётларни руёбга чиқаришга муяссар бўлди.



Ибн Сино ақл ва ақлий тарбиянинг табиий ва рухий асосларини аниқлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, ҳаёт, ҳаётий қувват уч шаклда: ўсимлик, ҳайвонот ва инсон шаклида намоён бўлади.

Ибн Синонинг ақл-тафаккур, ақлий тарбия соҳасидаги таълимоти унинг «Китоб аш-шифо» «Китоб Нажот», «Китоб ишорат ва танбиҳот», «Донишнома» китобида кенг баён этилган.

Энг муҳим ахлоқий бойлик, Ибн Синонинг таъкидлашича, адолатдир. Ахлоқий тушунчалар ақлга, ақлий билимга асосланиши лозим. Лекин инсон қанчалик билимдон, олим бўлмасин, ахлоқий принципларга таянмаса, у одобсизлик ва ёмонликка йўл қўяди. Ибн Сино ўзининг «Қуш тили» асарида иккиюзламачилик, ёлгончилик, хоинлик каби хислатларни қоралайди, инсон устидан ҳар қандай зўравонликни инкор этади.

Ибн Синонинг ёзишича, инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири ўзининг ёмон ахлоқий хислатларини англаб, уларни йўқотишга интилишидир. Унинг яхши хислатлари ичида бошқаларга эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиши махсус ўрин тутаяди. Кимки ўзининг ахлоқини тарбиялаш учун ўз олдига қўйган вазифасини бажариб, ўз хулқини тузатишга интилса, унга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Кимки ўз хатосини тузатолса, у бошқаларнинг тарбияси ҳақида ғамхўрлик қила олиши мумкин. Бошқа одамни тарбияламоқчи ва унинг ахлоқини тузатмоқчи бўлган тарбиячи, аввало уни яхши ўрганиши ва барча камчиликларини яхши билиб олиши керак. Акс ҳолда тарбиячи ўз олдига қўйган вазифасини бажара олмайди, зеро беморнинг касалини билмай туриб, уни тузатишга киришган одамдай бўлиб қолади. Тарбия тарбияланувчини ёмон ахлоқий хислатлардан озод қилиш, унга яхши ахлоқий фазилатларни сингдира бориш жараёнида амалга оширилади.

Ибн Сино боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй-рўзғор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила, ота-онанинг асосий вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота-она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар бола билан иззат-нафсига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама-якка суҳбатда бўлиш, унга насиҳат қилишдир.

Насиҳат қилишда суҳбатдошга ниҳоятда ҳурмат билан ёндашиш, уни камситмаслик керак. Ортиқча сўз айтиб, уни зериктирмаслик ҳам зарур. Бир хил насиҳатларни қайтара беришлик таъсир қилмайди. Ибн Сино шундай ёзади: «Сенинг фикрларинг (боланинг) юрагита етиб бориб, унга ўйлаб, фикр юритиб кўришга имкон берсин. Агарда сенинг суҳбатдошинг ёки дўстинг сенинг сўзларингга ва насиҳатингга эътибор бермаётганини сезсанг, суҳбатни бошқа вақтга қўчир».

Ибн Сино болада ахлоқий хислатларни меҳнат, жисмоний ва ақлий тарбия билан узвий ҳолда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Ибн Сино инсоннинг камолга етишида унинг ахлоқий камолоти муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

Олим ахлоқлиликнинг асосини яхшилик ва ёмонлик каби икки тушунча билан таърифлайди. “Дунёда мавжуд бўлган жами нарсалар табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилишнинг ўзи эса моҳият эътибори билан яхшиликдир...”.

Чунки ҳар бир киши жамиятда, одамлар билан бирга яшар экан, улар билан дўстона яшашга интилади. Модомики, инсон алоқага муҳтож экан, бошқа биров билан қўшничилик қилиш учун унинг уйи ёнига уй солади, ўзининг эҳтиёжини қондириш учун эса ишлаб чиқариш маҳсулотларини алмаштиради, душманлардан сақланиш учун ўзгалар билан бирлашади. Мана шу тариқа кишиларда бирлик ҳисси, бошқаларга нисбатан севги-муҳаббат ва умумий ахлоқий негизлар ишлаб чиқила бошлайди. У инсонда яхши хулқнинг шаклланишида хушхулқ, илмли, дўст муҳим роль ўйнайди, дейди. Олим дўстликни шундай таърифлайди: Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай ўз дўстини хавф-хатарда ёлғиз қолдирмайдиган дўстлик;

Манфаатлари ўхшаш ва ғоявий яқин дўстлик; Ўз шахсий манфаати ва эҳтиёжини қондиришга қаратилган дўстлик. Ибн Сино биринчи ва иккинчи хил дўстликни ҳақиқий дўстлик деб эътироф этади. Олим ҳақиқий дўстлик натижасида севги-муҳаббат пайдо бўлиши мумкинлигини айтади. У “Рисолаи ишк” асарида севги-муҳаббатнинг асл моҳиятини ҳам ижтимоий, ҳам физиологик жиҳатдан ёритиб беради.

Инсонларга уларнинг ташқи кўринишига қараб эмас, балки уларнинг ички, маънавий дунёсига қараб баҳо бериш кераклигини ўқтиради. Ҳар бир киши табиатан севги туйғусига эга, у табиий зарурат сифатида намоён бўлади, лекин инсон ўз туйғуларини бошқара олиши, ақл ва фаросат билан ҳақиқий севгини ҳирс туйғусидан, эҳтирос кучидан ажрата билиши зарур дейди. Шундагина инсон ҳақиқий камолотга эриша олади. Чунки ҳақиқий севги, олимнинг фикрича, инсон зиммасига ахлоқий, ҳақуқий бурч юклайди. Бу эса олимнинг севгига ижтимоий омил сифатида ҳам қараганлигини кўрсатади.

Ибн Сино ақлий тарбия турли билимларни ўрганиш натижасида амалга ошса, ахлоқий тарбия кўпроқ яхши ахлоқий хислатларни машқ қилдириш, одатлантириш, суҳбат орқали амалга ошади, деб таълим берди. Инсон ҳиссий ва маънавий талабларни ажратиб олиш имкониятига эга экан, бу имконият аста-секин инсон феъл-атворида хос хислатга айлана боради.

Олим инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб олган ташқи муҳит, одамлар алоҳида муҳим роль ўйнайди, ана шу ташқи муҳит ва одамлар инсоннинг атроф дунёни билишинигина эмас, балки унинг хулқини яхши ёки ёмон жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш кераклигини, бола ёмон одамларга ўрганмаслиги учун, уни ёмон одамлардан, ёмон муҳитдан узоқроқ сақлаш зарурлигини ўқтиради.

Ибн Синонинг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий тарбия масалаларига кенг ўрин берилган. Чунки инсон аввало оилада камолга етади. Олим оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига катта эътибор беради. Оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-оналарнинг оилада

меҳнатсеварлиги билан фарзандларини ҳам касб ва ҳунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ибн Синонинг таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий-эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишишнинг асосий мезони сифатида талқин этади. Олимни буюк хизматларидан бири шундаки у инсоннинг меҳнати, қобилияти, ақл-заковатини улуғлайди, ундаги қудратга ишонди.

#### **Адабиётлар:**

1. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1,2,3,4 жилдлик сайланма. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. Т., 1961.
2. Абдусодиқ Ирисов. “Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси”. Т., 1980.
3. “Абу Али Ибн Сино туғилган кунинг 1000 йиллигига тўшам”. Т., 1980.
4. Ирисов А. “Абу Али Ибн Сино”. Т., 1980.

## **SOG‘LIQNI SAQLASHDA BIOETIKANING O‘RNI**

*Rustamov A.G‘., Siddiqov B.T.*

*Farg‘ona Jamoat salomatligi tibbiyot instituti*

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mualliflar tomonidan tibbiyot hodimlari hamda bemor o‘rtasidagi ozaro manfaatlar to‘qnashuvini muvozanatga solishda bioetikaning ahamiyati haqida fikr yuritiladi.

**Kalit so‘zlar:** bioetika, axloq, bemor, tibbiyot siri, an’anaviy tibbiyot, shifokor, jamiyat.

An’anaviy tibbiyot vrachning axloqi etarlicha asosli deb hisoblagan bo‘lsa, bugungi kunda bu holat o‘zgardi. Jamiyat tibbiy xatolar to‘g‘risida xabardor bo‘lib bormoqda. Jamiyat tibbiy sir deya atalgan ba’zi mahfiy vaziyatli ma’lumotlarni bemordan yashirishga toqat qilib turmaydi.

Tarixiy nuqta’i nazardan tibbiy axloq Gippokrat etikasida – qadimgi yunon antik davridagi axloqiy buyruqlar to‘plamida qayd etilgan. Unda avval yosh shifokor ustoziga hurmat bajo keltiradi va shundan keyingina bemorga nisbatan axloqiy qoidalar, tibbiy sirni saqlash bayon etiladi. Tibbiyot axloqining birinchi darsligida shunday ifoda etilganki, shifokorning kasbiy obro‘sigaga g‘amxo‘rlik qilish bu yerda shifokorning bemor bilan bo‘lgan munosabatlar odobidan ko‘ra muhimroqdir. V.V.Veresevning “Doktorning eslatmalari” asarida shunday yozgan edi: “Bu achinarli, ammo tan olishimiz kerakki, bizning fanimizda hali ham axloq yo‘q ...”.

Ko‘rinib turibdiki, zamonaviy jamiyatda, shuningdek JSST axloq qo‘mi-talari, Xalqaro ilmiy tibbiyot tashkilotlari kengashi, Evropa Kengashi,

YUNESKO va boshqalar tomonidan yaratilgan axloqiy ong darajasini aks ettirmaydigan boshqa tibbiy axloq qoidalari mavjud. Shu sababli, bugungi kunda bioetika ko'pincha zamonaviy tibbiy axloq deb nomlanadi va sog'liqni saqlash tizimida "biomedikal axloq" atamasi tobora ko'proq qo'llanilmoqda.

Agar klassik tibbiy axloq qoidalari asosan o'zgarmas qadriyatlar va me'yorlar tizimi bo'lgan bo'lsa, unda bioetika g'oyaviy mazmuni printsiptal ravishda o'zgaruvchan – bu erda haqiqat mezonlari va eng yuqori yaxshilik o'lchovi zamonaviy jamiyatda erishilgan ijtimoiy va gumanitar kelishuvdir.

Shifokorlar bemorga etkazishi mumkin bo'lgan zararning to'rt turini ajratish odatiy holdir.

Birinchidan, shifokorlarning harakatsizligidan zarar - axloqiy jihatdan hukm qilinadi va ba'zi holatlarda, oqibatlarga qarab, qonuniy jazolanadi. Jinoyat kodeksining tegishli moddasi - yordam berishdan bosh tortish va xavf ostida qoldirish kabi. Tibbiy mutaxassislar o'zlarining professional burchlarini bajarishga tayyor bo'lishlari va hatto ishdan tashqari vaqtlarda klinikadan tashqarida bo'lishgan taqdirda ham, muhtoj bo'lgan kishiga tibbiy yordam ko'rsatishlari kerak. Bunday vaziyatlarda shifokorning harakatsizligi axloqsiz va hatto jinoiydir.

Ikkinchidan, ehtiyotsizlik va beparvolikdagi harakatning zarari axloqiy jihatdan qoralanadi va ba'zi hollarda, oqibatlariga qarab, qonuniy jazolanadi. Bugungi kunda shifokorlarni xatti-harakatlari malakasiz ekanligiga zarracha shubha uyg'onsa ularni sudga beriladi. Bugungi kunda ishdagi jarayonlar nafaqat professional deontologik talab, balki tibbiyot xodimlarini huquqiy himoya qilishning kafolati ham hisoblanadi.

Uchinchidan, qasddan zarar yetkazish - axloqiy jihatdan ham, qonuniy jihatdan ham jazolanadigan jinoyat. Ushbu jinoyatlarning xilma-xilligi juda katta: ruhiy kasalliklar shifoxonasiga noqonuniy joylashishdan tortib, organlarni yig'ish maqsadida bemorni o'ldirishga qadar. Shifokorlarning motivlari juda boshqacha bo'lishi mumkin, lekin birinchi navbatda bu xudbinlarcha qiziqishdir.

To'rtinchidan, ushbu zarar diagnostika va terapiya choralari natijasida yuzaga keladigan nojo'ya ta'sirlarning natijasidir. Bu shifokorlar va tibbiyot xodimlarining xatolarining natijasi emas, balki diagnostika manipulyatsiyasi va tibbiy muolajalarning oqibatlari. Masalan, biz saraton kasalligini davolashda dori-darmon va radiatsiya terapiyasining muvaffaqiyati bilan haqli ravishda faxrlanamiz, ammo shuni tushunamizki, bu usullar deyarli doimo asoratlar bilan to'la. Eng asosiysi, axloqiy nuqtai nazardan, bemor buni tushunishi va tibbiyot xodimlarini ayblamasligi zarur. Rivojlangan Evropa mamlakatlarining statistik ma'lumotlariga ko'ra kasalliklarning 15-20% oldingi davolash natijasida kelib chiqqan kasalliklardir. Bemor uchun diagnostika va terapevtik xatarlar kutilgan natijaning ahamiyatidan yuqori bo'lmashligi kerak. Saraton kasalligini davolash masalasiga to'xtaladigan bo'lsak, biz bemorning hayotini saqlab qolish davolash paytida muqarrar bo'lgan oqibatlarga arziydi. Zamonaviy tibbiyotdagi yutuqlar adekvatlik qoidalarini qo'llashni optimallashtirishga imkon beradi.

Akademik Iosif Abramovich Kassirskiy ob'ektiv ravishda muqarrar zararni minimallashtirish uchun shifokorlar uchun deontologik ko'rsatmalar ishlab

chiqdi. Unga ko'ra, diagnostika ishlarini olib borishda "oddiydan murakkabga" qoidalariga rioya qilish; birinchi navbatda xavfsiz usullarni qo'llang va agar ular samarasiz bo'lsa, yanada murakkab usullarga o'ting; birinchi navbatda, boshqalarning o'rnini bosa oladigan eng ma'lumotli tadqiqotlarni olib borish; sog'liq uchun havfli tadqiqotni unchalik havfli bo'lmagan bilan almashtirishga harakat qiling; kuchli nojo'ya ta'sirga ega dorilarni faqat ishonchli tashhis qo'yish bilan buyurish kerak deb ta'kidlaydi.

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki, bemor hamda tibbiyot xodimi o'rtasida axloqiy munosabatlarni shakllantirishda bioetika asosiy vosita sifatida xizmat qiladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Shifokor va bemor Zokirxodjaev Sh.Ya., Solixov M.U. 2016 y.
2. Силуяновой И.В. Биоэтика в России: ценности и законы., М. 2001. P
3. Karimov Sh.I. Sog'lom ovqatlanish-salomatlik mezoni, 2015 y.
4. Фаулер М. Этика и сестринское дело. М., 1994.
5. Мерта Дж. Справочник врача общей практики. М.,1998.
6. Магазник Н.А. Искусство общения с больными. М., 1991.
7. Muxamedova Z., Bioetika, Toshkent, 2006.

## **BIOTICS AS THE PRACTICAL BASIS OF ETHICAL KNOWLEDGE**

*Shukurullayeva G.N.*

*National University of Uzbekistan*

**Abstract:** This article provides insights into the origins, formation, and development of bioethics. The basic principles of bioethics are analyzed.

**Key words:** bioethics, ethics, biology, science, research, technology

Today, we can cite bioethics as an area of in-depth study of the controversial issues of philosophy. Although this field of science does not have a long history, its range of problems has existed since ancient times. Ethical aspects of the doctor-patient relationship, euthanasia and death, human organ transplantation, abortion, cloning, philosophical interpretation of the problems of genetic engineering are characteristic not only of world philosophy but also of national philosophical thinking. Because the interest in this problem showed that by the second half of the twentieth century, a system of objective knowledge in a certain sense on the study of the problem of bioethics was formed between philosophy and science. In this regard, this issue is now included in the field of scientific research of the philosophy of ethics, which is being studied by many experts. Also, in the late twentieth century, many scientific pamphlets on the problems of bioethics were published in the medical literature.

Bioethics was first developed in the 1960s and 1970s. The development and application of science and technology since the end of World War II has posed a

number of ethical challenges. Therefore, the ways of studying and solving these problems have risen to the level of public policy, which regulates and directs scientific and technological innovations, scientific, technical and practical work. In particular, the development and application of biomedicine and biotechnology, as well as the study of ethical issues arising from the pandemic of serious diseases in the world, in particular issues related to human life and death, have become increasingly relevant.

In 1978, the National Committee for the Protection of Human Biomedicine and Behavior published the Belmont Report, which proposed three principles in medical and health services, such as mutual respect, benefit, and justice, and their widespread application in the system. In 1979, Beauchamp and Childress published *The Fundamentals of Bioethics*. This book provides a comprehensive analysis of the spiritual and ethical issues in the field of transgenic technology, human genome research, cloning technology, stem cell research and other fields of medicine. In recent years, special attention has been paid to the development of bioethics methodology. As a result, the scientific basis of research in the field of bioethics has been further strengthened.

Also, as a result of the development of research in the field of bioethics, scientific and practical concepts have emerged that serve to appreciate all that is relevant to human life, to enrich human life spiritually and morally. It is important to value human life in all its aspects and to care for the biological existence and health of basically every human being.

Bioethics is not just a transition from community-based management of behaviors and relationships in health care to community-based management, it is also a new stage in the development of a general theory of ethics. However, to understand the meaning of bioethics as an intellectual phenomenon, it is necessary to know what morality is and what moral theory is. In his book *The Great Morality*, Aristotle writes about the essence of morality: "In short, morality is an integral part of politics. A person who does not really have certain moral qualities, that is, who is not worthy (as a well-known public figure), cannot function. To be a worthy person is to have virtues, to be virtuous."

Despite the belief that everyone is spiritually healthy, only a small number of people know where morality came from, even though no one is forcing us to follow moral standards; it can simply explain why virtues such as kindness, loyalty, and responsibility are more important than money and fame, and finally how it is known what is "good" and what is "bad". To answer these questions, it is necessary to have an idea of the origin and essence of morality, its structure. Epicurus once said, "A pleasant life is not possible without a rational life, a moral and just life, and conversely, a rational life is impossible without a moral and just, pleasant life."

In bioethics, moral feelings, practical perception, and free will are singled out as conditions for the formation of the moral qualities of individuals. In bioethics, moral ideals are formed in the imaginations of cultural groups, manifested as noble patterns of behavior that lead individuals to perfection. Ethical norms, on the other hand, are interpreted as behavioral patterns that have

been around for a long time, are widespread and accepted in cultural groups, and exist in conjunction with patterns specific to other cultural groups.

The famous American oncologist Van Ranseler Potter (1911-2001) first coined the term "bioethics". In his book "Bioethics - a bridge to the future" he gave a scientific explanation of the term "bioethics", as well as the idea of establishing interdisciplinary committees on ethics, which are widespread in international practice. The main idea of this scientist was to solve the problems of the humanities and biological sciences in order to save life on earth. In his view, it is "the long-term survival of man as a species in a normal and stable civilization requires the development and maintenance of a system of ethical norms."

V.R. Potter calls this system of ethical norms global bioethics. According to Potter, "Bioethics should be a bridge between medical ethics and environmental ethics (ecoethics) on a global scale to ensure the survival of humankind and the health of society as a whole."

It is safe to say that the concept of "bioethics" reflects a person's attitude to life as a whole. Because discoveries in biology, medicine, biotechnology, nanotechnology are leading to a further expansion of the problems of traditional ethics. Therefore, we can see that bioethics is developing in two main directions. The first direction of this is to evaluate man from the point of view of the spiritual-moral attitude, which is called medical ethics in science. The second direction is man's moral attitude towards animals. According to him, the use of animals for various purposes (food source, raw material for industry, model for medical and biological research, as an object of entertainment needs to be approached from the perspective of environmental ethics. That is why bioethics has become a practical ethics. Today, bioethics is focusing on the ethical problems of applied medicine.

#### **References:**

1. Van Rensselaer Potter. Bioethics: Bridge to the Future. 1971 Prentice-Hall, 205p;
2. Поттер В. Р. Биоэтика: мост в будущее.-К., 2002.- 216 с.
3. Bioethik in den USA, s.16.
4. Mukhamedova Zamira BIOETHICS IN UZBEKISTAN: HISTORY, ISSUES, PROSPECTS Philosophy and life / <sup>1</sup> 1/2 (1) 2018
5. Мамажоновна Г.К. Биоэтика – ахлоқий танлов ва ахлоқий масъулият мезонларини ижтимоий назорат қилишнинг институционал механизми // Илм сарчашмалари журнали № 5/2019 30-33 бетлар
6. Нурматова М. А., Жабборовна Ю. Д., Умарова Н. Х., Худайбердиев А. К. Некоторые особенности духовно-нравственного воспитания студентов медицинских вузов // Молодой ученый. — 2014. — №6. — С. 868-870.

## **ШАХС АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТИДА ИЛМНИНГ ЎРНИ**

*Мурзаева Ш.Б.*

*Тошкент кимё-технология институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада шахс ахлоқи ва маданияти, ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири – муомала одоби масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** Ахлоқ, маданият, одоб, жамият, шахс камолоти, бахт-саодат, шарқ мутафаккирлари, ёшлар, илм-маърифат, инсоният тарбияси.

Шахс ахлоқи ва маданияти масаласи жамият тараққиётининг илк даврларидан бошлаб, инсоният олдида турган муҳим йўналишлардан бўлган. Зеро, қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчиларигача умуман инсоният тарбияси, хусусан, шахс камолоти ҳақида тадқиқотлар ўтказиб, бу масалага салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Қадимги хитой мутафаккири Конфуций, юнон файласуфлари Демокрит, Платон, Геродот, Аристотель ва бошқалар шахс камолоти жамият тараққиёти учун муҳим масала деб қараганлар. Жумладан, Аристотель нуқтаи назарига кўра жамият тараққиёти учун ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қанчалик аҳамиятли бўлса, фуқароларнинг тарбияси ҳам ундан кам эмас. Марказий Осиёлик алломалар Ибн Сино, А.Р.Беруний, А.Н.Форобий, Марғиноний, Имом Бухорий, Абу Абдурахмон Насоий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, А.Навоий, XX аср бошларида Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, С.Айний ва бошқа маънавият ва маърифат соҳиблари ёшлар онгига маърифат, маданият, миллий урф-одат, миллийлик хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилганлар.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири – муомала одоби. Муомала одоби бошқа кишилар қадр–қимматини, иззатини жойига қўйишни, анъанавий ахлоқий меъйорий талабларни бажаришни тақазо этади.

Шахс ахлоқий маданиятини шакллантириш масалалари жамият тараққиётининг барча босқичларида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Жумладан, қадимги Хитой мутафаккири Конфуций таълимотида асосий ахлоқий қонун, асосий ахлоқий тушунча – жэнь (инсонийлик)да ифодаланган бўлиб шахс тарбиясида илмни фойдалилиги тўғрисида эътиборли фикрларни баён этади. Жумладан: инсонпарварликни севиш-у, илм олишни севмаслик-бефаросатлик; донишмандликни севиш-у, илм олишни севмаслик-ўз умрини майда ишларга сарфлаш; ҳақиқатгўйликни севиш-у, илм олишни севмаслик-ўзига зарар етказишга олиб келади; тўғрилиқни севиш-у, илм олишни севмаслик-қўполликка олиб келади; мардликни севиш-у, илм олишни севмаслик-исёнкорликка олиб келади; қатъийликни севиш-у, илм олишни севмаслик-бошбошдоқликка олиб келади деб таъкидлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев 12 январь куни “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини



ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойишни имзолади. Ушбу фармойишда мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим муассасалари учун ўқув адабиётларини яратиш ва ўқувчиларга етказишнинг мустаҳкам тизимини яратиш, бунда Ўзбекистонда таълим берилаётган еттита тилда дарслик ва ўқув қўлланмалари нашр этиш тўғрисида ва ахборот-ресурс, ахборот-кутубхона марказларининг моддий-техника базасини янгиланиб, замонавий электрон кутубхоналар тизимлари фаолият кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилган. Бундай саъй-ҳаракатлар, албатта ёш авлодни илм олишга бўлган иштиёқини ва имкониятини оширади.

Шахс тушунчасида бир томондан индивидуаллик, иккинчи томондан ижтимоийлик уйғунлигини кўриш мумкин. Бошқача айтганда, инсон шахс сифатида ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Шарқ мутафаккирлари шахс камолотида кадриятларнинг ўрнига катта аҳамият берадилар. Бахт-саодат, яхши ахлоқ, илм, меҳнат самарадорлигига эришиш, шахс сифатидаги кадр-қиммати унинг ақлий қобилиятларини қай даражада ишга солишига боғлиқ деган қарашларни илгари сурганлар.

“Фазилат ва донишмандлик билан кадр-қиммати ва мартабаси ўзгалардан юқори бўлганини билиб илм ва донишмандликка яна кўпроқ ҳаракат қилган одам ақлли ҳисобланади. Бундай одамнинг илм ва маърифати яна кучли бўлади, бундай киши халқ орасида кадр-қимматга, улуғ обрўга эга бўлади. Шунини била туриб илмдан ва донишмандликдан қўл силтаса, бу ақлсизлик нишонасидир. Билимни ўрганмоқ учун меҳнат қилиш, баданни дангасаликдан қутқариш фойдалидир. Чунки дангасалик, ишёқмаслик баданнинг бузилишига, касалланишига сабабчи бўлади. Ҳар киши ўз баданини ўзига бўйсундирса, илм-маърифат ўрганиш билан икки жаҳоннинг бахт-саодатини топади”.

Инсон гарчи одам бўлиб туғилса-да, шахс сифатида жамиятда, ижтимоий муносабатлар жараёнида шаклланади. Шахсни ҳеч қачон жамиятдан, жамиятни шахсдан ажратиб бўлмайди.

Абу Али Ибн Сино шахс камолоти яъни ижтимоийлашуви ҳақида фикр юритар экан, у шундай деган: "инсон шахси «дунёвий ақл» ва «дунёвий рух» билан кўшилганда, оламни билиш борасида, камолатга етишишдаги муваффақиятга эришади”.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган барча ислохотлар инсон кадр-қимматини юксалтириш, унинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

### **Адабиётлар:**

1. Шайхова Х, Назаров Қ. Умуминсоний кадриятлар ва маънавий камолот. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Аристотель. Метафизика. – М.: 1934 /129.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши. Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш

бўйича комиссия тузиш тўғрисида. Халқ сўзи. 2017 йил 13 январь. № 9 (6703).

4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Т.: А.Қодирий номидаги “мерос” нашриёти, 1993.

5. Фалсафа қомусий луғат. – Т.: “Шарқ”, 2004.

## **FARMATSEVT MUTAXASSIS TAYYORLASHDA UCHRAYDIGAN BIOETIK MUAMMOLAR**

*Xamidova F.M., Yakubov M.Z., Amonova G.U., Bobonazarov S.D.  
Samarqand davlat tibbiyot instituti*

**Annotatsiya.** Mutaxassislarni tayyorlash uchun o'quv dasturlarini yangilash va takomillashtirish Oliy Ta'lim Muassasalari hamda Institutlar oldida turgan muhim vazifalardan biri hisoblanadi. Bugungi kunda erishilgan moddiy-texnikaviy soha yutuqlari XXI asrning dastlabki yillarida amalga oshirish imkoni bo'lmagan barcha tadqiqotlar borasida keng ko'lamdagi innovatsion ixtirolar uchun zamin yaratdi. Mazkur taraqqiyot bioetika fanlari rivojlanishida, qolaversa so'nggi o'n yilliklardagi farmakologik o'zgarishlar davrida paydo bo'lgan imkoniyatlar va yangi yondashuvlarga muvofiq to'plangan tajribalar asosida farmatsevt mutaxassislarni tayyorlashda bioetika fanining ahamiyatini belgilashda asosiy mezon bo'lib xizmat qiladi. Bu ko'rsatkichlar inson salomatligi va farovonligi uchun mas'ul bo'lgan xalqaro tashkilotlar tomonidan bildirilgan takliflar, fikr-mulohazalardir.

**Kalit so'zlar:** bioetika va farmatsevtika ta'limi, farmatsevtika bioetikasi, bioetika, institut va oliy ta'lim.

Dori vositalari ishlab chiqarilishining iqtisodiy jihatlari, shu jumladan uning yuqori narxi, suiste'mol qilishning salbiy va axloqiy oqibatlarini to'g'risida doimiy ravishda olib borilayotgan munozaralar aholi salomatligi uchun mas'ul bo'lgan tashkilotlar uchun zaruriy elementlar guruhini tashkil etadi.

Bioetika fanining otasi Van Rensembert Potter aytganidek, bizning davrimizda ilmiy bilimlarning o'sishi, uni boshqarish usulini bilmasdan, inson farovonligi kelajagini kafolatlashi mumkin bo'lgan jihatlar haqida mulohaza yuritishga undaydi. Viskonsin Institutining ushbu taniqli onkologi bioetika fanini tibbiy va gumanitar fanlarni bog'laydigan ko'priq, deb ta'riflagan.

Maqolada Institutlarning farmatsevtika kadrlarini tayyorlashdagi o'rni va inson salomatligi bilan bog'liq tadqiqotlarni hamda ularning oqibatlarini, ushbu mutaxassislarni bioetik tayyorgarligining ahamiyati tahlil qilingan. So'nggi 50 yil ichida farmatsevtika dunyosi, uning proeksiyasi va jadal sur'atlarda rivojlanayotganligi inson salomatligi uchun xavf tug'diruvchi zararli omillardan himoya etilmaganligi, shu jumladan, ilmiy tadqiqotlar va terapevtik yondashuvlar kabi yangi intizomning asosiy maqsadlari hisoblanadi.(1)

O'qitish va tadqiqotlar olib borish bo'yicha yangi talablar yuzasidan ba'zi mulohazalar.

Zamonaviy ilm-fan, avvalo, zamonaviy biologiya va tibbiyot insonning o'zi bilan kurashiga yangi o'lchov mezonlarini ochib berdi. Bioetika ta'limi, insonparvarlik xususiyatiga ko'ra, bu baholi qudrat zarar yetkazmaslik maqsadlarini ko'zda tutadi.(2)

Bioetika yoki hayot axloqi, hayot fanlari uchun qo'llaniladigan axloq haqidagi fan sifatida qaralishi mumkin. Demak, uning hayot fanlari va insoniy qadriyatlari o'rtasidagi intizom yoki ko'prik sifatida o'rni beqiyosdir.

Yangi tibbiy texnologiyalar inson faoliyati asosidagi tushunchalar va qadriyatlarga ta'sir ko'rsatmoqda. Ushbu texnologik yutuqlar insoniyat taqdiriga har tomonlama ta'sirini o'tkazadi.

Ushbu shartlarning barchasi, shuningdek aniq yechimlarni ta'minlash uchun bilim jarayonlarini o'zaro uyg'unlashtirgan holda tartibli boshqarish zaruriyati Oliy Ta'lim Muassasalari, Institutlardan mas'uliyatli boshqaruvni talab qiladi. Ilmiy-texnikaviy taraqqiyot va uning iqtisodiy-ijtimoiy ta'siri oliy ta'lim markazlari uchun muammo tug'diradi: mutaxassislarning ushbu yangi ehtiyojlariga muvofiq tayyorlanishini ta'minlaydigan yangi tarkibiy qismlar to'g'risida kelishib olish, ilmiy, iqtisodiy va ijtimoiy talablarning o'sishini ta'minlash, rivojlantirishdan iborat. Ilmiy tadqiqotlar tarixiy sharoitda amalga oshiriladi va uning asosiy maqsadlari zamon talablariga mos ravishda belgilanadi. U muntazam va tizimli bo'lib, hamkorlik va muvofiqlashtirish mezonlarini talab qiladi. Hozirgi paytda iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanish modeli savdo aloqalarini yo'lga qo'yishdan iborat bo'lib, ular davlatlar o'rtasida va hatto odamlar o'rtasida ham hal qiluvchi rol o'ynaydi.

Bu esa o'z navbatida XXI asrdagi ilmiy tadqiqotlarni olib borishda quyidagi axloqiy ziddiyatlarni keltirib chiqaradi:

1. Gumanitar mohiyat va bozor talablari.
2. Bilimlar mantig'i va olinadigan iqtisodiy foyda.
3. Inson taraqqiyoti va imtiyozlarning nomutanosibligi.

Ilmiy tadqiqotlar iqtisodiy jarayonlarga yot bo'lishi mumkin emasligiga qaramay, bozorning ko'r-ko'rona qonunlariga bo'ysunish axloqiy jihatdan shart emas. Sog'liqni saqlash tadqiqotlarining axloqiy muammolari doirasida boshlang'ich uchta asosiy omilni hisobga olish kerak: shaxsiyat, terapevtik munosabatlar va adolat.

Biologik, tibbiy, klinik, epidemiologik, farmatsevtika va ijtimoiy tadqiqotlarda, ularning farqlangan elementlaridan qat'iy nazar, umumiy tarkibiy qismlarga ega bo'lgan jihatlarni ta'kidlash kerak: ya'ni birinchi masala inson va uning farovonligidir.

Farmatsevtlarni akademik miqyosda tayyorlash va axloqiy tarbiyalashda institutlarning roli, shuningdek, ularning aspirantura, ilmiy tadqiqotlar va texnologik innovatsiyalar uchun mas'uliyatining ortib borishi, ularning tarkibiga bioetika elementlarini kiritishni talab qiladi, bu ularga munozaralarda qatnashish imkoniyatini beradi. Bu borada esa mutaxassislar o'zlarining ijtimoiy majburiyatlari va vazifalariga to'liq rioya qilishlari kerak.

**Farmatsevtika dunyosi va uning zamonaviy tendensiyalari.** Dori-darmonlarni dunyoning mavjud mintaqalarida ham shifokorlar, ham jamoat tomonidan ommaviy ravishda ishlatiladi. Ushbu iste'mol mahsuloti nafaqat qimmat, balki xavfli hamdir; uning mantiqsiz va haddan tashqari ko'p ishlatilishi odamlarning sotib olish qobiliyatidan qat'iy nazar keng tarqalgan amaliyotdir.

Garchi dori-darmonlar insoniyat singari tibbiyotning madaniy o'lchovini tashkil qilsa ham, ular bugungi kunda dunyodagi eng qimmat terapevtik vositalar hisoblanadi.(3)

Shunga qaramay, insoniyat yuqtirgan epidemiyalarning hech biri giyohvand moddalar kabi ko'p tarqalmagan. Xulosa qilish mumkinki, kasallikning sababchi mexanizmi iqtisodiy, ijtimoiy, ekologik va madaniy determinantlarga ega, bu insoniyatning rivojlanishi umr ko'rish davomiyligini giyohvand moddalar va ularning ta'siridan ko'ra ko'proq oshirganligini ko'rsatadi.

Bularning barchasi aholining ko'plab qatlamlari sog'lom turmush tarzining qadr-qimmatini, masalan, gigiyenik parhez odatlari, jismoniy mashqlar, alkogol va tamakidan voz kechish, stress va uni boshqarish kabi tushunchalarni tushunishni boshlaganligini ifodalaydi, bu odamlar va jamiyatning salomatligi uchun juda muhim jihat bo'lib xizmat qiladi. Uning ijobiy o'zgarishlari birdamlik, atrof-muhit va qashshoqlikka barham berish kabi ijtimoiy harakatlar bilan ham bog'liq.

Yuqorida aytib o'tilganlarga qaramay, giyohvand moddalarni iste'mol qilish bilan bog'liq zamonaviy tibbiyotning ta'siri hali ham to'liq yoritilmagan va farovonlik, hayot sifatini analgetiklar, yallig'lanishga qarshi vositalar, antatsidlar va boshqalarsiz, ularning "tinch" ta'siridan qat'iy nazar tushunish mumkin emas. Ushbu ko'rsatkichlar kasallanish va o'lim statistikasida ko'rsatilmaydi.

Shuni ham ta'kidlash kerakki, mamlakatlarning sog'liqni saqlashga sarflagan mablag'larining uchdan ikki qismi katta foyda keltiradigan kuchli sanoat majmuasi tomonidan ishlab chiqarilgan terapevtik mahsulotlar va xizmatlarni iste'mol qilish bilan bog'liq. Ushbu sanoat dunyo miqyosida jamiyatning iqtisodiy harakatlarining muhim qismini iste'mol qiladi.

Dori-darmonlarga sifatli va adolatli kirish o'rtasida muvozanatni o'rnatishi mumkin bo'lgan yetarli farmatsevtika siyosatiga ehtiyoj, ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan jamiyat farovonligiga ta'sir qilmaydi.

So'nggi 40 yil ichida sog'liq uchun katta muammo yuzaga keldi: bozorlar giyohvand moddalarni iste'mol qiluvchilarni yetarli darajada himoya qila olmaydi. Talidomid falokatidan to hozirgi kungacha giyohvand moddalarni iste'mol qilish bilan bog'liq muammolar mavjud bo'lib, ular mavjud emasligidan tortib to muhim tovarga qadar ortiqcha foydalanish va noto'g'ri ko'rsatmalar natijasida yuzaga kelgan noqulayliklarga qadar bo'lgan.

Essensial medikamentlar va vositalardan foydalanish kabi alternativalar farmatsevtika sanoatining jiddiy tashvishiga aylanib bormoqda.

Zamonaviy madaniyatda giyohvand moddalar terapevtik kompaniyaning vakili sifatida qabul qilinadi, u hozirda "maxsus kuzatuv" ob'yektlariga aylan-

moqda, ularning baholanishi samaradorligi, zararlari, foyda va xarajatlarga bog'liq.

Tibbiy amaliyotda dori vositalaridan noto'g'ri foydalanish ehtimoli, fiziologik va biokimyoviy funksiyalarni o'zgartirish uchun yuqori salohiyatli yatrogenik ta'sirini kuchaytiradi, bu esa ishlab chiqarishda, tijoratlashtirishda va foydalanishda jamoatchilik nazoratini talab qiladi.

Dori vositalari va ularning ko'p tomonlama ta'sirlari (sanoat mulki huquqlari to'g'risidagi shartnomalar, JSST) e'tiborga loyiqdir. Dori-darmonlarni ishlab chiqarishni va iste'mol qilishni kengaytirish bo'yicha kelishuvlarning mavjudligi, shu jumladan ixtiro patentlariga nisbatan (TRIPS shartnomasi) giyohvand moddalarga ta'sir qiladi. Kambag'al mamlakatlarning adolatli da'volari savdo bilan bog'liq intellektual mulk to'g'risidagi qonunlarda allaqachon kuchga kirgan.(5)

**Farmatsevtlar ta'limida bioetika** Sog'liqni saqlash sohasi mutaxassislari orasida farmatsevt shifokor va hamshiralar bilan bir qatorda, ularning borligi va inson salomatligiga ko'p qirrali yondashishda faol ishtirok etishi bilan birga tibbiy guruhning asosiy ustunlaridan biri bo'lishi kerak.

Farmatsevtika xizmatlari sohasidagi funksiyalari orasida emissiya boshqalarga bog'liq bo'lmagan holda (administratsiya, dori vositalari, ishlab chiqarish, yetkazib berish va boshqalar) asosiy omil hisoblanadi.

Farmatsevt ularning ma'lumoti va malakasi tufayli dori-darmonlarni ro'yxatdan o'tkazish va tartibga solish bilan bog'liq ajralmas funksiyalarga ega; Standartlarning talablari va mahsulot nazorati (tasdiqlangan xavfsizlik va samaradorlik) ularning javobgarligi hisoblanadi.(6)

Bundan tashqari, ham dorixonalarda, ham jamiyatda sog'liqni saqlashga mas'ul bo'lgan ushbu mutaxassis bemorlarning farovonligini ta'minlashi kerak. Dori-darmonlarning xususiyatlari va uni boshqarish bo'yicha keng bilimlari uni ham shifokorga, ham jamiyatdagi bemorlarga yaqinlashtiradi; birinchi holda, terapevtik alternativalar va ularning oqibatlari haqida ma'lumot manbai sifatida, ikkinchidan, nafaqat dispenserlar, balki sog'liq va giyohvand moddalarni iste'mol qilish bilan bog'liq barcha narsalar haqida ma'lumot sifatida asosiy o'rin tutadi.

Bularning barchasi farmatsevtlarni tayyorlash uchun dastlabki bosqichda kiritilishi kerak bo'lgan farmatsevtika fanlari, xulq-atvor fanlari, aloqa texnikasi va ta'lim kabi professional mavzularga oid bilimlarni talab qiladi. Shuningdek, ularning vazifalari tarkibiga shifokorlar va bemorlarga tavsiyalar, giyohvand moddalarni oqilona iste'mol qilishning ushbu umumiy tamoyillarini bilish, retsept bo'yicha qo'llanilishiga rioya qilish, dori-darmonlarning salbiy reaksiyalari va o'zaro ta'sirlar to'g'risida xabar berish kiradi.

So'nggi o'n yilliklardagi ilmiy va texnologik yutuqlar nafaqat sog'liqni saqlashni yaxshilash uchun cheksiz imkoniyatlarni ochib berdi, balki odamlarga inson tabiati ustidan ulkan kuch berdi, agar ular noto'g'ri yo'naltirilgan va ishlatilgan bo'lsa, unga kutilmagan oqibatlarga olib kelishi mumkin. Bu bioetikani farmatsevtika fanlari va insoniy qadriyatlar o'rtasidagi ko'prik sifatida ko'rib, ushbu mutaxassisni tayyorlashda intizom sifatida kiritish zarurati uchun asosdir.

Ta'kidlash joizki, JSST va PAHO kabi xalqaro sog'liqni saqlash tashkilotlarini tashvishga soladigan bioetik jihatdan o'qitilgan farmatsevtika kadrlari yetishmasligi mavjud.

Qudratli farmatsevtika sanoati ushbu mutaxassislarni o'qitish va bioetik jihatdan rivojlantirishni ta'minlaydigan dasturlarni ishlab chiqishga katta foyda doirasida mablag 'sarflamoqchi emasligi ham juda muhimdir.

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda, ushbu mutaxassislarni tayyorlash va tarbiyalashda institutlarning o'rni tobora ortib bormoqda, deb ishoniladi, chunki institutlar nafaqat hozirgi ehtiyojlarni, balki ularning deyarli mutlaq javobgarligini ham hisobga olishlari zarur deb hisoblanadigan kelajakdagi ehtiyojlardir.

**Yakuniy fikrlar.** Bular hozirgi zamon ehtiyojlarini qondirish bilan bir qatorda kelajakning prognoz qilinayotgan talablarini hisobga olgan holda o'z vazifalariga nafaqat kasbiy tayyorgarlikni o'z ichiga olgan institutlardir. Bu uning asosiy vazifasi.

Borgan sari sog'liqni saqlash sohasidagi tadqiqotlar yangi bilimlarni izlashni inson farovonligi va qadr-qimmati bilan bog'liq axloqiy qadriyatlar bilan bog'lashi kerak.

Kuchli global farmatsevtika sanoati o'zining eng katta sarmoyalarini yangi dori-darmonlarni izlash va superprofitlarni olishga yo'naltiradi, shuning uchun u o'z mutaxassislarning bioetik axloqiy tayyorgarligiga unchalik qiziqmaydi.

Giyohvand moddalarni oqilona iste'mol qilish ushbu muhim iste'mol mahsulotiga muhtojlarga o'z vaqtida taqdim etilishini taxmin qiladi. Bozorning ko'r-ko'rona qonunlari va transmilliy farmatsevtika kompaniyalarining gumanistik yo'nalishining yo'qligi ustun bo'lgan sayyoramizning aksariyat qismida vaziyat boshqacha.

Bioetikani farmatsevtiklarni tayyorlashda intizom sifatida kiritish, uni qo'llab-quvvatlaydigan axloqiy qadriyatlarning ushbu mutaxassislarning fikrlash va harakat qilish uslubiga aylanishi zarurligi juda muhimdir.

**Xulosa.** Farmatsevtika mutaxassisini shakllantirishda bioetika mutaxassislarni tayyorlash uchun o'quv dasturlarini yangilash va yangilash institutlarning asosiy vazifasidir. XXI asrning paydo bo'lishi va o'tgan asrda erishilgan ilmiy-texnik taraqqiyot puxta tahlil qilishni talab qiladi. Ushbu maqolaning maqsadi bioetika fanlari, farmakologik inqilob rivojlanishida qo'llanilgan o'zgarishlar va yangi yondashuvlar natijasida paydo bo'lgan to'plangan tajribaga asoslanib, ushbu mutaxassislarni shakllantirishda bioetika fanining ahamiyatini baholash edi. So'nggi o'n yilliklarda inson salomatligi va farovonligi uchun mas'ul bo'lgan xalqaro tashkilotlar tomonidan bildirilgan aktual masalalar hisoblanadi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Enrikes RD. Giyohvand moddalar muammosi. Xuan Sezar Garsiya jurnali (Ekvador). 1999 yil; 8 (1-2): 23-4

2. Fernandez Ranyada J. Ko'p qirrali fan. Madrid; Ediciones Nubel, Jovellanos to'plami; 1998 yil

3. Gonsales G. Giyohvand moddalarga qarshi siyosiy vositalar. Kito: ISALUD nashrlari; 1997 yil.
4. JSST. Sog'liqni saqlash tizimida farmatsevtning o'rni. Konsalting guruhi hisoboti. Jeneva: JSST; 1990 yil
5. Romero A., Enriquez RD. Dori vositalari, sog'liqni saqlash, transmilliy kompaniyalar va intellektual mulk to'g'risidagi qonun. Rivojlanayotgan mamlakatlarning ko'rinishi. Kitobda: Bioetika va barqarorlik. Gavana: akvariumdagi nashrlar; 2002. p. 563-82 Qabul qilingan: 2006 yil 29-may tasdiqlangan: 2006 yil 30-iyun.
6. Janjal K. Rut Daisy Henriques Rodriguez. Farmatsiya va oziq-ovqat instituti. San-Lazaro-i-L, Vedado, Plaza, Gavana. Kuba. CP 10 400. Elektron pochta manzili: cesbh@matcom.uh.cu

## **ЭТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ НАУЧНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ СРЕДИ ПОЖИЛОГО КОНТИНГЕНТА НАСЕЛЕНИЯ**

*Маматкулов Б.М., Инаков Ш.А.  
Ташкентская медицинская академия*

**Аннотация.** Данная статья посвящена ознакомлению с адаптированной формой информированного согласия для пожилых и престарелых людей, которые были приглашены к участию в научном исследовании по изучению их состояние здоровья, заболеваемости и удовлетворенности оказываемой им медико-социальной помощью. В ней приводится пример «Формы согласия» из международного исследования, который был проведен в Школе общественного здравоохранения совместно с научными сотрудниками из Лондонской школы гигиены и тропической медицины в 2010 году, и была адаптирована местным условиям.

**Ключевые слова:** Форма информированного согласия участника, научные исследования, биоэтика, пожилые и престарелые люди

По всему миру широко развивается современная отрасль знаний – биоэтика, которая анализирует нравственные вопросы в биологии и медицине. В процессе организации исследований нужно обратить большое внимание на соблюдение этических принципов, так как, все чаще общественность беспокоится о моральных и психологических последствиях, а также, утечки персональных данных, полученных в этих исследованиях.

В настоящее время разработаны несколько этических принципов проведения медицинских исследований с участием человека в качестве субъекта, такие как, Нюрнбергский кодекс (1949), Хельсинская Декларация (1964), Бельмонтский доклад (1978) и др.

С целью обеспечения конфиденциальности личных информации каждого исследуемого, прежде всего, нужно разработать систему шифро-

вания персональных данных, кроме этого, нужно стараться избегать вопросов, в самой анкете, где просится предоставить имена или контактные данные респондента (кроме паспортной части).

Немаловажное значение в исследованиях играет получение информированного согласия участника, которое подтверждается получением добровольного согласия участником исследования на участие в конкретном исследовании, после ознакомления с информацией по исследованию. В связи с этим, нами была заимствована форма согласия участника исследования, разработанных со стороны исследователей из Лондонской школы гигиены и тропической медицины и адаптирована нами согласно нашим местным условиям. Данная форма состоит из 2-х частей: 1-я часть информирование и 2-я часть удостоверения согласия. 1-я часть содержит следующие разделы:

*Во введении* приводится ознакомление респондента с интервьюером, с целью научной исследовательской работы, а также, аспектами исследования и ожидаемыми результатами от реализации данного исследования.

*В разделе методология исследования* предоставляется информация о методах осуществления выбора участников для данного исследования, дается краткая информация о количестве участников, их территориальной и демографической характеристике. Эта информация поможет респонденту понять, каким образом он был включен в выборку, и что ожидается от него в данном исследовании.

*В основной части формы согласия* приводится порядок участия, заполнения вопросника, продолжительность интервьюирования, объясняется риски, выгоды и покрытия расходов за участия в исследовании, хранения данных и соблюдение конфиденциальности. Кроме этого, информируется, что участие в данном исследовании является полностью произвольным, и ответы респондентов не будут влиять на медико-социальные услуги, которые они получают в данное время. Респонденты могут прекратить свое участие, даже если они ранее дали согласие на участие.

*В заключительной части формы согласия* описывается права респондентов на получения короткую информацию о результатах исследования, при желании, правила аннулирования / исправления ответов респондента, дается контакты ответственного исследователя для обращения по данному исследованию.

Во 2-й части формы согласия получается письменное удостоверение /согласия о том, что респондент ознакомлен/а своими правами и возможностями, а также дает свое свободное согласие на участия в данном исследовании, которые подтверждаются подписью респондента.

Таким образом, применение этических принципов при планировании и проведении научных исследований является очень важной частью всех исследований, и ученые должны уважать и соблюдать эти принципы при проведении исследований с участием человека. Соблюдение этических принципов помогает защитить участников исследования от причинения



вреда, оформить получение добровольного согласия, в письменном виде, объяснить им право на прекращения от участия в исследовании, обеспечение конфиденциальности и неприкосновенности частной жизни и защита их персональных данных.

### **Литература:**

1. Mohir Ahmedov, Judith Green et al. Addressing the challenges of improving primary care quality in Uzbekistan: a qualitative study of Chronic Heart Failure management / Health Policy and Planning. 2012.p-1-9.

2. Маматкулов Б.М., Инаков Ш.А. Некоторые аспекты улучшения медико-социального обслуживания одиноких пожилых людей / Тиббиёт ва спорт. 2019. Стр.47-50

3. Маматкулов Б., Каримов Х.М., Инаков Ш.А. Некоторые вопросы травматизма среди лиц пожилого возраста: случаи из пункта неотложной травматологической помощи города Ташкента//Бюллетень Ассоциации Врачей Узбекистана. - Ташкент. -2019.-№4.-С.82-84.

4. Pottel L., Lycke M., Boterberg T., et al. Serial comprehensive geriatric assessment in elderly head and neck cancer patients undergoing curative radiotherapy identifies evolution of multidimensional health problems and is indicative of quality of life. European Journal of Cancer Care. 2014;23(3):401–412.

5. Sogand Tourani, Masould Behzadifar et al. Health-related quality of life among healthy elderly Iranians: a systematic review and meta-analysis of the literature. Health and Quality of Life Outcomes. 2018; 16:18.

6. Маматкулов Б.М., Инаков Ш.А. Некоторые проблемы лиц пожилого и старческого возраста в ракурсе исследователей: вопросы образа и качества жизни / Вестник ТМА. 2020. Стр.155-158.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА БИОАХЛОҚ: МУАММО, ТАЖРИБА, ИСТИҚБОЛЛАР**

*Миркамилова З.М.*

*Жиззах давлат педагогика институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда Биоахлоқ муаммолари, тажрибалари ва истиқболлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** биоахлоқ, тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, Биоэтика муаммолари, истиқболлари, тиббиётдаги тажриба, ҳуқуқий асослар.

Мана қарийиб 30 йил мабонида, 1991 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистонда турли соҳалар сингари Биоэтикада ҳам ўзига хос ривожланиш ва ўзгаришлар олиб борилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад халқ

аҳолини соғломлаштириш ва генофондни сақлашдир. Бунга эса Орол денгизининг экологик хавфлилигининг тобора ошиб бориши ва бошқа қатор ижтимоий-ахлоқий ва экологик муаммолар сабаб бўлмоқда. Шунингдек, глобал миқёсда юзага келган “Covid – 19” касалли биоахлоқ соҳасида ҳам жуда кўп долзарб муаммолар борлигини яққол кўрсатиб қўйди.

Аввалоси биламизки, Биоэтика фалсафа ва тиббиётнинг қўшилиши натижасида юзага келди, моҳир врачга хаёт ва мамот масалаларини ҳал қилишда катта муваффақиятларга эришиш имконини берадиган амалий фалсафага айланди [1]. Биоэтика аслида мазмунан ижтимоий - фалсафий фанлар таркибига киради. Биоэтика умуий Этиканинг амалий қисмидир. “Слово “биоэтика” появилось сравнительно недавно, однако уже прочно вошло в наш словарный запас. Первым отчеканил этот термин и ввел в употребление известный онколог Ван Ренсселер Поттер (Potter) в 1971 году в книге “Биоэтика: мост в будущее”. Вводя данное понятие, он подчеркивал, что биоэтика должна стать “новой дисциплиной, соединяющей в себе биологические знания и познание системы человеческих ценностей”. “Я выбрал, – писал он, – корень bio для символизации биологического знания, науки о живых системах, и Ethics для символизации познания системы человеческих ценностей” [2]. Биоэтиканинг турли муаммолари даврлар оша долзарблигини йўқотмайди. Жумладан: эвтаназия, суицид, трансплантация, аборт, клонлаш, ирсий инженерия ва бошқалар. Бу муаммоларни бартараф этиш биргина давлат ёки жамолар томонидан амалга оширилмайди. Улар асл моҳиятига кўра умумбашарий муаммолар сирасига киради, шунинг учун ушбу муаммолар умумбашарият бирлашиб фаолият олиб боргандагина ижобий ҳал этилиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирда мавжуд бўлган Биоэтикадаги муаммоларни кўйидагича баён этиш мумкин:

1. Тиббий маданиятнинг қуйи даражада эканлиги.
2. Профессионалликдан кўра оммабоп даво воситаларига халқимизда тарафдорлик кўпроқ эканлиги.
3. Тиббий кадрларда юқори малакали мутахасисларнинг етишмаслиги.
4. ОЎЮ ларида тиббиёт фанлари бўйича юқори салоҳиятга эга профессор-ўқитувчиларнинг етишмаслиги.
5. Замонавий тиббиёт ускуналари билан мукамал ишлайдиган врач-инженерларнинг етишмаслиги.
6. Янги (айниқса эпидемик) ёки давоси йўқ касалликлар юзага келганда халқаҳоли ўртасида стресс ва ваҳиманинг кенг тарқалиши.
7. “Covid-19” касаллигини бартараф этишда тиббиёт ходимлари орасида ҳам хаоснинг юзага келганлиги ва ҳ.к.

Биоэтика соҳасини фақат камчилик ва муаммолар билан тасаввур этиш нотўғри. Сабаби, бу соҳада ижобий орттирилган тажрибалар ҳам бор. Бу тажрибалар минглаб йиллар мабойнида шаклланиб келган. Асли туб негизи “Авесто” ва зардўштийлар хаёт тарзи, улар томонидан мерос қолдирилган бой фармокология билимлари, кейинчалик буюк аллома Абу Али ибн Сино томонидан бойитилган, тизимлаштирилган ва назарий манбаа

холига келтирилган “Тиб қонунлари” асарини олиш мумкин. Аль-Рухавийнинг “Адаб аль-табиб”, Ар-Розийнинг “Маънавий тиббиёт” китоблари Биоэтикага бой назарий методологик асос бўлиб хизмат қилган [3].

Ўзбекистон тиббиёт вакилларининг назарий тажрибалари юқоридаги тиббий ўғитлар, дунёнинг ривожланган бошқа давлатлари тиббиёти ютуқлари асосида ривожланмоқда ва бойиб бормоқда.

Тиббий маданиятнинг қуйи даражада эканлигининг ўзига хос объектив ва субъектив сабаблари кўп. Хонликлар, Чор Россияси мустамлакаси бўлган ва собиқ Совет тузуми даврларида бизда тиббиётнинг мукамал ривожланмаслиги учун “марказ” томонидан кўп ҳаракатлар қилинган. Ана шу бир неча асрлар мабойнида давом этиб келган салбий фаолиятларнинг силсиласи ҳозирда ўзини намоён этмоқда. Жадидлар томонидан XX асрнинг бошларида анчагина ёшларимизни Ғарбий Европа давлатларига, жумладан, Германияга айнан тиббиёт соҳасида ўқишга юборганликларини биламиз. Кейинчалик таълим олиб қайтган ёшларимиз аянчли равишда ва шафқатсизларча собиқ Шўро томонидан “халқ душмани” сифатида ўлдирилган. Бу аниқ фактлар билан исботланган ва минг афсус тарих варақаларига битилди. 1960 – 80- йиллардан бошлаб эса собиқ СССР да коррупция барча соҳани ўргимчак тўридек қамраб олди ва унинг оқибатлари ҳозирда яққол кўринмоқда. Бу тиббий таълимни ҳам четлаб ўтмади. Таълим тизимида малакали ва рақобатбардош тиббиёт мутахассислари камлигининг, шунингдек, тиббий маданиятнинг қуйи даражада эканлиги сабаблари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Коррупция ҳали ҳам мавжуд.
2. Замоनावий таълим усуллари томонидан амалда қўллаш ва бизга мосларини ишлаб чиқиш зарур.
3. Талаба ва ўқитувчиларга шаффофлик ва фидоийлик шарт.
4. Тиббий шароитлар тизимли замонга мос ва талаб даражасида бўлишига ҳаракат қилиш ва тиббий тадбиркорлик қонуний ривожлантирилмоғи керак.
5. Ҳар бир оила тиббий маданиятни ўзида шакллантириши шарт.
6. Соғлом турмуш тарзига риоя этиш керак.
7. Таббийлик (фармокологияда) кенгроқ сақланиши ва замоनावий технологиялардан рационал фойдаланиш зарур.
8. “Қанча эмас, балки қандай яшамок керак”, – деган ғояни ҳар бир фуқарога сингдириш керак (Бу трансплатация ва одам савдоси каби муаммоларни камайтиришга ёрдам беради).
9. Давлат ва хусусий тиббиётда адолат тамойилига риоя этиш лозим.

Биоэтиканинг муаммолари мавжуд экан, демак, ечимлари ва истиқболлари ҳам бўлиши табиий. Келинг ана шу истиқболларга тўхталиб ўтамиз. 1947-1964 йилда Хелсинкида врачлар уюшмаси ташкил этилди. Бу фаолиятлар 1975 йилда Японияда, 1984 йил Италияда, 1989-1996-2000-2005 йилларда тизимли давом этди. Мақсад ЖССТ (Жахон соғлиқни сақлаш

ташкilotи) томонидан биоахлоқни ривожлантириш ва инсониятни соғлиги ҳақида қайғуришдан иборат эди.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликдан кейин қатор ҳуқуқий асослар қабул этилди ва тизимли ислоҳатлар янгилашиб борилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони.

2. 26 ноябр 2019 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида жамоатчилик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги фармон

3. 6 январ 2020 Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида фармон.

4. 4 август 2020 “сovid – 19” пандемияси даврида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги фармон [4].

Ана шу юқорида эътироф этилган ҳужжатлар Ўзбекистонда тиббий маданият ва биоахлоқни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари саналади. Бу аслида тиббиёт ривожининг қонуний истиқболдир. Айнан пандемия вақтида тиббий соҳа тубдан ислоҳ этилди. Дастлаб, саросимага тушиш, тартибсиз даволаш, касалликнинг янгилиги билан боғлиқ эди. Кейинчалик тиббиёт ходимлари профессионал тарзда даволаш тартибига риоя этдилар, ҳам назария, ҳам амалиёт биргаликда олиб борилди. Миллатимиздаги соғлом турмуш тарзи, жисмоний фаоллик, уни оширишга ёрдам берадиган жисмоний машқлар, (нафас машқлари), маҳаллий доривор гиёҳларимиздан ўринли ва тўғри фойдаланиш, жўғрофий табиат неъматларидан истеъмол қилиш, ЖССТ билан ҳамкорликда масофавий тиббий семинар тренинглари ташкил этилгани ҳолда касалликни оқилона бартараф этишга ҳақиқий маънода қаҳрамонона фидоийлик кўрсатиб фаолият юритилди. Хурматли Президентимиз Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида пандемия даврида касалликни бартараф этишда жонбозлик кўрсатганлар ҳаммаси эътироф этилди, ҳам маънавий, ҳам моддий рағбатлантирилди. Барча фуқароларимиз тиббий соғломликни сақлаш учун зарур талабларга амал қилдилар. Демак, қуйидаги ютуқларга этишилганлигини фахр билан баён этиш мумкин:

1. Буюк алломаларимизнинг тиббий-маънавий меросларини чуқурроқ ўргандик.

2. Замонавий тиббий ускуналарни ўргандик ва кенг қўладик

3. Тиббий гигиенага том маънода амалда риоя этдик

4. Стресс ва ваҳима соғлиқ учун зарар эканлигини яхши англадик, ҳамда оқилона бартараф этдик.

Bioetika dixotomiyasi deganda, ushbu sohada kuzatilayotgan ikki jihat, ya'ni bir inson hayoti uchun boshqa insonning hayotini "qurbon qilish" axloqqa zidmi yoki buni "oqlash" imkoni bormi. Boshqacha aytganda, bugun kuzatilayotgan evtanaziya (hayotdan ixtiyoriy ravishda voz kechish), transplantatsiya (inson organlarini ko'chirib o'tkazish), Ksenotransplantatsiya (hayvonlardan odamlarga organ transplantatsiyasi), abort (bola tashlash, 28 haftadan ilgari tug'ilgan bola), klonlashtirish (irsiy jihatdan ota-onasiga o'xshash jonzotni yaratish), Surrogat onalik (bu boshqa odam, yoki bola tug'ilgandan keyin uning ota-onasi bo'ladigan shaxslar uchun bola tug'ib beradigan ayol) kabi amaliyotlar axloqiy va diniy qadriyatlarga qay darajada muvofiq? Masalani yanada aniqroq qilish uchun, Kristian Barnardning kazusiga diqqat qilsak: "1967 yil 3 dekabrda Janubiy Afrikalik jarroh Kristian Barnard dunyoda birinchi bo'lib yurakni bir kishidan boshqasiga ko'chirib o'tkazdi. U avtohalokatda miyasi qaytarilmas darajada zarar ko'rgan ayolning urayotgan yuragini olib tashlab, davolanib bo'lmaydigan bemorning hayotini saqlab qoldi. Ushbu inqilobiy voqeaga jamoatchilik munosabati o'ta ziddiyatli edi. Ba'zilar Barnardni yuz minglab davolab bo'lmaydigan bemorlarni qutqarish usulini yaratgan qahramon sifatida maqtashdi. Boshqalar, aksincha, uni qotillikda ayblashdi: axir u hali ham urayotgan yurakni olib tashladi! Boshqa hayotni saqlab qolish uchun bir hayotni to'xtatdi! Uning bunga haqqi bormi? Yoki qotillik bo'lmaganmi, chunki agar odamning miyasi vafot etgan bo'lsa, demak u yuragi urib-urmasligidan qat'i nazar, u allaqachon o'likdir?"[3].

Ma'lumki, inson huquqlarining umume'tirof etilgan prinsipi sifatida yashash huquqi har bir insonning uzviy huquqidir. Inson hayotiga suiqasd qilish esa eng og'ir jinoyat hisoblanadi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 24-moddasida ham ushbu norma mustahkamlangan. Ammo, shu oliy qadriyatdan inson o'z xohishiga ko'ra voz kechishga tayyor bo'lsa-chi? Bir qator davlatlar

qonunchiligida bu amaliyot (evtanaziya) ta'qiqlangan. Albatta, bunda axloq va din normalarining ham o'ziga yarasha munosabati mavjud. Islom diniga muvofiq "jon" bu Yaratganning bandasiga "omonati", undan ixtiyoriy voz kechishlik eng og'ir gunoh sifatida qoralanadi. Qolaversa, axloqiy tomondan ham jamiyatda o'rnatilgan xulq-atvor normalari barqarorligiga bu kabi amaliyotlarning salbiy ta'sir o'tkazishi shubhasiz.

Bundan tashqari insonni klonlashtirish masalasi ham tobora katta muhokamalarga sabab bo'lmoqda. Ayniqsa, bu borada bioetika mutaxassislarining xavotirlari asoslidir. Unga muvofiq, klonlardan iborat jamiyatni vujudga keltirish mumkin. Ammo, bu jamiyat tabiiy evolyutsiya natijasida shakllangan bugungi jamiyatning barcha xususiyatlarini o'zida to'liq aks ettira olmaydi. Unda Vatanga, oilaga muhabbat, imon-e'tiqod, axloq kabi oliy qadriyatlar ham mavjud bo'lishi dargumon. Ko'pchilik olimlarning ta'kidlashicha, klon insonda ezgulikka nisbatan ko'proq yovuzlikka moyillik ustun bo'ladi. Insondagi tabiiylik buziladi, insoniyat xavf ostida qoladi.

Yuqoridagi misollardan ko'rinib turibdiki, insoniylikni saqlab qolishning muhim yo'llaridan biri bu axloqdir. Ayniqsa, globallashtirish sharoitida bioaxloqiy madaniyatni shakllantirish inson hayotini tijoriylashtirish kabi jinoyatlarning oldini olishda juda katta ahamiyat kasb etadi. Aks holda, insonning "olam mehvari", "eng oliy ongli mavjudot" sifatidagi maqomiga putur yetib, o'zini o'zi ma'nan yo'q qilib yuborishi mumkin.

Xulosa qilib aytish kerakki, biologiya va tibbiyot taraqqiyoti natijasida yuzaga keladigan muammolar shu qadar qiyin va xilma-xilki, ularni hal qilish uchun turli xil bilim va tajribaga ega bo'lgan kishilarning birgalikdagi sa'y-harakatlari kerak. Barchamiz o'zimizning qadr-qimmatimiz bilan bir-birimizdan farq qilamiz, biroq ayni paytda biz hammamiz bir jamiyatning a'zolarimiz. Zero, insonning borliqni saqlab qolish imkoniyatlarini oqilona, axloq va diniy qadriyatlarga muvofiq yo'lini topish muayyan subyekt doirasida emas, balki butun insoniyat hamjamiyati tomonidan hal qilinishi lozim bo'lgan masaladir.

#### **Adabiyotlar:**

1. Otamurtov S. Globallashtirish: Millatni asrash mas'uliyati (siyosiy-falsafiy qirralari). – T.: "O'zbekiston" NMIU, 2018. – 3 b.
2. <https://mzdrav.rk.gov.ru/ru/structure/146>
3. [https://iphras.ru/uplfile/ethics/biblio/tish\\_bioeth.html](https://iphras.ru/uplfile/ethics/biblio/tish_bioeth.html)

## **ЗНАЧЕНИЕ МЕДИЦИНЫ МУСУЛЬМАНСКОГО СРЕДНЕВЕКОВЬЯ ДЛЯ СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЫ**

*Блинова С.А., Шодмонова М.А., Кормишов Т.Б.*

*Самаркандский государственный медицинский институт*

**Аннотация.** Многовековое наследие, оставленное нам средневековой мусульманской медициной, в том числе, огромные достижения в области ее

гуманизации, требует тщательного изучения и использования в современных условиях техногенных преобразований в обществе.

**Ключевые слова:** медицина, медицинское образование, хадисы.

За всю историю развития, человечество пережило множество цивилизаций и культур, каждая из которых обладала своими достижениями в различных сферах жизни и, в частности, в медицине. Наиболее яркий след оставила исламская медицина, влияние которой ощущается и по сей день. Впервые концепция бесплатной медицины, бесплатных лекарственных обеспечений и понятие «больницы» появилась не в Китае или в Европе, а в средневековом Арабском халифате. Первые больницы были построены в начале восьмого столетия в Дамаске, одном из старейших городов мира, под руководством халифа Валида ибн Абдульмалика. Эти средневековые поликлиники назывались «бимаристан», производными от персидского слова: «бимар» – больной, а «стан» – место. В Европе, когда прокаженных изгоняли из поселений и сжигали на костре, мусульманский правитель – халиф назначал пенсии прокаженным, слепым и инвалидам. Дело в том, что в мире в те времена не было никакой концепции больницы вообще, поэтому не было никаких государственных пособий для инвалидов. В IX веке другой халиф, Харун аль-Рашид, открыл еще пять подобных больниц в Багдаде, и затем процесс строительства подобных объектов начался по всему халифату.

В 878 году по приказу египетского наместника Ахмада ибн Тулуна была возведена первая больница в Каире. Здесь впервые была открыта секция для душевнобольных (в Европе было предпочтительнее обвинять таких несчастных в одержимости демонами, и часто их просто убивали). Самый известный медицинский центр во всем мусульманском мире – это больница Нуриддина, построенная в XII веке в Дамаске и названная в честь правителя, который ее основал. В больнице работали более 20 врачей, и она была рассчитана на одновременное обслуживание 300 пациентов [1].

В этом учреждении были проведены самые сложные операции, имелась экспериментальная лаборатория, в которой были созданы новые лекарства из различных ингредиентов, собранных в разных частях страны. Именно в стенах этой больницы были изобретены аналоги современных антибиотиков и другие новшества, например, зубная паста. Сама больница была построена в виде дворца, имела фонтан и сад. В средневековых мусульманских странах в больницах были палаты для лечения различных типов больных, и, как упоминалось выше, палаты для душевнобольных, престарелых и инвалидов. За ними ухаживали специалисты разных профилей: терапевты, психологи и другие. Душевнобольные находились в отдельных комнатах, где они постоянно слушали музыку, рассказы. Для этих процедур также нанимались специалисты. Каждого пациента, которого выписывали из больницы, поощряли пятью золотыми монетами, чтобы он не утруждал себя тяжелой работой ради заработка. Французский востоковед



Эмиль Присс, описал те же больницы, сказав: "Комнаты для пациентов были отапливаемыми и имели большие вентиляторы, а полы были покрыты ветками хны или граната, или же отростками ароматных деревьев" [2].

Высокий уровень развития медицины в те годы подтверждается также многими открытиями и изобретениями мусульманских врачей. Мусульманские врачи изобрели более 200 хирургических инструментов, применяемых в современной медицине. Самый известный из них был изобретен 1000 лет назад иракским хирургом Аммаром аль-Мафсили – шприц. Он использовал полую иглу, стеклянную трубку и всасывающий механизм для забора крови. Знаменитый медик Аз-Захрави впервые ввел в обиход врачей правило ношения хлопковой одежды на работе, отсюда и появились всем известные белые халаты докторов. Другой врач из Мосула, Аммар ибн Али, провел операцию по удалению катаракты (отсюда и арабское название болезни). В Европе такие операции начались проводиться только в XIX веке! Все аптеки находились под строгим государственным контролем. Мусульмане подняли медицинское образование до самого высокого уровня, оно было бесплатным и доступным как для мужчин, так и для женщин. Также первые медицинские школы появились на мусульманском востоке – в Багдаде и в персидском городе Джунди Шапур. Студенты учились, совмещая теорию с практикой в больницах. В 981 году правитель багдадского халифата Муктадир ввел обязательное государственное лицензирование врачей. Это было осуществлено после того, как стало известно о смерти человека из-за врачебной ошибки [3].

Знание хадисов до настоящего времени облегчает жизнь мусульманам. Было показано, что полезные микроорганизмы, живущие в организме насекомого, в определенной питательной среде могут произвести условное противоядие. Современные исследователи в ходе эксперимента отметили, что наиболее активные вещества, которые убивают болезнетворные бактерии, вырабатываются грибковыми клетками после поглощения жидкости. Затем клетка раздувается и разрывается. В результате антибактериальные вещества, содержащиеся в нем, выходят, и вредные микроорганизмы уничтожаются. Результаты этого исследования открыли перед учеными перспективы получения совершенно нового типа антибиотиков [4]. Если в повседневной жизни чаще просматривать коллекции хадисов можно найти полезный совет по любому вопросу, который нас интересует [5].

Таким образом, многовековое наследие, оставленное нам средневековой мусульманской медициной, в том числе огромные достижения в области ее гуманизации, требуют тщательного изучения и использования в современных условиях техногенных преобразований в обществе.

#### **Литература:**

1. Гариффулин И. Статья из [islam-today.ru](http://islam-today.ru)
2. [https://www.nlm.nih.gov/exhibition/islamic\\_medical/islamic\\_12.html](https://www.nlm.nih.gov/exhibition/islamic_medical/islamic_12.html)
3. [http://www.enotes.com/topic/Medicine\\_in\\_medieval\\_Islam](http://www.enotes.com/topic/Medicine_in_medieval_Islam)

4. Редакция портала Islomuz. Статья из сайта islom.uz

5. <https://savollar.islom.uz/s/54525>

## THE ECOLOGIC CONCEPTION OF ZAROASTRISM CONNECTED WITH ENVIRONMENT

*Isxakov B.B*

*Namangan engineering-construction institute*

**Аннотация:** В статье проанализированы первые понятия в «Авеста», связанные с защитой окружающей среды, и формированием позитивных соотношений между человеком и природы.

**Ключевые слова:** «Авеста», экологически религиозные взгляды, ранние религиозные верования.

As mentioned in “Uzbekistan in the approach of XXI century threat to security and terms of stability and guarantee of development” work of First President of the Republic of Uzbekistan Islam Karimov, “Spiritual-moral recovering must include human’s respect to earth and its wealth. If how necessary civilization, irrigation and fertile lands are so necessary for our thousands of years development. Land, air, water and fair (sun) were respected from long period”.

Spiritual growth is one of the highest peaks in the society of harmony, nature and human life, and while realizing it there is a balance. Night after coming down, the rivers flow, issue with the cold, bitter sweet and discern between good and evil plays an important role in the development of the human. This is a history of our ancestors who lived in ancient times, their religion, arts, and medicine, everything was spirituality full confirmed. Nations of the Central Asian oldest written monument - "Avesta" is get acquainted with the parts of the book, we witnessed how the complex formed occasion of the environment and the worldview of people who lived thousands of years ago.

It is not chance that teachings of Zoroastrianism people to the water promote soil fertility and purity in our Father country. It was in Central Asia in the early period, the natural forces divining totemic, animism fetishism such beliefs were less than perfection, monotheism doctrine. In Zoroastrianism affect bloodshed in vain offerings spots, those who live sedentary, physical labor, fertile are encouraged to engage in animal husbandry.

Zoroastrianism cosmogonist on the Earth is fixed in the form of water - the foundation of all things, the land surrounding the ocean, as if it were floating on the water board. According to this belief, a foundation of life in the ancient ancestors were respected the water even more than fire bureau. They believe that the earth surrounding the six-paragraph (a six-god), the first water (Apam Narat), which has the power of life, and therefore always must be enhanced the powers of the water.

During the development of the consistent traditions of Zoroastrianism, the ancient began seven "living saints" and their mythological nature of seven things were symbolized - air, soil, water, plants, cows, and seven ceremonies and celebrations in honor of the fire ceremony were existed. Two of these celebrations happiness, kindness, heavenly order and a true representative of the exalted name of Asha, a centuries old custom of certain mutated forms of our beginning of the year associated with Navruz preserved in the system of traditional ceremonies.

The duration of human life, of course are closely related to the sun, water, land and air. Realize that common ranges of regulatory areas of these four elements of nature for submitting the request were appeared according to the worship life of the furnace cycle. In these regions two economic areas, namely agriculture and livestock from natural elements were divined. Our ancestors could not imagine their lives without them. In all areas of Uzbekistan there was great need for them. For this reason, the ancestors of the Uzbek people for the first time in all areas of both agricultural embassies affect the role-played important role in the spiritual world. Therefore, affect the environment concerns all aspects of the study of ecological culture, history, history lessons, life is must be comfortable whenever for all people. Especially, people's home household cleanliness, environment, clean, conservation opinions, ideas are still actual in practice.

Ancestors had been relatively positive attitude to cows, horses and dogs. If beef is slaughtered as a sacrifice its left jaw put in front of a priest (priest). Besides offering beef prayer and then distributed among the people who took part in the ceremony of the priesthood and the religious In this presentation, or "God's" sheep, cooked a flesh of the body has been put in front of the head, the elderly "from the earth for" neighbors distribution ceremony is still a common problem among the people.

The worship of fire on the ground and in Central Asia (6-7 thousand years ago, the culture was formed in Joytun BC), the four elements (water, fire, earth and air), faith (6-5 thousand years ago in ancient Khorezm) belief in God (7-8 thousand years ago, the ancient culture of Turan BC), as the conflict between the forces of religious and philosophical ideas of human nature with the problem as a priority issue on the agenda. Abu Raykhan Biruniy wrote about "Mina night," like so: "Mina is a female clothed out of the silk in the night drunk and he fell unconscious. Despite the spring, freezing she was death" (Беруний Абу Райхон. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. 281 page). This is an example of the Khorezm region used to be a very cold and shows it. In Khorezm BC 8-7 thousand years ago Zoroastrian temple built on the ruins of the fact fire-rooms.

Ancestors known that a fire was burning fiery furnace pepper, bread, food scraps to remove ashes from the hearth rubbish, waste furnace burning in abundance in the valley settled population lived in rural areas for the gray wire gathered in a corner of the courtyard or gray as the edification in the fall or in the spring of mineral crops. Together with the ashes of the fire garbage out, this house was going to join one of the wedding and mourning ceremonies, - they thought. During the three days of mourning ritual for the fire infected apartment

fire cooking source. It is now common in all regions of the country. Neighbors that provide hot meals for three days of mourning neighbors.

In addition, the bride and groom to the wedding they shut-ins six, trouble around the fire in order to purify into the traditions inherited from our ancestors. Thus, the origin of the custom goes back to the ancient cult of the oven.

Zoroaster's religion on the ecological system of the concept is not only stopped in environment and a bribe as well as the purity of his own sorrow. Thus, in the "Avesta" recommended that regular exercises every day to deal with a few hundred hand-washing, hands-suckle up and keep the other parts of the body, hair, and nails counsel. 17 of this part of "Vendidod" were collected and shun the devil and cut off the nail and hair was given instructions about what to do for people in "Avesta".

Zoroastrianism was preserved about the properties of hair and nails magic views traces life of the people today. We travelled in Namangan, Andijan and Fergana regions and asked constant living in an old-sphere approach on this issue, stressed the need to remove all the edges of the nails to the ground. If the nail out, he will be impressed by the man's leg underneath the hole as a result. This is why old people like her nails, paper, and cloth covered: "I have submitted to you. Wind guilty to you, "he buried it. This practice is the balance of the human body on the basis of hair; and nail went to form a positive approach to the preservation of human nature.

Water sources - rivers, lakes, wells or maintained in spite of all kinds of pollution. If you need to wash something impure ceremony, the water collected in a special place, but even then bad things directly into the water. The bad thing is erased before the cows are washed and dried in the sun or in the sand and then washed with water in order to purify the final. In addition, burning of the rain outside the home is prohibited, because such a move is due to the water and the earth "disliked" they thought they could handle it. Waste water and blacken the sin. Avesta invited to clarity "pure water, and the fire burning in front of the world social punishment in hell Who soil grief and suffering was so bad condition" (Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: "Шарқ", 2001. 122 page), the wakeup call.

People of Fergana valley are still living as a kind of sacred elements of water in the form of honor. In particular, the waste water at the wrong time, they spit in the contaminated water and contaminated dirty water to remove what kind of work is considered a serious sin and forbidden. Water ditches, canals and ditches cleaned by hasher in the spring of each year. New channels, digging ditches currently regarded as one of the most rewarding, too.

Seriously studied by scientists around the world of our ancestors, "Avesta" the pastures, not to destroy the bushes, crops, gardens rag, fruit trees, harm, environmental protection purity, springs, wells, pools, ditches groove enough attention should be paid to signs comments could be found at this complex time. For example, looking at a pond or a stream on the property, or any person who has tied his horse to the ground, broke a trunk of a neuron founded 25 lash and punished with beatings. If the environment, road, bushes, meadows land, in

violation of the provisions of the protection of the water dirty and it has been sentenced 400 lashes pulse (8 Videbdot fragard, paragraph 105) "

Still preserved traditions of our holy doctrines: "Water pollution", "Do not spit", "Animal scold," "night sleep with pressure, playing with fire" and "desolate cabin fever clean" as gentle and wisdom are remained us from the ancient legacy of "Avesta".

Thus, air, earth, water, fire, clean, environmental cleanliness and wildlife preservation ideas are still important for people. Thus, the "Avesta" forward views on all aspects related to the environment, the positive aspects of life development of the ecological, mind and culture.

Preserved in environmental cleanliness and diseases "Avesta" can be divided into the following groups:

1. Hide garbage, dirty soil, stone, sand disposal. Killed in the same way microbes or less.

2. Flame, heat and cold loss. "Avesta" fire away and the sprinkling of rare tool. Even may be cleaned clothes from microbes and disposal with it.

3. Chemicals: slave, vinegar, wine, a variety of herbs (There -incense, onions, God, sandals) by way of incense. Herbs are also eliminating germs thrive. "Vendidod"s Chapter 6 looks for wind, animals, and birds fly through a variety of ways to let you highlight the spread of diseases prevention.

Calls the loss of animals and insects that spread the disease, in "Avesta" calling a strong for domestic animals. In which to comply with the rules of feeding cats and dogs, birds and animals were not hurt in vain; they should be killed ultimately ordered. Historical and literary monuments on fox hunting, shepherd dog and dogs found enough attention appeals.

It was perceived as an enemy of the opposite of life and death that death was due to complications of the evil days for his reactions were different. Close to dead people who died of possible dead washers tried to go to a special place day alone the body. Body separate towers, ancient, long time ago, the count of hills, desert, rocky places, worms and amphibians, birds, wild animals could eat them as food. Which is abnormal for this time of such actions do not target the bodies dirty there, the water might contaminate the weeds. At that time, the body meat, bones buried together spool plate.

According to one of the primitive religious conception's animals, he will continue to live in the world of the dead, their souls and their descendants and their people would be in another life. Spirits were mentioned as "Fravashi" in "Avesta". Fravashi were living after the death of the person's birthday and the heart that are supportive angels (Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: "Шарқ", 2001. Р. 365). Another aspect is that the events surrounding the man fravashi, including clubs, rivers, lakes, and others believe it.

That is why the "Avesta", "All the good: water, herbs, Ashavans that we want to pray and greet fravashi" the idea was promoted. Fravashi was a force of man, society, nature, home, village, nation and country never a vital redemptive of lucid. In the part of the Yasna (23, stayed hot, paragraph 1) of "Avesta" there

are some subjects of hemistich: Fravashi save adopted the sky, guarded by water to keep animals" (same source in the page of 68). Fravashi is in the present time, we support the meaning of the angels.

Uzbek tribes in Zuhra star - the star of the morning, and took the star, referring to the names of Chulpan. Directly to the districts of the word "invaluable" to the creator of nature, water, land and women are protected in the name of the goddess Ardvisura was related to the name of Anahita. Anahita was recorded as a star. It is the divine name consists of three parts. Suro or Sura of the first part of the "wisdom" means, in the third part of the Anahita – good quality, clean, meaning virgin. Currently, the Khorezm plasters overbearing women against Anakura is used, it is connected with Anahita history of the term.

Central Asia Anahita, along with a pint of water and moisture premium "or khubbi" Khubbi is a pint. Crop and livestock production, productivity and durability Anahita, the goddess of power of people, animals and birds that are subject to all considered animals. That is the dominant religion of Zoroastrianism and then Islam came in among the peoples of the Muslim religion, "Bibi Mushkulkushod" is to say that how to get rid of the difficulties wet offscreen Mother.

## **ТИББИЙ МАДАНИЯТНИНГ ЎЗИГА ХОС РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯЛАРИ**

*Худаёрова О.К., Кулдошева Г.Д.*

*А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ*

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек халқининг тиббий маданиятини шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва ижтимоий, ахлоқий воситаларининг таъсири аниқланган. Шунингдек, Шарқ тафаккури ва Ғарб фалсафасининг асосий мақсади ўрганилган ҳамда тиббий маданиятни ривожлантиришга доир илмий амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** тиббий эҳтиёж, ахлоқий меъёрлар, тиббий маданият, сифат ва фазилят, ахлоқ қоидалари, тиббий тараққиёт, замонавий ахборот технологиялари, инновация, адолатли жамият, янгича фикрлаш, онгли ва фаол ўзлаштириш, соғлом турмуш тарзи.

Маълумки, ўзбек халқининг тиббий ва маънавий маданиятини шаклланишига олиб келган ижтимоий-ахлоқий воситалардан бири қадимдан мавжуд бўлган ҳудуддаги турли хил диний ва маданий ҳаракатлар ўчоғидир. Улар инсонда баркамоллик, ҳақгўйлик, адолатни улуғлаган. Инсоннинг фикр софлиги, сўз собитлигини талаб этган ҳолда унинг маънавий камолоти меъёрларини ишлаб чиққан ислом дини ўзининг катта таъсирини кўрсатди. Ўзбекистонда моддий ва маънавий, тиббий маданиятнинг ўзига хос ривожланиш хусусияти мавжуд. Унда инсон руҳияти, унинг маънавий оламини билишга, одамларнинг ўзаро

муносабатларини англашга эътибор берилган. Шарқ тафаккурида инсоннинг ижтимоий аҳволини нисбатан унинг маънавий камолотига кенгрок эътибор қаратилган. Ғарб фалсафаси эса асосий мақсадини ташқи дунё табиатини билишга, инсонларнинг табиатдаги ўрнини аниқлашга ва уларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга асосий диққатини қаратди. Энг муҳими таълимни восита деб билиб, илм-фаннинг барча қирраларидан кенг фойдаланиб, моддий тўқин-сочин жамият қуришга интилди. Ҳар икки жихатнинг интеграциялашуви жараёни барча халқлар ўртасидаги қадимий дўстлик ва маданий алоқаларини янги шароитда мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бугунги кунда тиббиёт соҳасида аҳвол қандай? Уни янада ривожлантириш учун нималар қилиш керак? деган муаммонинг ечимини топишга жиддий эътибор бериш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда замонавий тиббий мутахассисларнинг фаол иш олиб боришида уларнинг инновацион фаолиятга тайёрлик даражасини ошириш талаб этилмоқда. Инновацион фаолият аниқ ғояларда намоён бўлади. Ғоялар яратувчилари эса назарий билим, амалий тажриба, илғор таълим методлари ва усулларини қўллаш маҳоратини эгаллаган бўлса, бу йўналишда сифат ва самарадорлик қафолатланади. Тиббий маданиятни ривожлантиришда:

1. Аввало, репродуктив саломатлик ва тўғри овқатланиш мезонларига риоя этиш зарур.

2. Тиббий жихатдан маданиятли бўлишда шахсий ва ижтимоий ҳаётда камтарлик, инсонпарварлик, софдиллик, ростгўйлик, оддийлик, табиийлик ва самимийлик каби ахлоқий меъёрлар, сифат ва фазилатларга эга бўлиш лозим.

3. Жаҳон тиббиётига бебаҳо ҳисса қўшган, ватандошимизни, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино томонидан инсониятга қолдирган бой меросни янада чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, илмий-маданий давра суҳбатлари ўтказиш, ёшларнинг миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусини кучайтириш ва ҳоказо.

Маълумки, Абу Али ибн Сино авлодларга катта мерос қолдирди. Унинг тиббиёт, илоҳиёт, мантиқ, адабиёт соҳасига доир ўнлаб нодир асарлари ҳануз ўз қимматини йўқотмаган. Ибн Сино табиий фанларни, хусусан табобатни севиб ўрганган. “Ибн Сино ўн етти ёшидаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида донг чиқарди. Унинг назоратида даволанган бемор тез фурсатда оёққа туради. Бунинг эвазига Ибн Сино сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади” [1].

Ибн Сино ҳақиқий қомусий олим сифатида ўз давридаги фанларнинг деярли ҳаммаси билан муваффақиятли шуғулланган ва уларга оид асарлар яратган. Ибн Синонинг табобат фани соҳасидаги хизматлари буюқдир. “Жаҳон фани, хусусан табобат илми тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино Ўрта Осиё тупроғидан етишиб чиққан ватандош алломаларимиздан бири ҳисобланади” [2].

Ибн Синонинг табобатга оид энг йирик шоҳ асари “Китоб ал-қонун фи-т-тибб” “Тиб қонунлари” китоби ҳисобланади. Ўз давридаги тиббиёт

фанининг муфассал қомуси ҳисобланган бу асарда инсон соғлиги ва касалликларга оид бўлган барча масалалар мантикий тартибда тўла баён этилган. Ибн Сино соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси ва тўғри-оқилона овқатланиш масалаларига катта аҳамият беради. Унинг бу соҳадаги маслаҳатлари ҳозиргача ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Саломатликни сақлашда бадантарбиянинг барча ёшдаги кишилар учун ҳам зарур эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Инсон танасига ташқи омилларнинг таъсири масаласига катта аҳамият берган. Ибн Сино баъзи касалликларнинг сув ёки ҳаво орқали тарқалиши мумкинлигини айтади. Касалликларни тўғри аниқлаши ва бу соҳада қатор кашфиётлари Ибн Синони ҳозирги замон терапиясининг асосчиларидан бири, деб аташга имкон беради. Ибн Синонинг доришуносликка қўшган ҳиссаси ниҳоятда салмоқлидир. Буюк аллома Абу Али ибн Сино узининг педагогик карашларида тарбия масалаларини изчил равишда боланинг соғлиги ва гигиенаси билан боғлади. Ибн Синонинг «Донишнома», «Ахлоққа оид рисола», «Бурч ҳақида рисола» ва бошқа асарларида ўз педагогик назариясининг асосини ташкил этган инсон ва табиат, инсоний фазилат, меҳнат, ахлоқий қонун-қоидалар, ақл ва ақлий тарбия, инсон руҳияти, адолат ҳақидаги фикрларини баён этди. Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақидаги таълимотида ахлоқий тарбияга алоҳида аҳамият беради. У ахлоқ қоидаларини эгаллашга, инсоннинг ахлоқий муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган тадбирлар орқали таълим ва тарбияни изчил амалга ошириш мумкинлигини айтади. У инсон ўсиб борган сайин таълим ва тарбия вазифалари ҳам ўзгариб бориши лозимлигини таъкидлайди. Шунга алоҳида эътибор бериш жоизки, инсоннинг тиббиёт соҳасида тараққиётга эришиши, рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллаш билан боғлиқдир. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Пандемия сабоқларидан келиб чиққан ҳолда, тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўлами янада кенгайтирилади. Жумладан, барча тиббиёт муассасаларида масофавий хизматларни кўпайтириш, поликлиника ва касалхоналарни электрон иш юритишга ўтказиш чоралари кўрилади. Шунингдек, республика ихтисослашган тиббиёт марказлари ва уларнинг филиаллари ўртасида телемедицина йўлга қўйилиб, диагностика ва даволаш учун жойлардаги имкониятлар янада кенгайтирилади” [3].

Айниқса, жадал ислоҳотлар, илм маърифат ва инновацион фаолиятнинг самарали амалга оширилиши тиббиёт тараққиётига ижобий таъсир этади. Тиббиёт соҳасида муваффақиятли фаолият кўрсатиш учун ўзаро ёрдам, тинч тотув яшаш ва умумжаҳон фаровонлиги сигари қоидаларга риоя этилиши лозим. Бу ўз ўрнида халқларнинг бахт саодати ва фаровонлигининг гаровидир. Давлат ва қонунлар инсон бахт саодати учун хизмат қилади. Жамиятнинг инсонийлик мезони эса одамларнинг кундалик ва тиббий эҳтиёжлари қанчалик қондирилганлиги билан белгиланади. Бунда энг муҳим омил ижтимоий адолат қоидаларига амал қилишдир. Адолатли жамиятнинг муҳим шарти эса инсонлар ўртасидаги меҳр оқибат ва ахлоқий муносабатлардир. Юксак ахлоқ соҳиби ва тиббий жиҳатдан маданиятли



бўлишга фақат маърифат ёрдамида эришиш мумкин. Демак, ахлоқий муносабатларнинг юксалиши жамиятнинг маънавий ахлоқий соғломлиги ва собитлигини таъминлаш омили эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Шунинг учун керак, мамлакатимиз аҳолиси хусусан, ёшлар янгиликларни асосларини яхши эгаллаб олсагина, уларнинг тиббий маданияти юксалади ва бой тарихий, тарбиявий меросини, замонавий, маънавий, инсоний сифатларини онгли равишда ўзлаштирадilar. Бунинг натижасида улар иродавий сифатларга эга бўлиб, баъзи қийинчиликларни осонгина бартараф эта оладилар ва ёшлар даражада тиббий билим, кўникма, малакага эга бўладилар.

#### **Адабиётлар:**

1. Абу Али Ибн Сино Тиб қонунлари уч жилдлик сайланма 1 жилд Тошкент Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил. 3-бет.
2. Абу Али Ибн Сино Тиб қонунлари уч жилдлик сайланма 1 жилд Тошкент Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 йил. 4-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.

## **ИСТОРИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ВЗАИМОСВЯЗИ ОХРАНЫ ЗДОРОВЬЯ НАСЕЛЕНИЯ И БИОЭТИКИ**

*Абдурахимова Ш.А.*

*Институт Истории Академии Наук Республики Узбекистан*

**Аннотация.** Объектом исследования настоящей статьи являются источники личного происхождения. В статье рассматриваются письма, представляющие в рамках существующих классификаций исторических источников один из видов делопроизводственной документации.

По известным причинам тщетным было бы искать личную переписку в архивных фондах государственных учреждений или общественных организаций; основное место ее хранения – личные архивные фонды, архивные коллекции, ранее создававшиеся и ныне создающиеся в государственных архивах, рукописных отделах библиотек и музеев, а также личные архивы граждан.

**Ключевые слова:** письма, экологическая культура, биокультура, Совет Узбекистони, Узбекистон адабиёти ва санъати, СМИ, благоустройство городов, архивные источники, инфекционные болезни.

Вопросы охраны здоровья и развитие экологической культуры населения во все времена были актуальным. Особенно представители социально активной части населения рассматривали решение проблем в сфере

медицины и экологии именно в повышении знаний и навыков обращения с природой. Изучение архивных источников показывает то, что необоснованное влияние человека на окружающую среду было основной причиной распространения различных инфекционных и других болезней.

Среди многочисленных коллекций Национального архива Узбекистана выделяются письма граждан 1980-1991 гг. Тематически все письма, связанные с охраной окружающей среды и повышения биокультуры населения, выбранной нами архивной коллекции можно разделить на несколько групп, хотя с оговоркой, что такое деление только схематично обозначает их различия и групповые свойства.

Первая группа – критика и предложения против загрязнения окружающей среды и водных ресурсов. В большинстве случаев, это письма сельских жителей. Так, житель Кашкадарьинской области села Яккабог Ш. Максудов в своем письме в редакцию «Совет Узбекистони» пишет: «Кизилдарья стала сильно загрязняться в результате сброса мусора населением, стирки белья на берегах реки, выброса бытовых отходов фермой совхоза и слива канализационной воды общественной бани. В результате, как пишет автор резко ухудшилось санитарное состояние и увеличилось число различных инфекционных болезней» [1]. К письму приложена медицинская справка заведующего статистического кабинета о росте различных инфекционных болезней за 10 месяцев 1986-1987 гг.

Подобная критика поступила и от жителя Паркентского района Ташкентской области, где автор описывает как в селе Невич и Новдак жители загрязняют локальные арыки, что в селе нет детей в семье, не переболевших инфекционными болезнями. Или же автор пишет: «Мой внук заболел гепатитом. Я поехал к нему в г. Ташкент в детскую инфекционную больницу №5. В 300 метрах от больницы расположен лечебница при республиканском научно-исследовательском институте эпидемиологии и микробиологии. В течение 8 лет из ее канализационных труб проливается вода в Бозсув. Удивительно, что до революции у нас в крае было всего 4% просвещенного населения, но оно всегда почитала священным воду и бережно относилось к нему. Сегодня, когда в нашей стране утверждено общеобязательное среднее образование, и мы педагоги неустанно повторяем о необходимости бережного отношения к природе у нас такие проблемы» [2].

В составе писем редакции «Узбекистон адабиёти ва санъати» хранится статья писателя Нусрат Рахмата, где описывается тяжелое экологическое состояние Зарафшанского региона. «Река Зарафшан, которая 20 лет назад достигала территории Каракульского района, теперь даже не доходит до Навоинского района. Если учесть, что его дорога за всего лишь 20 лет сократилась на 200 км., то боишься представить, что будет через 50-60 лет спустя. Еще страшнее положение нескольких арыков в городе Самарканде. Сиёб протекающий через Самарканд имеет трех тысячелетнюю историю. Когда-то его поэтично восхвалял З.М.Бабур, а Хамид Алимджан писал о ней стихи. К сожалению, сегодня нельзя даже приблизиться к нему.

Потому что, фабрика шелкопряда «Хужум», кожа перерабатывающий завод и несколько других организаций выбрасывают свои отходные воды именно в этот арык» [3].

Наряду с вышеизложенными в редакции газет поступали письма-предложения об озеленении городов. Предлагалось на территории новых строящихся жилых комплексов разводить низкорослые не декоративные, а фруктовые деревья. К примеру, в письме кандидат сельскохозяйственных наук А.И. Ахмедова замечает: «В 30-х годах XX в. в Ташкенте очень редко продавались летние сорта фруктов. Потому что, почти в каждой улице махалли и во дворах разводили фруктовые деревья. В 1985 г. ведро вишни стоило от 12 рублей до 15 рублей. В условиях Узбекистана говорить о таких ценах очень стыдно. Мое личное мнение, сегодня не раздумывая на улицах, строящихся новых кварталов нужно посадить такие низкорослые фруктовые деревья, как орех, вишня, слива, черешня и др.» [4].

Большинство авторов старалась осветить причины и истоки проблемы и найти его виновников. Определенная часть, критиковала бездейственность правительства, другая просто интересовалась мнениями и принятыми решениями вокруг данного вопроса, третья часть старалась дать свои практические рекомендации, и наконец четвертая – оказывала своеобразную финансовую солидарность, т.е. перечисляла средства в фонд охраны окружающей среды.

Анализируя письма граждан в СМИ можно заметить, что в них проявляется не только личность, но и наоборот, письма проявляют личность. Содержание писем зачастую указывает не только на уровень информированности авторов и характер их взаимоотношений с адресатами, но и многое может сказать об интеллектуальных способностях, пишущих. Порой сама форма обращения в письме становится своеобразным «ключом» к пониманию характера отношений между автором и адресатом и настраивает исследователя на соответствующее восприятие заключенной в эпистолярной информации.

В письмах представлен широкий спектр взглядов и мнения людей на ту или иную проблему. Практически в каждом послании предлагается вариант решения поднимаемого вопроса. В качестве мотивировки своих обращений авторы применяли самые разные приемы: открытая критика, пропаганда, призыв и даже бизнес-предложение.

В целом, даже такой поверхностный анализ архивных писем граждан, адресованных в СМИ, позволяет утверждать, что в подавляющем большинстве случаев обращения лиц – это достаточно рациональный и продуманный поступок, имевший конкретные практические цели, связанные с решением повседневных нужд и интересов: благоустройство городов, улучшение инфраструктуры села, проведение санитарно-эпидемиологических мероприятий, охрана окружающей среды и т.д. В этом отношении сегодня мы можем использовать современные информационные технологии в разработке образовательных видеороликов, презентаций, реклам для воспитания биоэтики населения.

**Литература:**

1. Национальный архив Узбекистана, ф.Р-2806, оп.1, д.5, л. 127-130.
2. Национальный архив Узбекистана, ф.Р-2806, оп.1, д.5, л. 88-92.
3. Национальный архив Узбекистана, ф.Р-2806, оп.1, д.71, л.134-136.
4. Национальный архив Узбекистана, ф.Р-2806, оп.1, д.71, л.59-62.

**ЖАДИДЛАРНИНГ БИОЭТИК ҚАРАШЛАРИДА  
ИНСОНИЯТНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

*Ахмеджанова Д.М.*

*Самарканд давлат тиббиёт институти*

**Аннотация.** Илмий мақолада “Биоэтика” тушунчасининг кўп камровли эканлиги ва турли тарихий даврларда долзарб ва муҳим жараёнларни ўрганиб келаётган фан эканлиги ҳамда ҳозирги кун замонавий тадқиқотчилар ва XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистон тараққийпарварлари – жадидлар қарашларида даврлар муаммоларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзига хос тарихий узлуксизлиги масалалари ахлоқий ва инсоний жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** биоэтика, инсоният, миллий қадриятлар, соғлиқни сақлаш, ахлоқий тушунчалар, жадидлар, миллат, соғломлаштириш, оила мустаҳкамлиги, хотин-қизлар саломатлиги, биотехнология.

“Биоэтика” тушунчасини илмий муомалага киритган америкалик онколог тадқиқотчи Ван Ренселлер Поттер биоэтикага ҳаётнинг муносиб сифатини таъминлаган ҳолда, инсоннинг биологик тур сифатида омон қолиш муаммосини ҳал қилиш биология ва ахлоқни бирлаштирадиган фан сифатида қарайди. Олим “био” тушунчасини нафақат биологик билимлар, балки ҳаётий, тирик тизимлар, “этика” эса инсоний қадриятлар тизимини ўрганиш учун танланган деб таърифлайди [1,17]. Унинг фикрича, илмий-техник тараққиёт ахлоқий қадриятлар ва биологик асослар ўртасидаги узилишга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, инсониятга ва, ҳаттоки, умуман, ҳаётга таҳдид солади. Шунинг учун инсоннинг омон қолиш инстинкти етарли эмаслигини чуқур англаган ҳолда, олим биоэтикани омон қолиш илми сифатида яратди.

Биоэтика томонидан ечилиши зарур бўлган вазифаладан бири – соғлиқни сақлашга талаблар даражасини оширишдир. Яна битта муҳим кўйилган вазифа – соғлом экотизимларни сақлашдир. Бизнинг куйида келтираётган илмий мулоҳазаларимизда ушбу масалалар нафақат XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб (ушбу тушунча илмий муомалага киритилган вақтдан – Д.А.), бутун жаҳон тиббиёт, ҳуқуқ, фалсафа ва бошқа соҳалар вакиллари томонидан ўрганилиши бошланган, балки анча олдин,

хаттоки, XIX асрнинг II ярмида Туркистон миллий тараққийпарварларнинг тафаккуридан ҳам жой олганлиги ҳақида фикрлар юритилади.

Маълумки, жадидчилик ҳаракати XIX аср охири – XX аср бошларидаги ўлка мустамлакачилигининг салбий оқибатлари ва эски тартиботларидан қутқариш йўллари назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, гўзалликка доир, бадиий қарашларнинг ягона тизими сифатида юзага келган. Оила асосини тўғри қуриш, ёш авлодни тўлақонли тўғри йўлда тарбиялаш, хотин-қизлар саломатлигини муҳофаза қилмасдан туриб, жамиятни ислоҳ қилиш, унинг ривожини замонавий тараққиёт сари йўналтириш мумкин эмаслиги, охир-оқибатда миллат тақдири унинг хотин-қизлари, оилалари ва соғлом етишиб чиққан авлодига боғлиқ эканлиги каби муҳим биоэтик ғояларни илгари сурмаслиги мумкин эмас эди. Чунки, олим Ван Ренселлер Поттер биоэтикани инсониятнинг донолиги, ақлий заковатини доимий излашга кибернетик ёндашиш деб ҳисоблагани [2,31] сингари жадидлар ҳам инсониятнинг яшаши ва унинг яшаш шароитларини яхшилаш учун билимлардан тўғри фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга деб қараганлар.

Туркистон жадидлари орасида оила масаласи билан шуғулланган Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг «Ҳифз-и сиҳат-и оила» («Оила соғлиғининг ҳимояси») мақоласида оиланинг аҳволи ва ёш авлоднинг келажаги кўпинча инсоннинг ўз соғлигига нисбатан муносабатига боғлиқдур, деб ҳисоблаган [3]. XX аср бошида М. Бехбудий ўзининг кичик-кичик мақолаларида қайта-қайта оила, хотин-қизлар саломатлиги мавзусига мурожаат қилган [4].

Диний ва дунёвий илмлар билимдони бўлган Абдурауф Фитратнинг 1915 йилда чоп қилинган «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» номли асарини ёзиш орқали ўзини ҳуқуқшунос, социолог, педагог ва табиб сифатида намоён қилиб, оила қуриш заруратидан тортиб, соғлом, комил инсоннинг шу халқ, миллат ва ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожининг муҳим омили эканлиги таъкидланган. Ушбу асар ўша давр биоэтик масалалари бўйича мукамал йўриқнома сифатида хизмат қилганлигини таъкидлаш мумкин [5].

Абдурауф Фитратнинг фикрига кўра, инсониятни соғломлаштириш миллатларнинг саломатлиги орқали кўп жиҳатдан оиладаги ота-оналарнинг ўз фарзандларини вақтида уйлантириши, янги оилани юзага келтириши ва ёш авлоднинг тарбияси билан боғлиқ. А.Фитрат бу масалага глобал равишда назар солиб, Европа мисолида аҳолинининг табиий равишда кўпайиши, соғлом авлод етиштириши учун “Шарафимизни, ватан ва миллатимизни ҳимоя қилиш учун арзанда фарзанд етиштиринглар», - дея дод солганлигини мисол келтиради [5,13]. Бу чақириқ нафақат ўша давр Туркистони учун, балки ҳозирги замон учун ҳам долзарбдир. Бугунги кунда биотехнологиянинг ривожланиши билан боғлиқ бўлган ва маълум даражада инсон ҳаёти ва унинг инсоният, борлиқдаги мавжудлигига хавф солиб келаётган жараёнлар ҳақиқатдан ҳам илмий-техник тараққиётнинг ҳосиласидир. Генетик тадқиқотлар, одамни клонлаштириш, сунъий уруғлантириш, абортлар, бир хил жинсий никоҳларнинг Европада кўпайиб

бориши ва бошқа шу каби мисоллар жиддий ахлоқий муаммоларни келтириб чиқаради. Биотехнологиянинг назоратсиз ишлатилиши нафақат устидан тажриба ўтказиладиган одамларга ва уларнинг авлодларига, балки жамоатчилик билан алоқаларда ва, энг аввало, анъанавий оиланинг аҳволига таъсир қилиши мумкин. Оила эса инсон муносабатларида ахлоқ шаклланишининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда [6,94-95].

Жадидларнинг оила масаласидаги қарашларида Фитратнинг «Биринчи тарбия (оила тарбияси) тарбиянинг энг муҳими ҳисобланади. Унинг таъсири одам табиатига мустаҳкам ўрнашади» [5,34], деган фикри асосий бўлиб хизмат қилади. «Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади» [5,8]. Никоҳдан ўтаётган қиз ва йигитларнинг қўлларида уларнинг саломатликлари ва юқумли касалликлардан холи эканликларига доир шаҳодатномалари бўлиши ва булар никоҳдан 15 кун аввал доктордан олинган бўлиши шарт. Балоғатга етмаган қиз болаларга никоҳ ўқиган имомлар, бунга розилик берган ота-оналар жавобгарликка тортилиши лозимлиги ҳақида тўғри ва қимматли фикрлар билдирилади.

Маърифатпарвар жадидлар ўша даврнинг ўзига хос бир хислати - кўпхотинликка қарши чиқиб, бу муаммога ўз муносабатларини билдирганлар. Мунавварқори Абдурашидхонов [7,110], Хамза Ҳакимзода Ниёзий [8,19] шу иллатни жамият тараққиётига халақит бераётган нуқталардан бири деб, уни умуммиллий муаммо даражасигача кўтардилар. Абдурауф Фитрат ҳам ўз замонасидаги кўпхотинликдан норози эканликларини билдириб, бир марта уйланиш етарли бўлади [5,20], деб ҳисоблайди. Бу ғоя аёл, оила, жамиятни соғломлаштириш масаласида жадид мафқурасида жой олган муҳим биоэтик муаммолардан бири эди ва бугунги кунда ҳам ахлоқий нормаларнинг салбий кўриниши деб ҳисобланади.

Инсоният тарихида оила жамиятнинг асосий пойдевори эканлигини жадидлар умуминсоний, умуммиллий даражасигача кўтариб, соғлом, маърифатли оила ва у вояга етказадиган ҳар томонлама етук авлоднинг, комил инсоннинг шу халқ, миллатнинг ривожини учун муҳим омил бўлганлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилганлар. Шунини таъкидлаш мумкинки, турли тарихий даврларда бошқа номлар, кадриятлар, тамойиллар сифатида қабул қилинган ва ривожлантирилган инсонпарвар биоэтик ғоялар бевосита тўғридан-тўғри «келажакка олиб борадиган йўл» [9,9] сифатида қабул қилинган.

#### **Адабиётлар:**

1. Гоглова О., Ерофеев С., Гоглова Ю. Биомедицинская этика: Учебное пособие. Стандарт третьего поколения. – СПб.: Питер, 2013. – 272 с.
2. Кетова Т.Н. Биоэтика как этап развития гуманизма. // Ученые записки СПб ГМУ им. акад. И.П. Павлова. Том XXII, № 4, 2015.
3. Бехбудий М. Ҳифз-и сихат-и оила//Ойна, 1914, №№ 47-52; 1915, № 1.

4. Қаранг: Ойна, 1914, № 16, 270-273-бб.; № 10, 256-258-бб.; 1915, №16, 463-бб. ва бошқ.
5. Фитрат А. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. - Т.: Маънавият, 2000.
6. Тоискина Н.Н. Проблемы биоэтики на этапе современного развития. // Вестник НГУ. Серия: Психология, 2011, том 5, выпуск 2.
7. Аҳмад С. Мунавварқори. // Шарқ юлдузи, 1992, № 5.
8. Ҳамза Ҳ.Н. Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси. Тўла асарлар тўплами. 5 т. Т. II. - Т., 1988.
9. Михель И.В. Биоэтика в контексте истории: философские исследования биоэтического движения: монография / И.В. Михель. Саратов: Сарат. гос. техн. ун-т, 2015. - 248 с.

## **ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ФАОЛЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТУЙҒУСИНИ КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

*Худоёрова О., Хакимова Д.*

*А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ*

**Abstract:** General rules, factors and means of enhancing the sense of activity and dedication of medical staff are identified. Scientific and practical recommendations on the essence of the issue are also given.

**Keywords:** Activity, dedication, innovative activity, competition, creativity, patriotism, intellectual potential, creativity.

Коронавирус пандемияси шароитида тиббиёт ходимлари ягона куч сифатида бирлашиб, фаоллик ва фидойилик кўрсатдилар. Тиббиёт ходимларининг самарали меҳнати халқимизнинг бир бирига бўлган ишончини янада оширди. Ёшларнинг дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш ҳамда миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида ватанпарвар этиб тарбиялаш уларнинг эзгу мақсадидир. Абдулла Авлонийнинг таъкидлашича, “Ватан туйғуси энг инсоний, энг мўътабар туйғулардан бири. Ватанни шунчаки севиш мумкин эмас. Унинг дарди билан яшамок, унинг бахтидан қувонмоқ, у билан фахрланиш керак. Ватан онадек муқаддас” [1]. Ишонч билан айтишим мумкинки, мамлакатимизда турли миллат ва элат вакиллари яқдил, аҳил бўлиб яшаётгани, ҳар бир инсоннинг ҳаётини манфаатлари ҳамда эзгу мақсадлари рўёби учун тенг ва кенг имкониятлар яратиб берилган. Бугунги кунда замонавий билимларни чуқур эгаллаган юқори малакали кадрларни тайёрлашда мавжуд имконият ва салоҳиятдан самарали фойдаланиб, ижтимоий фойдали фаолиятларни амалга ошириш зарур ҳисобланади. Бу борада Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар алоҳида аҳамиятга эга. “Умуман, ҳар қандай жамият тараққиётида унинг келажагини

таъминлайдиган ёш авлоднинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши ҳал қилувчи ўрин тутди. Шу сабабли биз ислоҳотларимиз кўлами ва самарасини янада оширишда ҳар томонлама етук, замонавий билим ва ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, ташаббускор ёшларимизга таянамиз” [2].

Ёшларнинг ўз-ўзига ишончини шакллантириш, уларнинг энг яхши сифат ва фазилатларини таркиб топтиришда ўқитувчи инновацион фаолияти, ақлий салоҳиятининг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Инновация ҳар бир соҳада рақобат ва ривожланиш даражасини белгилаб беради. Ҳақиқатан ҳам илм – маърифат, ақлий салоҳият инсоннинг бойлиги бўлиб, унинг иродаси, ҳисси ва фикрларини ифодалайди, уларнинг ғоявий, маънавий тарбиясига ижобий таъсир этади. Илм-маърифат ва ақлий салоҳият инсоннинг воқеликдан ажратмаган ҳолда юксалишини таъминлайди. Жамият тараққиётида тарбия жараёнининг аҳамияти беқиёс. Яхши таълим-тарбия, шубҳасиз, инсоннинг жисми ва руҳий дунёсига фойдали бўлиб, унга бахту саодат, илм ва тажриба, диёнат, билимдонлик, гўзаллик, эзгуликни бахш этади ва тўғри йўлни кўрсатади.

“Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, *“Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”*, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-ҳунарларни ўзлаштириши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзумидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади” [3] Бу йўналишда ўқитувчининг ўз-ўзини фаоллаштириши, фидойилиги, ижодкорлиги, яратувчилиги муҳим аҳамиятга эга. Ана шунда ўқитувчи шахсининг креативлиги шаклланади. Бунинг учун хусусан, тиббиёт ходими ўз фаолиятини тўғри, одилона ва оқилона бошқара олиши, ўз қобилияти, лаёқати, иқтидори, тафаккури, диққати, характер хусусиятларини тўғри йўналтириши, юксак маънавиятли, доимий янгиликка интилувчан булиши талаб этилади. Айниқса, замонавий ўқитувчи сифатида ишбилармон, ўз касб сирларини ўзига сингдириб оладиган, ёшлар билан мулоқотда маданиятли, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этувчи ва фуқаролик бурчини чуқур англаб етиши, юксак интеллектуал тафаккур соҳиби бўлиши лозим. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, тиббиёт ходими ўз ваколати доирасидаги ишларни самарали ташкил этиши, ҳукумат олиб бораётган сиёсатни, Президент Фармонлари, Ҳукумат қарорларини тўғри тушуна олиши, нотиклик санъатини пухта эгаллаши, ҳалол ва пок бўлиб эл юрт тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилиши муҳим аҳамият касб этади. Замонавий тиббиёт ходимнинг ахлоқий қарашлари марказида инсонпарварлик ғояси ётади. Бу ғоянинг асосий қондаси инсонни қадрлаш, унинг шахсини ҳурмат қилиш, фикр ва ҳиссиёти эркинлигини таъминлашга эътибор қаратилади. Бунда психологик етуклик, юксак



дунёқараш, касбий билим, камтарлик, муомала ва мулоқот маданияти, шижоат, сўз ва иш бирлиги, ақл, ахлоқ муҳим аҳамиятга эгадир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Фарзандларнинг қалбига илм-фан зиёсини сингдириб, сифатли ва мукамал таълим олишини таъминлаш асосида уларнинг эл-юртга муносиб баркамол инсонлар этиб тарбияланишини муваффақиятли амалга оширишда заҳматкаш устозлар меҳнати таҳсинга лойиқ” [4].

Тиббиёт ходимларининг фаоллик ва фидойилик туйғусини кучайтиришда қуйидаги жиҳатларга жиддий эътибор бериш лозим.

1. Ўзбекистоннинг янги уйғониш даври Учинчи Ренессансни онгли англаш ва бу борада тиббий салоҳият, ижодкорликни ошириш.

2. Тиббий таълимга янгича муносабатда бўлиш, ўқитишни инновацион таълим технологиялари асосида олиб бориш орқали зарур ва чуқур назарий билимлар, амалий кўникмаларга таянган ҳолда касбий ривожланиш ва камолотга эришиш.

3. Тиббиёт таълими жараёнида халқаро илмий-техник маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мустақил таълим олишни кучайтириш,

4. Янги мазмундаги маълумотларни замонавий инновацион технологиялар асосида қизиқарли қилиб етказиб бериш имкониятини кенгайтириш, талабаларнинг бўш вақтини тўғри тақсимлаш, малакавий ва амалий билим кўникмасини ҳосил қилиш орқали уларнинг фанлар мазмунини чуқурроқ сифатли ўзлаштириб олишига эришиш.

5. Ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ҳоказо.

Хулоса қилиб айтганда ҳар қандай тизим ривожланиши хусусан, тиббиёт таълими тизими учун янгиликларни жорий этишга эҳтиёж сезиш энг муҳим масаладир. Бунинг учун профессор-ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия жараёнида масъулиятларини ошириши, қаттиқ интизом билан ўз устида мунтазам ишлаши, ўзлари томонидан яратилган инновацион ғояларга иқтидорли талабаларни кенг жалб этган ҳолда “устоз-шогирд” тизимини жорий этиши шарт. Устоз ҳар бир бўлажак мутахассис келажаги билан қизиққан ҳолда уларнинг универсал компетенцияларини ривожлантиришга ундайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев айтганидек: “Ҳеч қачон унутмайлик, гўзал ва бетакрор Ўзбекистон барчамизники экан, унинг тақдири ва келажаги учун барчамиз масъулмиз” [5].

Яна бир жиҳатни таъкидлаб ўтиш лозимки, тиббий таълим жараёнида талабаларнинг академик билимларга эга бўлиши, уларнинг билимларни мустақил ва онгли ўзлаштириш, вариатив топшириқларни бажариш ва амалда қўллаб кўриш орқали касбий компетентликка эга бўлишини тезлаштиради. Бу ўз ўрнида профессор-ўқитувчидан катта назарий ва амалий тайёргарликка эга бўлиш, методик пакет(назарий материаллар, ўқув

топшириқлари, назорат саволларини юқори савияда ишлаб чиқиш малакасини талаб этади. Натижада ўқитувчи ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Энг муҳими тиббиёт ходимларининг фаоллик ва фидойилик туйғусини кучайтириш, интеллектуал салоҳиятини ошириш орқали уларнинг чуқур билимларга эга бўлиши ва ижтимоий жараёнларнинг моҳиятини тўлиқ англаб етишига имконият яратилади.

**Адабиётлар:**

1. А. Авлоний “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”. – Т.: “Ўқитувчи”, 1993. 17-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12. 2020.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12. 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30 сентябрь 2020 йил.
5. Ш.М.Мирзиёев Юксак таърифларга муносиб замин Буюк келажатимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. - Т.: “Ўзбекистон”, 2017.- Б. 406.

**TIBBIY TA'LIMDA IJTIMOY-GUMANITAR FANLARNING O'RNI**

**МЕСТО СОЦИАЛЬНО-ГУМНИТАРНЫХ НАУК В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ**

**PLACE OF SOCIAL AND HUMAN SCIENCES IN HEALTH EDUCATION**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ**

*Норқулов С. Д., Азизова Ф.Л., Умарова Ф. С.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Мазкур мақолада миллий ғоя, маънавий тараққиёт ва уларнинг ижтимоий онг билан боғлиқ масалалари тадқиқ қилинади. Миллий ғоя ижтимоий онгнинг ўзаги сифатида унга стратегик мақсад бериши, маънавий тараққиёт эса уларнинг натижаси сифатида келиши очиб берилади.

**Калит сўзлар:** миллий ғоя, мафкура, маънавий тараққиёт, ижтимоий онг, ижтимоий тараққиёт, фуқаролик жамияти, модернизация, трансформация.

Миллий ғоя, маънавий ҳаёт ва ижтимоий онгни ғосеологик нуқтаи назардан мустикал объектлар сифатида ўрганилиши мумкин бўлса-да, улар ўртасида ижтимоий ҳаётни, борлиқни умумлаштириб турадиган, объектив ва субъектив воқеликларни уйғунлаштирадиган асос мавжуд. Бу асос ижтимоий тараққиётнинг детерминистик қонунларидир. Яъни ижтимоий тараққиётнинг барқарорлик ва ўзгарувчанлик, оқибат ва натижа, эволюция ва инволюция, инқилобий ва аксилинқилобий, англаган ва тасодиф каби амбивалент воқеалар орқали детерминистик таъсир этиб, кишиларни маълум бир ғоялар, маънавий қадриятлар ва қарашлар таъсирида яшашга мажбур қилади. Айрим олган шахс уларни ўзгартиролмади, балки уларга таянган ҳолда қандайдир элементларни қўшиши ёки нимагадир зид фикр билдириши мумкин, холос.

Миллий ғоя, маънавий ҳаёт ва ижтимоий онг динамик воқеликлар сифатида модернизацияга мойил. Модернизация ва трансформация барча тирик, жонли ва онгли субъектларга хос, шунинг учун улар субъектларнинг ҳаёти, интилишлари, тасаввурларида акс этади, намоён бўлади.

Модернизацияни технологик янгиликлар детерминацияси таъсирида тизимли функционал янгиланишлар деб тушуниш мавжуд [1.–С.553.]. Трансформация эса мазкур янгиланиш жараёнида содир бўлган тизимли ўзгаришларни билдиради. Тўғри, модернизациянинг ўзи ўзгариш, аммо у

Ўзгаришдан кейинги воқелиқдир. Модернизация ташқи детерминантлар таъсирида тизимли ўзгаришни ифода этади. Трансформация эса бутун тизимга хос ўзгариш бўлмаслиги мумкин.

Трансформация модернизация каби, албатта, янгилашни бўлиши шарт эмас, у ижтимоий онгда такрорланиш, иккига ажралиш, ҳатто историцизм (орқага қайтиш) тарзида ҳам содир бўлиши мумкин. Ижтимоий онга, умуман барча субъектив ҳодисаларга тўлқинсимон ўзгаришлар хос, трансформация ана шу хусусиятни ифода этади.

Миллий ғоя ижтимоий тараққиёт йўллари назарий – концептуал асослаб, кўрсатиб беради, ўзидаги тушунарли, аниқ мақсадни ифода этувчи давлатлари билан янги маънавий борлиқни, онгни яратади. Миллий ғояга таянмаган маънавий борлиқ қандай мақсадга интилишини аниқ билмайди, у эклектик ҳодисалар (ҳатто улар ижобий хусусиятга эга бўлганида ҳам)нинг шунчаки, аниқ мақсадларга эга бўлмаган йиғиндисига айланади. Миллий ғоя ижтимоий фаолиятга, маънавий ҳаётга мақсад беради, уларни маълум бир назарий - концептуал мақсад атрофида бирлаштиради. Шунинг учун “олижаноб мақсад муддаоларимизга етиш эски, мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш, ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик, бегона ва ёт ғояларнинг хуружидан ҳимояланиш, бундай тажовузларга қарши тура оладиган ҳар томонлама баркамол инсонларни вояга етказиш зарурати халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос янги мафкурани шакллантиришни тақозо этади.

Ўзининг ҳаётини, олдида қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида қайғурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафкурасиз яшамаган ва яшай олмайди. Мафкура бўлмаса, ҳар қайси давлат ва жамият, қолаверса, ҳар қайси инсон ўз йўлини йўқотиши муқаррар.” [2. – 5-6 б.]

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 19 январь куни юртимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият.” [3.] – деб таъкидлади.

Миллий ғоя миллат шакллангач кишилар онгидан жой олади. Унгача миллий ғоя концепция тарзида шаклланмаган айрим фикрлар, қарашлар тарзида келиши мумкин. Аммо маънавий ҳаёт этноснинг, халқнинг борлигини, руҳий, ахлоқий, трансцендентал оламининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Маънавий ҳаёт миллий ғоя ва ижтимоий онг таъсирида ўзгариш, трансформацияга учраш хусусиятига эга. Бу ўз-ўзидан миллий ғоя ва ижтимоий онгни етакчи ўринга чиқариб қўяди. Аслида миллий ғоя,

маънавий ҳаёт ва ижтимоий онгни диалектик боғлиқликда қараш зарур, чунки ҳар қандай субъективлик мутлақ айрича, “ўзи-ўзи учун” мавжуд эмас, “ўзи-ўзи учун” шаклланмайди ҳам.

Миллий ғоя у ёки бу кўринишда қадимги аждодларимиз ўйида, қалбида айрим фикрлар, қарашлар утопия тарзида мавжуд эди, лекин мустақиллик даврида у аниқ концепция шаклини олди. Унга маънавий ҳаётдаги миллий ва умуминсоний қадриятлар асос бўлади, ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон яшашга ҳақ-ҳуқуқли экани ижтимоий онгни эски, шўролар давридаги тасаввурлардан халос қилди. Ижтимоий онг эса объектив борлиққа мутлақ қарамликдан, айниқса идеологик таъсир ва манипуляциядан озод бўлди.

Ғоя ва маънавий фақат рационаллик маҳсули ёки ифодаси эмас, уларда иррационаллик, мистицизм, оккултизм, эзотеризм ва трансцендентга берилиш ҳам мавжуддир. “XX аср охирида фанда улкан ўзгаришлар юз берди ва парадоксал бир вазият юзага келди. Бир томондан, кўпгина ғайриилмий назариялар табиатшуносликнинг асосий ғоялари ва тамойилларини ўз доирасига киритди ва фанга хос бўлган аниқлик, тизимлилик ва изчилликни намоиш эта бошлади. Бошқа томондан, фанда қабул қилинган қоидалар ва андозаларнинг бузилиши илмий билим динамикасининг муқаррар шарти ва кўрсаткичи сифатида баҳолана бошланди. Илмий оқилоналикнинг қатъий меъёрлари ва қоидаларидан четга чиқиш жоиз ва ўринли бир ҳолга айлана борди.” [4. – 182 б.] Демак, ғоя ва маънавий ҳақида гап кетганида “девиант билим”ларнинг рационал, илмий фикрлаш доирасига кириб келганини ҳам ҳисобга олиш керак. Бугун қайта жонланаётган диний қарашлар, спиритизм, оккултизм, астрология, магия ва эзотерик таълимотлар ижтимоий онгдаги трансформация жараёнларидан, парадигмал ўзгаришлардан дарак беради.

Миллий ғоя, маънавий ҳаёт ва ижтимоий онгни уйғунлаштирувчи объект, асос инсон қалби, руҳидир. Қалб, руҳ мураккаб ҳодисалар сифатига киради. Бу борада О.Файзуллаев эътиборли рисола чоп эттирган. У ёзади: “Илгари ҳам руҳ танадан, бинобарин, моддадан ажратиб олинар эди ҳозир ҳам. Фарқ шундаки, ҳозир руҳ тушанчаси ўрнида онг тушунчаси ишлатилади. Лекин, онгдан кенгроқ. Ҳозир руҳий олам уч хил қисмдан иборат: 1) ўша жоннинг юқори ҳолати, 2) онг олами ва 3) ўтганларнинг руҳини шод этиш.” [5. – 51 б.] Олимнинг куйидаги фикрлари мавзуимизга бевосита тааллуқлидир. “Фан, унинг қисмлари бўлган дунёвий фан ва илоҳий фан, уларнинг ҳаммаси бу дунёю у дунёда бўладиган жараёнларни ўрганади ва бу соҳадаги ютуқлар онг бойлигини ривожлантиради. Ақл, зеҳн, қобилият, салоҳият, яратилган, кашфиёт мана шу онгга тегишлидир. Санъат соҳасида яратилган асарлар ҳам шундай. Ишқ-муҳаббат, меҳр, содиқлик нафснинг, жоннинг иши эмас, балки юрак орқали онгнинг иши. Онгнинг ижобий жиҳатларидан ташқари салбий томонлари ҳам бор: жаҳл, ғазаб, жанжал, алдаш, қайсарлик, ҳаромлик, хиёнат, нолиш, қонунга итоат этмаслик – буларнинг ҳаммаси нафс орқали онгнинг иши.” [6. – 51-52 б.] Демак, онгда қалб, руҳ зиддиятли ҳодисалар орқали ўзини намоён этади, улардан қайси

фазилатлар етакчилик қилишини якка қалбнинг, руҳнинг ўзи ҳал қилмайди. Нафснинг ўзи ҳам амбивалент воқеалар ҳосиласи сифатида онгга йўналиш бериши мумкин. Натижада нафс ҳам, онг ҳам бир вақтнинг ўзида бир-бирининг ҳосиласи ва бир-бирининг асоси сифатида келади. Миллий ғоя ва маънавий ҳаёт онгнинг, қалбнинг “ўзи билан ўзи” қолишини эмас, балки жамият ҳаётига бевосита, фаол аралашини истади. Экзотрансформацион ўзгаришлар инсон қалбини, руҳини, бутун маънавий ҳаётини қандай поғонада эканини ифодалайди ва ғоявий-тарбиявий жараённи қайси томонга йўналтириш зарурлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий онгдаги трансформация жараёнлари миллий ғоя ва маънавий ҳаёт, тараққиёт, улардаги парадигмал ўзгаришлар, модернизация билан боғлиқ тарзда рўй беради. Агар миллий ғоя ижтимоий онгга стратегик таъсир этса, унга мақсад ва вазифалар берса, маънавий ҳаёт ижтимоий макон функциясини бажаради. Маънавий ҳаётда рўй бермаган ва унда ўз ифодасини топмаган ижтимоий онг спекулятив мулоҳазаларга, гоҳо эса ғайриҳаётий утопияга айланади. Ижтимоий онг субстанционал негизига мувофиқ маънавий ҳаёт, кишилараро муносабатлар ва фаолият билан боғлиқлиги учун экстравертив хусусиятга эга. Шунинг учун трансформация жараёнларини миллий ғоя, маънавий ҳаёт, ижтимоий фаолият, ташқи алоқалар ва баркамол авлодни шакллантириш поғоналарида ўрганиш ўринлидир.

#### **Абадиётлар:**

1. Қаранг: Российская социологическая энциклопедия. Под ред. Г.В.Осипова. – Москва: Изд.гр. НОРМА-ИНФРА-М, 1998. – С.553.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.–Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 5-6 б.
3. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>
4. Шермухамедова Н.А. Фан фалсафаси.-Тошкент: Университет, 2013. -182 б.
5. Файзуллаев О. Нафс, жон ва руҳ. – Тошкент: Akademiya, 2005. – 51 б.
6. Ўша асар. – 51-52 б.

### **ИЛМ ВА ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ТАСОДИФ ЭМАС, БАЛКИ ЗАРУРИЯТДИР. 2021 ЙИЛ - ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ КУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙИЛИ**

#### **Юнусова Ш.**

*Тошкент тиббиёт академияси академик лицейи*

**Аннотация.** Мақола Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренессансга пойдевор яратиш ҳақида бўлиб, унда янги тараққиётнинг таркибий қисмлари – иқтисодиёт, таълим-тарбия, илм-фан, тиббиёт, маданиятни бугунги тараққиётимиздаги алоҳида ўрни ҳақида ёзилган.

**Калит сўзлар:** Янги Ўзбекистон, пойдевор, ёш авлод, янгиланиш, ислохотлар, таълим, тарбия.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти мамлакатимиз халқи, Ватанимиз ҳақида сўз юритганда, “Янги Ўзбекистон” деган иборани тилга олмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, сўнги йилларда юртимиз ўз тараққиёти йўлида мутлақо янги, жамиятнинг барча соҳаларида туб ўзгариш, янгиланиш, ислохотлар рўй бермоқда. Бу янгиланиш жараёнида мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган эртанги кунимизнинг муҳим кучи ёш авлод таълим тарбиясига эътибор янада кучайди. Ёш авлод бугунги кунда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг етакчи кучи бўлиб келмоқда. Хусусан, таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт, тадбиркорлик, касб-хунар ўрганиш, бандлик, меҳнат муҳофазаси фаолиятини йўлга қўйиш ва ривожлантириш каби йўналишларда мақсадли ишлар йўлга қўйилди. Ўзбекистон ёшларини дунё ҳамжамиятининг рақобатдош мутахассисларга айлантириш ниятида таълим тизимини илмий, замонавий миллий ресурсларни тасарруф этиш орқали, миллий манфаатларни ифода этувчи услублар таълим тизимида татбиқ қилинмоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли фармонлари ва қарорлари, хусусан, янги таълим тўғрисидаги қонун мамлакатимизда таълим тизимининг халқаро стандартлари асосида ривожлантириш, соҳага оид ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда, ўқув тарбия жараёнига илғор хорижий тажрибаларни, инновацион педогогик ва ахборот технологияларни кенг жорий этиш, нодавлат таълим ташкилотлари лицензия асосида фаолият олиб бориши таълим соҳасидаги давлат назорати, таълимни ривожланишида асосий устун бўлди. Таълим соҳасидаги ислохотларда педагог ходимларнинг мақоми жамият ва давлат томонидан тан олинди. Янги тахрирдаги Таълим тўғрисидаги қонуннинг 45-моддасида педагог ходимларнинг мақоми ва уларнинг фаолиятлари кафолатланди. Шу билан бирга педагогларнинг ўз касби фаолиятидаги мажбуриятлари ҳам белгилаб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75 сессиясида сўзлаган нутқида бошқа кўпгина муҳим масалалар қаторида ёшлар ҳуқуқлари бўйича халқаро конвенцияни қабул қилиш ташаббуси ёшлар ҳуқуқи уларнинг тинч ва соғлом яшаши ҳамда таълим олишга бўлган тўлақонли ҳуқуқини тушунамиз. Бутун дунё давлатлари қаторида Ўзбекистон ҳам каронавирус пандемиясини бошидан кечириши, мураккаб даврга қарамай, сифатли ва мукамал таълим олишни таъминлаш ҳамиша устувор вазифа бўлиб келди. Бугунги қийин шароитда ҳам, ўз вақтида кўрилган чора тадбирлар асосида, таълим олишнинг масофавий, инклюзив шакллари жорий қилинди. Таълим ташкилотларига хорижий муассасалар билан қўшма факультет ва ўқув марказларини ташкил қилишга рухсат этилди. Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда ёшларни, ўқувчи ва талабаларни, педогогларнинг саломатлигини асраш мақсадида

тиббий антисептик воситалар билан таъминлаш учун инқирозга қарши кўрашиш жамғармасидан 17 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ёшларимизни олий ўқув юртларига кириш учун топширган ҳужжатлари кўрсаткичи ўтган йилларга нисбатан 40 фоизга кўп бўлиши ҳам таълимга бўлган талаб ва эътиборни ортиб бораётганидан далолат беради. Олий ўқув юртининг кундузги бўлимига қишлоқ жойларида яшаётган кам таъминланган оилаларнинг қизлари давлат гранти асосида ўқишига 940 ўрин ажратилди. Бу ўз ўрнида ёш қизларимизни келажақда муносиб касб эгаси бўлишга замин яратади.

Президентимиз Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон ва Учинчи Ренесансга пойдевор яратиш ҳақида сўз юритар экан, бунда бунда янги тараққиётнинг таркибий қисмлари – иқтисодиёт, таълим-тарбия, илм-фан, тиббиёт, маданиятни бугунги тараққиётимиздаги алоҳида ўрнини белгилаб берди. Президентимиз Мурожаатномада “Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади” деган ғояни илгари сўргани бу ёшларга таълим беришни сифатини ошириш билан бирга рақобатдош кадрларни етиштиришда муҳим аҳамиятли ғоядир. Давлатимиз раҳбари соғлиқни сақлаш тизимини ривожини янги босқичга кўтариш, тиббиётни бирламчи буғинини янада кучайтириш, бунда умумий амалиёт шифокори ўрнига оилавий шифокор ва унга 5 нафар ўрта тиббиёт ходимдан иборат „Тиббий бригада“ ташкил қилинишига тўхталиб буларнинг ҳаммаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва сифатли самарали тиббиётга қаратилган. Шу ўринда бу жараёнда ўрта махсусда таълим олган ёшларни ҳам иш билан бандлигини тامينлайди, деб эълон қилиниши Ўзбекистон сиёсати ижтимоий йуналтирилган, иқтисодий барқарорлик йўлида муҳим қадам бўлиб юрт келажаги бўлган ёшларга эътибор, аҳолини саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятга келажаққа эътибор бўлмоқда. Мурожаатномада келтириб ўтилганидек, буюк аждодимиз Имом Мотуридий Хазратлари айтганларидек “*Тириклик хикматини соғлиқда деб билгин*” Буюк бобокалонимиз мир Алишер Навоий таъкидлаганидек ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб “*Қуёшлик истасанг касби камол эт*”. Ёшларни ҳар тамонлама қўллаб қувватлаш, тарбия, илм беришга биз ўз ҳиссамизни қўшар эканмиз, бунинг учун яратилган имкониятлар ва салоҳиятимиз ҳам етарли.

## **НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ САЛБИЙ ОҚИБАТЛАР ҲАМДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ЙЎЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ**

*Аширматов Ҳ.*

*Жиззах давлат педагогика институти*

**Аннотация.** XX аср охирида илм-фан оламида пайдо бўлган нанотехнологиялар фан-техника тараққиётининг янги босқичига яқун яшаш баробарида XXI асрга қадам қўйган инсониятнинг синергетик тафаккур



келажаги ҳам ана шу соҳа билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсата бошлади.

**Калит сўзлар:** нанотехнология, цивилизация, техника, табиат, биосфера, синергетик тафаккур.

Инсоният XXI асрда техноген цивилизация даврида яшаётган экан, инсоннинг ҳаётини кўркамлаштириш, қулайлаштириш ва гўзаллаштириш учун кенг имкониятлар эшиклари очилди. Бу эса ҳар бир инсондан ўзлигини англашни ва унга мураккабликнинг моҳиятини тўғри англашувчи синергетик тафаккур берган имкониятлардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Бугун саноат ва қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқаришда хом-ашёнинг меъёрдан ортиқ ишлатилиши ишлаб чиқариш жараёнидан ҳосил бўлаётган чиқинди, тутун, газдан ифлосланиш табиатга таъсир этаётгани барчага маълум. Дехқончиликда кимёвий моддаларнинг кўп миқдорда ишлатилиши, оқар сувлардан нооқилона фойдаланиш, ерости бойликларининг интенсив равишда қазиб олиниши ва бошқа ҳудудларга олиб кетилиши, саноатда эски технологиянинг сақланиб қолаётгани ҳамда транспорт воситаларининг атроф-муҳитга етказётган зарари, табиатга техникавий таъсирнинг ортиб бораётгани глобал экологик инқирозларни келтириб чиқараётгани асосий сабаблардир.

Бугун табиатга техниканинг таъсири шу қадар ошиб кетганки, у Ер юзида содир бўлаётган геологик кучларга тенглаштирилмоқда. Агар олти минг йил аввал инсон табиатга тошболта, таёқ, ёғоч омов каби содда ускуналар билан ёндашган бўлса, бугун у жуда қудратли ишлаб чиқариш қуроллари – мураккаб машиналар ўн икки плугли трактор, бирваракайига беш-ўн беш тонна тоғ жинсларини олувчи ковшга эга экскаваторлар, бир неча минг от кучига эга бульдозер ва шунга ўхшаган қудратли техника билан таъсир этмоқда. Мазкур воситалар инсон меҳнатини енгиллаштирмоқда, самарадорлигини оширмоқда, аммо Ер юзида бир қатор муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Айниқса, биосферанинг заифлашаётгани, бир қатор ўсимлик ва жониворларнинг йўқ бўлиб кетиши, атмосфера, сув ҳавзалари ва тупроқнинг бузилаётгани, заминимиз қиёфасининг ўзгараётгани зиддиятлар, тўқнашувлар, маънавий инқирозларда намоён бўлмоқда.

Айрим Ғарб мамлакатларида наноматериалларнинг атроф-муҳит, инсон саломатлигига зарари хусусида турли фикрлар, қарашлар пайдо бўла бошлади. Ҳатто айрим манбаларда нанотехнология XXI асрда инсониятни қутилмаган вазиятларга дучор этиши мумкинлиги таъкидланмоқда. Гап шундаки, кенг фойдаланишга киришилган наноматериалларнинг, миттигина наноқисмлари ҳали етарлича ўрганилмагани инсониятни оғир аҳволга солиб қўйиши ҳам мумкин. Бир вақтлар тинчлик ўрнатиш ниқоби остида инсон ақлу-заковатининг юксак маҳсули бўлган атом яратилган эди. Бугун эса у Ер юзини нина устига ўтқазиб қўйишга қодир энг хавфли қуролга айланди. Биз ҳаммамиз яхши кўрадиган автомобиллар оммавий ҳаракат воситасига

айланиб, инсон оғирини енгил қилди-ю, лекин атроф муҳитни инфлослантириб, унга глобал миқёсда экологик хавф сола бошлади.

Мутахассислар эса бугун нанотехнологияларнинг улкан ютуқларидан ҳарбий соҳада фойдаланишга интилишнинг кучайиб бораётганидан хавотирга тушмоқдалар.

“Ҳозирги кунда инсоният қўлидаги қирғин келтирувчи қурооллар Ер шари аҳолисини бир неча бор қириб ташлашга, Ер ўқини издан чиқаришга, Ер шарининг ўзини парчалаб ташлашга ҳам етарлидир. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра ҳозирги замондаги инсоният қўлида мавжуд барча портловчи моддаларни динамит эквивалентлигидаги ғиштчаларга айлантирсак ва уларни темир-йўл вагонларига юкласак, динамитлар ортилган бундай эшалоннинг узунлиги Ер шарини экватор бўйлаб 200 марта айлантириб чиқишга етар экан. Бу қурооллар ғайриинсоний кучлар қўлига ўтиб кетса борми, улар ўзининг бугунги кундаги ўткинчи манфаатлари йўлида бутун Ер юзи цивилизацияси тараққиётига нукта қўйиши мумкин. Ана шу омилнинг ўзи ҳозир ҳам хавф остида турган ядросиз дунё орзуси қачон ушалади, деган саволни яна бир бор жаҳон ҳамжамияти олдида қўндаланг қилиб қўяётган бўлса, ажаб эмас. Шундай экан цивилизациямизнинг келажагини сақлаб қолиш ҳар қандай вазифадан долзарброкдир” [1].

Янги минг йиллик инсоният тарихида бутунлай янгича бир босқични, яъни, тирик организмларнинг, жумладан, инсон организмнинг ирсий асослари – ирсийт кодини (алифбосини) ўқиш имкониятини бошлаб берди. “Генетик код – ирсий ахборотни нуклеин кислоталар молекуласида нуклеотидлар кетма-кетлиги тартибида ёзишнинг тирик организмларга хос бўлган ягона системаси. Дезоксирибо-нуклеин кислотаси (ДНК) молекуласида маълум тартибда жойлашган муайян сондаги нуклеотидлар синтезланаётган оксил занжирининг таркибидаги аминокислоталар хили, сони, уларнинг жойлашиш тартибини белгилаб беради” [2].

XX аср ўрталаридан бошлаб генетика ва молекуляр биология фанларининг назарий ва услубий бирлашуви натижасида янгича бир ёндашув – “ген инженерлиги” деб номланган тадқиқотлар йўналиши юзага келди. Ушбу йўналишнинг бош мақсади – фан ва амалиёт учун керак бўлган ирсийтнинг янги-янги моделларини яратиш ва келгусида уни тирик организмларда рўёбга чиқаришдан иборатдир.

Рўй бераётган кўпгина глобал муаммолар ечимини топишда “ген инженерлиги” жуда асқотиши мумкин, деган орзу-умидлар ҳам йўқ эмас. Аммо булар ҳозирча орзулар, холос.

“Одамзод насли XX асрнинг иккинчи ярмида шундай муаммолар домига тортилдики, эндиликда уларнинг исқанжасидан қутулиб кетиш ёки кетмаслик бугунги куннинг энг долзарб масаласига айланди. Агар XX асрнинг биринчи ярми охирларида инсоният қаршисида асосан битта умумбашарий муаммо – ядро ҳалокатининг олдини олиш қўндаланг бўлиб турган бўлса, энди аҳоли табиий ўсишининг юқори даражада сақланиб қолиши, фан-техника ютуқларидан тор манфаатлар йўлида фойдаланишга ружу қилиниши ва бир қатор минтақаларда мураккаб экологик вазиятнинг

вужудга келиши масалани чигаллаштириб юборди” [3].

Маълумки, “она заминимиз инсоннинг биологик талабларини қондирувчи ягона манба ҳисобланади. Инсон ва табиат ўртасидаги боғлиқлик ниҳоятда нозик масала. Дақиқалар ичида содир бўладиган офатлар ва кескин ўзгаришларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш жуда мушкуллашиб бораётир, айниқса, 1986 йил 26 апрел куни Чернобиль АЭС IV блокининг ишдан чиқиши натижасида жуда катта миқдордаги радиациянинг ҳавога тарқалиши мазкур регионнинг яшашга мутлақо яроқсиз бўлиб қолиши” [4] ва яқинда содир бўлган Япониядаги фожиалар, бунга мисол бўла олади.

Ер юзидаги ҳаёт тизими, шу жумладан, инсон ҳам, барча-барча тирик организмлар (ҳайвонлар, ўсимликлар ва барча микроорганизмлар ирсияти (генофонди ва геноми) узок эволюция жараёнида, табиий тикланиш билан миллион йиллар мобайнида тоза ҳаво, тиниқ сув, табиий соф озуқа, ям-яшил олам, ёруғлик, мўътадил ҳароратга мослашиб, ривожланиб келган. Бироқ, ачинарли жиҳати шундаки, кўпгина сабабларга кўра, бундай ҳаётий муҳим ва зарур бўлган табиий омиллардан кўп ҳолларда маҳрум бўлиб қолаёпмиз.

“Ҳозирги вақтда жаҳон фан-техника тараққиёти жадал ривожланиши муносабати билан табиий захиралардан хўжалик мақсадларида тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Бунинг устига, дунё аҳолиси йилдан-йилга ўсиб бориб, кўпроқ миқдорда озиқ-овқат, ёқилғи, кийим-кечак ва бошқа нарсаларни ишлаб чиқариш талаб қилинмоқда. Бу эса ўрмонлар эгаллаб турган майдонларнинг жадал суръатларда қисқаришига, чўл-сахроларнинг бостириб келишига, тупроқнинг бузилишига, атмосферанинг юқорида жойлашган озон тўсиғи камайиб кетишига, ер ҳавосининг ўртача ҳарорати ортиб боришига ва бошқа ҳолатларга сабаб бўлмоқда” [5].

“Ҳар йили океанларга 12-15 млн. тоннага яқин нефть ва нефть маҳсулотлари тўкилмоқда, шаҳарларнинг кенгайиши, саноат корхоналарини қуриш учун минг-минглаб гектар ер майдонлари ажратиб берилмоқда, ўрмонлар кесилиб, яшил ерлар камаймоқда. Бу тенденция, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда хавfli тус олмоқда. Дунёда ҳар йили 0,8% тропик ўрмонлар кесилиб, қайта тикланмай қолмоқда. Ҳозирги пайтда йилига 8,3 млн. гектар ёки минутига 16 гектар ўрмон йўқотилмоқда. Табиий мувозанатнинг дунё миқёсида тез ўзгаришининг оқибати ҳозирнинг ўзидаёқ инсоннинг яшаши ва фаолияти учун ўта зарур бўлган мўътадил муҳитнинг бузилишига олиб келмоқда [6].

Бундан ташқари, охириги йилларда радиацион, кимёвий ҳамда бошқа ксенобиотик омилларнинг қишлоқ хўжалигида, ишлаб чиқаришда, тиббиётда кўплаб қўлланиши оқибатида турли-туман аллергик ва бошқа касалликларни келтириб чиқариш ҳолатлари мавжуд. Улар сув орқали, ҳаво ва истеъмол озуқаларига тушиши натижасида инсон организми ва бошқа тирик организмларга ўтади, бунинг оқибатида етказилган тератоген, канцероген ва мутаген таъсирини тузатиб бўлмайди. Яъни юқорида айтиб ўтилганидек, ўта нозик “ҳаёт ипи” узиб қўйилиши мумкин. Бу барча тирик организмлар учун катта таҳлика туғдиради. Бир сўз билан айтганда, бугунга

келиб, инсон ирсияти хавфсизлигини таъминлаш мураккаб ва энг долзарб масалага айланди. Аввалги даврларга нисбатан, охирги 50 йил ичида биологик турларнинг йўқолиш жараёни 100-1000 баробарга ортиб бормоқда.

Маълумот учун айтиш мумкинки, ер юзида 13 миллионга яқин биологик турлар мавжуд бўлиб, ҳозиргача олимлар уларнинг 1,75 миллион турини аниқлашган, холос.

Биз осиеликлар учун мисолни узоқдан қидириш шарт эмас. Биргина Орол фожиаси миллионлаб инсонлар ҳаётини издан чиқариб, юзлаб биологик турларнинг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлди. Бу ҳақда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг куйидаги фикрларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир: “Очиқ эътироф этиш керакки, узоқ йиллар мобайнида эски маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида бу муаммо билан жиддий шуғулланилмаган. Аниқроғи, бу муаммо айрим жонкуяр олимлар учунгина тадқиқот манбаи, ўз мамлакатларининг келажагига, табиий бойликлари сақланиб қолишига бефарқ қарамаган, бу ҳақда қаттиқ ташвиш чеккан одамларнинг эса “қалб нидоси” бўлиб келган” [7].

Шу билан бирга бугунги кунда нанотехнологиялар соҳасига доир яна бир муҳим, янги тушунчалардан бири генетик ўзгартирилган организмлар ва маҳсулотлар ҳамда унинг ижобий ва салбий томонлари, уларнинг жамият ҳаётига тадбиқ этишга доир давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий сиёсати масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Тўраев Б.О. Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёти муаммолари ва ҳозирги замон. // “Инсон, унинг эътиқоди, жамият, коинот: тараққиёти муаммолари ва ҳозирги замон” мавзусидаги илмий семинар материаллари. –Т.: ИБХМ нашриёти, 2015. Б.22.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Т.: Давлат илмий нашриёти. 2002. Т2. 612-б.
3. Назаров Қ. Фалсафа асослари. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -337-б.
4. Назаров Қ. Фалсафа асослари. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -342-б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 506-б.
6. Назаров Қ. Фалсафа асослари. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -343-б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: Ўзбекистон, 1998. 506-б.

### **ABU ALI IBN SINONING FALSAFIY-MA'NAVIY MEROSIDA AXLOQIY QADRIYATLAR TAHLILI**

*Sabirova N.R.*

*Toshkent kimyo-texnologiya instituti*

**Annatsiya.** Ushbu maqolada Abu Ali ibn Sinoning falsafiy ma'naviy merosida axloqiy qadriyatlar, inson axloq-odobiga doir masalalar tahlili keng alohida yoritib berilgan.

**Kalit so'zlar:** Ma'naviyat, komil inson, "Sharaf ul-mulk", "Shayx ur-ra'is", axloq, tafakkur, barkamollik, "Tadbiri manzil", "Qonun", "Siyosat al-badad", qadriyat.

Bugungi kunda jamiyatimiz hayotining ijtimoiy, siyosiy – ma'naviy sohalarida bir qator islohotlar amalga oshirilmoqda. Ushbu islohotlarning tub mohiyatida, inson va jamiyatning taraqqiyotiga asos bo'luvchi g'oyalari, maqsadlar mavjud. Jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va ma'naviy sohalarida taraqqiyotga erishishi avvalambor shu jamiyatda faoliyat yuritayotgan shaxslar ma'naviy barkamolligiga, intellektual salohiyatga, o'z-o'zini anglaganligiga bog'liq bo'ladi. Chunki, jamiyatda madaniyat ma'naviyatni rivojlantirmay turib, taraqqiyotga erishib bo'lmaydi. Jamiyat taraqqiyotini esa ma'naviy barkamol insonlar belgilaydi. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoevning «...milliy tarixni milliy ruh bilan yaratish kerak. Aks holda uning tarbiyaviy ta'siri bo'lmaydi. Biz yoshlarimizni tarixdan saboq olish, xulosa chiqarishga o'rgatishimiz, ularni tarix ilmi, tarixiy tafakkur bilan qurollantirishimiz zarur»[1] deb bejiz aytib utmagan. Barkamol insonni tarbiyalashga, zamon talablari darajasida zaminimizdan dunyoga mashhur Farobiy, Beruniy, Ibn Sino, Navoiy singari buyuk qomusiy allomalar etishib chiqdi. Bu shaxslarning hayot yo'llarida orttirilgan tajribalari natijasida yozib qoldirgan asarlaridagi g'oyalari, biz yosh avlodni barkamol shaxs bo'lib etishishimizda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu bilan birga O'rta Osiyo xalqlari ilm- fani va ma'naviyatini yuksaltirish uchun, balki jahon tamaddunining taraqqiyotiga munosib hissalarini qo'shganlar. Dunyo ilm ahli ortasida ma'lumu mashhur bo'lgan siymolardan biri qomusiy olim Abu Ali ibn Sino hisoblanadi. Bu haqda birinchi Prezidentimiz I.A.Karimovning quyidagi fikrlari o'rinlidir. "Ana shunday noyob fazilatlar sohibi bo'lmish mashhur alloma Ibn Sinoning "Tib qonunlari" asari necha asrlar davomida Yevropaning eng nufuzli oliy o'quv yurtlarida asosiy tibbiyot darsliklari sifatida o'qitib kelingani, dunyo mi'yosida "Medetsina", "Sog'lom turmush tarzi" degan tushunchalarning fundamental asosi bo'lib xizmat qilgani, albatta, chuqur hayotiy va ilmiy zaminga ega. Aniqroq qilib aytganda, bu benazir allomaning butun ilmiy faoliyati dunyo taraqqiyotini insonparvarlik ruhida, yani, ma'naviy negizda rivojlantirishga ulkan ta'sir o'tkazadi, deb aytishga barcha asoslar bor.[2]

Sharq musulmon olamida "Sharaf ul-mulk", "Shayx ur-ra'is" unvonlari sohibi, jaxonga falsafa, tib ilmining bilimdoni sifatida tanilgan buyuk shaxs Abu Ali ibn Sino (980-1037) ning ma'naviy me'rosidagi qator muammolar tizimida axloq-odob masalalari muhim o'rin tutadi. Ibn Sinoni haqiqiy alloma sifatida o'z davridagi fanlarning deyarli hammasi bilan muvaffaqiyatli shug'ullangan va ularga oid ilmiy asarlar yaratgan. Turli manbalarda Ibn Sinoning 450 dan ziyod asarlar yaratgani qayd etilgan bo'lsa ham, bizgacha faqat 240 tasi yetib kelgan. Xususan allomaning "Burch haqida risola" ("Risola fi al-adad"), "Ahloq haqida

risola” (Risolai axloq”), “Turar joy tadbiri haqida risola” (“Risolai tadbiri manzil”) kabi asrlarida inson axloq- odobiga doir masalalar alohida yoritib berilgan.

Insonda ma'naviy barkamollik axloqiy fazilatlarni shakllantirish asosida yuzaga keladi. Ibn Sino fikricha insonda axloqiy fazilatlar va ilm o'z-o'zidan yuzaga kelmaydi.[3] Haqiqatdan insonda boshqa mavjudotlardan farqli o'laroq, o'z hatti-harakatlarini ongli ravishda nazorat etishdek ijtimoiy xususiyatlar shakllangan. Ibn Sinoning fikricha, “Tangri insonga shunday kuchni in'om etadiki, u orqali ezgulik (xayr) ni yomonlik (sharr) dan, aqliy kamolot, yetuklik (rashad)ni yolg'on-yashiq, adashuv (gumrohiy) dan farq eta olish imkoniyati paydo bo'ldi”.

Demak, inson o'z hayoti va faoliyatini mazmunli o'tkazishi uchun yuksak aql-zakovat sohibi bo'lishi lozim. Chunki, aql-zakovot tufayligina inson donolik, teran fikrlilik, rostgo'ylik, uzoqni ko'ra bilish kabi xususiyatlarni amalga oshirilishi mumkin. Shuning uchun ham xalqimiz “Aql insonning ko'rki” deb bejizga aytmagan. Aql bilan ilm o'rganiladi va ikkalasi birlashib insonni ezgulik sari yetaklaydi. Shu barobarida inson komillik sari yuz tutadi. Mana shu komil insonlar, ma'naviyatimizning yuksak axloqiy qadriyalarini bevosita ijodkorlaridir.

Aхлоq dunyodagi jamiki mavjudotlar ichida faqat insongagina xos xususiyatdir. Ahloqni ravnaq ettirish ham kishilar zimmasiga yuksatilgan vazifadir. Chunki “Go'zallikka va axloqiy kamolotga intilish – bu inson zotiga xos xususiyatdir”. Inson doimo go'zallikka intilib yashaydi va undan ma'naviy ozuqa oladi. Go'zallik axloqqa tegishli, chunki inson ruhiy olami qanchalik go'zal bo'lsa uning jamiyatdagi qadri ham shuncha baland bo'ladi. Aksincha bo'lsachi? Ya'ni, jamiyatda inson e'tiqodi, dunyoqarashi umumjamiyat axloqiy qadriyatlariga zid keluvchi salbiy xususiyatlar asosida shakllansa, bunday jamiyat tanazzuliga yuz tutish muqarrardir. Xo'sh, inson ruhiyatida axloqiy fazilatlar o'rni qay tarzda salbiy illatlar (ta'magarlik, o'g'irlik, bezorilik, andishasizlik) qamrab oladi.

Inson axloqiy tug'mami yoki ma'lum bir ijtimoiy muhitda shakllanadimi?

“Mutafakkirning asarlarida jumladan “Tadbiri manzil” risolasida ham inson tabiati azaldan axloqli yoki axloqsiz bo'lmaydi, degan g'oya muhim ahamiyatga kasb etadi. Aslida odamlar tayyor fazilat, odat va hayotiy ko'nikmalar bilan tug'ilmaydilar. Bunday xususiyatlar ularning ijtimoiy hayotida shaxsiy va o'zgalar tajribasi, ajdodlar an'analari, ta'lim-tarbiyaning faol ta'siri ostida sekin-asta shakllana boradi. Ta'lim- tarbiya o'zgalarning ma'naviy ta'siri ostida inson o'zida ijobiy axloqiy fazilatlarni shakllantiradi yoki “yomon do'stlar” yani salbiy odatlar, mijoz va kayfiyatlar sohibiga aylana boradi.”[4] Bu borada allomaning “Hayy ibn Yaqshon” haqidagi risolasi, ijobiy va salbiy xususiyatlar o'rtasida insonda ro'y beruvchi ichki kurash haqidagi oqilona yozilgan hikoyadir. Bu o'rinda Ibn Sino har bir odamda yaxshi xususiyatlar bilan bir qatorda salbiylar ham bo'lishi mumkinligini ko'rsatadi. Faqat sog'lom aqlgina odamni adashuvlardan saqlaydi.[5]

Hozirgi kun yoshlarni oladigan bo'lsak ko'pchiligida salbiy odatlarning rivojlanganini ko'rish mumkin. Bunga sabab oiladagi muhit yaxshi emas ekanligi

va tarbiyaning izchil olib borilmayotganida. Jamiyatimizda yaxshi hulqli shaxslarni yetishtirib berish uchun ota-onalar farzandlariga yoshligidanoq to'g'rilik, samimiylik, bardoshlilik kabi fazilatlarni o'rgatishlari shart.

Shuni takidlash jojki, Ibn Sino risolalarida adolatlilik, sahiylik, shijoat, sabr, muloyimlik, iffat, qanoat, ilm-ma'rifatli bo'lish, do'stlik, kamtarlik kabi fazilatlarga ta'rif berganini, kishi doimo o'zini pokiza tutishi, odamlar bilan muomala qilishi kabi masalalarga e'tabor qaratgan. Ayniqsa "Nafsni pokiza tutish to'g'risida", "Qonun", "Siyosat al-badad" kabi bir qator asarlarida to'htalib o'tgan.[6]

Xulosa o'rnida ta'kidlash jojki, minglab nasihatnomalar millat ma'naviyatining sarchashmasi bo'lgan axloqiy qadriyatlar sifatida yangicha mazmundagi ma'naviy-axloqiy hayotni qaror toptirishga xizmat qiladi. Axloqiy madaniyat inson ma'naviyatini yuksaltirishda, unda ijodiy va ijobiy fazilatlarni shakllantirishda juda katta ijtimoiy ahamiyatga ega. Zero, qadriyatlar birinchi navbatda o'zlikni anglashning izchil vositasi bo'lib, ular tufayli har bir elat va millat, xalq o'zining tarixiy o'q ildizidan ozuqa oladi va o'zligini jahon hamjamiyati oldida namoyon qiladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Shavkat Mirziyoev. Jamiyat hayotining tanasi iqtisodiyot bo'lsa, uning joni va ruhi ma'naviyatdir. 19.01.2021.2.
2. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. T.: "Ma'naviyat", 2008, 43-b.
3. Ibn Sino "Hikmatlar guldastasi". 63-b.
4. Ibn Sino "Tadbiri manzil". 4-b.
5. X. Aliqulov, R. Nosirov, T. Ortiqov, A. Ashurov. "Ma'naviy-axloqiy mutafakkirlar talqinida". 41-b.
6. Fozila Sulaymonova. "Sharq va G'arb". 390-b.

## **АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МЕДИАМИССИОНЕРЛИКНИНГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ**

*Ахмедов Э.К.*

*Тошкент кимё-технология институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада баркамол шахс тарбияси, унинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга медиамиссионерликнинг таъсири ҳақида фикр юритилган. Айниқса, миссионерлар телевидение, ахборот технологияларидан ғаразли мақсадларни амалга ошириш учун восита сифатида фойдаланаётганлиги асосли тарзда ёритилган, инсонлар онги ва қалбига таъсири таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** шахс тарбияси, маънавий таҳдид, медиамиссионерлик, телевидение, медиамаданият, "тармоқ авлоди".

Баркамол шахс тарбияси узоқ ва узлуксиз давом этадиган мураккаб жараёндир. Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида шахс тарбиясига алоҳида эътибор қаратилганлиги тарихдан маълум. Бугунги кунда ҳам бу масала мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, бунда эътибор ёшларни миллий руҳда тарбиялашга, уларда ахлоқий сифатларни шакллантиришга қаратилган. Афсуски бугунги кунда миллий ўзлик ва маънавий қадриятларга қарши таҳдид ва хатарлар тобора ортиб бормоқда. Фақат ўзини ўйлаш, Ватанга, оилага енгил қараш, истеъмомчилик кайфияти турли йўллар билан одамлар, айниқса, ёшлар онгига устамонлик билан сингдирилмоқда. Бунда диний омилдан ҳам ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланилмоқда. Диний омил шахсга ҳам, ижтимоий онгга ҳам таъсир қилади, тўғридан-тўғри ёки билвосита ғоявий доминантларни, маънавий-ахлоқий меъёрларни шакллантиради. Замоनावий воқелик диндан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиш баробарида у ўта нозик тус ва хатарли кўриниш олаётганидан гувоҳлик беради. Мазкур ҳаракатларни олдини олиш ва бартараф этиш ҳозирги кунга келиб дунё миқёсида кўпгина давлатларнинг долзарб муаммосига айланмоқда. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халкларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим”[1], – эканлигини таъкидлаб ўтади. Зеро, бугунги кунда инсонлар кучли ғоявий, мафкуравий ва информацион таҳдидларга дуч келмоқда. Бундай таҳдидлардан бири бўлган миссионерлик ҳаракати ҳам глобаллашув шароитида жуда кенг имкониятларга эга бўлмоқда. Уларнинг тарғиботлари ғоявий ва мафкуравий курашнинг кучайишига, маънавий таҳдидларнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Миссионерлар томонидан замоनावий телекоммуникация, компьютер, интернет тармоғи орқали бирон бир ҳудудга хос маънавий-ахлоқий қадриятларни ўзга халқларга сингдириш, инсонларнинг онги ва қалбини забт этиш йўли билан жаҳонда маънавий хукмронликни ўрнатишга уриниш миллий-маънавий тараққиёт учун ҳам жиддий хавф туғдиради.

Медиамиссионерлик ҳозирги замон миссионерлигининг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлиб, медиасаноат ютуқларидан фойдаланган ҳолда миссионерлик ғояларини тарғиб қилади. Кўп асрлар давомида ахборот ёзма кўринишда қабул қилинган бўлса, эндиликда экран жамики информацияларнинг ташувчиси вазифасини бажармоқда. Медиа – телевидение, радио, кинематограф, компьютер, ахборот тизимлари пайдо бўлгандан сўнг минглаб тарғиботчилар шарт бўлмай қолди. Телеэфир давомида ахборот қабул қилишнинг бир нечта каналлари орқали таъсир кўрсатилади: кўриш ва эшитиш орқали бир вақтнинг ўзида ахборот қабул қилиниши миссионерлик тасирини бир неча маротаба ошириб юборади.

Америкалик тадқиқотчи Р.Макнейл шундай деб ёзган: “Телевидение оммани ахборот билан таъминлашга боғлиқ жамики жараёнларга



оламшумул ўзгаришларни олиб келди. Телевидениенинг кашф этилгунига қадар, ҳеч қандай воқеа омма онгини манипуляция қилиш борасида бу каби туб бурилиш ясаган эмас” [2]. Телекўрсатувларда узатиладиган ахборот оқими ёрдамида алоҳида шахслар ёки бутун жамиятнинг дунёқарабини бошқариш имконияти ушбу йўналишдаги миссионерлик ҳаракатининг қанчалик хавfli эканлигини кўрсатади. Телевидение бугун нафақат оммавий ахборот тарқатиш воситаси ҳисобланади, шунингдек у ижтимоий онгини, эстетик дидни шакллантиради, шунингдек барча ёшдаги ва турли ижтимоий тоифадаги кишилар тақлид қилишга мойил бўлган хулқ-атвор намуналарини белгилаб беради. Бу ҳол телевидениени ижтимоий бошқарув ҳамда турли ижтимоий меъёрларни шакллантиришнинг қудратли куралига айлантиради. Одатда телевизор томоша қилаётган одам ўзини анча енгил кўяди, асосан, телевизорни дам олиш, ҳордиқ чиқариш учун кўради, шундай экан томошабинда психологик ҳимоя сигналлари ўчиқ бўлади. Шунинг учун ҳам эфирга узатилаётган, миссионерлик ғоялари билан суғорилган кўрсатувлар инсонларнинг дунёқарабини ўзгартирмоқда. Айнан телевидение орқали Ғарбнинг ҳаёт тарзи тарғиб қилинмоқда, “оммавий маданият”нинг кириб келиши ва ахлоқсизликнинг кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Оқибатда инсонларнинг қизиқишлари, асосан ёшларнинг дунёқарашлари, ҳаётий мақсадлари, психикаси, ҳурмат, ўзаро тушуниш каби ҳислари, тушунчалари, мулоқот тарзи ва кайфияти кескин ўзгармоқда. Мазкур ҳолат миллатнинг тарихан шаклланган қадриятларини, унинг ўзига ҳослигини хавф остида қолдириб, миллий маънавий хавфсизликка путур етказди.

МедиамиSSIONерлик оқибатлари ҳақида профессор М.Қуронов ўз фикрини билдириб, медиа маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори, медиа маҳсулотлар эса товар эканлигини таъкидлайди ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири ҳақида шундай дейди: “Медиамаҳсулотни қандай бўлса, шундай “ютиш” ёшлар маънавиятида шу пайтгача шаклланган маънавий қадриятлар тизимини ларзага солади. Қадриятлар тизими бузилса, уни дори-дармон билан тузатиб бўлмайди” [3]. Шунинг учун ҳар бир фуқародан медиаматнлардаги тарғибот-ташвиқотнинг мазмун-моҳиятини, маълумот тарқатувчининг ниятларини ўз вақтида англаб етиш ва унга нисбатан танқидий ва таҳлилий ёндашув талаб қилинади.

Интернат тармоғи орқали ҳеч қандай тўсиқларсиз миссионерлик ғояларининг тарғиб қилиниши шак-шубҳасиз ахборот глобаллашувининг хавfli жиҳатларидан биридир. Ахборот технологияларининг ривожланиши “тармоқ авлоди” тушунчасини юзага келтирди, “тармоқ авлоди” бу ўзида юқори даражадаги ахборий саводхонликка эга бўлган ва кундалик ҳаётида доимий равишда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларидан фаол равишда фойдаланувчи бугунги ёш авлодни акс эттиради [4]. Бугун ёшларнинг аксарияти ижтимоий тармоқдаги суҳбатни турли зиёфат ва учрашувлар, мусиқа ва дўстлар даврасидан устун қўймоқда. Тадқиқотчилар интернет ва компьютерни инсон психикаси, соғлиғи ҳамда маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини таъкидлаб, бошқа касалликлар каби “юқумли

internetukus” mavjudligini qayd etilmoqda. U kimor ўyini kabii yuqib, kishini ёn-atrofdan, ijtimoiy xætдан ажратиб кўяди. Маълумотларга кўра, интернетдан фойдаланувчиларнинг 5% га яқини шундай хасталикка чалинган[5]. Бизда ҳам сўнги йилларда атроф оламдан мутлақо узилган ва смартфонларига хаддан ортиқ боғланиб қолган ёшлар жуда кўпайиб кетди.

Медиамиссионерлик тахдидининг катта муаммога айланаётганлиги шундаки, улар кўринишидан “беозор”, “замонавийлик”ни тарғиб қилаётгандек бўлиб кўриниб, тараққий этган ғарбнинг хæt тарзига тақлид қилиб яшайдиган инсонларни, айниқса, хæтий тажрибага эга бўлмаган ёшларни ўз таъсир доирасига олиши, улар орқали эса бутун миллатнинг маънавий тараққиётига таъсир кўрсатиши хатарли тус олмоқда. Ўзларининг потенциал мижозларига янада жозибадор кўринишга харакат қилувчи миссионерлар аниқ мақсадлар асосида ва инсоннинг хæтий эхтиёжларини қондиришга эътибор берган ҳолда ишлайдилар. Афсуски бугунги кунда инсонларнинг маънавий эхтиёжларини қондиришда миссионерлик харакатларининг миллатни маънавий манқуртликка олиб борадиган ғоялари, мафкураси ва дунёқараши кўпроқ ўрин олаётган бўлса, уларнинг олдини олиш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирларимиз етарли даражада уларга тўсиқ бўлаолмаётир. Натижада имон-эътиқоди мустаҳкам бўлмаган, замонавий истеъмолчилар жамияти таъсирида яшовчи инсонлар, айниқса, шахсий хæt тажрибаси кам бўлган ёшларни ғайриоддий ва замонавий бўлиб кўринган миссионерлар осонлик билан ўз назоратига олмоқда.

Бундай тахдидлар авж олаётган вазиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш, миллий манфаатларни химоя қилиш, хушёр ва огоҳ бўлиб яшаш зарур. Шу боисдан ҳам маънавият ва маърифатга интилиш, ахлоқий-маданий савияни юксалтириш ижtimoiy заруриятдир. Зеро Президентимиз Ш.Мирзиёев: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият” [6], – деб таъкидлайди.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2017. -27 б.
2. Кара-Мурза С.Г. Манипуляция сознанием / [www.kara-murza.ru/books/manipul/manipul\\_content.htm](http://www.kara-murza.ru/books/manipul/manipul_content.htm)
3. Қуронов М. Интернет содда ёшларни қопқонга тушириш, медиа фирибгарлик майдони ҳамдир / <http://vatandosh.uz/2014/02/internet-5/>
4. Докторович А.Б., Монахов Д.Н., Монахова Г.А. Роль социальных сетей в развитии общества и экономики России // Пространство и время. - 2013. - №3 (13). - С. 103-112.
5. Журенков К. Internetukus — заразный // Психология зависимости. -Минск, «Харвест», 2004, 135-151 б.
6. Шавкат Мирзиёев: Энг катта хавф – лоқайдлик ва бепарволик //

[https://www.uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-eng-katta-xavf-loqaydlik-va-beparvolik\\_235418](https://www.uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyoev-eng-katta-xavf-loqaydlik-va-beparvolik_235418).

## АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТАБОБАТГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

*Мустанов А.Ю.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Абу Али Ибн Синонинг табобатга қўшган ҳиссаси. Ҳозирги кунда “Тиб қонунлари” китоби Юнон, Рум, Ҳинд ҳамда Ўрта Осиёлик Табобат илмида қўлланиши, ҳатто Европада ҳам зарур қўлланма бўлиб хизмат қилишини инобатга олиб тиббиётда қўлланиши зарур ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Авиценна, табобат, тиб қонунлари, Ибн Сино, Китаб аль-Шифа, Даниш-намэ.

Табобат илмининг султони бўлмиш Абу Али Ибн Сино Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Ал Ҳусайн Ибн Абдуллоҳ ибн Ал-Ҳасан ибн Али Ибн Сино – буюк олим, табиб, мусиқачи. Ўрта Осиё ва Эронда яшаган, турли хукмдорлар пайтида табиб ва вазир бўлган. Абу Али Ибн Сино рисоалари Шарқ ҳамда Ғарбда бағоят машҳур. “Тиб қонунлари” назарий ва клиник тиббиёт энциклопедияси – Юнон, Рум, Ҳинд ҳамда Ўрта Осиёлик табиблар нуқтаи-назари жамланмаси – бир неча аср давомида, ҳатто Европада ҳам зарур қўлланма бўлиб хизмат қилган [1].

Асосий қизиқишлари – замонавий тиббиёт янгиликлари, гомеопатия, халқ табobati, замонавий манбаларни ва тиббиётга оид рефератларни ўрганиш. Олимнинг ўлимидан юз йилдан ошиқ вақт ўтиб, Боғдоддаги дин ишқибозлари Абу Али Ибн Синонинг фалсафий китобларини ёқиб юборишади, орадан яна бир неча аср ўтгач, Европада катта дастгоҳ ихтиро қилинган, “Тиб қонунлари” китобининг катта бешта томи нашрдан чиқарилган. Бу – Инжилдан кейинги нашрдан чиққан иккинчи китоб бўлган.

Абу Али ибн Сино табобат билан жуда эрта қизиққан у хали 12 ёшга тўлмасиданоқ, файласуфи ва табиби Абу Салаҳ ал-Масихийнинг маслаҳатига кўра унинг таълимотини эгаллади. “Сўнгра мен табибликка ихлос қўйиб, табиблик билан боғлиқ китобларни ўқий бошладим” – деб ёзади таржимаи холида.

Табобат эса мушкул илм эмас, мен уни қисқа фурсат ичида шунчалик пухта эгалладимки, давримизнинг табиблари олдимга маслаҳат сўраб кела бошлашди. Беморларни текширувдан ўтказардим, орттирган тажрибаларим натижасида, қаршимда шундай даво эшиклари очилдики, таърифга тил ожиздир, ёшим эса бор-йўғи ўн саккизда эди дейди Абу Али Ибн Сино [2].

Ҳусайн табобатни Бухоролик табиб, бир қатор илмий ишлар муаллифи Абу-л-Мансур Қамарийнинг қўл остида батафсил ўрганган.

Қамарийнинг қўл остидаги таълимоти узоқ чўзилмади, Абу Али Ибн Сино мустақил амалиёт билан шуғулланади ва тез орада шунчалик машхур шифокор бўлиб кетадики, уни саройга оғир касал бўлиб қолган Бухоро амири Нух ибн-Мансурни даволаш учун чақиртиради.

Абу Али Ибн Синонинг ўзи бу ҳақда шундай эслайди: “Кунлардан бир куни амир қаттиқ бетоб бўлиб қолди ва шифокорлар унинг касалини аниқлай олишмади. Менинг исмим уларга таниш эди ва улар амирга мен ҳақимда гапириб, мени чақиришларини илтимос қилишди. Мен чақирилган жойга бориб, улар билан бирга хизмат қилдим”.

Бухоро амирининг касали ҳақида маълумот йўқ, бироқ, муолажа шунчалик ёрдам бердики, Бухоронинг ёрқин амири Нух ибн Мансур яна бир йил тахтни бошқарган. Миннатдорчилик эвазига Абу Али Ибн Сино сомонийларнинг китоб омборидан фойдаланиш рухсатига эга бўлган. Бухоро кутубхонаси – ўз даврининг энг йирик ва энг машхур китоблар омбори ҳисобланган.

Абу Али Ибн Сино ўзи Бухоро кутубхонасида ишлаган даврини ижодий ривожининг энг муҳим босқичи деб ҳисоблайди. Шу вақтдан эътиборан, унинг таълими яқунланиб, мустақил ҳаёт йўли босқичи бошланади.

Абу Али Ибн Сино сомонийлар кутубхонасидан бир неча йиллар давомида фойдаланган. Эҳтимол, ўз ичига барча аломатлари ила касаллик номлари кўрсатилган, шунингдек, касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва давоси кабиларни ўзида жамлаган умумлашма тиббиёт асарини яратиш гоёси унда Бухоро кутубхонасида ишлаган йиллари уйғонган.

Айнан шу мақсад учун Абу Али Ибн Сино турли китоб, рефератлардан парчалар кўчириб олган ва уларни умумлаштирган. Шундай қилиб, Абу Али Ибн Синонинг энг муҳим асари “Тиббиёт фани қонуни” учун материаллар тайёрланган ва бу иш устида у кўп йиллар ишлаган. 1002 йил Бухоро турклар томонидан қамал қилиниб, сомонийлар сулоласи ағдарилгач, Абу Али Ибн Сино Хоразм ҳокими саройига Урганчга йўл олади. У ерда Абу Али Ибн Сино “Шифокорлар ҳокими” дея номлашган, 1008 йил султон Маҳмуд Ғазнавийга хизмати қилишган бош тортгач Абу Али Ибн Сино фаровон ҳаётини дарбадарликка алмаштирган. Орадан қирқ кун ўтиб, амирнинг аҳволи яна ёмонлашиб қолиб. Қувғинликда юрган Абу Али Ибн Синони топиб, уни яна вазир этиб тайинлашларини буюради.

Амирнинг ўлиmidан сўнг Исфaxon ҳокимига хизмат қилганлиги учун у тўрт ойга қалъага зиндонбанд қилинади. Умрининг сўнгги ўн торт йили Исфaxonда (1023-1037) амир ал-Давла саройида хизмат қилиш билан ўтади. Саройда у ижод қилиши учун жуда қулай шароитлар яратиб беришган. У бош шифокор ва амир маслаҳатчиси бўлади ва ҳатто уни юришларда ҳам кузатиб борган. Бу йиллар давомида Абу Али Ибн Сино ўзининг танқидий ёндашуви билан адабиёт ва фалсафа таълимоти билан шуғулланади. Шу билан бирга, серсамара ижодий ишларини ҳам давом эттирган. Унинг кўп қўлёзмалари, шу жумладан, “Инсоф китоби” («Китаб уль-инсаф») Исфaxonга ғазна қўшинлари босқинчилиги сабабли ёниб кетган. Исфaxon

подшосининг юришларидан бирида Абу Али Ибн Сино оғир ошқозон касалига чалиниб, уни тузата олмайди. Ибн Сино 1037 йил июнь ойида нотаниш одамга васиятини айтиб, вафот этади. Ўз васиятида у барча кулларини озод этиб, барча мол-мулкани камбағалларга тарқатишларини сўрайди.

Авиценна Хамадонда шаҳар девори остига кўмилган, орадан саккиз ой ўтгач, унинг хоки Исфохонга олиб ўтилади ва амир мақбарасига қайта кўмилади.

Абу Али Ибн Сино тадқиқий идрокка муккасидан кетган ва барча мавжуд билимларни энциклопедик даражада эгаллаш иштиёкига эга олим бўлган. Файласуф ғайритабиий хотира эгаси ва ўткир ақл соҳиби бўлган [3].

**Мероси.** “Шифо китоби” китоби Араб тилида ёзилган энциклопедик иши “Шифо китоби” («Китаб аль-Шифа») мантик, физика, биология, психология, геометрия, арифметика, мусиқа, астрономия ва метафизикага бағишланган. “Донишмадлик китоби” («Даниш-намэ») ҳам энциклопедия саналади.

**Тиббиётга оид ишлари.** Абу Али Ибн Синонинг асосий тиббиёт асарлари.

“Тиббиёт фани қонуни” («Китаб ал-Қанун фи-т-тибб») – энциклопедик характердаги асар бўлиб, унда қадимги давр табибларининг кўрсатмалари араб тиббиётининг ютуқлари билан ўзаро қайта ишланган. “Қонун”да Абу Али Ибн Сино касалликлар аллақандай майда бўлақлар оқибатида пайдо бўлишини кўрсатган. У биринчи бўлиб чечакнинг юқумлилигига эътибор қаратган, вабо ва ўлатнинг фарқини аниқлаган, мохўв касаллигининг бошқалардан фарқини кўрсатиб, унга изоҳ берган ва бошқа бир қатор касалликларни ўрганиб чиққан. “Тиббиёт фани қонуни”нинг лотин тилига ўгирилган кўплаб таржималари мавжуд. “Қонун” беш қисмдан иборат бўлиб, иккиси дори воситалари ва дориворларга ҳамда уларнинг тайёрланиш таърифига бағишланган. Китобда келтирилган 2600 дори воситаларидан 1400 тасининг келиб чиқиши ўсимлик кўринишидадир.

• “Дори воситалари” («Ал-Адвият ал калбия») – Хамадонга биринчи бориши вақтида ёзган. Мазкур асарда пневма ҳосил бўлганда намоён бўлганда юрак фаолияти, хусусан, юрак касаллиги ва давоси ҳақида батафсил ёритиб берилган.

• “Хатоларни тўғирлаш ва огоҳлантириш орқали турли усулларда олиб ташлаш” («Дафъ ал-мазорр ал куллия ан ал-абдон ал инсония би-тадорик анвоъ хато ан-тадбир»).

• “Шаробнинг фойдаси ва зарари ҳақида” («Сиёсат ал-бадан ва фазоил аш-шароб ва манофиъих ва мазорих») – Ибн Синонинг энг қисқа рисоласи.

• “Табобат ҳақида дoston” («Урджуса фит-тиб»).

• “Томир уруши ҳақида рисола” («Рисолайи набзийя»).

• “Саёхатчилар учун тадбирлар” («Фи тадбир ал-мусофирин»).

• “Шаҳвоний куч ҳақида рисола” («Рисола фил-л-бох») – касаллик, уни олдини олиш ва шаҳват бузулишларини даволаш ифодаланган.

- “Сирка касали ҳақида рисола” («Рисола фи-с-сиканджубин») – турли таркибга эга сирка ва асални тайёрлаш ва касалликларда истеъмоли таърифланган.
- “Сачратқи ҳақида рисола” («Рисола фил-хиндабо»).
- “Қон олишда қон томирлар” («Рисола фил-урук ал-мафсуда»).
- «Рисола-йи жудия» – қулоқ, ошқозон, тиш касалликлари таърифи келтирилган.

**Соғломлаштирувчи машқлар ҳақида.** Ибн Сино ўз асарларида жисмоний машқларнинг соғломлаштирувчи ва даволовчи тажрибадаги ўрни ва роли ҳақида ёзади. Жисмоний машқларга тўхтовсиз, чуқур нафас олишга олиб келувчи эркин ҳаракатлар, дея таъриф берган.

Агар инсон мўътадил ва ўз вақтида жисмоний машқлар билан шуғулланса ва тартибга риоя қилса, у давога ҳам, дориларга ҳам муҳтож бўлмайди, дея тасдиқлаган. Машқларни тўхтатар экан, у сўнади. Жисмоний машқлар мушакларни, бўғимларни, асабни мустаҳкам қилади. Шунингдек, у машқларни бажаришда ёшни ҳам инobatга олишни маслаҳат берган ва уқалаш, совуқ ва иссиқ сувда чиниқиш каби муолажаларда тўхталган.

#### **Адабиётлар:**

1. Ирисов Абдусодиқ. “Абу Али Ибн Сино ҳаёти ва ижодий мероси”. Т., 1980 й.
2. “Абу Али Ибн Сино туғилган кунинг 1000 йиллигига тўпلام”. Т., 1980 й.
3. Ирисов А. “Абу Али Ибн Сино”. Т., 1980 й.

## **СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТРИШДА БИОЛОГИК ВА ИЖТИМОЙ-МАЪНАВИЙ ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Қўйлиев Т.**

*Тошкент давлат аграр университети*

**Рахмонбердиева Н.**

*ТИҚХММИ*

**Аннотация.** Мақолада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда биологик ва ижтимоий-маънавий омилларнинг ўрни инсоният тараққиётининг барча босқичларида долзарб вазифа бўлиб келгани, айниқса мустақиллик йилларида ушбу масала ўзининг моҳияти ва мазмунини умум эътироф этилган демократик кадриятлар билан янада бойитилиб бораётгани асослаб берилди.

**Калит сўзлар:** соғлом турмуш тарзи, аҳоли муҳофазаси, ижтимоий муҳит, йиллар рамзи, тинчлик ва соғлиқ, объектив ва субъектив муносабатлар, биологик ва ижтимоий-маънавий омиллар.

Инсон саломатлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашда, кишиларнинг узок ва бахтли умр кўришларида энг муҳим тадбир, бу соғлом турмуш тарзи ва уни шакллантириш эканлиги ҳам илмий, ҳам амалий томондан исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат эканлиги аллақачон мутахассислар томонидан эътироф этилган. Ўз аҳолисининг соғлигини муҳофаза қилиш – ҳар қайси давлат ва жамият учун ҳамisha ҳал қилувчи долзарб вазифа бўлиб келган.

Мамалакатимиздаги туб янгилашишлар энг аввало ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари бўлмиш тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш учун муносиб турмуш тарзи яратишдан бошлангани сир эмас.

Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев томонидан катта умидлар улуғ ниятлар билан бошланган йилимизга “2021 йил Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб ном берилишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор [1].

Албатта, ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг турли босқичларида соғлом турмуш тарзи билан боғлиқ масалалар ҳамisha ҳам турли объектив ва субъектив омиллар натижасида мавжуд бўлган муаммоларни кутилган даражада ижобий ҳал қила олмаган. Чунки жамиятнинг тарихий ривожланиши даврий равишда “Машхур юнон табиби Гиппократнинг “Табобат илми барча илму санъатлар ичида энг буюк илм ва санъатдир” деган фикрига ҳар доим ҳам мос келмаган. Жамиятлар ривожланиш тарихида содир бўлиб турган жиддий иқтисодий ва маънавий инқирозлар тўлақонли соғлом турмуш тарзи вужудга келишига замин ярата олмаган.

Яқин яқингача соғлом ва узок умр кўриш инсониятнинг азалий орзуси бўлиб келган. Аммо уни реал воқеликка айлантириш ўта қийин ва мураккаб масаладир. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай жамиятнинг олдида турган асосий вазифа инсониятнинг анашу орзусини руёбга чиқаришдан, яъни кишилар соғлиги ва узок умр кўришлари учун шарт-шароитлар яратишдан иборатдир.

Халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш учун давлатимиз жамиятимиз фуқароларига айниқса мустақиллик йилларидан бошлаб алоҳида ғамхўрлик қилиб кела бошлади. Ўтган йилларнинг катта қисмида соғлом турмуш тарзининг асослари бош шиор бўлиб марказга чиққанини йилларнинг номланишида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, жамиятда вужудга келган тинчлик ва соғликни таъминлашда эришилаётган ютуқлар орқали қолган барча нарсаларга эришилади.

1997 йил – “Инсон манфаатлари йили”; 1998 йил – “Оила йили”; 1999 йил – “Аёллар йили”; 2000 йил – “Соғлом авлод йили”; 2001 йил – “Оналар ва болалар йили”; 2002 йил – “Қарияларни қадрлаш йили”; 2003 йил – “Обод маҳалла йили”; 2004 йил – “Меҳр ва мурувват йили”; 2005 йил – “Сиҳат-саломатлик йили”; 2006 йил – “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”; 2007 йил – “Ижтимоий ҳимоя йили”; 2008 йил – “Ёшлар йили”; 2010 йил – “Баркамол авлод йили”; 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили” 2013 йил – “Обод турмуш йили”; 2014 йил – “Соғлом бола йили”; 2015 йил –

“Кексаларни эъзозлаш йили”; 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”; 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб эълон қилинди.

Бугунги кунда вужудга келган имкониятларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2018 йил 28 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида қуйидагиларни таъкидлаган эди: *“халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадида тиббий хизматлар сифатини яхшилаш ва кўламини кенгайтириш лозим”* [2]. Ҳеч қандай шубҳа йўқки, жамиятда вужудга келган тинчлик ва соғлиқни таъминлашда эришилаётган ютуқлар орқали қолган барча нарсаларга эришилади.

29 декабрь 2020 йилда Олий Мажлисга ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида эса буюк аждодимиз Имом Мотрудий ҳазратларининг “Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботлаётгани ҳақида гапириб, “Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия шароитида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳатларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур” [3] – деган эдилар. Демак, инсон соғлиги давлат бойлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам инсоннинг биосоциал саломатлигини асраш йўли орқали ижтимоий муҳит ҳолатини таъминлашга интилиш давлат аҳамиятига молик вазифалардан бири ҳисобланади. Биологик нуқтаи назардан соғлом турмуш тарзини шакллантиришда қуйидагиларга эътибор бериш зарурлиги мутахассислар томонидан тавсия этилган:

1) Организмнинг ёшига боғлиқ хусусиятларига ва саломатлик ҳолатига мос келиши; 2) Организмнинг энергия таъминотига бўлган талабини истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлар ҳисобига тўла қондирилиши 3) Организмнинг мустаҳкам ва жисмоний фаол бўлиши; 4) Белгиланган кун тартибига риоя қилиш, меҳнат қилиш ва дам олишни мутаносиб ташкил қилишга асосланиши; 5) Ҳаёт ритмларига мос келишини назоратда бўлишига эътибор қаратиш лозимлигини уқтириб келадилар.

Ижтимоий ва маънавий нуқтаи назардан эса қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ деб биладилар:

1) Ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиш; 2) Иродани мустаҳкамлаш; 3) Ташқи ва ички гузалликка аҳамият бериш; 4) Маданиятли ва маънавиятли бўлиш.

Жамиятни соғломлаштириш соғлом ижтимоий муҳитни қарор топтириш, демократик ва ҳуқуқий давлат қриш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврида ахлоқий қадриятларнитиклаш, шу асосда баркамол шахс қиёфасини шакллантиришдаги муҳим омиллардандир. Чунки жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси ижтимоий индивид сифатида унинг мукамал камолати учун зарур ижтимоий муҳитда яшайди, фаолият кўрсатади ва камол топади.

Демак, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ўз ўзидан содир бўладиган ҳодиса эмас. У жамият фуқароларини биологик ва ижтимоий- маънавий соғломлаштириш тамойиллари асосида олиб бориладиган кўп қиррали ҳодиса бўлиб, соғлом турмуш тарзи шахснинг муайян ижтимоий-ҳуқуқий,



маънавий-ахлоқий, жисмоний-руҳий, маданий шароитларда шаклланган индивидуал ҳаётӣй фаолият услуби, турмуши, умр мазмуни, жисмоний саломатлиги, ўзаро муносабат маданияти, хулқ-атвори, дунёқараши, хатти-ҳаракати тарзида номоён бўлишидир деб ҳисоблаш мумкин. Халқимиз саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳаётӣй муҳим масаладир. Тинчлик ва соғлик таъминланса қолган ҳамма нарсага эришиш мумкин.

#### **Адабиётлар:**

1. Hurriyat. 2020-yil, 30-dekabr, chorshanba. №51-52.
2. Ш.Мирзиёев. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 3-жилд. 2019. 32 бет.
3. Hurriyat. 2020-yil, 30-dekabr, chorshanba. № 51-52.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 29 декабр 2020 йилда Олий Мажлисга Мурожаатномаси. // Hurriyat. 2020-yil, 30-dekabr, chorshanba. №51-52/
5. Ф.Халдибекова. Соғлом турмуш тарзи жамиятимиз тараққиётининг асосий омили. Т: “O‘ZBEKISTON”, 2013.

### **ЁШЛАР ТАРБИЯСИ – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ ПОЙДЕВОРИ**

*Утаев F.F., Абилов У.М.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация:** Комил инсон тарбияси ҳамма даврларда энг муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланиб, яхши тарбияли инсонга жамият бойлиги деб қаралган. Инсон зийнати у эгаллаган билимлари ва тарбияси билан ўлчанган. Шунинг учун ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида мустақил фикрлайдиган, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш олдимизда тўрган энг муҳим вазифалардан биридир.

**Калит сўзлар:** ёшлар, миллий қадрият, менталитет, тарбия, миллий тараққиёт, глобаллашув, “оммавий маданият”, одоб-ахлоқ.

Инсоният пайдо бўлибдики, энг долзарб, энг машаққатли ва энг қийин вазифа – бу ҳар бир жамиятда ёшлар тарбияси масаласи бўлиб келган.

Қаерда тарбия масаласини таълим билан, миллий қадрият, анъаналар, менталитет билан узвий боғлиқликда ҳал этишга бел боғлаган бўлса, ўша жойда ривожланиш, тараққиёт ва барқарорлик бўлган. Ёшлар таълим тарбиясига эътиборсизлик қилган жойда эса, ахлоқсизликлар, инқирозлар, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг заволи топишига олиб келган.

Комил инсон тарбияси ҳамма даврларда энг муҳим ижтимоий вазифа ҳисобланиб, яхши тарбияли инсонга жамият бойлиги деб қаралган. Инсон зийнати у эгаллаган билимлари ва тарбияси билан ўлчанган.

Шунинг учун ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида мустақил фикрлайдиган, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш олдимизда тўрган энг муҳим вазифалардан биридир.

Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмонан соғлом этиб тарбиялаш, уларни олиб борилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Муқаддас ҳадисларда тарбия, одо -ахлоқ, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф, ватанпарварлик, меҳнатсеварликни тарғиб қилинган. Тарбиянинг мақсади – ёшларнинг авлоддан авлодга ўтиб келаётган миллий, диний қадриятларга йўғрилган, руҳан соғлом, жисмонан бақувват, маънан покиза тарбия топиб, комил инсон бўлиб шакллантиришдир.

Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ўзининг “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” номли асарида қуйидаги сўзларни келтириб ўтади: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва ҳалқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Айнан таълим ва маърифат башарият фаровонлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саҳоватли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Муқаддас ислом динимиз бизга айнан шуни ўргатади” [1].

Ҳозирги даврда жаҳонда давом этаётган глобаллашув жараёнларини кундалик ҳаётимизга тез суръатлар билан ҳамма соҳаларда кириб келиши ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимизда ижобий таъсир кўрсатаётган бўлсада, лекин иккинчи томондан бу жараён ҳозирги шароитда мафкуравий таъсир кўрсатишнинг кўринмас ва жуда хавфли ўткир қуролига айланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни бўлиб ўтган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувида Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг “Бу дунё кураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир”, деган сўзларини ёдга олди [2].

Жумладан, ижтимоий тармоқларда турли хил ахлоқсизликларни тарғиб қилувчи гуруҳ ва каналлар, телеканаллар орқали намойиш этилаётган ғарбона ҳаёт тарзини тарғиб этувчи фильмлар, клип ва шоу-

дастурлар, компьютер ўйинлари таъсири ҳам ичкиликбозлик ва кашандалик каби салбий хусусиятларнинг авж олишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ёшлар билан учрашувида: “Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавийт энг ожиз ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча қаерда хушёрлик ва жонкуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавийт қудратли кучга айланади”. Қачонки халқимиз кучли ирода, ақл-идрок, миллий тафаккур билан иш тута олсагина ҳеч қачон ёмон ниятли таҳдидларга қул ва қарам бўлмайди. Зеро, жамиятимизда ахлоқни, маънавийтни, фуқаролар ўртасидаги меҳр-оқибатни ҳимоя қилиш негизларини янада кучайтиришга асос бўлади. Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолиятида, “тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир.

Янги таҳдидлар, жумладан, «оммавий маданият» хавфи ва боқимандалик кайфияти пайдо бўлаётган, одоб-ахлоқ, кадриятларнинг йўқолиш хавфи юзага келаётган ҳозирги глобаллашув шароитида бу ғоят муҳим аҳамият касб этмоқда. Инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 29.12.2020 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Буюк мутафаккир шоиримиз Мир Алишер Навоий ўз даврида ёшларга мурожаат қилиб, *“Қуёшлиқ истасанг, касби камол эт”*, деб ёзганлар. Чиндан ҳам, одамларга қуёшдек беминнат нур таратишни, яхшилик қилишни истайдиган инсон, камолотга интилиб, турли илм ва касб-хунарларни ўзлаштириши лозим” [3].

Ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, уларни келажагимизнинг муносиб ворислари этиб вояга етказишга кўмаклашиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Фахр билан айтиш жоизки, кўплаб ёшларимиз ўзларининг интеллектуал салоҳияти билан халқаро олимпиадалар, спорт мусобақалари, қолаверса, барча соҳаларда катта муваффақиятларга эришиб, юртимиз байроғини, Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб келаётганлиги барчамизни дилдан қувонтиради.

Лекин, ютуқларимиз билан бир қаторда, айрим ёшлар ўртасида зарарли одатларга ружу қўйиш ҳолатлари учраб турганлигини инкор қилиб бўлмайди. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш, оила, мактаб ва таълим муассасаларида соғлом муҳитни шакллантириш масалаларига бугун барчамиз жиддий ёндашмоғимиз лозим.

**Адабиётлар:**

1. Ш.Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз” Тошкент – “Ўзбекистон” 2017 й. 1 жилд 27-28 бет.
2. <https://uza.uz/uz/posts/shavkat-mirziyeev-2020-yil-yeshlarga-oid-davlat-siyosatida-t-27-12-2019>
3. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

**ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЛЕЧЕНИЯ ОНКОЛОГИЧЕСКИХ БОЛЬНЫХ**

*Аскарова Н.А., Уктамова Д.З.*

*Ташкентская медицинская академия*

**Аннотация.** В статье отмечается важность исследования психологических и социальных проблем онкологических пациентов в медицинских учреждениях и оказания им психологической помощи. Диагноз «рак» часто становится одним из тяжелейших моментов жизни, рождающих многочисленные страхи. Поэтому с онкобольными должны работать специалисты в области психологии и психиатрии, имея дело как непосредственно с такими больным, так и их семьями.

**Ключевые слова:** диагностика, онкология, психокоррекция, психотерапия, эмпатия, тревога, страх, депрессия.

Психолог – обязательный член мультидисциплинарной команды на всех этапах диагностики, лечения и реабилитации онкологического больного. Взаимодействие с онкологическим больным требует от врача профессиональных психологических, коммуникативных навыков и включает в себя понимание психического состояния больного, проявление эмпатии и адекватное информирование о болезни. Работа психолога в онкологической клинике, основанная на разнообразных и индивидуальных психотерапевтических и психокоррекционных методах, способствует преодолению больными и их родственниками отрицательных поведенческих и эмоциональных последствий заболевания. В последнее время в медицине крайне актуальна проблема приверженности пациента к лечению – согласие, оказывающей важнейшее влияние как на эффективность терапии, так и на качество жизни больного. Необходимость учитывать приверженность больного к лечению особенно остро стоит и в онкологии. При этом психологическая сторона заболевания: личность самого больного, его переживания и психоэмоциональное состояние, оказывающие влияние на лечение, учитываются врачом в меньшей степени.

В процессе лечения врач непосредственно вступает в психологическое взаимодействие с больным. При онкологическом заболевании это

взаимодействие даже больше, чем при любом другом, имеет значение для лечения больного и его адаптации к заболеванию. Врач оказывается именно тем человеком, который наиболее компетентно и в наибольшей степени адекватно может помочь больному существовать в ситуации болезни. От его слов и действий во многом зависит сама жизнь больного. Согласно исследованию, направленному на выявление социально-психологических нужд онкологических больных, наиболее эффективными оказались меры по улучшению коммуникации между врачом и пациентом и только потом – психотерапевтическое и психологическое консультирование, а применение психофармакологических средств – на третьем месте. Таким образом, от врача-онколога требуется психологически грамотное профессиональное взаимодействие с больным. Отсутствие профессиональной подготовки к коммуникативной деятельности, которая является неотъемлемой частью работы любого врача, создает ряд трудностей во взаимоотношениях с онкологическими пациентами.

Трудность для врача составляет необходимость создания индивидуальных отношений с каждым пациентом, но при этом он должен исходить не из своих личных предпочтений и оценок, а руководствоваться осуществлением цели своей профессиональной деятельности. Такие взаимоотношения влияют не только на эмоциональное состояние больного, но и на самого врача, способствуя его эмоциональному выгоранию. Врачу-онкологу при взаимодействии с онкологическим больным необходимо понимать и учитывать ситуацию онкологического заболевания. При диагностировании злокачественной опухоли у человека разрушается «иллюзия бессмертности», возникает реальная угроза жизни, страх смерти является ядром переживаний онкологического больного. В связи с этим у него происходит разрушение привычной картины мира, которая содержит представления и убеждения человека о себе и окружающем мире, складывающиеся в течение жизни и сознательно, а чаще бессознательно отвечающие потребности жить в безопасном для него мире. Иначе говоря, информация об онкологическом заболевании разрушает безопасное существование больного. При этом он ощущает утрату контроля над ситуацией, болезнью, лечением и жизнью в целом при неопределенном будущем. Клиническая картина посттравматического стрессового расстройства у онкологических больных может включать следующие признаки: навязчивые повторяющиеся сны о событиях, связанных с заболеванием; любая боль или другие непонятные больному физические ощущения вызывают у него невротические и психосоматические симптомы, которые символизируют для больного рецидив заболевания, проявление метастазов; больной не может говорить о своем заболевании; встреча со специалистами, которые его лечили, вызывает слезы; пациент выражает желание «все забыть», при этом он склонен изолироваться от других людей, не видит жизненной перспективы; трудности с засыпанием, раздражительность и вспышки гнева; затруднения с сосредоточением внимания, повышенный уровень настороженности [2]. Ситуация

онкологического заболевания наполнена мучительными и сверхсильными переживаниями больного, требующими огромной душевной работы для разрешения экзистенциальных и других психологических проблем, возникших или ставших актуальными в связи с болезнью. Врачу-онкологу в своей профессиональной деятельности приходится взаимодействовать не с обычным, а с глубоко страдающим пациентом, нуждающимся в эмоциональной поддержке, что становится возможным при наличии у врача эмпатии, которая является одним из основных коммуникативных качеств врача. Важнейшим аспектом взаимодействия врача с онкологическим больным является информирование больного, особенно в тех случаях, когда больной действительно хочет иметь информацию о болезни. Скудная информация о заболевании избегание вопросов, касающихся лечения и состояния больного, усиливают его тревогу, порождают страхи и могут создавать или усиливать симптомы болезни. Врач, предоставляя больному адекватную информацию не только о диагнозе, но и обсуждая с ним план лечения, информируя его о целях проводимых исследований и процедур, создает у больного ощущение, что и сам больной участвует в лечении и тем самым в некоторой степени контролирует ситуацию. Все это способствует осознанию онкологическим больным своих мотивов выздоровления и формированию его ответственного отношения к лечению и к своей жизни и дает ему почувствовать свою силу и свое значение в решении жизненно важных для него проблем.

Что касается комплексных программ, разработанных специально для онкологических больных, то их не слишком много. Наиболее известная из них – программа американских онкологов-радиологов К. и С. Саймонтонов. Программа включает в себя несколько психологических этапов:

- осознание стрессовых ситуаций для поиска эффективных способов борьбы с болезнью;
- определение неосознанных «преимуществ» болезни для выявления потребностей, удовлетворению которых может способствовать факт болезни, и нахождение альтернативных способов их реализации;
- релаксацию и визуализацию своего выздоровления для уменьшения выраженности негативных эмоций;
- создание положительных мыслительных образов (представление в воображении возвращения здоровья, жизненной силы и энергии);
- преодоление затаенных обид с целью приобретения способности адекватно выражать свои чувства и управлять своей жизнью, освобождения от стресса;
- постановку целей для преобразования своих эмоциональных, интеллектуальных и физических потребностей в жизнеутверждающее поведение;
- разработку системы семейной поддержки, в результате чего близкие больного могут как разобраться в собственных переживаниях по поводу недуга, так и научиться с терпением и пониманием относиться к пациенту [1].

Известно, что уровень стресса и выраженность состояний дезадаптации у онкологических пациентов определяется тем, какова их личностная реакция на болезнь. Особое внимание уделяется такой характеристике личности, как жизнеотрицание и/или жизнеутверждение. Выбор той или иной характеристики является важнейшим условием исцеления.

#### **Литература:**

1. Саймонтон К. Психотерапия рака / К.Саймонтон, С.Саймонтон. – СПб., 2001.
2. Тарабрина Н.В., Ворона О.В., Курчакова М.С., Падун М.А., Шаталова Н.Е. Онкопсихология: посттравматический стресс у больных раком молочной железы. – М: Изд-во «Институт психологии РАН», 2010. – 175 с.

### **ЭНДОКРИНОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРДА БЕМОР ПСИХОЛОГИЯСИ**

*АскарOVA Н.А., Ибрагимова Н.Н.  
Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Эндокрин касалликларни пайдо булиши ва шидаги психологик ва соматик омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганишга кизиқиш сўнгги йилларда тиббиётда ҳам, психологияда ҳам ўсиб бормоқда. Бу, асосан ижтимоий ва иқтисодий беқарорлик, ишсизликнинг кўпайиши, моддий фаровонлик даражасининг пасайиши, экологик офатлар, сурункали, шу жумладан эндокрин касалликларнинг кўпайиши билан боғлиқ. Бу айниқса қандли диабет ва қалқонсимон без касалликларига тааллуқлидир.

**Калит сўзлар.** Эндокрин касалликлар, гормонлар алмашинуви, метоболизм, қандли диабет, психико – эмоционал соҳа, психика.

Эндокрин касалликлар – бу бир ёки бир нечта ички секреция безларининг бузилиши натижасида келиб чиққан касалликдир. Улар ички секреция безларининг гиперфункцияси, гипофункцияси ёки дисфункциясига асосланган. Эндокрин касалликлардан қалқонсимон без касалликлари (масалан, гипертиреоз), ошқозон ости беzi касалликлари, масалан, қандли диабет билан боғлиқ патологиялар тез-тез учрайди.

Сўнгги йилларда тиббиётнинг эндокринологик соҳаси гормонал кўринишларнинг хилма-хиллигини ва уларнинг инсон танасининг ҳаётий фаолиятига таъсирини тушунишда жуда катта ютуқларга еришди. Таъсирчан тадқиқот натижалари ва инновацион усуллар эндокрин касалликларни турли хил даволашда ёрдам беради. Аммо шунга қарамай, бу соҳада ҳали кўп номаълум нарсалар мавжуд. Эндокрин тизим инсон танасининг нормал ишлаши учун жуда муҳимдир. У кўпайиш, генетик маълумотлар алмашинуви ва иммунологик назорат механизмларида асосий

рол ўйнайди. Патологик ўзгаришларни келтириб чиқарадиган эндокрин касалликлар бутун организм учун қайтариб бўлмайдиган оқибатларга олиб келади. Бизнинг вақтимизда клиник эндокринология доимий равишда кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда тиббиётнинг ушбу соҳаси эндокрин касалликларга асосланган кўплаб гормонал касалликлар ва аутоиммун патологияларни ўз ичига олади. Энди эса тиббиёт билим чегараларини жадал суръатларда оширмоқда. Масалан, ўпка ва жигар ўсмаларининг саратон ҳужайралари баъзи ҳолларда адренкортикотропин, бета-эндорфин, вазопресин ва бошқа бир хил фаол гормонал бирикмаларни чиқаришга қодир эканлиги маълум бўлиб, уларнинг кўплиги ҳар қандай эндокрин касалликларга олиб келиши мумкин. Эндокрин тизим касалликларининг олдини олиш биологик фаол ва ёд ўз ичига олган озик-овқат қўшимчаларини мунтазам истеъмол қилишни ўз ичига олади. Ушбу турдаги патологиянинг асосий аломатлари орасида тез чарчаш, вазннинг кескин ўзгариши, кайфиятнинг тез-тез ва кескин ўзгариши, доимий чанқовни азоблаш, либидонинг пасайиши ва бошқалар бор. Агар касаллик ички секреция безларининг етарли фаоллигидан келиб чиқса, унда даволашнинг асоси одатда гормонларни алмаштириш терапияси ҳисобланади. Қарама-қарши ҳолатда, ушбу безларнинг ҳаддан ташқари фаоллиги бўлса, ғайритабиий тўқималарни олиб ташлаш учун жарроҳлик аралашув талаб қилиниши мумкин. Аммо ҳар қандай ҳолатда, биринчи аломатлар пайдо бўлганда, дарҳол тегишли мутахассисига мурожаат қилишингиз керак.

Шифокорлар баъзан эндокрин касалликлар ривожланишининг сабабини аниқлашда қийналишади, чунки патологияни келтириб чиқарадиган кўплаб омиллар мавжуд. Бундан ташқари, баъзи ҳолларда касалликнинг сабаби номаълум бўлиб қолмоқда.

Қандли диабет – сурункали метаболик касаллик бўлиб, организмда етарли даражада инсулин ишлаб чиқарилмайди ёки глюкоза миқдори кўтарилганда унинг самарадорлиги пасаяди. Қандсиз диабет – буйраклар сийдик ва сувни қайта сўрата олмаслиги билан боғлиқ бўлиб, бу антидиуретик гормон вазопресин секрециясининг йўқлиги ёки камайиши ёки унга буйрак эпителийсининг иммунитетини билан боғлиқ. Тиротоксикоз (гипертиреоз) – организмдаги қалқонсимон без гормонларининг ҳаддан ташқари кўплиги натижасида метаболик касалликларга, асаб ва юрак-қон томир тизимларининг касалликларига олиб келадиган ҳолат. Тироидит – қалқонсимон безнинг яллиғланиши, бу ютаётганда ва бошни орқага қайтаришда оғриқ, бўйин катталаниши, лимфа тугунлари оғриғи, иситма, қулоқларда пулсацияга учраган оғриқ, тахикардия, титроқ[3].

Қандли диабет – гипергликемия билан характерланадиган метаболик (метаболик) касалликлар гуруҳи, бу инсулин секрецияси, инсулиннинг таъсири ёки ушбу иккала омил нуқсонлари натижасидир. 1-тоифа диабет ажратилади – меъда ости беши б-ҳужайраларининг отоиммун ҳалокати натижаси. Иккинчи турдаги диабетнинг патогенезида иккита омил рол ўйнайди: инсулин секрецияси нуқсони ва инсулинга қаршилик. Биринчи



турдаги диабетнинг клиник кўринишлари одатий ҳолдир. Беморлар оғизнинг қуриши, чанқоқлик, полиурия, иштаҳанинг кўпайиши, вазн йўқотиши, заифлик, қичишиш, юқумли касалликларга мойилликнинг ошиши, либидо ва кучнинг пасайиши, кўриш кескинлигининг ўзгариши ҳақида шикоят қиладилар. Текширувда гипергликемия ва глюкозурия аниқланади. Зудлик билан эндокринолог билан боғланишингиз керак бўлган кўплаб аломатлар: заифлик, чарчоқ, вазннинг ўзгариши (иккаласи ҳам кўпаяди ва асосиз камаяди), терининг ўзгариши, сочларнинг тўкилиши, мўрт тирноқлар, аёлларда ҳайз пайтида бузилишлар кузатилади. [2]

Кўпгина эндокринологлар беморларнинг психологияси билан таниш бўлишмайди. Инсоннинг бевосита психологик ҳолати касалликларга олиб келиши мумкин. Қандли диабетни "цивилизация касалликлари" деб аталадиган касалликларга тўлиқ киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлиши ва ривожланишида ижтимоий омиллар ва стрессларнинг роли жуда катта. Организмга етказилган биологик зарар, вақтинчалик ёки доимий бўлиши мумкин, лекин ижтимоий ҳолат ҳам сабаб бўлиши мумкин. Касал бўлган инсон ўзини худди имконияти чекланган инсондек туюлади ва инсонни психико – эмоционал бузилишига олиб келади. Эндокринолог касаллик туфайли тушкунликка тушган беморни аввало психологик жиҳатдан даволаш керак.

Масалан, қандли диабет билан касалланган беморни аввало психологик ҳолати ўрганилиши керак. Бемор депрессияга тушиб қолса, касаллик конгнитив бузилишларни кучайтириши ва келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳиссий бузилишларни тузатиш когнитив қобилиятларга фойдали таъсир кўрсатади. Психологик компонент диабетга чалинган беморни реабилитация қилиш имкониятларини аниқлашда жуда муҳимдир ва "ҳаёт сифати" каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқдир. Мутахассислар соғлиқ ва касаллик ўртасидаги психоневроэндокрин мувозанатига маълум бир кишининг ресурсларидан ошадиган аллостатик юк таъсир қилиши мумкинлигини яхши билишади. Аллостатик юк – доимий равишда мавжуд бўлган салбий ҳиссиётлардир. Ушбу маълумотлар лаборатория натижаларида озгина ўзгарган беморларнинг клиник ҳолатини баҳолаш учун (масалан, пролактин даражасининг бироз кўтарилиши), узоқ муддатли консерватив даволанишни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, гиперпролактинемия, шунингдек ноаниқ ва соматик симптомларни тушунтириш қийин бўлганида ёки тикланишни кечиктирганда. Аллостатик стрессни турмуш тарзини ўзгартириш орқали камайтириш мумкин. Эндокринологик реабилитация хизматида нафақат эндокринологлар, балки тиббий реабилитация бўйича мутахассислар, психологлар ва физиотерапевтлар (кинеситерапевтлар), шунингдек жарроҳлар (нейрохирурглар ҳам киради), бирламчи тиббий ёрдам шифокорлари, бошқа мутахассислар ва беморлар уюшмаларининг вакиллари киради.

Реабилитация шароитлари жисмоний таъсир усуллари, санаторий шароитида табиий ва олдиндан шаклланган омиллардан фаол фойдаланиш диагностика назорати воситаларига алоҳида муносабатни талаб қилади.

Санаторий-курорт даволаш босқичида эндокринологик беморларни реабилитация қилиш бўйича диагностика усуллари тўплами бошқа босқичларнинг стандарт диагностика тестларидан сезиларли даражада фарқ қилади ва тартибга солиш механизмлари ҳолатини тавсифловчи усулларнинг диагностика комплексига жалб этишни ўз ичига олади, жисмоний ва психологик организмнинг мослашиши ва реабилитация имкониятлари. Баъзида, йиллар давомида беморлар касалликнинг ушбу кўринишлар стресс, ҳаётнинг тез суръати, гиповитаминоз ёки нотўғри овқатланиш деб ёзадилар, ўз вақтида текшириш ва даволаш нафақат уларнинг ҳолати ва ҳаёт сифатини яхшилайти, балки мумкин бўлган жиддий асоратлардан сақланишда ёрдам беради [1].

Эндокрин генезисининг рухий бузилишларини диагностикаси асосий касаллик ташхисига асосланади. Бироқ, рухий касалликлар, айниқса дастлабки босқичларда, жисмоний касалликнинг аниқ белгиларисиз пайдо бўлиши мумкин. Бундай ҳолда гормонал ва бошқа ўзгаришларни лаборатория диагностикаси катта аҳамиятга эга. Эндокрин табиатдаги психозларни бошқа генездаги касалликлардан психопатологик аспектда фарқланиши, барча психозларда бўлгани каби, синдромларнинг ривожланиши ва ўзгаришини ўрганишга асосланган. Эндокрин касалликлар билан деярли барча психопатологик синдромлар пайдо бўлиши мумкин, аммо фақат галлюцинатор, параноид ва айниқса кататоник синдромлар кам учрайди; қоида тариқасида атипик, аралаш ва ўчирилган ҳолатлар юзага келади.

#### **Адабиётлар:**

1. Алешина Ю.Е. Индивидуальное и семейное психологическое консультирование. - М. 2000.
2. Балаболкин М.И. Эндокринология. 1989.
3. Богомолв М.В. Участие больного в поддержании стабильной компенсации сахарного диабета. //Проблемы эндокринологии. 1991.№2. с. 41-42.

## **ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ СПОСОБНОСТИ КАК ОСНОВА ПЕДАГОГИЧЕСКОГО ПОТЕНЦИАЛА ЛИЧНОСТИ ПРЕПОДАВАТЕЛЯ**

***Исканджанова Ф.К.***

*Ташкентская медицинская академия*

**Аннотация:** В данной статье рассказывается о педагогических способностях преподавателя, как об одном из компонентов педагогического мастерства, наряду с профессиональными знаниями и умениями, которые необходимо развивать в процессе всей педагогической деятельности.

**Ключевые слова:** способности, дидактические, организационно-коммуникативные способности, личностные способности, конструктивные способности, экспрессивные способности.

Профессия преподавателя, как и специальность врача, является одной из древнейших, содержит в себе многовековой навык наследственности поколений. По сути, учитель — это связующая нить между поколениями, носитель социально-исторического опыта. В быстро меняющемся мире профессия преподавателя остается неизменной, нерушимой и незыблемой, хотя ее условия труда, содержание, количественный и качественный состав находятся в постоянном движении. Учителя заняты воспитанием и воспитанием нашего будущего, они воспитывают тех, кто завтра заменит сегодняшнее поколение. Они работают с "живым сырьем", порча которого сравнивается с необратимым бедствием, как потеряны те годы, потраченные на образование и обучение. Сложность педагогической деятельности предполагает широкий круг способностей, которыми должен обладать учитель. В связи с этим в психолого-педагогической науке существуют различные классификации педагогических способностей. Большинство авторов сходятся во мнении, что существуют общие (необходимые всем учителям, независимо от преподаваемого предмета) и специальные (определяемые спецификой преподаваемого предмета) педагогические способности.

Способности — это индивидуально-психологические особенности личности, отличающие одного человека от другого, способствующие успешному выполнению деятельности, которые не сводятся к навыкам и умениям, но обеспечивают легкость и быстроту их приобретения (Б.М. Теплов, 1985).

Педагогическими способностями называют совокупность индивидуально-психологических особенностей личности учителя, отвечающих требованиям педагогической деятельности и определяющих успех в овладении этой деятельностью. Отличие педагогических способностей от педагогических умений заключается в том, что педагогические способности — это особенности личности, а педагогические умения — это отдельные акты педагогической деятельности, осуществляемые человеком на высоком уровне. Педагогические навыки проявляются не только в процессе овладения знаниями, но и в развитии навыков, которые необходимы для качества и профессионального успеха.

На формирование способностей влияет ряд условий:

- теоретический и практический опыт;
- физическая и умственная активность, связанная с выполнением конкретных целей и приобщением к различным видам деятельности;
- наблюдательность, хорошая память, яркость воображения.

С.Л. Рубинштейн, основоположник деятельностного подхода, понимал под способностями «сложную синтетическую особенность личности, которая определяет ее пригодность к деятельности. Более или менее специфические качества, которые требуются для определенной деятельности, лишь в деятельности и через посредство ее могут сформироваться на базе тех или иных задатков» (С.Л. Рубинштейн, 2009, с. 538)

Борис Михайлович Теплов (1896 – 1965) – основоположник школы дифференциальной психологии в России, разработчик объективных методов диагностики и измерения темперамента, характера и способностей, сформулировал развернутое определение способностей, наиболее часто используемое современными исследователями.

Изучая педагогические способности, можно сказать, что это целый ряд качеств, которые имеют отношение ко всем сторонам личности учителя, и которые являются неотъемлемым условием для успешного выполнения педагогической деятельности. К таким качествам относятся следующие:

1) экспрессивная способность – передача в ходе общения своего эмоционального состояния; 2) организаторская способность, которая нужна для обеспечения качества работы самого учителя и для обеспечения хорошего ученического коллектива, способность понимать учеников; 3) креативный и самостоятельный склад мышления; 4) точная ориентировка и находчивость; 5) способность к передаче учащимся знаний в краткой и доступной форме [1].

В наиболее обобщенном виде педагогические способности были представлены В.А. Крутецким.

В. А. Крутецкий условно выделяет три группы общих педагогических способностей: дидактические, организационно коммуникативные и личностные.

*Дидактические способности:*

1. Способность передавать информацию детям, делая ее доступной, преподносить детям материал или проблему ясно и понятно, вызывать интерес к предмету, возбуждать у учащихся активную самостоятельную мысль.

2. Экспрессивно-речевые способности – это способности выражать свои мысли и чувства в речевой форме, окрашенной выразительной мимикой и пантомимикой.

3. Академические (познавательные) способности связаны с постоянной потребностью учителя в углублении и расширении своих знаний в области преподаваемого предмета.

4. Распределенное внимание – способность распределять внимание одновременно между двумя или несколькими видами деятельности.

*Организационно-коммуникативные способности:*

1. Коммуникативные способности – способности к педагогическому общению, которые проявляются в умении устанавливать, формировать у себя педагогически-целесообразную позицию в отношении школьников, что определяет стиль и тон взаимоотношений с учащимися (как с коллективом, так и с отдельными учениками).

2. Педагогический такт – это чувство меры в поведении и обращении учителя с учащимися, способность находить наиболее целесообразные меры воздействия на учащихся, принимая во внимание их психическое состояние в данный момент, а также конкретную ситуацию.

3. Организаторские способности учителя проявляются в двух видах. Во-первых, в способности организовать ученический коллектив и, во-вторых, в

способности организовать самого себя как субъекта педагогической деятельности.

4. Суггестивные способности (в переводе с латинского – "основанные на внушении") выражаются в непосредственном волевом воздействии педагога на учащихся, в его способности предъявлять требования и добиваться их выполнения.

*Личностные способности:*

1. Перцептивные способности (от лат. "перцепция" – "восприятие") – это способность учителя воспринимать ученика, и не только его внешние особенности, а, главным образом, его внутренний мир. Это своеобразная проницательность. Связанная с тонким пониманием личности ученика и его временных психических состояний.

2. Педагогическое воображение (или прогностические способности) – способность учителя предвидеть с достаточной степенью вероятности последствия своих действий в отношении ученика.

3. Способность саморегуляции эмоциональной сферы и поведения. В этой общей способности можно выделить два компонента:

а) *выдержка и самообладание* – это способность всегда, в любой обстановке, в непредвиденной ситуации владеть собой, управлять своими чувствами, темпераментом, не терять даже на короткое время контроля над своим поведением;

б) *саморегуляция психических состояний* – способность учителя создавать у себя оптимальное психическое состояние, которое отличается энергичной уверенностью, бодростью, оптимизмом, благожелательностью [1].

Приведенная классификация способностей В.А. Крутецкого выявляет и описывает специальные педагогические способности, определяемые спецификой преподаваемого предмета, а также раскрывает определенные действия, умения в соответствии с требованиями профессиональной деятельности.

Современный педагог должен хорошо ориентироваться в различных отраслях науки, основы которой он преподает, знать ее возможности для решения социально-экономических, производственных и культурных задач. Но этого мало – он должен постоянно быть в курсе новых исследований, открытий и гипотез, видеть ближние и дальние перспективы педагогической науки.

Педагогические способности определяют индивидуальные свойства личности, являющиеся условием успешного выполнения одного или нескольких видов деятельности. Способности не сводятся к имеющимся у индивида знаниям, умениям, навыкам. Они обнаруживаются в быстроте, глубине и прочности овладения способами и приемами деятельности.

О талантливости педагога можно говорить, если в структуре личности педагога гармонически сочетается несколько способностей при ведущей роли педагогических. Сочетание способностей обеспечивает достижение очень высоких результатов в педагогической работе.

Таким образом, педагогические способности и личностные качества преподавателя играют важнейшую роль в успешности осуществления профессиональной деятельности, являются залогом его профессионального становления и развития.

#### **Литература:**

1. Крутецкий В. А., Балбасова Е. Г. Педагогические способности, их структура, диагностика, условия формирования и развития. – М., 1991. – С. 10-22.
2. Крутецкий В.А. Педагогические способности, их структура, диагностика, условия формирования и развития. Учеб. Пособие. – М., 1991. – С. 112.
3. Кузьмина Н.В. Способности, одаренность, талант учителя. – Л., 1995. – С. 32.
4. Теплов Б.М. Психология музыкальных способностей. – М., 1947. – С. 335.
5. Теплов Б.М. Проблемы индивидуальных различий. – М., 1961. – С. 536.

## **ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ СИНДРОМ ДЕФИЦИТА ВНИМАНИЯ С ГИПЕРАКТИВНОСТЬЮ ВО ВЗРОСЛОЙ ЖИЗНИ**

*Аскарова Н.А.*

*Ташкентская медицинская академия*

**Аннотация.** В этой статье будет обсуждаться синдром дефицита внимания с гиперактивностью во взрослой жизни. Его цель состоит в том, чтобы определить трудности, с которыми сталкивается взрослый человек с СДВГ, а также проанализировать, что эти трудности и искать улучшения в качестве жизни для этого взрослого человека.

**Ключевые слова:** синдром дефицита внимания, СДВГ у взрослых, взрослые трудности с СДВГ.

Синдром дефицита внимания может или не может быть связан с гиперактивностью и импульсивностью. Хотя комбинированный подтипы этого расстройства очень распространены. Часто взрослый с этим расстройством преобразует фигуру человека «ленивый» или «небрежный», когда на самом деле и совсем наоборот не только обязательно личные характеристики, но и скорее клиническая патология, описанная ассоциацией Американская психиатрия.

Цель этого статьи заключается в выявлении трудностей, с которыми сталкивается с СДВГ во взрослом возрасте, а также для анализа того, что эти трудности и искать улучшения, с тем, что человек с СДВГ может жить без серьезных потерь в области образования, семьи, аффективных и социальной жизни. В связи с этим, функциональные последствия для

взрослых с СДВГ связаны с плохой школой и академической успеваемостью, межличностных конфликтов в аффективные отношения и безработицы. Для этого взрослому, чтобы наслаждаться мастерством своей семьи и социальных функций необходимо, чтобы то же самое понимает о его симптомы, быть диагностированным психологом специалистом. По данным Бразильской ассоциации дефицита внимания, характеризуется как “нейробиологическое расстройство, генетических причин, который появляется в детстве и часто сопровождает человека на протяжении всей его жизни. Он характеризуется симптомами невнимательности, беспокойства и импульсивности. Иногда его называют хроническим заболеванием, которое проявляется и развивается на протяжении всей жизни и его проявления чаще всего у детей, сохраняющихся во взрослой жизни.

Есть бесчисленное множество трудностей, что человек с синдромом дефицита внимания находит во взрослом возрасте, начиная с семьи и аффективных аспектов до достижения социальных аспектов, таких как работа, образование и социальная жизнь. По статистике, около 60% детей с СДВГ в детстве остаются с симптомами до совершеннолетия. С ростом ребенка в подростковом возрасте, а затем и во взрослом возрасте, это более очевидно, невнимательность, потому что ребенок, который ранее был только “гиперактивный или невнимательный”. Примечательно, что преобладание у взрослых в отношении характеристик СДВГ является невнимательность, однако есть также случаи с гиперактивностью или комбинированного подтипа.

Большую часть времени невнимательность тонкая, в детстве оно не так заметно, как во взрослой форме. В смысле школы его можно увидеть через низкий доход, индивидуал рассеялся или забыт. Студенты с СДВГ часто не понимают функционирования класса, то есть определить, что важно, и сосредоточить свое внимание на этой задаче. Их легко отвлекают коллеги или шумы за пределами комнаты [1]. Образовательное формирование предмета с синдромом дефицита внимания довольно сложно, так как непосредственно влияет на успеваемость, потенциал и, следовательно, ограничивает будущий выбор работы. Меньшинство людей с этим расстройством также обладают расстройством обучения, которое характеризуется задержкой в конкретной области обучения, таких как чтение или письмо. Данные показывают, что 71% взрослых, диагностированных в младенчестве, были отстранены от занятий или исключены из школы по крайней мере один раз.

Фонсека говорит: “Внимание включает внутреннюю и внешнюю организацию стимулов, организацию, которая необходима для обучения, в противном случае сенсорные сообщения принимаются, но не интегрированы”. Таким образом, способность сосредоточиться на чем-то имеет большое значение, так что человек с дефицитом внимания может прогрессировать в образовательных аспектах. Фонсека также свидетельствует о том, что эмоционально неподходящий человек более склонен к получению

плохих школьных результатов, потому что эмоциональные нарушения фрагментируют поведение и, следовательно, способность к обучению [4].

Аффективная и семейная жизнь. Эта трудность связана с аффективных и семейных аспектов взрослого с СДВГ, потому что они страдают от трудностей концентрации или трудности внимания. Сложность поддержания сосредоточены на этом расстройстве во взрослом возрасте заканчивается становится препятствием для предмета в его личной жизни, которая касается любви. Для Barkley и Venton говорят, что путь это разлад организует вещи против персоны может плотно сразиться больше на его личной и социальной жизни чем в любом другом участке жизни, однако, с self-control, стимулом и правильной обработкой взрослый может жить без многих потерь в этой области [2]. Два из наиболее распространенных симптомов человека с синдромом дефицита внимания отвлекается в рутинных разговоров и, казалось, не слушать, когда кто-то направляет слово. Для некоторых людей, которые относятся к людям с СДВГ это может показаться высокомерие, незаинтересованность или отсутствие образования. Взрослые с дефицитом внимания не имеют понятия об их состоянии, но понимают о симптомах, которые препятствуют выполнению повседневных функций.

Эмоциональный контроль является существенным и незаменимым для взрослых с СДВГ, так как, когда преимущественно гиперактивный/ импульсивный или комбинированный подтип, человек, который обладает этим расстройством более склонны говорить слишком много, чтобы не позволить людям заключить фразу, чтобы ответить, прежде чем они попросили, чтобы прервать или вторгнуться в разговоры других людей, и т.д. Поэтому необходимо, чтобы субъект имеет эмоциональный контроль, умеет ждать и терпеть, чтобы он мог правильно выразить себя, делая так, чтобы не было серьезных проблем.

Социальная жизнь и работа. Среди взрослых основные нарушения связаны с социальным циклом и профессиональными упражнениями. Заметны трудности, связанные с сосредоточением, организованной и долгосрочным планированием. Это заметные следы эмоциональной нестабильности у взрослых с этим расстройством, а также низкое уважение и мало мотивации для участия в деятельности. Для взрослого СДВГ, оставаясь сосредоточены на чем-то, в течение более короткого времени, может быть проблемой, как большой, как для гоночного спортсмена с препятствиями, которые необходимо транспонировать все больше и больше барьеров, пока он не достигнет конца трека. Эта трудность в соответствии сосредоточены на данный предмет, мысли, действия или речи часто вызывает очень неудобные ситуации для взрослых СДВГ.

Вмешательство в социальное функционирование может нанести серьезный ущерб. Взрослый с СДВГ должен стремиться больше, чем обычно, чтобы достичь и поддерживать необходимое внимание. Для выполнения их общей деятельности, таким образом, Сильва утверждает, что некоторые используют выражение «усталость в душе» для описания своего



состояния после выполнения задач, в которых они были вынуждены оставаться сосредоточенными. В связи с этим, можно предположить, что сохранение концентрации для человека с этим расстройством является слишком напряженным [3]. Взрослые с синдромом дефицита внимания могут быть глубоко недовольны незавершенной деятельностью, впадают в депрессию и с низкой самооценкой. Это те, кто не может остаться в работе, которые испытывают трудности в приоритете важных видов деятельности.

Первым шагом, чтобы избежать вреда в жизни взрослого с синдромом дефицита внимания является предыдущий диагноз. Детская психодиагностика является синонимом раннего психокоррекции. Учитывая это, в своем жизненном цикле субъект будет проходить психокоррекцию и в зрелом возрасте может разработать стратегии, чтобы понять, как бороться с его СДВГ.

#### **Литература:**

1. Альтхерр П., Берг Л., Вельфль А., Пассольт М. Гиперактивные дети. Коррекция психомоторного развития. – М.: Издательский центр «Академия», 2004.
2. Barkley R.A. Attention deficit hyperactivity disorder. N.Y.; L., 1998. 628 p.
3. Silva, Ana Beatriz Barbosa. Mentas Inquietas: TDAH, Desatenção, Hiperatividade e Impulsividade. Rio de Janeiro: Objetiva. 2008.
4. Fonseca, Vitor da. Introdução às Dificuldades de Aprendizagem. 2 ed. rev. Aum. Porto Alegre: Artes Médicas, 1995.

## **BUYUK AMIR TEMURNING AXLOQIY QARASHLARI**

*Ruziev B.U.*

*Toshkent tibbiyot akademiyasi*

**Annotatsiya.** Mazkur maqolada buyuk sarkarda, hukmdor Amir Temurning axloqiy qarashlari, bu haqidagi tarixiy manbalar, “Temur Tuzuklari” va sohibqiron axloqiy qarashlarida asosiy ahamiyatga ega bo’lgan fazilatlar va uning mamlakat rivojiga qanchalik asos bo’lib xizmat qilganligi masalida so’z yuritilgan.

**Kalit so’zlar:** “Temur Tuzuklari”, Sharofitdin Ali Yazdiy “Zafarnoma”, To’xtamishxon, Ryu Gonzales De Klavixoning kundaligi, Oq O’rda, axloq, adolat, davlat, do’stlik, sadoqat, bunyodkorlik, taraqqiyot.

Buyuk shaxs, yirik davlat arbobi, sarkarda, iste'dodli me'mor, shu bilan birga el yurtini sevgan va uni jahonga mashhur qilgan inson Amir Temurning davlat va jamiyatni boshqarishda yuksak axloqiy fazilatlarga tayanganligi tarixdan ma'lumdir.

Temur yoshlik chog'idan Qur'oni Karimni yod olib, hadis ilmini o'rgangan, shu bilan birga dunyoviy bilimlarga ham ega bo'lgan edi. Shuning uchun ham

iymon-e'tiqodli, halol, pok, aql-zakovatli, o'z e'tiqodiga mustahkam rioya qiladigan, adolatli inson bo'lib yetishgan. Bu haqida "Temur Tuzuklari"da keltirilgan ma'lumotlar bilan birga koptina tarixchi olimlarlar va o'z davrida yashagan sayyohlar o'z asarlarida, kundaliklarida qimmatli ma'lumotlarni qoldirgan. Xususan, tarixchilar Amir Temurning davlat va jamiyat boshqaruvida yuksak axloqiy fazilatlarga tayanganini va chin insoniy fazilatlarini sanar ekanlar, uning mard, ahdiga sodiq, mustaqil fikrli, yordamga muhtojlarga doimo yordam qo'lini cho'zgan, olijanob, adolatli, vatanparvar, bilimli, ilm-fan homiysi sifatidagi fazilatlarini yozib qoldirishgan.

Ma'lumki, Amir Temur haqidagi tarixiy manbalarda uning muhrida "Kuch-adolatdadir" degan yozuv bo'lganligi ta'kidlanadi. Shu bilan birga aytish mumkinki Sohibqiron davlatida adolatni ta'minlashga, shariatga ko'ra ish olib borishga qattiq harakat qilgan. O'rnatilgan tartib, savdo karvonlarining bexavotir shunday ulkan sarhadlardan o'tib Yevropa, Osiyo, Afrikaga mamlakatlariga qatnaganligi, Buyuk Ipak yo'lining xavsiz va yanada rivojlanganligi buning isboti hisoblanadi.

Birgina «Kuch-adolatdadir» degan shiorning o'ziyoq Amir Temur axloqini belgilovchi bosh mezon, uning butun umr bo'yi amal qilgan shioridir. Bu shiorda Amir Temur hayoti va faoliyatining butun mazmuni mujassamlashgan.

Amir Temurdan qolgan qimmatli, muhim ahamiyatga ega bo'lgan kitob "Temur Tuzuklari" hisoblanib, unda Buyuk Sohibqironning qanday qilib buyuk davlatni barpo etganligi, davlat boshqaruvi, bu yo'ldagi amalga oshirilgan ishlar, jang olib borish san'ati, qo'shinlar tuzilishi, hayotiy tajribalari bilan bir qatorda, odamlar bilan muloqot, do'stlik, mehru-oqibat, vafo va kabi axloqiy fazilatlar haqida ham so'z boradi.

Shuning uchun hamki "Temur Tuzuklari" muhim, nodir kitob sifatida rus, ingliz, fransuz, hind, fors, urdu va boshqa tillarga tarjima qilingan bo'lib, kitobni dunyoning ko'plab mamalkatlarida, xususan MDH, Angliya, Fransiya, AQSH, Finlandiya, Daniya, Eron, Hindiston, Turkiya, Misr va Yaman kabi ko'plab mamlakatlarning kutubxonasidan topish mumkin. Bu esa albatta, asarning nechog'lik muhim ahamiyatga ega ekanligini bildiradi. Kitobni dastlab hukmdorlar o'zlariga davlat boshqaruvida muhim hisoblab, undan nusxa ko'chirtirgan bo'lsalar, undagi do'stlik, vafodorlik, imon va e'tiqod, qonun va boshqa insoniy fazilatlarga rioya qilish to'g'risida fikr yuritilganligi, fuqarolarning shariat qonun –qoidalariga buysunish lozimligi, qozilarning qonunlarga to'la amal qilishi, va turli boshqa masalalar bo'yicha mufassal ma'lumotlarning berilganligi uning ahamiyati nechog'lik kata ekanligidan dalolat beradi.

Kitob Buyuk Sohibqironning hayoti davomida o'zi amal qilishga harakat qilgan axloqiy qarashlarini ochib beradi. Jumladan kitobda Amir Temur Samarqandni poytaxt qilib, katta markazlashgan davlat qilgach, davlat va jamiyat ishlarida qanday axloqiy sifatlar bilan boshqarganini Temur Tuzuklarining "Do'stu-dushmanga muomala qilish tuzugi" bobidan ko'rish mumkin. Unda keltirilishicha Temur hech qachon yordam so'rab kelgan insonlardan yordamini ayamaydi, ularga saxiylik qilib ularning yashashi kun kechirishi uchun qo'lidan kelgancha yaxshilik qilganini ko'rish mumkin. Haqiqatan ham, tarixdan bunga

misol qilib Amir Temurning Oq O'rda xoni To'xtamishxonga bergan yordamini olish mumkin. Tarixiy manbalardan ma'lumki To'xtamishxonga Amir Temur O'tror va Sabron viloyatlarini hadya qilib, uning Dashti Qipchoqda hukmdor bo'lishiga do'stona yordam bergan edi. Lekin To'xtamishxon esa Temur Movaraunnhardan uzoqda Sherozda bo'lganligidan foydalanib bu o'lkaga hujum qilib, o'z maqsadlarini amalga oshirishga uringan edi.[1] (O'zbekiston tarixi. T.2005 yil. 222-bet)

Shuningdek Buyuk Temurning birovlardan gina saqlamslik, kechirimlilik fazilatiga ega bo'lgan hukmdor bo'lganligini ham kitobda shunday keltirilgan.

“Menga hasad qilib, o'ldirishga qasd qilgan kishilarga shunchalik sovg'a-in'omlar berib, muruvvat-u ehson ko'rsatdimki, bu yaxshiliklarni ko'rib, xijolat teriga g'arq bo'ldilar. Hamisha mening roziligimni olib ish tutgan do'stlarim oldinga panoh tilab kelganlarida, ularni o'zimning baxt-u davlatimga sherik bilib, hech qachon ulardan, mol-mulk va tirikchilik ashyolarini ayamadim “[2] (Temur tuzuklari. T.2018. 149 –bet).

Amir Temurning axloqiy fazilatlaridan yana biri uning Vatanparvarlik fazilati hisoblanadi. Sohibqironning bu fazilatini Mo'g'iliston xoni Tug'luq Temurning Movaraunnahrga yurish qilgan tarixiy vaqtida uning qarshisiga chiqib, xon ishonchini qozonib, mol-mulkka o'ch xon va uning amirlarini ularga ko'pgina sovg'alar berish orqali, o'z yurti Movaraunnahrning Mo'g'ullar tomonidan talon-taroj qilinishidan xalos qilib qolganligini tarixchi Sharafitdin Ali Yazdiy “Zafarnoma” sida keltirib o'tilgan. [3] Sharafitdin Ali Yazdiy “Zafarnoma”. T. Sharq. 1997 y. 20- bet)

Buyuk Temur ilm-fan va madaniyatning homiysi sifatida mamlakatda mashhur olimlar, hunarmand-ustalar mehnatini yuksak baholab, ilm fan va madaniyat rivojiga hissa qo'shdi. Buning isboti sifatida Mirzo Ulug'bekning buyuk astronom olim bo'lib dunyo ilmu-faniga qo'shgan hissasini eslashning o'zi yetarli bo'lsa kerak. Temur axloqida bunyodkorlik va madaniyatga munosobatni uning bunyodkorlik ishlarida ham ko'rish mumkin. Poytaxt Samarqandda va Kesh (Shahrisabz)da ko'plab me'moriy obidalar qurdirdi, shaharning go'zalligi va ulug'vorligini oshirdi. Keshdagi Oqsaroy va Samarqanddagi go'zal obidalar qurilishi o'sha vaqtda Temur davlatiga kelgan elchi va sayyoh Ryu Gonzales De Klavixoning kundaligida yetarlicha tariflangan. Xususan Kesh (Shahrisabz)ga kelgan elchi shaharning ko'm- ko'k bog'lar bilan o'ralganligini, serhosil yerlarini, ko'plab masjidlar borligini tilga olib o'tgan. Shuningdek Temurning buyrug'i bilan qurilayotgan Oqsaroy hali elchi ko'rgan vaqtda to'liq bitmagan edi. Lekin Bu saroyning go'zalligi, oppoq devorlari, hashamtili go'zalligi jihatdan shunchalik ko'zni qamashtirardiki elchi “...naqshinkor oltin bilan bezatilgan saroy va uning oppoq devorlari, hatto Parijdan ham chiroyli...”degan gaplarini o'z kundaligida yozib qoldirgan. [4] (Рю Гонсалес де Клавихо Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура .1403-1406).

Albatta bunday bunyodkorlik ishlari, madaniy obidalar qurilishi Sohibqiron davlatida umuman to'xtab qolgani yo'q va aksincha ilmu-fan, madaniyat, din, ijtimoiy-iqtisodiy hayot Buyuk Sohibqiron davrida rivojlandi. Ko'plab diniy va dunyoviy fanlarga hissa qo'shgan allomalarning tug'ilganligi mamlakatda

o'rnatilgan adolat va shariat qonun-qoidalarining keng yoyilishi bilan mustahkamlandi.

Xullas, sohibqiron Amir Temur axloqiy qarashlarida iymon, e'tiqod, adolat, mehru-oqibat, do'stlik, vadaga vafo, mardlik, sadoqatlilik, vatanparvarlik, bunyodkorlik, ilm ahliga muhabbat asosiy o'rinda edi. Shu jihatdan ham Sohibqiron poytaxti Samarqand bo'lgan ulkan markazlashgan davlat barpo etib, uning har tomonlama rivojlanishiga va mamlakat tarixida ikkinchi renesans bo'lishiga poydevor yaratdi.

#### **Adabiyotlar:**

1. O'zbekiston tarixi. ( R. H. Muratazayeva tahriri ostida) T. UzMu.2005 yil.
2. Temur tuzuklari. T. Yoshlar.2018 y.
3. Sharafitdin Ali Yazdiy "Zafarnoma" T. Sharq. 1997 y.
4. Рю Гонсалес де Клавихо "Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура" М. Наука.1992 г.

### **GERMAFRODITIZMDA SHAXS PSIXOLOGIYASI**

*Askarova N.A., Rahimjonova M.K.  
Toshkent tibbiyot akademiyasi*

**Anatatsiya.** Hozirgi kunda eng dolzarb muamolardan biri germofrodit shaxslarning jamiyatga moslashishi va psixologik realibilitatsiyasidir. Ushbu muammo bu toifadagi shaxslarning jamiyatga mostlashuvi psixoemotsional holati, shaxslararo munosabatlarda va eng asossiy diniy qarashlarda bir qator muammolar paydo bo'lib, buni chuqur va atroflicha o'rganish talab etiladi

**Kalit so'zlar:** germofroditizm, irsiyat, muhit, oiala, tarbiya, gomoseksual, organizm, jinsiy bezlar, soxta germafroditizm, ayol, erkak

Germafraditizm, xunasalik (Hermaphroditis- Germes Afrodita og'li yani ikki jinsli shaxs ) bir organizmda erkaklik va urg'ochilik yoki rudument a'zolarining bo'lishi odamlarda bunday holat soxta germafroditizm uchraydi. Soxta germafroditizm muayyan jinsiy bezlar tashqi yoki ichki jinsiy organlarga mos kelmaydi. Soxta germafroditizm tashqi va ichki bo'ladi. Erkaklardagi tashqi soxta germafroditizm urug'don bo'ladi-yu lekin tashqi jinsiy organi ayollarnikiga bir qadar o'xshab ketadi. Erkaklarning ichki soxta germefrodit organizmda tuxumdon, yetilmagan prostata bezi va urug'pufakchalari bilan birga bachadon naylari (urug' yo'llari) ham bo'ladi. Ayollarda soxta germafroditizm kam uchraydi. Bunda tuxumdon bo'ladi-yu, lekin tashqi jinsiy organ va ikkilamchi jinsiy belgilar qisman erkaklarnikiga o'xshaydi. Soxta germafroditizm bilan tug'ilgan bolalar jinsini aniqlash qiyn. Buning uchun

zamonaviy sitogenetik usullar yordamida odamning xromasomalari tekshirildi. Ko'p holatlarda jarrohlik usullari va garmonal preparatlar bilan davolanadi [1].

**Kelib chiqish sabablari:** jinsni o'zgarishga olib keladigan omillari genga bog'liq ya'ni irsiy o'tishi, tashqi muhit omillariga, oilada berilayotgan tarbiyaga bog'liq, oilaviy muhitning tog'ri emasligi tashqi muhitdan olingan notog'ri ma'lumotlar, virtual olamdan olingan ma'lumotlar sabab bo'lishi mumkin. Ko'p holatlarda esa insonning o'zi qiziqishi, kimgadir taqlid qilish orqali o'zgartirishi mumkin. Inson jinsini o'zgartirgandan keyin eng ko'p 40-yilgacha umr ko'rishi mumkin. Inson o'z jinsni o'zgartiradigan keyin ko'plab fiziologik jarayonlarning buzilishi kuzatiladi, aksariyat xolatlarda bunday amaliyotlar muvofaqiyatsiz yakunlanishi mumkin. Bilamizki, Ikkala jinsning birlamchi yoki ikkilamchi xususiyatlariga ega bo'lgan shaxslar germafroditlar deb ataladi. Kamdan kam, ammo bunday anomaliya odamlar orasida uchraydi. Biroq, fiziologik germafrodit bo'lmagan, ammo qarama-qarshi jinsning psixologik xususiyatlariga ega bo'lgan shaxslar mavjud. Ushbu hodisa psixologik germafroditizm deb ataladi. G'arb psixologlari uzoq vaqtdan beri psixologik germafroditizm hodisasiga qiziqish bildirishgan. Shunday qilib, Zigmund Freyd, gomoseksualizm va nevrozlar o'rtasidagi bog'liqlikni o'rganayotganda, gomoseksual xususiyatlar har bir nevrastenikada mavjudligini aniqladi. Uning hamkasblari Vilgelm Fliess, Richard fon Kraft-Ebing va J.Sadger nevroitik erkak zulm qiluvchi ayollik xususiyatlaridan, nevroitik ayol esa erkaklik xususiyatlaridan aziyat chekishini ta'kidladilar. Ba'zi hollarda bu odamlarda qarshi jinsning ikkilamchi belgilari ham bo'lgan: erkaklarda jinsiy a'zolar kam rivojlangan, klitoris kattalashgan va ayollarda tembr pastligi. To'g'ri, tadqiqotchilar ushbu patologiyalar va psixikaning xususiyatlari o'rtasida bog'liqlik mavjudligini isbotlay olmadilar.

#### **Psixologik germafroditizmning sabablari nimada?**

Ayni paytdagi psixologik, tadqiqot natijalariga ko'ra, Nevrastenik toifadagi erkaklar bolalik va o'spirinlik davrida o'zlarini zaifroq his qilganlar, qaysidir ma'noda ular o'zlaridagi "erkaklikni" bostirishgan. Masalan, ular o'zlarining guruhlaridagi liderlariga nisbatan qo'rqoq, irodasi zaif va itoatkor bo'lib, ijtimoiy vaziyatlarda uyatchanlikni namoyon etishgan, ular uchun tajovuz qilmaslik, bu an'anaviy ravishda "haqiqiy odam" belgisi hisoblangan. Shu bilan birga, ba'zi ayollarda bolalikdan ozodalik alomatlari, shu jumladan, boshqa jins vakillarini bo'ysundirish istagi paydo bo'lgan. Qarama-qarshi jinsni vakillari kabi kiyinish, xulq-atvor xususiyatlari haqida gapirma ham bo'ladi. Olimlarning fikriga ko'ra, ayollarda nevrasteniyaning namoyon bo'lishining sabablari mushak-skelet tizimining buzilishi, og'riq, rivojlanishning kechikishi, turli xil buzilishlar bo'lishi mumkin. Ayollarda bu holat erkak bo'lishni yashirish istagi bo'lishi mumkin (masalan, o'zini e'tiborsiz qoldirmaslik). Buning alomatlari vaginismus, jinsiy sovuqlik, tajovuzkorlikni kuchayishi va nevroitik tabiatning boshqa ko'plab patologiyalari bo'lishi mumkin.

Psixologik germafroditizmni o'rganishga eng katta hissa qo'shgan avstriyalik psixolog va psixiatr Alfred Adler o'zining "Individual psixologiyaning amaliyoti va nazariyasi" (1910) asarida u, Freyddan farqli o'laroq, psixologik germafroditizm va biologik omillar o'rtasidagi to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlikni tan

olishdan bosh tortdi va bu omillar eng yaxshi darajada bilvosita ahamiyatga ega ekanligini va ikkala jins ham o'z maqsadlariga eng mos keladigan ko'proq "erkaklar" yoki "ayollarga xos" xulq-atvorni tanlaydi. Shunday qilib, erkaklar printsipining ustunligi jamiyatda keng tarqalgan bo'lsa, ayol bo'lishdan ko'ra erkak bo'lish foydali bo'ladi. Adler buni "erkaklarning noroziligi" deb ataydi. Neyrasteniya "erkaklar noroziligi" o'zini haddan tashqari shaklda namoyon qilishi mumkin. Adlerning erkaklar noroziligi tushunchasi quyidagicha: a) hozirgi paytda ayol xususiyatlarining mavjudligi sababli o'zlarini zaif his qilishlari; b) kelajakdagi erkak kuchi va ustunligiga erishish uchun maqsad; c) intilish va taraqqiyot. Agar Freyd shaxs o'zining ehtiyojlarini qondirishga intilishini aytgan bo'lsa, unda Adlerda u o'zini takomillashtirishga intiladi.

Psixologik germafroditizmga xos xususiyatlarga ega bo'lgan odam turli yo'llar bilan rivojlanishi mumkin. "Ayollik" bilan ajralib turadigan bola odatdagi-dek erkak o'yinlari va mashg'ulotlaridan qochishi mumkin, ehtimol o'zini qandaydir gumanitar sohada - san'at, musiqa va h.k. "Erkaklik" xususiyatlariga ega bo'lgan qiz ko'pincha bolaligidan sport bilan shug'ullanadi, boshqa jinsdagi do'stlarini afzal ko'radi, erkaklarnikiga o'xshash kiyim kiyadi va ko'pincha an'anaviy erkakcha kasblarini tanlaydi – masalan, haydovchi, uchuvchi, militsiya, xodimi, advokat. Shu bilan birga, psixologik germafroditizm namoyon bo'lgan barcha odamlarni gomoseksual yoki biseksual deb hisoblash xato. Agar ularning tanasida "qarama-qarshi" gormonlar ustun bo'lsa ham, ular umuman normal jinsiy yo'nalishga ega bo'lishi mumkin, yana bir narsa ularning oiladagi roli. Erkak sifat ayol turmush o'rtog'ini boshqarishga ko'proq moyil bo'ladi. Agar ular o'yin qoidalarini qabul qiladigan munosib sheriklarni topa olmasalar, ular umuman yolg'iz qolishlari mumkin. Adler Flisni nazarda tutgan holda, nevrotik erkak asosan unga zulm qiladigan ayol xususiyatlaridan, nevrotik ayol esa - unga zulm qiluvchi erkak xususiyatlaridan aziyat chekadi, deb ta'kidlaydi. Nevrozlarni shu tarzda tushuntirish uchun Adler germafroditizm nazariyasiga, avvalambor psixologik germafroditizmga murojaat qiladi. Nevrozlarni germafroditizm bilan bog'liqligini o'rganish Adlerni quyidagi xulosalarga olib keladi. Uning fikriga ko'ra, kuzatuvlar shuni ko'rsatadiki, ajablanarlisi shundaki, ko'pincha nevrotikada qarama-qarshi jinslarning jismoniy xususiyatlarining simbiozi, ya'ni nevrotik erkaklarda ayollik xususiyatlari va nevrotik ayollarda erkaklar xususiyatlari mavjud. Erkaklarda jinsiy a'zolarining kam rivojlanganligi, ayollarda past ovozli tembr, kattalashgan klitoris, jinsiy a'zolar rivojlanmaganligi ko'pincha uchraydi. Bundan tashqari, bularning barchasi ko'pincha boshqa organlarda etishmovchilik bilan birga keladi. Bu erda Adler savol tug'diradi: bu og'ishlar boshqa jins psixikasi bilan genetik aloqaga egami? Kraft-Ebing va Flisdan farqli o'laroq, Adler keyingi asarlarida bunga shubha qila boshlaydi.

Bundai bolaning mustaqilligini buzadi, uning sevgi va qo'llab-quvvatlashga bo'lgan ehtiyojini oshiradi. Ushbu kamsitilish hissi bolani ko'p vaqt mobaynida va hatto butun hayotiga qadar xarakterlashi mumkin. Shunday qilib, organik nuqson bolaning atrofidagi sog'lom va kuchli odamlar fonida barqaror zaiflik tuyg'usining paydo bo'lishiga yordam berishi mumkin. Va bunday kamsitilish hissi nafaqat saqlanib qolishi, balki ko'p yillar davomida turli xil patologik

shakllarga aylanishi mumkin. Zaiflik hissi odatda otaga nisbatan namoyon bo'ladi. Adlarning so'zlariga ko'ra, itoatkorlik va sadoqatli muhabbat xususiyatlari ko'p namoyon bo'ladigan bolalar nevrozga moyildir. Bunday holda, nevroz asosida erkaklik roliga nisbatan shubha yotadi. Erkaklik tamoyilidan voz kechish esa Adlarning fikriga ko'ra "ayollik" ga ega bo'lishni anglatadi. Va bunday bolalar, deydi Adler, o'zlarini erkaklikga xos bo'lgan rollardan olib qochadilar. Adlarning fikriga ko'ra, barcha nevrotik erkaklar bolaligida, ular o'zlarini to'laqonli erkak bo'lib voyaga etishiga shubha qilishgan. Chunki bunday bola uchun "erkaklar printsiplari" ni rad etish "ayollik" ga ega bo'lishga tengdir. Bunday pastkashlikka ega bo'lgan bolada beparvolik, bosim, faollik, raqobatbardoshlik, hokimiyat, jasorat, erkinlik, boylik, tajovuzkorlik mayl kabi fazilatlar erkaklik fazilatlarini deb hisoblanishi mumkin, qo'rqqoqlik, kamtarlik, qashshoqlik va boshqalar esa kamchiliklar kabi idrok etiladi.

Bir muncha vaqt davomida bunday bola ikki tomonlama rol o'ynaydi. Bir tomondan, u ota-onasi va tarbiyachilariga bo'ysunishga moyilligini namoyish etadi. Boshqa tomondan, uning ba'zi istaklari, xayollari va harakatlari mustaqillik, o'z xohish-irodasi va shaxsiy ahamiyatini istaydi. Ammo bu fazilatlar salbiy baholanganligi sababli, erkak qiyofasiga mos keladigan xatti-harakatlar bunday bolaga "yomon" ko'rinadi. Bu ichki bo'linish shaxsini va natijada qat'iyatsizlikni yaratadi. O'rganilgan adabiyotlar va ilmiy tadqiqot natijasida quyidagi xulosalarni keltirib o'tish mumkin: soxta erkak germafroditizmi bo'lgan bemorlarda jinsiy-rolli xatti-harakatlarning shakllanishida markaziy asab tizimining etakchi roli (miyaning jinsiy differentsiatsiyasi) tasdiqlandi. Intrauterin hayotning tanqidiy davrlarida miyaning jinsiy differentsiatsiyasi shakllanishining androgen darajasiga bog'liqligi, shuningdek, bolada pasport jinsini tanlashda tashqi jinsiy a'zolar erkakligi darajasiga e'tibor qaratish zarurligi soxta erkak germafroditizmi bilan isbotlangan.

Bemorlarning psixoseksual holatini shakllantirishda ijtimoiy-psixologik omillarning muhim roli isbotlangan. Ota-onalarning o'z farzandlari tomonidan tanlangan pasport jinsining to'g'riligiga ishonmasligi, jinsiy a'zolararo jinsiy tuzilishga ega bo'lgan bolaning jinsiy identifikatsiyasini shakllantirish xususiyatiga salbiy ta'sir ko'rsatishi aniqlangan. Tanlangan sohada soxta erkak germafroditizmi bilan kasallangan bemorlarni etarli darajada rehabilitatsiya qilish ushbu bemorlarni dispanser kuzatuvda uzluksizligini amalga oshirish va ularga hayotning barcha bosqichlarida psixoterapevtik yordam ko'rsatish bilan mumkin.

#### **Adabiyotlar:**

1. Alfred Adler. Praktika i teoriya individualnoy psixologii. - Akademicheskii Proyekt, Gaudeamus, 2015.
2. Golubeva I.V. Germofroditizm. - M., 1980.
3. Z.Freyd. Po tu storonu prinsipa udovolstviya. - Izd., Folio, 2010.

**XX ASR BOSHLARIDA BUXORO AMIRLIGIDA DAVLATCHILIK  
JARAYONLARINI O'RTA MAXSUS TA'LIM TIZIMI  
O'QUVCHILARIGA O'QITISHNING METODIK USULLARI**

*Qodirova N.M.*

*Toshkent davlat pedagogika universiteti*

**Annotatsiya.** Ushbu maqola o'rta maxsus ta'lim tizimi o'quvchilarining XVIII asr oxiri XX asr boshlarida Buxoro amirligida davlatchilik jarayonlarini o'qitishning nazariy asoslarini aniqlashda hamda XVIII asr oxiri XX asr boshlarida Buxoro amirligida davlatchilik jarayonlarini o'qitishni tashkil etish yo'llarini aniqlashda muhim o'rin tutadi va o'rta maxsus ta'lim tizimi o'quvchilariga XVIII asr oxiri XX asr boshlarida Buxoro amirligida davlatchilik jarayonlarini o'qitishning samaradorlik darajasini oshiradi.

**Kalit so'zlar:** amirlik, davlatchilik, jarayon, o'qitish, ta'lim, samaradorlik, voqea, dahldor, metod.

Mustaqillik tufayli o'zbek xalqining ko'p asrlik boy tarixi, ilmiy, madaniy va ma'naviy merosini o'rganish, undan xalqning bebaho mulki sifatida foydalanishga keng yo'l ochildi. Aynan ushbu ma'naviy va mafkuraviy asosni mustahkamlash hamda rivojlantirishda tarix fani alohida ahamiyatga egadir.

Bugungi zamon eskicha fikrlashga barxam berish, tarixiy voqealar va jarayonlarni baholashda milliy manfaatlardan kelib chiqish zarurligini talab qilmoqda. O'zbek xalqi va uning davlatchiligi tarixini umumjahon taraqqiyoti nuqtai nazaridan, aniq tarixiy faktlarga tayanib, xolis va ilmiy asosda tadqiq etib, xalqqa yetkazish zaruriyati paydo bo'ldi. Ma'lumki savdo O'zbekistonda qadimdan shakllanib rivojlangan hamma davlatlar iqtisodiy taraqqiyotida muhim o'rin tutgan. Bu jarayonga ijobiy ta'sir etgan omil sifatida O'rta Osiyo xududidan Buyuk ipak yo'lining o'tganligini ko'rsatish mumkin. Sharq va G'arbni bog'lagan bu yo'l faoliyati O'rta Osiyo mamlakatlarining ichki va tashqi savdo aloqalari rivojiga ijobiy ta'sir ko'rsatgan hamda iqtisodiy munosabatlar tufayli turli mintaqalar haqidagi ma'lumotlarning to'planishi va almashinuvi ro'y bergan. Buni Buyuk Ipak yo'lining qadimtrassalarida joylashgan davlatlardan biri Buxoro amirligi misolida yaqqol ko'rsatish mumkin.

Buxoro amirligi O'rta Osiyoning siyosiy voqeligida muxim o'ringa ega bo'lgan davlatdir. Shuni aloxida ta'kidlash joizki, xonlik tarixining turli masalalari bo'yicha amalga oshirilgan tadqiqotlarda muammoning ayrim jihatlariga, jumladan, uning Rossiya bilan savdo-sotiq aloqalariga to'xtatilsada, amirlikning davlatchilik munosabatlarining xarakterli xususiyatlari, xususan, uning o'qitilish masalalari to'liq tadqiq etilmagan. Shuningdek, amirlikda ichki va tashqi savdoning ahvoli, uning o'ziga xos xususiyatlari, bozorlar, karvonsaroylar faoliyati, boj va pul tizimi, oldi-sotti munosabatlari, unda turli etnoslar ishtiroki masalalari o'zining to'liq aksini topgan.



1920-yil avgustning dastlabki kunlarida M.V.Frunze V.I.Leninga yuborgan telegrammada bunday deb ma'lumot berdi:

“Buxoro xususida ikki xil yo‘l tutishini xayol qilsa bo‘ladi:

1) mamlakatdagi ichki inqilobiy jarayonning rivojlanib borishiga umid qilish va shu paytni kutib turish;

2) tashqi kuchlar hisobiga inqilobni tashkil qilish”.

1920-yil 10-avgust kuni RKP (b) Markaziy Komitetning Siyosiy byurosi Turkiston frontining Inqilobiy Harbiy Kengashi uchun Buxoro masalasida direktivalar qabul qildi. Ularning to‘rtinchi moddasida: “Bizni xujumga da‘vat qiladigan bir qator Buxoro inqilobiy markazi bo‘lgan taqdirdagina mudofaaga tayyorgarlik choralarini bizning tashabbusimiz bilan boshlanadigan xujum bilan almashtirish mumkin”-deb yozilgan edi [1].

Turkfront qo‘shinlari safarbarlikka tayyor holda turgan edi. 1920-yil 25-avgust kuni Frunze Turkfront qo‘shinlariga “qo‘zg‘olon ko‘targan Buxoro mehnatkashlariga yordam ko‘rsatish to‘g‘risida” buyruq berdi. Buyruqqa muvofiq, qo‘shin qismlari bir nechta zarbdor guruhlariga: Samarqand, Katta qo‘rg‘on, Qiziltepa, Kogon, Chorjo‘y guruhlariga aylantirildi. Zarbdor guruhlarning ko‘pchiligiga dastlabki pozitsiyalarni egallash va 28-avgustdan 29-avgustga o‘tar kechasi faol harakatlarni boshlash buyurildi. To‘rt kechayu to‘rt kunduz bo‘lib o‘tgan janglardan so‘ng amir Said Olimxon, o‘zi yozganidek, “vayronagarchilik yanada zo‘rayib, odamlarni yana halok bo‘lishiga yo‘l qo‘ymaslik” uchun o‘z qo‘shinlari bilan Buxorodan chiqib ketdi. 1920-yil 2-sentyabrda rais Abduqodir Muhitdinov boshchiligida Umumbuxoro inqilob komiteti va respublika xukumati- Xalq Nozirlari Soveti tuzildi; uning raisi etib Fayzulla Xo‘jaev tayinlandi. Umumbuxoro inqilob komiteti va xukumat asosan kommunistlardan tuzilgan edi. Bu vaqtga kelib inqilobchi yosh buxoroliklar partiyasi o‘z-o‘zidan yo‘q bo‘lib ketdi [2].

1920-yil 6-8-oktyabr kunlari bo‘lib o‘tgan Xalq vakillarining 1-umumbuxoro qurultoyi Buxoroni xokimiyat ishchi va dehqonlar qo‘lida bo‘lgan Xalq Sovetrespublikasi deb e‘lon qildi.

Shunday qilib, 1753-yildan beri mavjud bo‘lgan amirlik boshqaruviga 1920 yil oxirlarida chek qo‘yildi. So‘nggi amir Said Olimxon esa umrining oxirigacha Afg‘onistonda muxojirlikda yashayotgan amir avlodlari bor. Ular haqida oldingi bobda aytib o‘tilgan edi [3].

Buxoro respublikasida 1921-yil boshidan har xil voqealar avj ola boshladi. Yangi respublika etakchisi Fayzulla Xo‘jaev murakkab va og‘ir sharoitlarda ishladi. Ushbu voqealarni mustahkamlash yuzasidan quyidagi metod tavsiya etiladi:”

“FSMU”–texnologiyasi yordamida topshiriqni bajarish


1753-yildan Buxoro xonligi tugatilib buxoro amirligi o‘rnatildi!	
(F) Fikringizni bayon eting	
(S) Fikringiz bayoniga sabab ko‘rsating	

(M) Ko'rsatgan sababingizni isbotlovchi dalil keltiring	
(U) Fikringizni umumlashtiring	

**Kichik guruhlarda ishlash qoidasi:**

1. O'quvchilar ishni bajarish uchun zarur bilim va malakalarga ega bo'lmog'i lozim.
  2. Guruhlarga aniq topshiriqlar berilmog'i lozim.
  3. Kichik guruh oldiga qo'yilgan topshiriqni bajarish uchun yetarli vaqt ajratiladi.
  4. Guruhlardagi fikrlar chegaralanmaganligi va tayziqqa uchramasligi haqida ogohlantirilishi zarur.
  5. Guruh ish natijalarini qanday taqdim etishini aniq bilishlari, o'qituvchi ularga yo'riqnoma berishi lozim.
  6. Nima bo'lganda ham muloqotda bo'ling, o'z fikringizni erkin namoyon eting.
- Guruhlar topshiriq berib baholanadi.

**Buxoro amirligi hokimiyatining o'rnatilishi va davlatchik jarayonlarining ro'li qanday bo'lgan?**



Guruhlar bildirgan fikrlarni keyingi guruhlar takrorlamasligi uchun diqqat bilan eshitib, bir xil ma'lumotlarni o'chirib boradilar. Muammoni bahsga aylantirish kerak emas. Ularni o'qituvchini o'zi asoslab xulosa yasashi va baholashi kerak.

O'rta ta'lim tizimida tarix darslarida bugungi kunda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda darslar tashkil etilsa samarali natijalar olish foizi ko'proqni tashkil etadi.

Yuqoridagi omillar bilan bir qatorda, xonliklarning yirik davlatlar o'rtasidagi nizolardan foydalangan xolda, xartomonlama o'ylangan va muayyan maqsadni ko'zlagan tashqi siyosat, xususan, diplomatik munosabatlarni to'g'ri yo'lga qo'yimaganligini xam keltirib o'tish o'rinlidir. Binobarin, milliy manfaatlarni ustuvor yo'nalish sifatida oqilona tashqi siyosatni amalga oshirish o'z navbatida davlatning ichki va tashqi mustaqilligini, xavfsizligini, taraqqiyotini belgilab beruvchi muxim omil xisoblanadi.

**Adabiyotlar:**

1. “Dokumenti k istorii agrarnix otnosheniy v Buxarskom Xanstve”. T., 1952 g. 183 str.
2. “Fatvoyi asli Buxoro”, O`zb.Res.FA Sharqshunoslik Instituti qo`lyozmasi, inv.No 5804 (O`zb.Res.FA sharq qo`lyozmalari to`plami, VII, 332 bet, ro`y.No 5886).
3. Alimova D.A. “Fayzulla Xo`jaev va Buxoro jadidchiligi” O`zb.Res. “Insoniyatning ilmiy va madaniy merosi – uchinchi ming yillikka” Xalqaro Simpozium tezislari. T., “O`zbekiston”, 1997y. 59 bet.

**YOSHLARNING SOG‘LOM VA BARKAMOL RIVOJLANISH  
XUSUSIYATLARI**

*Rustamova R.P., Ismailova A., Parmanova N.A.  
O'zbekiston Milliy Universiteti*

**Annotation.** This article highlights the features of healthy youth development and the importance of medical culture.

**Kalit so‘zlar:** yoshlar, oila, fiziologik xususiyatlar, psixologik xususiyatlar, ijtimoiy xususiyatlar, jismoniy xususiyatlar, tibbiy madaniyat.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020 yil 29 dekabr kuni parlamentga murojaat bilan chiqish qilib, 2021 yilni Yoshlarni qo‘llab-quvvatlash va aholining sog‘ligini mustahkamlash yili deb e‘lon qilishni taklif qildi.

Prezident o‘z nutqida yoshlarni qo‘llab-quvvatlash dolzarb ekanligi to‘g‘risida alohida to‘xtalib o‘tdi. Ushbu taklif jamoatchilik tomonidan qo‘llab-quvvatlandi. «Umuman olganda, har qanday jamiyat taraqqiyotida hal qiluvchi ro‘lni ushbu jamiyatning kelajagiga bog‘liq bo‘lgan yosh avlodning sog‘lom va barkamol rivojlanishi o‘ynaydi. Shuning uchun islohotlarimizni kengaytirish va samaradorligini yanada oshirish masalalarida biz zamonaviy bilim va ko‘nikmalarga ega bo‘lgan g‘ayratli, tashabbuskor, har tomonlama rivojlangan yoshlarimizni o‘zimizga tayanch deb bilamiz», - dedi davlat rahbari.

U mamlakatda yangi uyg‘onish davrining poydevorini shakllantirish uchun yangi Xorazmiy, Beruniy, Ibn Sino, Ulug‘bek, Navoiy va Boburlarni tarbiyalash uchun muhit va sharoit yaratish zarurligini ta’kidladi. «Bizning eng ustuvor vazifamiz ulkan maqsadlarni belgilash va ularga erishish uchun vakolatli yoshlarni yaratish bo‘lishi kerak. Shundagina bolalarimiz xalqimizning azaliy orzularini amalga oshiradigan haqiqiy kuchga aylanadi», – dedi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti.

Bu so‘zlar zamirida shunday ma’no yashiringanki yoshlarni qo‘llab-quvvatlash uchun aholi sog‘lom bo‘lishi qolaversa, barkamol avlodni dunyoga keltiruvchi ota-onalarimiz sog‘lom bo‘lishlari zarur. Sog‘ tanda – sog‘lom aql

deganlaridek, to'g'ri fikr yuritishi, xalqimizga foydasi tegishi uchun yoshlarimiz barkamol yetuk bo'lishlari kerak.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yilni Yoshlarni qo'llab-quvvatlash va aholining sog'ligini mustahkamlash yili deb e'lon qilishi, tibbiy xizmat ko'rsatishning sifat va samaradorligini oshirish, sog'lom turmush darajasini ko'tarish, xotin-qizlar orasida, ayniqsa tug'ish yoshidagi ayollar salomatligini asrash, tiklash, shuning negizida sog'lom, barkamol avlodni ya'ni yoshlarni tarbiyalab voyaga yetkazish masalalari sog'liqni saqlash vazirligi tizimidagi barcha davolash profilaktika muassasalari hamda o'quv yurtlari zimmasiga juda katta mas'uliyatli vazifalarni yukladi. Aholi sog'ligini mustahkamlash o'z qo'limizda. Buning uchun xalqimiz ham yetarli darajada tibbiy ma'lumotga ega bo'lishlari lozim. Xalqimizning tibbiy ma'lumotga ega bo'lishi sog'lom oilani shakllantirishga zamin yaratadi. Sog'lom oilani shakllantirish uchun esa tibbiy tarbiyani yoshlarimizdan boshlash kerak. Bunda oilani ham ahamiyati katta, chunki yoshlarning boshlang'ich tarbiyasi oiladan boshlanadi.

Oila – kishilarning ya'ni erkak va ayoning nikoh yoki qon-qorindoshlik rishtalari, umumiy turmush ratzi, axloqiy mas'uliyat hamda o'zaro yordamga asoslanuvchi kichik bir jamoadir. “Jamiyat” va “Oila” tushunchalari bir-biri bilan chambarchas bog'liq. Bu bog'liqlik jamiyatning oilalarsiz mavjud bo'lmasligi hamda o'z navbatida oilaning ma'lum bir jamiyat tarkibida vujudga kelishida ko'rinadi.

Ilmiy-pedagogik, psixologik, fiziologik hamda tahlillar shuni ko'rsatadiki, oila bola uchun eng asosiy tarbiya muhiti bo'lib, bu muhitda shaxs kamoloti uchun muhim hisoblangan xulq-atvor, iroda, karakter va dunyoqarash shakllanadi. Bola oila timsolida jamiyatning ijtimoiy-ma'naviy qiyofasini ko'radi, jamiyat talablari mohiyatini ilk bora shu kichik jamoa orasida, oilaviy munosabatlarni tashkil etish jarayonida anglaydi. Oilaviy munosabatlar bu ota-onalar, buva-buvilar kabi mas'ul shaxslar hamda farzandlar o'rtasida turli yo'nalishlarda tashkil etiluvchi munosabatlardir. Shaxsning ma'naviy sifatlarga ega bo'lishi, unda ma'naviy bilimlarni egallashga nisbatan ehtiyoji va qiziqishning paydo bo'lishida oila tarbiyasi asosiy o'rinni egallaydi. Oilada qaror topgan sog'lom, ma'naviy-ruhiy muhit farzandlarning yetuk, barkamol bo'lib voyaga yetishlari uchun beqiyos ahamiyatga egadir.

Oila jismoniy va psixologik jihatdan sog'lom, ma'naviy barkamol, mehnat, ijtimoiy hamda oilaviy hayotga tayyor shaxsni shakllantirib berishi lozim. Oila tarbiyasining mazmuni bolalarga ijtimoiy tarbiyaning mazkur yo'nalishlari – jismoniy, axloqiy, aqliy, estetik, mehnat, ekologik, iqtisodiy, huquqiy, siyosiy-g'oyaviy hamda jinsiy ta'lim berish, ularda faoliyat ko'nikma va malakalarini shakllantirishdan iborat. Oila muhitida tashkil etiladigan jinsiy tarbiya o'zida bolani jinsiy jihatdan chiniqtirish, ularni tozalik va ozodalikka o'rgatish, o'z sog'ligi uchun g'amxo'rlik qilish va mas'uliyatli bo'lishni ta'minlashga qaratilgan harakatlarning mazmunini ifoda etadi. Bolalarning sog'lom bo'lishlarida ularning kundalik hayotiy rejimga amal qilishlari nihoyatda muhimdir. Ota-onalar yoki oilaning katta vakil avlodlari bolalarning mehnat qilishlari va dam olishlarini

tartibga solishga ahamiyat berishlari kerak. Organizmning bir maromda ishlashi bola salomatligini saqlash va mustahkmlashgagina yordam berib qolmay, shu bilan birga uning barcha yumushlarni tartibli va sifatli bajarishi uchun imkon yaratadi. Markaziy asab tizimining mustahkamlanishi uchun yaxshi dam olish talab etiladi. Tiniqib uxlash bosh miya asab hujayralarini to'la orom olishini ta'minlaydi. Bu esa butun organizmning mo'tadil o'sishiga, uning ish qobiliyatini saqlash va qayta tiklashga yordam beradi. Inson salomatligini saqlashda ertalabki badan tarbiyaning ahamiyatini bolalarga tushuntirish hamda ularni ertalabki badan tarbiya bilan shug'ullanishga ko'niktirib borish ota-ona nazoratini talab etadi. Badan tarbiya bolani saranjomlik, intizomga ham o'rgatib boradi. Ovqatlanishning to'g'ri tashkil etilishi ham bolaning sog'lom bo'lib o'sishining asosiy omillaridan biridir. Ota-onalar tomonidan bolaning belgilangan muayyan soatlarda ovqatlanishi, ovqatlanishdan oldin qo'lni yuvish, ovqatdan keyin og'izni chayish, shuningdek, kuniga ikki marta (ertalab va kechqurun) tish tozalash, haftada bir marta vanna yoki dush qabul qilish, qo'l va oyoq tirnoqlarini olishga odatlantirib borishlari zarur. Ushbu holatlar bolalarda jismoniy madaniyat unsurlarini shakllantiradi. Oila tarbiyasida bolalarni aqliy jihatdan tarbiyalash ham muhim o'rin tutadi. Bu boradagi dastlabki va muhim vazifa ota-ona tomonidan bolaning qiziqish va ehtiyojlarini ko'ra bilish asosida tasavvur, idrok, tafakkur, xotira hamda diqqatni takomillashtirishga yordam beruvchi mashg'ulotlarga jalb etishdan iborat.

Oilada farzandlar bilan koproq onalar shug'ullanishadi. Shuni e'tiborga olgan holda onalikka alohida to'xtalib o'tish joiz. Onalik bu ayol hayotining faoliyatidir. Ya'ni qizaloq tug'ilishi, o'sib balog'atga yetishi, turmushga chiqishi, homilador bo'lishi, tug'ishi, bola tarbiyasi bilan shug'ullanishi kabilardan iborat. Ayol buyuk mo'jiza, chunki u ona bo'lish baxtiga ega. U bu baxtni his qilishi, asrashi lozim. Buning uchun u o'zini har-xil infeksiyalardan himoya qilishi kerak. Kasalliklardan o'zini himoyalash maqsadida tibbiy ko'rikdan o'tib turishi, vaqtida kasalliklar turini aniqlab, davolash, ko'pgina yomon oqibatlarining oldini oladi. Sog'lom ayolgina sog'lom bolani dunyoga keltirishi mumkin. Sog'lom ayol o'z bolasining tarbiyasi bilan to'liq shug'ullana oladi. Oilasida sog'lom muhitni yaratishga qodir bo'ladi. Har bir ayol o'z sog'ligiga o'zi javobgar, tibbiy xodimlar esa ularning sog'liklariga mas'uldirlar. Onalik tushunchasi bu ayolning homilador bo'lishi bilan ona bo'lish baxtini his qilishi, bolasiga mehr berishi, bir parcha etligidan uni avaylab-asrab, yuvib-tarab, vaqtida ovqatlantirib, tarbiyalashidir. Jismonan, ruhan sog'lom bolani voyaga yetkazish – bu onalikning vazifalaridan biri hisoblanadi.

Har bir ayol bizning ko'z oldimizda ona bo'lib gavdalanadi. Onalarni har-xil genital va ekstragenital kasalliklardan, jinsiy yo'l orqali yuquvchi yuqumli kasalliklardan, homiladorlik, tug'ruq, chilla davridagi patologik jarayonlardan, nuqsonli farzandlar dunyoga keltirishidan imkon darajasida himoyalash zarur.

Buning uchun aholining tibbiy madaniyatini, tibbiy xodimlarning esa saviyasini oshirish kerak bo'ladi.

Onalik mohiyatini, uning biologik, psixologik va ijtimoiy-madaniy taraf-larini qo'shgan holda chuqur anglash kerak. Bundan tashqari, onalik tushunchasini har-xil talqinlarini inobatga olib, onalikning fiziologik, psixologik va ijtimoiy xususiyatlarini ko'rib chiqish lozim.

**Onalikning fiziologik xususiyatlari.** Farzand ota-onaning ezgu orzusi, quvonchi, baxti. Har bir ona farzandning sog'lom, zuvalasi pishiq, baxtli-saodatli bo'lib o'sib ulg'ayishi uchun qayg'uradi va chaqaloq tug'ilmasdan turib shunga tayyorgarlik ko'radi. Ona sutida bolani sog'lom va baquvvat rivojlanishi uchun kerakli barcha ozuqalar mukammaldir, ona suti suyuq, yengil hazm bo'luvchi va yetarli kaloriyaga ega bo'lgan, turli mikroblardan holi pishirish va isitishni talab qilmaydigan tayyor ozuqadir.

Ilk bor emizishni bola tug'ilganidan keyingi 15-30 daqiqada boshlash lozim. Birinchi kunlari keladigan og'iz suti tarkibida oson hazm bo'ladigan oqsil moddalar, uglevodlar va kerakli mikroelementlar yetarli miqdorda bo'ladi. Eng muhimi, uning tarkibida onada mavjud bo'lgan infeksiyaga qarshi antitanalar bor. Og'iz suti bu yangi tuqqan ayol ko'krigidan 1-1,5 kun ichida ajralib chiqayotgan sarg'ish shirali cho'ziluvchan suyuqlik bo'lib, bola uchun o'ta foydalidir. Og'iz suti bolani ichaklarini tozalaydi, infeksiyadan saqlaydi va baquvvatlashtiradi. Og'iz sutini birinchi emlash deb ham atash mumkin.

Ko'krak suti bilan boqilgan bolalar kamroq shamollashadi, quloq infeksiyalari va oshqozon buzilishlariga kamroq chalinishadi. Ko'krak sutini chaqaloq qancha ko'p emsa shuncha ko'payadi. Bu holl onalikning fiziologik xususiyatlaridan biri hisoblanadi.

Yangi tug'ilgan chaqaloqlarni kuniga ehtiyojiga ko'ra emizish kerak. Bola to'yganidan keyin uxlab qoladi, yoki sustlashadi. Chaqaloq bir oz sutni qaytarsa yaxshi. Buning uchun bolangizni o'z yelkangizga qo'ying yoki uni sal oldinga engashtirib o'tqazib, asta-sekin yelkasiga qoqib qo'ying. 4-6 haftada bolaning ovqatlanadigan, uxlaydigan va uyg'oq vaqtlari tartibga tushib qoladi. Ko'krak suti emgan bola barvaqt onani taniy boshlaydi, onaga intiladi, bu bolada ilk mehr kurtaklarini uyg'otadi. Ona o'z farzandiga tabiatning mo'jizasi – sut orqali butun borlig'ini berar ekan, ona salomatligiga ham ijobiy ta'siri bordir. Emizikli onalarda modda almashinuvi ancha jadal kechadi, bu esa ona ishtahasini yaxshi bo'lishiga, kayfiyatini ko'tarilishiga olib keladi, ruhiy yengillik sezadi, oila a'zolariga nisbatan ahilligi ortadi. Emizikli onalar agar organizmlarda patologik (ya'ni noxushlik) o'zgarishlar bo'lmasa, ko'ngillari istagancha turli xil meva sharbatlari yoki sut mahsulotlarini iste'mol qilib ovqatlanishlari mumkin. Bu o'rinda ularning yangi pishgan turli xil mevalar, poliz ekinlari, sabzavotlarni yetarlicha iste'mol qilishlari ayni mud-daodir. Emizikli onalar kun davomida bir sut va turli xil sutli mahsulotlarni iste'mol qilishlari foydalidir.

Bolani ko'krak suti bilan emizish hayotining dastlabki ikki yillarida juda muhimdir. Bolani tez-tez talabiga ko'ra emizish kerak. Ko'krak bilan emizish ona bilan bola o'rtasida nozik, uzviy munosabatni shakllantiradi, bundan ona va bola chuqur hissiy qoniqish oladi. Ko'krak suti bilan boqish

bola sog'ligi va uning barkamol inson bo'lib o'sishida muhim ahamiyat kasb etadi.

**Onalik psixologiyasi va ijtimoiy xususiyatlari.** Ona o'z onalik burchini bajarmay, boladan ayrilgan bo'lsa, bu onalik deprivatsiyasi deyiladi. Onalik deprivatsiyasi ochiq va yashirin bo'lishi mumkin. Ochiq onalik deprivatsiyasida ona o'z onalik burchini bajarmay, boladan ayrilgan bo'lishi, yashirini bu boladan yashirin voz kechish, uni yoqtirmaslik yoki biror sabab tufayli bolaga yaqin kela olmaslik holatlaridir. Ikkala holatda ham bola taraqqiyoti uchun nihoyatda salbiy, xavfli vaziyat yuzaga keladi. Chaqaloq tug'ilgach, xasta bo'lgani uchun uning uzoq vaqt mobaynida kasalxonada qolishi ham onalik deprivatsiyasiga sabab bo'ladi. Bu orada onada onalik mehri uyg'onmaydi. Ona yangi chaqaloqqa befarq bo'lib qoladi. O'z onasidan mehr ko'rmagan bola o'z xulq-atvorini nazorat qila olmaydigan, jizzaki, odamovi, jinoyatga, hattoki, o'z joniga qasd qilishga ham moyilligi yuqori bo'lib voyaga yetadi. Bola ruhiyatida keskin asoratlar qoladi. Ona bolaning yonida bo'la turib, undan yashirin tarzda voz kechishi, onaning bolaga bo'lgan munosabatidan bilinadi. Bolaga nisbatan befarq bo'lib, mehr tuyg'usini tuymagani, bola ruhiyatidagi o'zgarishlarga sabab bo'ladi. Bola shaxslararo munosabatlarda no'noq, urishqoq bo'lib, qarorlar qabul qilishda qiynaladi, ijtimoiylashuv jarayoni nihoyatda murakkab kechadi. Onaning bolaga psixologik yaqinligi uning istiqbolini, shakllanajak ijobiy fazilatlarini, jamiyatdagi o'rni va nufuzini belgilovchi muhim omildir.

Otalik psixologiyasi onalik psixologiyasiga nisbatan kam o'rganilgan soha. Otalar xulqini o'rganish shuni ko'rsatadiki, ular ham g'amxo'rlik va samimiylilik jihatidan ayollardan kam emas, kerak bo'lsa ulardan ham mehribon bo'lishlari mumkin. Dastlab ota ham, ona ham bolaga nisbatan bir xil mehribonlik timsolida namoyon bo'lgani uchun ular o'rtasidagi farqni chaqaloq deyarli his etmaydi. Bir yoshga to'lgach, bola otasini alohida mustaqil shaxs sifatida idrok eta boshlaydi, o'zaro munosabatlar uchlik (triada) shakliga o'tadi. Otasi va onasining o'zaro munosabatlarini kuzatib, bola tobora ayrim alohida olingan mustaqil, masofadagi (distansion) munosabatlarning ma'nosini tushuna boradi.

**Onalikning jismoniy xususiyatlari:** urug'lanish, homiladorlik, tug'ruq, chilla davrlari va bola tarbiyasi bilan shug'ullanish davrlaridir. Bu davrlarni boshqarish onaning ruhiy va jismoniy salomatligiga bog'liq. Bundan tashqari bu holatlar onani va bolaning salomatligiga ta'sir qiladi.

Demak, onaning jismoniy va ruhiy sog'ligini muhofaza qilish - kelajakda sog'lom avlod tug'ilishi garovidir.

#### **Adabiyotlar:**

1. "Hayot kitobi" (yosh oilalar uchun ensiklopedik qo'llanma). F.Akbarova, B.Ahmedov, V.Karimova, A.Komilov, M.Komilov, A.Xolbekov, R.Shomansurova, D.Yakubova. "Sharq", T. – 2011.

2. <https://www.gazeta.uz/oz/2020/12/29/president/>

3. <https://fayllar.org/oila-haqida-tushuncha-oila.html>

4. <http://www.moh.uz/uzb/program.html>

## SHAXSNING TAFAKKUR XUSUSIYATLARI

*Umarova S.A.*

*276-maktab o'qituvchisi*

**Аннотация.** Annotation. This article examines the role of thinking in the psychological characteristics and covers the topic of thinking in detail. Emphasis is placed on thinking and its properties and mechanisms.

Shaxs psixologik xususiyatlarida tafakkur muhim o'rin tutadi. Jumladan, P. I. Ivanovning darsligida "tafakkur insonning shunday aqliy faoliyatidirki, bu faoliyat voqelikni eng aniq (tog'ri), to'liq, chuqur va umumiyashtirib aks ettirishga (bilishga), insonning tag'in ham oqilona amaliy faoliyat bilan shuqullanishiga imkon beradi" deb ta'riflanadi. Ushbu ta'rifda tafakkurning to'la, aniq va umumlashtirilgan sholda aks ettirishi ta'kidlab o'tiladi, xolos, lekin uning xarakterli xususiyatlari bavoita, so'z yordami bilan ifodalanishi muallifning diqqat markazidan chetda qolgan.

M.V.Gamezo "tafakkur voqelikning umumlashgan holda va so'z hamda o'tmish tajriba vositalarida aks ettirilishi" ekanligi bayon qiladi. U tafakkurning umumlashgan, so'z vositasida va vositali atrof-mushit shodisalarini aks ettira olishini ta'kidlaydi. Bizningcha, tafakkurga berilgan ushbu ta'rif uning predmetini to'la ochib berishga qurbi yetmaydi, shuning uchun boshqa manbalarga murojaat qilishga tog'ri keladi.

"Tafakkur – bu o'z mashsuloti bilan voqelikni umumlashtirib, bavoita aks ettirishni xarakterlaydigan, umumlashtirish darajasi va foydalanadigan vositalariga shamda o'sha umumlashmalar yangiligiga boqliq ravishda turlarga ajratishdan iborat jarayon, bilish faoliyatidir". O.K.Tixomirov mazkur ta'rifda tafakkurning aksariyat jishatlari va xususiyatlarini ta'kidlab o'tgan. Lekin tafakkur muammosiga yangicha yondashishlarning paydo bo'lishi ta'rifni yanada takomillashtirishni taqozo qiladi. Hozirgi davrda tafakkurning predmeti yuzasidan psixologiyada turli-tuman qarash va ta'riflar mavjuddir.

Ularni ayrimlariga xarakteristika berib o'tamiz. S.L.Rubinshteyn nazariyasiga binoan, tafakkurni psixologik jihatdan o'rganishning asosiy predmeti-jarayon, faoliyat tariqasida namoyon bo'lishdir. Muallif tafakkur operasialari, shakllarini shakllantirishda-jarayon, muammoli vaziyatni shal qilishda esa-fikr yuritish faoliyati sifatida vujudga kelishini chuqur tashlil qilib beradi. S.L.Rubinshteyn tafakkur tog'risidagi qoyani rivojlantirib, uni sub'ekt faolligining paydo bo'lishi deb ataladi.

A.N.Leontev tafakkur psixologiyasi predmeti yuzasidan muloshaza yuritib, tafakkurni turli ko'rinishlarga ajratadi, fikr yuritish faoliyati ekanligini tan oladi, lekin uni predmetli-amaliy faoliyat deb nomlaydi. Shuning bilan birga tafak-



kurning strukturasi, fikr yuritish motivasiyasi tog'risida nazariy metodologik muammolarni o'rta tashlaydi.

P.Ya.Galperin fikriga ko'ra, tafakkur-bu orientirlash-tadqiqot faoliyati, orientirovka jarayondir, ya'ni orientirovka-jarayon, orientirovka faoliyat. Muallif psixologiya fani intellektual masalalarni yachishda sub'ektning tafakkurga orientirovka qilish jarayonini o'rganishdan iborat deb tushuntiriladi. P.Ya.Galperin tafakkurning boshqa jihatlarini o'zining aqliy sharakatlarni bosqichli shakllantirish nazariyasidan kelib chiqqan sholda yoritishga intiladi.

A.V.Brushlinskiy tadqiqotlarida tafakkurning mushim yangilikni qidirish va ochish, gipoteza va nazariyalarni bashorat qilish, oldindan payqash xususiyatlari aloshida ta'kidlab o'tiladi. Yuqoridagi mualliflardan o'laroq, A.V.Brushlinskiy tafakkurning umumlashtirib, bilvosita aks ettirishdan tashqari mushim yangilikni izlash va ochish, oldindan bashorat qilish xususiyatlari mavjudligini dalillab ko'rsatadi. Tafakkur psixologiyasi predmeti yuzasidan sho'ro psixologlari tomonidan bildirilgan muloshazalarga yakun yasab, umumiy ta'rif berishning mavridi keldi. Psixologiyada tafakkurga nisbatan berilgan qator tushunchalar mavjuddir, jumladan, jarayon, fikr yuritish faoliyati, bashorat qilish, anglashilgan bilimlar, aql mezoni, fashmlilik va boshqalar. Yuritilgan fikrlarga suyangan sholda, tafakkurga quyidagi shartli ta'rifni berish mumkin: Tafakkur atrof-mushitdagi voqelikni nutq yordami bilan bavosita, umumlashagn sholda aks ettirivchi psixik jarayon, ijtimoiy sababiy boqlanishlarni anglashga, yangilik ochishga va bashorat qilishga yo'naltirilgan aqliy faoliyatdir. Ta'rifda tafakkurning eng mushim xususiyatlari va funksiyasi sanab o'tilgan, ya'ni so'z (fikr) bilan, umumlashtirib, bavosita, ijtimoiy sababiylik, yangilik ochish, bashorat qilish, jarayon, faoliyat va boshqalar. Bizningcha, berilgan ta'rifdan kelib chiqqan sholda tafakkur predmetini aniqlashga sharakat qilinsa, maqsadga muvofiq ish qilingan bo'lar edi. Tafakkur predmetini belgilash mashaqqati uning murakab bilish jarayoni ekanligini yana bir qirra tasdiqlab turibdi. Analiz va sintez operasiyalari Analiz-shunday bir tafakkur operasiyasidirki, uning yordami bilan biz narsa vashodisalarini fikran yoki amaliy va xususiyatlarini tashlil qilamiz.

Ma'ruza va dars jarayonlarida tafakkurning analiz qilish operasiyasi juda mushim rol o'ynaydi. Insonga savod o'rgatish bola nutqini analiz qilishdan boshlanadi. So'ng bu sholat matnni gaplarga, gaplarni so'zlarga, so'zlarni o'z navbatida bo'qinlarga, fonemalarga ularni esa tovushlarga bo'lish singari aqliy faoliyat bilan asta-sekin almashtiriladi. Arifmetika, algebra, geometriya, trigonometriya, fizika yoinki O'zbekiston tarixi falsafa, iqtisod, politologiya, psixologiya va boshqa fan asoslarini o'rganish muammotik topshiriqlarni, masalalarni yechish sham analiz qilishdan boshlanadi. Yuqorida aytib o'tilgan motor yoki boshqa qismlarning rolini chuqur tushunish uchun yolqiz analizning o'zi kifoya qilmaydi. Chunki tarkibiy qimlarni birlashtirilgan sholda bir-biriga ta'sir qilib turgan motor va mashinani butunligicha olib tekshirgandagina, uning motor yoki mashini ekanligini anglash mumkin.

Sintez-shunday bir tafakkur opnrasiyasidirki, biz narsa va shodisalarining analizda bo'lingan, ajratilgan ayrim qismlarni, bo'laklarini sintez yordami bilan

fikran yoki amaliy ravishda birlashtirib, butun sholiga keltiramiz. Sintez elementlarning, narsa va shodisalarning qismlari va bo'laklarini bir butun qilib qo'shishdan iborat aqliy faoliyat ekanligi ta'rifdan sham ko'rinib turibdi. Analiz amaliy bo'lgani kabi sintez sham amaliy xarakter kasb etadi. Masalan, motor yoki dvigatelning qismlarini, detallarini yiqishtirib o'rni-o'rniga joylashtirilganda, ya'ni sintez qilinganda motor yoki dvigatel shosil bo'ladi. Avtomashinaning kuzovani, kabinasini, motor va shokazo qismlari sintez qilingan mashaldagina bir butun avtomashinani bunyod etish mumkin.

#### **Adabiyotlar:**

1. Jumanazarov Yo. Yosh psixologiyasi va pedagogik psixologiya. Namangan, 2005 172 c.
2. Ivanov P.I. Zufarova M. Umumiy psixologiya T.2014.304 b.
3. Haydarov F.I. Xalilova N.I. Umimiy psixologiya. T.,2010. 358 b
4. [www. library.com](http://www.library.com)
5. [www. psychology.net.ru](http://www. psychology.net.ru)

### **ЖАМИЯТ ҲАЁТИ РИВОЖИДА МАЪНАВИЯТНИНГ ЎРНИ**

*Норкулов С.Д., Умарова Ф.С.  
Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Мақолада жамият ҳаётининг ривожиди маънавиятнинг ўрни, моддий ва маънавий ҳаётнинг узвийлиги, ижтимоий-маънавий ҳаёт соҳаларининг турли инсонлар томонидан турлича идрок этилиши, ижтимоий-маънавий ҳаётда фалсафий онгнинг қайси шакли устувор бўлса, шунга мос тарзда ижтимоий-маънавий ўзгаришлар, тафаккур тарзи қарор топиши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий-маънавий ҳаёт, моддий ва маънавий ҳаёт, маънавият, фалсафий онг, ижтимоий онг, онг, тафаккур.

Жамият ҳаётининг ривожиди эркинлик, фаровон ҳаёт, маънавият алоҳида қадрият саналади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2021 йил 19 январь куни юртимизда маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”, [1] - деб таъкидлади.

Бозор иқтисодиёти шароити нафақат мавжуд ижтимоий-иқтисодий муносабатларни, унинг маънавий-ғоявий негизларини тубдан ўзгартирди. Кекса

авлод мустабид тузум ўрнатган оғир, машаққатли ҳаётни, уруш ва қатағонларни бошидан ўтказган, уларнинг ҳаётга қарашлари шу негизда шаклланган. Бугунги кунда ютуқлар, имкониятлар, тинч-осойишта турмуш уларни қаноатлантиради. Ўрта авлод эса янги, мустақиллик шароитидаги ўзгаришларга дуч келади. Мустақиллик мамлакат ҳаётида яқин ўтмишда амал қилиб келинган кишиларнинг ҳаёти тўғрисидаги, яшашнинг мазмуни ва маъноси борасидаги қарашларини ўзгартирмоқда. Бу ўзгариш, онгдаги, дунёқарашдаги янгиланишларни замондошимиз, бугунги авлод қабул қилмоқда ва бу уларнинг онг, тафаккурларида янги ғоялар туғдирмоқда. Уларнинг яшаш тарзи ва фаоллиги ошмоқда, янги талаб ҳамда эҳтиёжлар шаклланмоқда. XX аср охири, XXI асрнинг илк йилларида борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини тушуниш, англаш учун инсониятнинг фалсафий мушоҳадага эҳтиёжи кучайди [2. – Б. 98].

Дунё мамлакатлари нафақат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, аини пайтда, маънавий-маърифийлашганлик даражалари билан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Шу нуқтаи назардан, уларни саноатлашмаган мамлакатлар, саноатлашган ва юқори даражада саноатлашган давлатларга бўлиб ўрганиш анъанаси мавжуд. Шу анъанани ҳисобга олган ҳолда айтиш жоизки, инсонларнинг турмуш тарзига ёт ғоялар асосига қурилган тизимни, урф-одат ва анъаналарни, илм-фанга бўлган муносабатни ҳамда инсон дунёқарашини ва тафаккур тарзини ўзгартирмасдан эркин ва фаровон ҳаётга эришиб бўлмайи. «...Моддий эҳтиёжларни инсоннинг руҳий оламига қарама-қарши қўйиш, уларнинг бирини устун деб билган ҳолда, тирикликнинг асосий мақсади сифатида қабул қилиш қандайдир бир ёқлама қараш ифодаси деб айтсак, хато бўлмайди.

Қолаверса, бу масалага бундай кескин ёндашув, хусусан, одамнинг руҳий дунёсини менсимаслик, уни иккиламчи ўринга қўйиш охир оқибатда жамият ҳаётида инқирозга олиб келиши муқаррар эканини тарих кўп маротаба исботлаган» [3. Б. 66–67.]. Инсон энди дунёқарашини ўзгартирибгина қолмай, алоҳида фаоллик кўрсатиб ўз ҳаётини қуриши, турмушга янгича муносабатда бўлиши зарур. Бозор иқтисодиёти муносабатлари илгариги тасаввур ва қарашларнинг ўрнига янгича талаблар қўймоқда, бу авлоддан миллий ғоя асосидаги тафаккур, билим, ихтисосликни талаб қилмоқда. Бутун ижтимоий муаммоларга ҳозиржавоб бўлишдек фазилатнинг шаклланиши эскича тафаккур, онг ва қарашлар таъсири билан яшаётган, ҳаётни тушунишга интилмаётган айрим кишиларда анча қийин кечмоқда. Ҳаёт эса ўзгаришда давом этаётир. Аини пайтда дунёдаги ўзгаришлардан огоҳ бўлиш, турмуш тарзи имкониятлари ҳам бу авлодни ҳаётга янгича ёндашишга ундаяпти. Хусусан, фалсафий онг ва тафаккурдаги ўзгаришлар ҳаёт талабларидан орқада қолаётганлиги маънавий салоҳиётдаги қусурлар билан боғлиқ. Бундай қийинчиликларни бартараф этиш кўпроқ ана шу авлод зиммасига тушади. Ёш авлодни эса бу жараёнга нисбатан тайёр ҳолда, ўзига хос кўникиш, малака, билим ва тажриба билан кириб келишига фалсафий онгдаги ўзгаришлар билан боғлиқ имкониятлар мавжуд.

Энг муҳими, бугунги кунда ёшлар ана шу эҳтиёжни англаб етган ҳолда, давр талабларига мос фаолият кўрсатиши, кўникма ва малакаларни эгаллаши,

уни амалий иш билан боғлашлари зарур. Бу борада ёшларда ўзига ишонч кайфияти юқори бўлишига эришиш керак. Бирон-бир соҳани, касбни эгаллаш, она тили ва хорижий тилларни пухта ўрганиш, мулоқот қила олиш, ҳозирги замон техника ва технологияси ютуқларидан фойдалана билиш кишида ўзига нисбатан ишончни пайдо қилади ва мустаҳкамлаб боради. Ўзига ишончи юқори, мақсади аниқ инсоннинг ҳаётининг позицияси ҳам мустаҳкам бўлади. Бундай инсонлар воқеаларга енгил-елпи қарамайдилар. Аксинча, маънавий салоҳиятнинг юқори эмаслиги кишида ўзига ишончсизликни туғдиради охири-оқибатда билиб-билмасдан айрим ножўя хатти-ҳаракатларга қўл уришга олиб келади, ўтаётган куни билан қаноатланиш, истеъмолчилик кайфиятини пайдо қилади. Қандай йўл билан бўлса ҳам «яхши яшашга» уриниш инсонни маънавий эҳтиёжларни англаш туйғусидан, ўзлигини англаш ва билишдан узоқлаштиради. Бундай одам ҳаётни юзаки тасаввур этади, ундаги маънавий бўшлиқ моддийликка ўчлик, еб-ичиш, нафсга ружу қўйишга сабаб бўлади.

Ҳозирги даврда ўзларини ривожланган мамлакатлар қаторида кўраётган айрим давлатларда бир вақтлар моддий фаровонлик таъминланса, муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган ақида мавжуд эди. Инсоният томонидан умум эътироф этилган қадриятлар тизими ва умуминсоний ахлоқ меъёрларидан келиб чиқиб қаралса, бу ақида унчалик тўғри эмаслиги, чинакам бахт моддий фаровонликнинг маънавий негизлари билан уйғунлигига боғлиқлигини кўрсатмоқда. Зеро, бугун моддий фаровонликка эришган халқлар ҳам маънавий ҳаётда айрим муаммоларга дуч келмоқда. Уларнинг моддий фаровон ҳаёт тарзининг маънавий қатламларида айрим салбий ҳолатлар кузатилмоқда. Демак, фақат моддий фаровонлик орқали ҳамма муаммони ҳал этиш мумкин деб ўйлаш бирёқлама қарашдир. Бу моддий ҳаёт тарзининг маънавийликдан узоқлашишига, яъни уйғунлик ҳолатининг бузилишига боғлиқлигини таъкидлаш зарур. Бугун Ғарбдаги айрим кишилар маънавий ҳаётида учраётган баъзи салбий ҳолатлар, масалан, оилага эскилик сарқити сифатида қараш, инсоннинг кадр-қиммат туйғуларидан йироқ шахсий худбинлик, умуминсоний муаммолардан ўзини холи тутиш, бефарқлик ёки ўзини жамиятга бегоналарча тасаввур этиш, айрим оилалардаги ёлғизлик муҳити, ҳаётдан маънан қониқмаслик ҳолатлари, ахлоқсизлик кўринишлари, маишатга берилиш, жамиятдаги маънавий таназул ҳолатлари шулар жумласидандир. Жамиятнинг тараққиёти қонуни эса мамлакатнинг моддий ва маънавий негизларини доимо ўзаро уйғун ҳолда мустаҳкамлаб боришни тақозо этади. Шарқда юқоридаги каби салбий ҳолатлар ҳеч қачон фазилат саналмагани шундан.

Глобаллашув даврида инсоният ўз тараққиётида кўпгина муаммоли ҳолатларнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Бир қараганда, дунё ўз тузилиши, жойлашиши, ўзаро муносабатлар тизими нуқтаи назаридан маърифийликка эришгандек кўринади. Аммо дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган воқеалардан келиб чиқилса, бу муаммолар маънавий-маърифий эҳтиёжлар туфайли эмас, моддий, бирёқлама манфаатларни ўйлашнинг оқибати эканини кўриш мумкин. Дунё халқлари эркин, фаровон ва тинч ҳаётни ягона талаб деб тушунаётган бўлса-да, ўзи яратган тизимнинг таъсирида қолмоқда. Дунёдаги мавжуд сиёсий-ижтимоий тизим айрим ҳолларда инсонга эмас, аксинча, инсон тизимга хизмат

қилишга мажбур бўлаётир. Бу дунё сиёсати, халқаро кучлар, давлатлараро муносабатларда амал қилиб келаётган тафаккур тарзи, ёндашув услубида ўзгараётган янгича талаблар билан манфаатни англаш меъёрлари ўртасидаги номувофиқлик ҳолатидандир. Қолаверса, бу ҳаёт, яшаш фалсафаси билан сиёсат ўртасидаги ўзига хос номувофиқликнинг ҳамон мавжудлигини кўрсатади. Ижтимоий турмуш муаммоларига фалсафий ёндашиб, уни ақл доирасида, имон ва эътиқод билан ҳал этиш ўрнига, ўзларини етакчи деб ҳисоблаётган айрим давлатлар амалиётида кўпроқ сиёсий манфаатлар яққол устунлик қилиб қолмоқда. Ўзаро муносабатларда сиёсий манфаатлардан келиб чиқиш ёки ўзининг мавқеини ўтказишга даъво қилиш кайфиятининг сақланиб қолаётгани мавжуд муаммоларнинг ечимига эмас, ўзаро муносабатларда мувозанатнинг бузилишига олиб келиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг маънавий янгиланишини ўрганиш фалсафада муҳим муаммолардан ҳисобланади. Фуқаролик жамиятини шакллантириш даврида фалсафа ва фалсафий онгда туб ўзгаришлар амалга ошди. Фалсафий онг ва маънавий ҳаёт ўртасидаги алоқадорлик янгича талқин этилмоқда. Фалсафий онгни «моддийлик» асосида тушуниш, маънавий ҳаётнинг инсон ҳаётидаги ўрнини, инсон маънавий дунёсининг жамиятдаги ўзгаришларга таъсирини етарли боғламаслик ҳолати ҳамма нарсани моддийлик омилига боғлаб тушунишга олиб келди. Бу маънавий ҳаёт соҳаларида кўпгина муаммоларнинг содир бўлишига сабаб бўлди.

#### **Адабиётлар:**

1. <https://president.uz/uz/lists/view/4089>
2. Қаранг: Хайтов Ш.И. Ўзбекистон фалсафа тарихи. – Т.: Ношир, 2011. – Б. 98
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 66–67.

## **ВИРТУАЛ ОЛАМ ХАТАРЛАРИ ВА ЁШЛАР АХЛОҚИ**

*Авлакулов А.М.*

*Тошкент кимё-технология институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада виртуал олам ва унинг мазмуни, моҳияти, виртуал олам орқали бугунги кунда жамият ҳаётида акс этаётган хавф-хатарлари ва уларни олдини олиш йўллари, усуллари ва унинг зарурлиги масалалари акс этган. Компьютер ўйинларининг ёшлар маънавий ва ахлоқий дунёқарашига таъсири, уларнинг ечимлари каби масалалар акс этган.

**Калит сўзлар:** виртуал олам, интернет, глобаллашув, техника, цивилизация, маънавият, маданият, ахлоқ, миллий минталитет, инсонпарварлик.

Ҳозирда ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб келган компьютер ва мобил қурилмалар, Интернет тармоғининг афзалликларини санасак бармоғимиз етмайди. Бироқ уларнинг чексиз имкониятлари салбий оқибатлар ҳам келтириб чиқармоқдаки, бу кишини жиддий ташвишга солади.

Бугунги кунда компьютер ўйинлари фақатгина ўйин эмас, балки маданият, билим, таълим-тарбия ва ахлоқ масалалари тарғиботчисига айланди. Ўйинлар реал ҳаётга, расмлар кўрғазмасига ёки китоб саҳифасига ўхшаймайди, аммо худди шулар каби замонавий маънавият, маданият, ахлоқ, орзу ва тасаввурларни ўзида ифода этади. Ҳар қандай маданий ижод каби ўзини ифода этиш учун баъзи имкониятларни яратади, бошқаларини чеклайди. Компьютер ва ахборот технологиялари туфайли барча соҳаларда техник чекланишлар аста-секин камайиб бормоқда.

Маълумки, инсон болалиқдан турли хил ўйинлар асосида тарбияланиб вояга этади. Булар турли халқлар ва миллатларнинг миллий минталитетига хос бўлган ўйинлардир. Ўйин – бу фақатгина ўйнаш керак бўладиган жой эмас, балки унда ғалабага эришишга ҳаракат қилиш керак бўлади.

Ҳозирги вақтда айнан компьютерларнинг ёшлар онгига таъсир этиш хавфини олдини олувчи, ҳамда ўсиб келаётган авлод тарбиясига ижобий таъсир этувчи таълимий компьютер дастурлари ва ўйинлари ҳам мавжуддир.

Лекин бугунги технология тараққиёти асрида шунчаки вақт ўтказиш мақсадида компьютер, мобил қурилмалар асосида ўйинлар ўйнаш жуда авжига чиқиб, кўплаб ёшлар асосий бўш вақтларини ана шундай виртуал ўйинларни ўйнаш имконияти бор қурилмалар олдида ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Виртуал олам – болалар ва катталар ҳам ўйнайдиган, ўйнайверадиган компьютер ўйинларидир. Бугунги давр болалари ёшлигидан мобил ёки компьютер ўйинларини ўйнай бошлайдилар. Беш-олти ёшлиларнинг доноларча фикр юритиб, компьютер тўғрисида гапиришларидан киши лол қолади. Айрим кишиларга китоб ўқиш қанчалик одатий бўлса, болаларга компьютер олдида ўтириш шунчалик одатий ҳисобланади.

Компьютер ўйинларини ўйнаганимизда қандай хавф қийинчиликлар бизни кутиб туриши, бола компьютер муҳитида бўлиб қолганида бундай ўйин уларни қай томонларга олиб кетиши мумкинлиги, ўйинлар ёшлар учун тажовуз мактаби бўладими ёки дунёга инсонпарварлик муносабатини тарғиб қиладиган тарбия мактаби бўладими каби масалалар кўпчилик ота-оналарнинг эътиборидан четда қолаётганлиги учун хавф-хатар ўзининг кўламини кенгайтириб бормоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам ушбу масалага жиддий эътибор бериш кераклигини таъкидлаб, шундай дейди: “Бугун болаларимизни мактаб, ота-она ёки институт эмас, аксарият ҳолда кўлидаги телефон тарбияламоқда. Мобил телефон энди оддий алоқа воситаси эмас, кўпинча ёт мафқурани тарқатадиган қуролга айланмоқда”[4].

Илгари назоратсиз бўлган болалар кўча-кўйда турли безориларга кўшилиб, жиноятчига айланарди. Ҳозир эса эрталабдан-кечгача

"беозоргина" бўлиб компьютер ва Интернетдан бош кўтармайдиган авлод пайдо бўлдики, улар қандай нарсаларни кўраётганлиги кўпинча ота-оналарнинг эътиборидан яетда қолиб кетмоқда.

Тадқиқотчилар компьютер, телефон билан ҳаддан зиёд боғланиб қолиш турли руҳий ва жисмоний касалликларни келтириб чиқаришини аниқладилар. Масалан: бола онгининг ривожланишдан орқада қолиши, натижада дунёқарашни кенгайтиришга ёрдам берадиган китобларга қизиқишнинг сўниб бориши, компьютер ва мобил қурилмалар доимий равишда ўзидан электромагнит иўлқинларни тарқатиб туриши натижасида организмда турли потологик ўзгаришларнинг рўй бериши, иммун тизимидаги ўзгаришлар, ички секреция безлари фаолиятининг бузилиши, ҳатто саратон касалликларининг келиб чиқиш хавфининг ортиши, бола руҳиятини синиши, қаттиқ зўриқиш, асабий бўлиб қолиш, ҳақиқий ҳаётни виртуал олам билан қориштириб юбориши натижасида болалар ўзларини виртуал оламдагидек тута бошлаши мумкин бўлган ҳолатлар келиб чиқади.

Виртуал олам бу авлодлар — катталар ва болалар ўртасидаги узилиш муҳитидир. Ўсиб келаётган авлод виртуал оламларга кетиб қолмайдиларми, улар қайтиб келадиларми ёки йўқми, буни тушуниш қийин. Болаларнинг хаёлида ер юзини виртуал оламлар қамраб олган.

Виртуал ўйинлар инсон руҳияти, унинг тарбияси билан ўзаро боғлиқдир. Китобларга нисбатан виртуал ўйинларининг асосий устунлиги — матн шаклидаги педагогик ва психологик билимларни намоён этишда, бу билимларни ўзлаштиришда болалар барча воқеликни биргаликда «бошдан кечириш» ҳолатига эришилади.

Айни пайтда, мазкур ҳолат дунё олимлари ва психологларини ташвишга солаётган ахлоқ, миллий тарбия, миллий маънавиятни шакллантириш масаласи юзасидан бир қанча тадқиқотлар ўтказилишига туртки бермоқди. Жумладан, “АҚШ мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, қизларнинг 50 фоизи ҳар куни 5 соат, ўғил болаларнинг 80 фоизи 7 соат вақтларини виртуал ўйинлар учун сарфлайди”[1:543]. Британиянинг Childwise тадқиқот агентлигининг аниқлашича, “...5 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёш авлод вакиллари кунига ўртача 6-6,5 соат вақтини компьютерлар, телефонлар, ўйин консоллари ва планшетларга сарфлайди”[3]. Шунга яқин тадқиқот 1995 йилда ўтказилган бўлиб, ўшанда мутахассислар бу мосламаларга болалар кунига ўртача 3 соат вақт ажратишини аниқлаган эди. Аммо 20 йил ичида бу кўрсаткич 2 баробарга ўсганлиги кишини жиддий хавотирга солади.

Бундан ташқари бепарво ота-оналарнинг ўз фарзандларининг виртуал ўйинларга берилиб кетиши оқибатида турли жисмоний зўравонлик қилиш мойиллигининг ортиб кетиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Бунга бир нечта мисолларни келтириш ўринлидир.

“2002 йили Америкалик Шон Вилли исмли 21 ёшли йигит ўзини ўзи пешонасидан отиб ўлдирди. Аниқланишича у “EverQuest” номли компьютер ўйинига муккасидан кетган экан” [1:258]. 2004 йили Буюк Британияда 17 ёшли Уоррен Леблан 14 ёшли Стефан пакернинг жонига қасд қилди. Суд

жараёнида айбланувчи “Manhunt” компьютерўйини таъсирга тушиб қолганини айтади” [1:259].

“2015 йилда Россиянинг Челябинск вилоятида 15 ёшли Антон исмли ўсмир ота-онасини пичоқлади. Бунга эса онасининг унга ҳадеб компьютер ўйнаб ўтиравермасдан дарс қилишини буюргани сабаб бўлди. Онасининг сўзларидан ғазабга минган Антон ошхонага кириб пичоқ олди ва ота-онасига ташланди. Онаси вафот этди, отасининг эса ҳаёти сақлаб қолинди. Хитойда тинимсиз 19 соат компьютер ўйнаган йигит компютери олдада жон берди берган. Бошқирдистонда оёғи синиб қолиб уйда даволаниб ётган 17 ёшли ўсмир 22 кун компьютер ўйнагач вафот этган. Тайванда 32 ёшли киши уч сутка тинимсиз компьютер ўйнагани оқибатида юраги ушлаб қолиб вафот этган. Хитойнинг Нантун шаҳрида яшовчи 19 ёшли йигит компьютер ўйнаш касаллигидан қутулиш учун ўз қўлини кесиб ташлаган”[2].

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидек, виртуал олам биз ўйлаганимиздек “беозор” ўйинлар эмас. Бу ўйинларнинг аксариат курбонлари усмир ёшлар. Ўсмирлар ҳали катта ҳаётга энди қадам қўяётган, ҳаётнинг ҳақиқий лаззатларидан баҳраманд бўлишга интилаётган, келажак бунёдкорларидир. Ҳар қандай ота-она ўз фарзандлари орқали эртанги кунни, ёруғ келажакни тасаввур қилади. Ўз вақтида керакли машғулотлар билан банд қилиш, ҳунар ўргатиш, доимий қилаётган ишларини назорат қилиш, кимлар билан дўст бўлаётганига эътибор бериш, мактабдан, ўқишдан бўш вақтларида фойдали ишлар билан банд қилиш, нима тўғри-ю, нима нотўғри эканлиги ҳақида насиҳатларни бериб бориш мана шундай мудҳиш оқибатларни келиб чиқишига йўл қўймайди.

Ҳали келажакда инсон эҳтиёжларининг ортиб бориши, техника ва технологиялар оламидаги янгидан-янги виртуал ўйинларнинг турлари яратилишига туртки бўлаверади. Лекин, XXI аср техник юксалишлар асри бўлиб, турли ўйинлар ёшлар ҳаётини қуршаб олаётганлигига қарамай улар билан самимий туйғулар, гўзал ва ёқимли нарсалар, миллий маънавий мерос ва кадриятлар, ахлоқ меъёрлари ҳақида суҳбатлашиш ўта аҳамиятлидир. Уларга ўзимизнинг иқтисодий муаммоларимиз ёки ижтимоий мавқеимиз нуқтаи назаридан эмас, энди дунёни англаб, унга нисбатан муайян муносабати шаклланаётган, маънавий баркамол шахс бўлиб вояга етаётган инсон сифатида эътибор бериш ва миллий анъаналаримизга садоқатли руҳда тарбия қилишимиз керак бўлади.

Шу боис ҳам мамлакатимиз дастурчилари олдида миллатимизга хос маънавий кадриятларга таянган ҳолда турли таълимий ва тарбиявий ўйинлар дастурини яратишдек долзарб вазифа турибди. Четдан кириб келган, маънавиятимизга ёт ўйинлар билан фарзандларимизнинг онгини чалғитмайлик.

Бугунги ёшларнинг севиб ўйнайдиган ўйинлари уларга зарар эмас, балки билим, таълим ва тарбия омили бўлиб хизмат қилиши керак.



Шунда ёшларнинг ҳам алоҳида виртуал оламларга ўтиб, турли ёт мафкуралар таъсирига тушиб, ўз қобиғига ўралиб яшашларига ҳожат қолмайди.

**Адабиётлар:**

1. М.Амин Яҳё. Интернетдаги таҳдидлардан ҳимоя: Ёрдамчи ўқув қўлланма. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2016. – 672 б.
2. <http://sof.uz/news/show/6239-virtual-olam-fuqarolari-yoki-quot-bir-qu>
3. <http://yangilik.zn.uz/2015/04/11/болалар-электрон-мосламалар-учун-қан/>
4. <https://kun.uz/45336130>

**ШАРОФ РАШИДОВ ЎЗ ДАВРИНИНГ ҚУРБОНИ**

*Буриева Д.А.*

*126-мактаб ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра, Шароф Рашидовнинг 100 йиллик хотирасини абадийлаштириш мақсадида, арбоб ҳаётига бағишланган.

**Калит сўзлар:** деҳқон, зилзила, илмийлик, тарихийлик ва холисийлик, қишлоқ, Пахта иши.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач илмийлик, тарихийлик ва холисийлик нуқтаи назаридан тарих саҳнаси қайтадан ёзилди Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевни қарори асосида Ўзбекистон ССР раҳбари Шароф Рашидовни ҳаёти ва ижодини ўрганиш бугунги кунимиздаги долзарб масалалардан биридир.

Шароф Рашидов 1917 йили 6 ноябрда Жиззахда Совунгарлик қишлоғида унча бой бўлмаган деҳқон оиласида туғилган. Ҳозирда Совунгарлик қишлоғига Шароф Рашидов хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг номи берилган. Отаси Рашид Халилов деҳқон бўлган ва оғир меҳнат орқали нон топган. Шундан вақтларда Шароф Рашидов Жиззахдаги “Педагогик” техникумни тугатиб, икки йил ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқувчи бўлиб ишлаган. 1937 йили Самарқандаги Ўзбекистон Давлат университетининг тарих-филология факултетига ўқишга киради ва Самарқандда “Ленин йўли” газетасида муҳбир сифатида фаолият олиб борган.

1941 йил Иккинчи жаҳон уруши бошланди ва Шароф Рашидовнинг ҳаётий режаларида ката ўзгариш бўлиб ўтади. Улар Франция Ҳарбий Пиеда билим юртида таҳсил олади ва Калинин фронтига йўналтирилади. Шароф Рашидов кўп жойларда урушда бўлади. Шароф Рашидов урушдан қайтгач Жиззахда ўзлари таҳсил олган 10-мактабга мактаб директори этиб тайинланди. 1943 йилда яна журналист фаолияти давом эттиради бу сафар

“Ленин йўли” газетасида муҳаррир бўлиб, ишлайдилар. Ўша пайтларда 1945-йили ўзларининг биринчи шеърий тўпламини “Менинг нафратим” номли илк шеърий тўпламини нашрдан чиқади. Унинг ҳаёти ва ижодида бир нарсага алоҳида эътибор қаратишимиз лозимки, улар сиёсатчилик ва ёзувчилик фаолиятлари бир йўсинда ривожланади.

1950 йилда Шароф Рашидов СССР тарихида энг ёш раис бўлиб, Ўзбекистон ССР Олий кенгашининг Президиуми этиб сайланди. 1959 йилда Ўзбекистон комунистик партиясининг биринчи котиби этиб сайланади. Унинг фаолияти давомида СССРда учта раҳбар алмашинади: Никита Хрушев, Леонид Брежнев, Юрий Андропов кабилардир. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон ССРнинг келажагига жуда ҳам катта қизиқиши бор эди. Марказ ва Ўзбекистон ўртасидаги мувозанатни таъминлаган Шароф Рашидов Ўзбекистон ССРни СССРда ривожланган регионлар қаторидан жой олишига сабабчи бўлди.

1956 йили СК КПССнинг биринчи котиби этиб, Никита Хрушев тайинланди, Ўрта Осиё раҳбарлари аста-секин ўзгара бошлади. Шунда 1959 йили 14 мартда Ўзбекистон Комунистик Партияси МҚнинг Биринчи Котиби этиб сайланади. Энди Шароф Рашидовнинг асосий мақсади уларнинг номлари билан жуда кўп муҳим иншоот объектлари боғлиқ. Масалан; Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод чўлларинимиллион гектар ерларга пахта далалари, боғлар ва экин майдонлари Шароф Рашидов бошчилигида амалга оширилган. Буларнинг барчаси раҳбарнинг қишлоқ хўжалигида узокни кўра билгани ва аниқ ҳисоб китоблари асосида олиб борилгани кўришимиз мумкин.

Унинг ҳаётида Ўзбекистон ССРнинг ташқи сиёсатида алоҳида аҳамиятига молик ҳисобланади. Жумладан, 1960 йилдан бошлаб, Шароф Рашидов СССР ташқи сиёсатида фаол иштирок этган. Ўша даврлардаги Кариб кризисидан 1962 йили Фидел Кастро билан учрашувида совет делегациясига бошлиқ бўлган. Фидел Кастро ва Шароф Рашидов ўртасида узок дўстлик алоқалари сақланиб қолган. Шароф Рашидов даврида Республиканинг халқаро обрўси ошди. 1966 йили Тошкентда Ҳиндистон премьер министри Лал Баҳадур Шастри ва Покистон Президенти Муҳаммад Аюбхон ўртасидаги келишув муносабатлари бўлиб, ўтади. Ўшанда ўша машҳур “Тошкент декларацияси” имзоланади. Покистон ва Ҳиндистон ўртасидаги қонли урушларга нукта қўйилади. Бу келишувни ўтказишда Шароф Рашидов фаол иштирок этган.

1966 йил 26 апрел куни соат 5 дан 23 минут ўтганда Тошкентда мутҳиш zilзила бўлди. Бу zilзила туфайли Тошкентнинг марказий қисми вайрон бўлди. 2 миллион квадрат километрга яқин аҳоли яшаш пункти ва 1600 га яқин саноат иншоотлари, административ бинолар талофат кўрди. Аҳолининг кўп қисми бошпанасиз қолди. Шундай пайтда

Шароф Рашидовнинг хизматлар каттадир. У кўрилган ҳудудларни тиклашга нафақат Ўзбекистон аҳолисини балки бутун иттифокдан ёрдам олишга муваффақ бўлди, Бу воқеадан кейин Тошкентга зудлик билан Брежнев ва Косигин етиб келди. Шундан кейин Тошкентга жуда кўплаб

ишчи кучи етиб келди айрим маълумотларда ҳатто ҳарбийлар фаол иштирок этганлигини таъкидлаш лозим. Ўша йиллар Тошкент тарихида энг катта қайта қурилиш бўлиб ўтди. Аҳоли олдинги лойдан ясалган уйларда эмас балки, кўп қаватли биноларда яшайдиган бўлди. Шаҳарда янги аҳоли яшаш туманлари (районлари) ташкил топди. Булар: Чилонзор, Сергели, Юнусобод ва Қорақамиш туманларидир. Буларнинг барчаси 3,5 йилда қайта тикланди. Шароф Рашидов ташаббуси билан 1968-1970 йилларда Тошкент метрополитени қурилиш ишлари олиб борилди. Биринчи метрополитен йўли Чилонзор йўли бўлиб, узунлиги 12,2 километр бўлган ва 9 стансиядан иборат бўлиб, 1977 йилдан ишга турушган. Қизиғи шундаки ҳозирда ҳеч бир стансия Шароф Рашидов номини олмаган. Ҳозирги “Ўзбеккосмос” қурилишида ҳам бу инсоннинг қўшган ҳиссаси катта ҳисобланади.

Шароф Рашидов 1959-1983 йилларда Ўзбекистон ССРни бошқарган ва “Пахта иши” сабабли кучли танқид остига олинган. Танқидга олинган бу инсон аслида 80-йилларда Ўзбекистон учун бир қатор ишлари амалга оширган. Жумладан, улар бошчилигида жуда кўп чўллар ўзлаштирилган, қишлоқ хўжалиги ривожланди, улар бошчилигида Навоий, Янгиер, Гулистон, Учқудук, Зарафшон ва бошқаларни бунёд этилди. Бундан ташқари Тошкент метрополитенининг бунёд этилиши ҳам уларнинг сай ҳаракатидир.

Халқнинг деҳқончилик ерлари учун кураши тасвирланган “Ғолиблар” повести, “Бўрондан кучли” романи ҳам Шароф Рашидов қаламига мансуб, 1964 йилларда нашр қилинган “Буюк тўлқин” романи совет жангчиларининг II Жаҳон урушида кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида бўлган. Шароф Рашидовнинг публисистик мақолаларидан иборат “Тарих келишуви” номли тўплами, “Дўстлик рамзи” номли китоби нашрдан чиқди. Уларнинг мақолалари совет адабиётини долзарб муаммоларига айланган эди.

Рашидова Сайёра Шарофовна-Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги Полимерлар кимёси ва физикаси илмий-тадқиқот маркази директори, кимё фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги. 1993 йилда „Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган “Фан арбоби” фахрий унвони; 1997 йилда „Ўзбекистон белгиси“ кўкрак нишони; 1999 йилда “Дўстлик ордени”, 2003 йилда "Эл-юрт хурмати" ордени совринлар билан тақдирланган. (1995-2015 йилларда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили лавозимида ишлаган). 100 дан ортиқ илмий мақолалар ёзган. Яна уларнинг қизлари Рашидова Гулнора Шарофовна, Рашидова Гулнора Шарофовна ва ўғли Рашидов Илҳом Шарофович бўлган.

Президент Шавкат Мирзиёев қарорига кўра, «Шароф Рашидовнинг Ўзбекистон тарихида тутган ўрни» мавзусида илмий конференция ўтказиш, таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда хотира тадбирлари ташкил этиш, 2017 йил ноябрь ойида Жиззах ва Тошкент шаҳарларида Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигига бағишланган хотира кечаларини ўтказиш кўзда тутилган.

Қайд этилишича, ушбу қарор Ўзбекистонни «жуда мураккаб ва оғир йилларда бошқариб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, ижтимоий ва ижодий фаолияти билан миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидовнинг ёрқин хотирасини улуғлаш ҳамда таваллудининг 100 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида» қабул қилинган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозим Шароф Рашидов ҳаёти ва ижоди давомида ўзбек миллатнинг дарди билан яшаб ўтди. У ўзининг барча китоблари юртни бугуни ва келажакига катта эътибор қаратганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Дуров В.А. Орден Ленина. – М., 2005 стр 146-157
2. Горбачёв А.Н. Многократные кавалеры орденов СССР. – М., 2006 стр79-81
- 3.Раззаков Ф.И. «Коррупция в Политбюро. Дело „Красного Узбека“. – М.: Алгоритм, 2010.
4. Шараф Рашидов. Мгновения жизни. Новости Узбекистана, 6.11.2015.
5. <http://kommersant.uz>. Шараф Рашидов: от учителя до национального лидера Узбекистана.

### **ЎРТА ОСИЁДА АРАБЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДОИР АЙРИМ ҚАРАШЛАР**

*Искандаров Ш.А.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақола Ўрта Осиёда арабларнинг миллий ўзликни англаш доир айрим қарашлар этномаданий жараёнлар натижасида таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** тил, манба, кўчманчилик, давлат, араблар,, маданияти, қорабайир, мушколи хошимий.

Тарихий, маълумот манба ва жой номлари, шунингдек, тил ва этнографик маълумотлар тўғрисида ўрганилади. VII асрнинг иккинчи ярмида арабларнинг Марказий Осиё ҳудудига 712 йилда Қутайба бошчилигида бостириб киришган. Улар ўша вақтларда Самарқанд, Бухорони қўлга киритган IX асрга келиб эса, араблар Марказий Осиё ҳудуд бўйлаб, кенг жойларда ҳукмронликни ўрнатишди. Улар ўша даврларда кўчманчилик билан шуғулланишган.

Араблар Марказий Осиёга ислом дини олиб, киришган. Натижада ислом дини кейинги асрларда Моворауннаҳрда кенгроқ тарқалди. Айниқса, маҳаллий халқлар турмуш тарзи, маданиятида ўзи аксини топди. Араблар кириб келгандан сўнг араб, тили давлат ишлари ва илм-фанда чуқур илдиз отган. Ўрта Шарқда, балки Марказий Осиёдаги, олимлар орасида ҳам кенг тарқалди. Жумладан, араб тил билан ал-Фаробий, Ибн Сино, ал-Хоразмий ва Берунийни ўз асарларда ёзишган. Араб тилида ислом аҳкомларини кенгроқ тарқалишида, Имом ал-Бухорий, Имом ал-Мотуридий ва бошқаларни хисса алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир. Марокаш саёҳатчиси Ибн Баттута (1304-1377) Мавораннаҳр олимлари билан ўз тилида эркин гаплашган.

Араблар илк кўчиб келиб, ўрнашган жойлари турли, Марказий Осиёда кенгроқ ҳудудларида тарқалган. Кейинчалик, араблар ҳаттоки, ёпиқ жойлар шаҳарларда, ўзлари учун махсус қароргоҳларда истиқомат қилишди, кейинчалик, ўша жойлар араб ном билан аталиб бугунги кунимизгача сақланиб қолинган. Натижада, Мовароуннаҳр ва Хуросон махсус араб қишлоқлар пайдо бўлди.

Кейинчалик, шаҳарларда яшаган араблар, маҳаллий аҳоли билан ассимиляция жараёнлари юз берди. Маҳаллий аҳоли билан кўп асрлик (яқин мунобатда бўлишга қарамай, араб тили сақлаб қолишган.) Улар жонли араб тилидан фойдаланилган, унинг таркибий қисмлари, маҳаллий тилларга, кейинги асрларда ўз таъсирини кўрсатганлигини кузатиши мумкин. Йирик араб гуруҳлари жойлаштирилган кўчманчи, араблар ўзларининг хусусиятини кўпроқ, сақлаб, қолишган, хусусан, ўз она тилини сақлаб қолишди.

Арабларнинг бир қисми нафақат Арабистон балки Хуросоннинг ғарбий ва жанубий-ғарбий вилоятларида Марказий Осиёга кўчиб, кетган бўлиши мумкин. Мисол учун қабила номи "мол-мулкларини" Марказий Осиё араблар орасида кенг тарқалган тушунча, Эрон, Хуросон ва Кермон Иезда Араб шарқий ҳудудларида кенг тарқалган.

Кейинчалик бир гуруҳ араблар Балх туманида Андхуй, Ахчи (қабилалари сапони ва тайбоний) шимолий яшаб келишган. Улар Насаф (Қарши) ва Ҳисор жойлашиб, кейинчалик Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани яқинида жойлашди.

XVI асрдаги ҳужжатларда, Қашқадарёнинг текис қисмида яшайдиган, араб бадавийлари ҳақида жуда кўп маълумот мавжуд. XVIII асрга келиб, араблар бутун Марказий Осиё хонликларида жойлашган, лекин уларнинг кўпчилиги, Бухоро амирлигида яшаган. Бу ерда аҳолининг катта қисми фарқли ўлароқ улар "арабий ўқлари", ёки "шатта ўқлари" га тўлашган.

Тарихий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, Марказий Осиёда сони жиҳатдан энг кўп тарқалган халқлар бу араблар ҳисобланади. Улар асрлар давомида кундалик ҳаётда, арабларни диний ихтилоф йўқлиги тожиклар, ўзбеклар билан арабларнинг босқичма-босқич бирлашувга олиб туркманлар. Арабларнинг аксарияти узоқ вақтдан буён ўз она тилларини йўқотилган, кишилар мавжуд ҳозир эса ўзбек ёки тожик тилларини

билишади (баъзида араб тили иккинчи тил сифатида сақланиб қолинган). Айни пайтда, она тилини биладиганлари ўтган асрда арабларнинг қорабайир, мушколи хошимий, каби уруғлардан иборат. Бухоро вилоятидаги Гиждувон ва Вобкент туманларидаги қишлоқларида Қашқадарё вилояти Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида яшовчи араблар, фонетика сўз бирикмаларида ва синтаксида сезиларли ўзгаришларга учраган.

Бухоро, Қашқадарё – икки (камида) Ўзбекистон араб лаҳжа гуруҳлари мавжуд. Бухорода араб тилида асосан тожик тилини таъсири кучли, Қашқадарёда эса – туркий тиллар таъсири кузатиш мумкин. Бухоро ва Қашқадарё араблар деярли бир-бирига яқин гаплашади. Айни пайтда, арабларнинг кўпчилиги дарё, ўрта ва қуйи оқимида яшайди. Зарафшон, Самарқанд Қоракўл воҳасида, Амударё чап қирғоғида – Чоржуй (Туркманистон) Амударё жойларда Питнак ва Шовот атрофида жойлашган. Араблар Навоий вилояти, Конимех туманида араблар яшаб келишган. Ҳозирги кунда эса бу ҳудудларда яшаб, келаётган араблар ўзбеклашиб бўлишган.

Қашқадарё ҳудудидаги арабларнинг бир гуруҳ жанубий-шарқи водийларга яъний Сурхондарё вилояти, Шерабод туманида, Фарғона водийсининг шарқида истиқомат қилувчи араблар Кафирниган, Вахш, Кўйилсу истиқомат қилишади. Бухоро, Қарши, Каттақўрғон, Кўлобод, Нурота, Шерабод ва бошқа ҳудудларга бир неча катта кичик араб оилалар бориб жойлашган. Мисол учун Бухоро, Қарши, Каттақўрғон, Самарқанд ва бошқа) ҳудудларда араб қабилалари қурайш, шайбонийдан, оммавий, балук қабилар яшаб келишган.

XX аср бошида Марказий Осиёда 54 мингдан ортиқ ишини ташкил қилинган бўлса, шулардан 2077 киши араб тилини билишади. 1929 йилда Ўзбекистон 28 минг араб, яъни умумий аҳолининг 0,5% ниташкил қилади. 1959 йилда, 5,4 минг, Совет тузимининг таъсир натижасида улар араб тилида гаплашган.

Арабларнинг асосий қисми чорвачилик, қишлоқ хўжалигида фаолият юритишган. Энг илғор чорвачилик саноати қоракўлчилик туя ва жанубий ҳудудларини ташкил этилади. Улар буғдой, арпа ва беда экишган. Советлар даврида араблар пахта этиштириш билан ҳам шуғуллана бошлади.

"Қиз гилам" бир хил - ингичка, дастлаб безакли, қизил бир ошиқни, қалин, сеп кўрди. асосан икки хил гилам - уй қурилиши хунармандчилиги, пахта мато, айниқса, тўда гилам тўқишган. Иккинчиси - сотувга тайёрланган, "бозор гилам" ёки "араби гилам", асосий нақш - мураккаб композициялар билан моҳирлик билан бирлашган геометрик шакллардан иборат ҳисобланади.

Ўзбек гилам, араб нақш фарқли ўлароқ Марказий Осиё хижрат араблар кўплаб, авлод анъаналари давомийлигини тақлиф этишган. Уларнинг орасида туя юнғидан чекмонлар таёрлашган.

Айни пайтда араблар республиканинг халқ хўжалигини барча соҳаларида, саноат, савдо, таълим соҳасида фаолият олиб борилмоқда.

Марказий Осиё арабларнинг миллий кийимлари Қамаш ва Жейнов кишлоғида, заргарлик буюмлари ва бош кийимларида аёллар кийимида баъзи хусусиятлар сақланиб қолган. Авваллари бу ҳудудларда аёллар бурун септумида (қишда) кулоқга илиб қўйишган. Ярим кўчманчи ўзбеклар сингари, улар ўтмишда юзларини ёпиб юришган.

Марказий Осиё араблар ҳали ўз халқлари ичидаги никоҳларга қаттиқ риоя қилишади. Айниқса, қизларнинг никоҳсизлар юриш қаттиқ қораланган. Танланган қариндошлар билан никоҳ ришталарни боғлашган. Ҳозирги кунда кичик оиланинг билан бирга катта ажралмас патриархал оилалардан иборатдир.

#### **Адабиётлар:**

1. Андреев М. С. Некоторые результаты этнографической экспедиции и Самаркандскую область в 1921 году // Известия Туркестанского отделения РГО. Ташкент, 1921. Т. 17.

2. Джугары Бухарского округа и кишлака Джейнау Кашкадарьинского округа Узбекской ССР // Записки Коллегии востоковедов при Азиатском музее АН СССР. Л., 1930. Т. 5.

3. Валя С. Л. К истории среднеазиатских арабов // Труды второй сессии Ассоциации арабистов, 19-23 октября 1937 г. ТИВ. Вып. 36. М., 1941.

4. Он же. История Бухары, или Трансаксонии, с древнейших времен до настоящего времени / Пер. А. И. Павловского. СПб., 1873. Т. 1-2.

5. Винников И. Н. Арабы в СССР // Советская этнография: В 4-х т. М., 1940.

6. Григорьев В. В. Россия и Азия. Сборник исследований и статей по истории, этнографии и географии. СПб., 1876.

7. Мулладжанов И. Население Узбекской ССР: Справочник. Ташкент, 1989.

### **Т.Ж. БАРФИЛДНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ АРАБЛАРИ ҲАҚИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИ**

*Искандаров Ш.А.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақола Ж.Барфилднинг Марказий Осиё араблари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар унда назарий ва бахсли масалалар тўғрисида турли хил ғоялар шаклланди. Араблар форс тилида гаплашадилар уларни ўзлари келиб чиқишларни яъний қатағон ва Бадахшон ҳудудида яшаб келаётган араблар билан яқин муносабат бўлишган. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнгиши, натижасида Бухоро амирлиги ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларни маълум қисми ўз чорва молларини

боқиш мақсадида кенг ўтлов ва яйловларгани излаб бошқа ўлкаларга кетишган.

**Калит сўзлар:** этногенези, этник тарих, ўтлов, яйлов, сиёсий, маданий, миллий маданияти, урф-одати анъанавий.

XX аср охир XXI асрнинг бошларида дунё харитасида ўзига хос туб, ўзгаришлар юз берди. Дунёдаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий жиҳатлар билан бирга, этнология фаннинг ютуқлар алоҳида аҳамиятига эга, унда назарий ва бахсли масалалар тўғрисида турли хил ғоялар шаклланди. Жумладан, этногенези ва этник тарих муаммолари билан бирга этник жараёнлар ва айниқса, турли тарихий-этнографик минтақалардаги айрим кам сонли халқларни миллий маданияти, урф-одати анъанавий, этномаданий идентиклигини (этник ўзликни англаш) жараёнларини тадқиқ этиш бугуннинг асосий муаммолардан биридир.

Айниқса, арабларни кўчиб, келиши ва уларни келиб жойлаши борасида тадқиқотчилар томонида турли хил фикр-мулоҳазалар билдирилган. Яъний арабларни Афғонистонга, кўчиб келиши ва жойлаши тўғрисида олимлар томонидан бир қатор қарашлар мавжуд. Жумладан, Америкалик олим Барфилд тадқиқот ишларида арабларнинг турмуш тарзи ва маданияти тўғрисида ўзининг фикр-мулоҳазаларни бериб ўтилган. У томонидан Шимолий Афғонистон араблари комплекс тарзда тадқиқ қилинган [1]. Мазкур асардан биз Ўзбекистон араблари билан Афғонистон арабларини қиёсий ўрганди. Ўзбекистон араблари билан Афғонистонда яшовчи араблар маданиятида ўхшашлик борасида Г.Г.Чикованининг илмий-тадқиқот ишларида кузатиш мумкин. Унинг таъкидлашича, бу ердаги маҳаллий аҳолининг баъзи сўзлари Афғонистонда истиқомат қилиб келаётган арабларнинг тилига яқин эканлигини ўз фикр-мулоҳазаларида, мақолаларида бериб ўтишга ҳаракат қилган. Ўрта Осиё ҳудудига арабларнинг бир қисми Афғонистон орқали кўчиб келиши амалга оширилган. Чунки, Ўзбекистон ҳудудидаги араб қишлоқларида дала тадқиқотлари давомида баъзи бир уруғлар ўзларининг Афғонистон ҳудудидан кўчиб, келганлигини таъкидлайди. Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги Жейнов қишлоғида истиқомат қилиб келаётган уруғлардан бири андхўй бўлиб, бу уруғ аجدодлари Афғонистон ҳудудидан кўчиб келишган.

Пуштунлар Афғонистоннинг шимолий ҳудудида истиқомат қилиб келишган. Улар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, жараёнларда қисман афғонистонлик ўзбеклар билан яқин муносабатда бўлишган. Афғонистонлик араблар турмуш тарзини ўрганган олим Барфилд Афғонистонлик араблар билан Ўзбекистон арабларнинг этномаданий жиҳатидан яқин муносабатда бўлганлигини таъкидлайди. У ўзининг илмий тадқиқот ишларида турли манбалар орқали қиёсий маълумотлар асосида таҳлил этганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон арабларининг турмуш



тарзи маданиятида афғон миллий, маданиятини маълум маънода акс этганлигини таъкидлайди.

Томс Ж.Барфилд. Афғонистоннинг Марказий Осиё арабларини тили масаласида тўхталганида кўйидаги фикр-мулоҳазаларни илгари суради. Араблар форс тилида гаплашадилар уларни ўзлари келиб чиқишларни яъний қатағон ва Бадахшон ҳудудида яшаб келаётган араблар билан яқин муносабат бўлишган. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан сўнгиши, натижасида Бухоро амирлиги ҳудудида истиқомат қилиб келаётган арабларни маълум қисми ўз чорва молларини боқиш мақсадида кенг ўтлов ва яйловларгани излаб бошқа ўлкаларга кетишган. Ҳудудий шундайлардан бири Афғонистон араблар ҳисобланади. Марказий Осиёнинг чекка ҳудудларида яшаб келаётган давлатлар иқтисодиётига араблар ҳам маълум маънода ўз таъсирларни кўрсатган. Араблар қайси ҳудудда истиқомат қилишса, ўша ҳудудларнинг доимий равишда бозорларида гўштни асосий етказиб берувчиси ҳисобланади. Улар миллий савдода ҳам ўз таъсирни кўрсатишган.

Афғонистон араблар Қатағонга 1870 йилларда кўчиб кетишган очлик ва Бухорони руслар томонидан босиб олиши, ваҳшийликнинг бузилиши кофирлар. Қатағонлар ўша пайтда кўп одамлар учун етилган. Ундан ташқари, Туркистонлик қуллар босқинчилари туфайли яшаган, лекин қул савдоси бор эди. Афғон ҳукумати содиқлигини эълон қилишган. Араблар минтақанинг энг яхши яйловларига бўлган ҳуқуқларини қўлга киритишган. Барфилд 1975-1976 йилларда "араблар" турмуш тарзини ўрганилганлиги таъкидлайди. Улар орасида кўчиб, келган учта яйловда истиқомат қилишган. Амударё водийсида, қиш ойиларда истимоқомат қилишган.

Афғонистон ҳукумати олдида ўзларининг содиқлигини эълон қилиб, "араблар" минтақанинг энг яхши яйловларига эга бўлишган. Барфилд 1975-1976 йилларда "араблар" ни ўрганган. Улар учта яйлов ҳудудлари ўртасида кўчиб юришган. Амударё водийси, қиш мавсумида яшаб келишган. Баҳорда ишлатилган яқин даштлар; Бадахшон тоғи қирғоқлари ёзда ишлатилган. Араблар уларнинг яйлов ҳуқуқларига самарали эгалик қилади: уларнинг сотиб олиниши ва сотилиши мумкин бўлган. Худди шу тарзда мерос бўлиб, қолган ўғиллар деярли ҳар доим охир-оқибат ерни бўлишади; қабилалар ва қабила ҳамкорликлари заиф эса. Бой оилалар чўпонларни ёллайди. 1965 йилга келиб, иқтисодиётнинг катта ўзгариши содир бўлган.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Афғонистон арабларнинг этномаданий ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан яқин муносабат бўлишганлигини эътироф этади. У ўзининг тадқиқот ишларида арабларни Бухоро ҳудудидан бориб жойлашганлини таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам арабларни катта қисми Бухоро амирлиги таркибида яшаб кейинчалик ўлкадаги низолар натижасида бу ҳудуддан чиқиб кетган бўлишлар мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Barfield T. The Central Asian Arabs of Afghanistan Pasroral No madism in Transition University of Texas Press, 1983. – P. 204.

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИК ФАНЛАРИДА  
ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎЛЛАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

**Қодиров М.М.**

*Тошкент давлат педагогика университети*

**Аннотация:** Ушбу мақола умумтаълим мактабларининг технологик фанларида ўқувчиларни касбга йўллаш технологиясини кўриб чиқади. Ўқувчиларни бўлажак касб танлашида технологик таълим фани муҳим ўрин тутди, уларнинг вазифалари маълум кўникма ва малакаларни шакллантиришга ҳисса қўшади. Педагогика олий таълим муассасаларида технологик таълим йўналиши доим мавжуд ҳамда бўлажак технологик таълим ўқитувчиларини асосий педагогик маҳорат ва қобилиятларига замин яратади.

**Калит сўзлар:** меҳнат, тарбия, касб, мактаб, ўқувчи, бўлажак, жараён, таълим.

Меҳнатга оид тарбия – мактаб ёшидаги ўқувчиларни педагог томонидан ташкиллаштирилган меҳнат фаолият тури, унда ўқувчиларнинг психологик жиҳатдан меҳнатга нисбатан онги шакилланиб, бўлажак касбини танлашга кўмак вазифасини ўтайди. Меҳнатга оид тарбия тизимини бири бири билан боғлиқ бўлган тўртта блокларда ифодалаш мумкин:

1. ўқув жараёнида меҳнат тарбияси;
2. мактаб ўқув дарсидан ташқари ишда меҳнат тарбияси;
3. оилада меҳнат тарбияси;
4. мактабдан ташқари ишда меҳнат тарбияси.

Умумтаълим мактаблари шароитидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги меҳнат таълимига оид вазифаларига ечим топилади:

1. мактаб ёшидаги ўқувчиларни замонавий ишлаб чиқариш маҳсулотлари билан таништириш, меҳнат фаолиятини илмий жиҳатдан ташкиллаштириш, меҳнатга оид қонуниятлар билан таништириш, техника ва технологиялар билан таништириш, ижтимоий-иқтисодий масалалар билан таништириш;

2. ўқувчиларни турли меҳнатга оид билим ва кўникмаларга ўргатиш, меҳнатнинг жисмоний ва ақлий маданий асосларини шакиллантириш (ўз фаолиятини режалаштириш; ўз иш жойини ташкиллаштириш, ўз меҳнати шунинг жумласидан; харита, чизма ва жадваллар билан ишлаш; фикрлаш қобилиятларига эга бўлиш (тахлил, синтез, таққослаш, умумлаштириш ва бошқалар); оддий дастгоҳ ва асбобларни ишлатиш ва бошқалар);

3) шахсда меҳнат ахлоқлари сифатларини ривожлантириш: меҳнатсеварлик, бурч ва жавобгарлик, мақсад сари интилиш ва уддабIRONлик, ишни кўзини билиш, етарли даражада малакага эга бўлиш, ростгўйлик, виждонлик, меҳнат фаолиятидаги инсонларга нисбатан ҳурмат ва уларнинг фаолиятидаги натижаларига ва бошқалар;

4) мактаб ўқувчиларида меҳнат фаолиятининг сабабиятларини шакиллантириш, англаш ва касбий қизиқишларни ривожлантириш, иштиёқ, қобилият, интилишилар ва билимларни амалиёт вақтида қўллаш, ижодий меҳнат эҳтиёжи давомида ҳам;

5) ўқувчиларни билган ҳолатида касбга йўналтириш ва касбий фаолиятигача бўлган касбий тайёргарликни олиш.

Келтирилган вазифалар мактабдаги ўқувчиларнинг меҳнатга оид тарбиянинг тузилишини ифодалайди. Меҳнатга оид тарбия давомида меҳнат етакчи ўринни эгаллайди. Тарбияни амалга ошириш куйидаги кўринишларда амалга оширилади [2]:

1) таълим жараёнини меҳнат билан узвий боғлаш (меҳнатда ўқувчилар ўз билим ва маҳоратини амалиётда ифода эта олиши лозим);

2) мактаб ўқувчисининг шахсий қизиқишлари меҳнат фаолиятида қиладиган ҳаракат билан мос келиши (мактаб ўқувчиларига меҳнатнинг аҳамияти яққол ифода этилиши керак, улар қилаётган иш жамиятга, оиласига ва ўзига фойдали экани билиши лозим ва иқдор бўлиши керак);

3) меҳнатни амалга ошира олиши ва қила олиши керак (қилинаётган меҳнат мактаб ўқувчисидан кучни талаб этиши керак, лекин талаб этилган куч унинг кучидан ортмаслиги лозим, яъни уларни имконияти ва қобилияти даражасида танланилиши даркор);

4) мактаб ўқувчиларининг меҳнати режалаштирилган ҳолда ташкил этилиши лозим (мактаб ўқувчиларини меҳнат фаолиятига қўшилиши учун аниқ тизим ва аниқ вазифани ифодалаш керак, бажарилиш кетма кетлиги, мажбуриятларни тенг тақсимоли, жавобгарликни ажратиб кўрсатмоқ, ўзини тутабилиш (этикет) шартларини аниқлаштириш ва бошқалар);

5) мактаб ўқувчиларини жамоавий ва индивидуал меҳнат шакллари мослаштириш (бир тарафдан мактаб ўқувчилари бир бири билан жамоада ҳамкорлик қилиши зарур, бошқа тарафдан – ҳар бир мактаб ўқувчиси аниқ бир вазифани бажариши лозим ва уни қила олишни билиши керак, бажараётган вазифасининг сифати ва уни вақтида тайёрланиши учун жавобгарликни ҳис қилиши даркор);

6) мактаб ўқувчиларининг меҳнати натижасининг манфати (ахлоқий, моддий). Меҳнатга оид тарбияни амалга ошириш йўллари: технологияга оид таълим – маахсус тайёрланган педагогик жараён, яъни технология соҳасида билим ва маҳоратни шакиллантиришга йўналтирилган. Шакллар: технология дарслари, амалиётлар, ишлаб чиқариш ҳудудларига экскурсия ташкиллаштириш ва бошқалар. Мактаб ўқувчиларни ҳар хил меҳнат кўринишларидаги иштироки [3]:

1) Ўз ўзига хизмат қилиш. Тузилиши: ўзининг нарсаларини эҳтиёт қилиш ва уларга қараш, навбатчилик, мактаб хоналарини тозалаш ва озода тутиш, китобларни, мебелларни таъминлаш в.б.;

2) Жамоавий фойдали меҳнат. Тузилиши: раҳбарлик, хуудни осойишталиги, қишлоқ хўжалик ва саноат ишлаб чиқариш ташкилотларига кўмаклашиш, фермер хўжаликларига, доривор ўсимликларни теришга, макулатура, ўрмон ва сувомборларини назорат қилишга в.б.;

3) Ишлаб чиқариш меҳнати. Тузилиши: ишлаб чиқариш-ўқув гуруҳлари, мактаб тадбирлари, ташкилотларнинг ўқув цехлари, оилавий кетма кетлик, ферма хўжаликлари, хизмат кўрсатувчи идора в.б.;

4) Ўқув меҳнати (ақлий ва жисмоний). Таълим жараёнини ташкиллаштиришнинг барча кўринишлари, яъни ҳозирги кундаги таълим бериш соҳаларида. Дардан ташқари тарбиявий иш. Тузилиши: мавзуга оид кечалар, ишлаб чиқариш мутахассислари ва яратувчилар билан учрашувлар, тадбиркорлар, тадбиркорлар билан учрашувлар, ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари билан шунинг жумласидан, касбга оид реферат ишларини ҳимоя қилиш в.б.

Меҳнатга оид тарбия кўрсаткичлари [1]:

- мактаб ўқувчиларини меҳнатга эҳтиёжи;
- меҳнатга қизиқиш;
- меҳнатга оид фаоллик;
- ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик тўғрисида билимга эга бўлиш, меҳнатга оид кўникма шунинг жумласидан;
- касбни танлашга тайёр бўлиш;
- меҳнат жараёнига ижодий муносабатда бўлиш;
- меҳнатга оид тартибли бўлиш.

Юқорида келтирилганлар шахсда меҳнат ахлоқлари сифатларини ривожлантириб, меҳнатсеварлик, бурч, жавобгарлик, мақсад сари интилиш ва уддабиронлик, ишни кўзини билиш, етарли даражада малакага эга бўлиш, ростгўйлик, виждонлик, меҳнат фаолиятидаги инсонларга нисбатан ҳурмат ва уларнинг фаолиятидаги натижаларига бўлган қизиқишни шакиллантиради, энг асосийси бўлажак касби ҳақида тасавурга эга бўлади ҳамда танлаган касбига қараб олдига мақсад қўяди, шу мақсад сари интилади, бу ўз навбатида унда меҳнатга оид билим ва кўникмаларга ўргатишни тақазо этади, меҳнатнинг жисмоний ва ақлий маданий асосларини шакиллантиради, ўз фаолиятини режалаштиришда катта имконият яратади, ўз иш жойини ташкиллаштиришда ва ўз меҳнатини самарасини ривожлантириб, ўз мақсадига эришади.

#### **Адабиётлар:**

1. Беспалько В.П. Педагогика и прогрессивные технологии обучения. – М.: Просвещение, 1995. – С. 336.

2. Кузьмина Н.В., Зимичев А.М. Акмеология. Метод. и методол. проблемы/ Сост. и ред. - СПб.: Акмеол. акад., 2003. – С. 303.

3. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: Фан, 2004. – Б. 126.

## **АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА МУҲИМ РОЛЬ ЎЙНАГАН ИЖТИМОИЙ ОМИЛЛАР**

*Махмудов Л.Ю., Фуломова А.Н.  
Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан тараққиётида муҳим роль ўйнаган ижтимоий-сиёсий омиллар тўғрисида сўз боради. Мазкур даврларда ижтимоий-сиёсий омиллар шунчалик кучли бўлганки, бу Амир Темур олиб борган ижтимоий сиёсат, унинг илм-фан ривожига қўшган ҳиссаси фаннинг турли соҳалари ривожига муҳим роль ўйнаган. Амир Темур вафотидан сўнг унинг ворислари ҳам илм-фанга катта эътибор берган ва Улуғбек, Бобур сингари зиёлиларни етишиб чиқишига сабаб бўлган.

**Калит сўзлар:** Ислом дини, миллат, халқ, тарих, Мавороуннаҳр, Амир Темур.

Ҳар бир халқнинг миллий шаклланишида унинг давлатчилиги ва давлатчилик анъаналари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг билан бирга ҳар бир халқнинг миллий шаклланиш давомида бошдан кечирган ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг халқ томонидан қай тарзда идрок этилиши ёки халқ онгига қанчалик муҳрланиб қолиши, шу халқнинг миллат сифатида шаклланиши билан бирга, миллий характер ва менталитетини ҳам шакллантириб боради. Чунки инсон ўзини, ўзи яшайдиган мамлакатнинг қонун-қоидаларидан тортиб, у жойлашган ҳудуд, урф-одат ва қадриятлар, расм-русмлар, дин ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан белгилайди. Энди у ўзини миллат сифатида ҳис қилиши учун юқорида айтиб ўтган белгилар унинг миллий қизиқишларига айланиши керак. Демак, бу ерда миллатнинг қанчалик тез ёки узок вақт давомида шаклланиши у бошидан ўтказган ижтимоий ва сиёсий жараёнларнинг ижобий ёки салбийлигига, таъсирчан ёки таъсирчан эмаслигига ўз-ўзидан боғлиқдир. Шундай экан дастлаб аجدодларимиз яъни, ўзбек элати кейинчалик халқ сифатида шаклланган ўзбек халқининг миллий шаклланиш контекстида рўй берган ижтимоий-сиёсий омиллар унинг миллий қизиқишларига кескин таъсир ўтказган. Бунга сабаб бир томондан, сиёсий кучлар ўртасидаги ўзаро ички кураш ва низолар иккинчи томондан эса Марказий Осиё ҳудудига қилинган доимий равишдаги босқинчилик юришлари эди. Бу каби омиллар миллат тарихида қанчалик кўп кечса унинг шаклланиши шунчалик мураккаб хусусият касб этади.

Марказий Осиё хусусан ўзбек халқи тарихига назар ташлар эканмиз, ислом дини мисолида бир диннинг ўзи XIV-XV асрлар мобайнида унга бўлган турли хил ёндошувлар натижасида икки хил функцияни бажарганлигини кузатиш мумкин. Бу икки функция минтақада юз берган икки буюк уйғониш даври билан боғлиқдир. Яъни бу IX-X ва XIV-XV асрлар бўлиб, айнан шу даврларда бир томондан ўзбек халқи халқ сифатида шаклланган бўлса, иккинчи томондан, бу даврда миллий шаклланишдаги муҳим ижтимоий-сиёсий омиллар юз беради. Булар – ижтимоий омиллар сифатида маънавият, дин, мафкура, иқтисодиёт бўлса, сиёсий омиллар сифатида мавжуд сиёсий тузум ва давлат бошқаруви давомида эришилган улкан ютуқлар эди. Айнан шу даврларда миллий шаклланиш учун ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий муҳит мавжуд эди. Ислом дини зўравонлик асосида тарғиб қилингани билан халқ характерида доимий курашлар натижасида шаклланган толерантлик хусусияти миллий характерда ҳар қандай зўравонлик ёки бағрикенглик билан қабул қилинган жиҳатлардан ҳам келажак учун яхшилик йўлида фойдаланиш сифатини шакллантирди. Бу ўзбек халқининг идентиклик жараёнида мураккаб тарихий вазиятлардан фойдалана олиш, шароитдан оқилона хулоса чиқариш каби энг ноёб фазилатлари эди.

Хусусан ўзбек халқининг давлатчилик тарихига назар ташлайдиган бўлсак, биз уни қадимги Хоразм давлатидан тортиб, то Амир Темурнинг марказлашган давлати ва ундан кейинги даврларни келтиришимиз мумкин. Бу даврларнинг ҳар бири аҳоли онига ўзига хос тарзда таъсир ўтказиш билан бирга, маълум бир дунёқарашни ҳам шакллантирган. Бугунги кунда олимлар ўзбек давлатчилиги 2700 йиллик тарихга эга эканлиги ҳақидаги назарияларни илгари сурмоқда. Бу ҳақида тарихий манбалар ва йирик тарихий асарлардаги маълумотлар ҳам хабар беради. Бошқача айтганда, тарихнависликнинг ривожланиб бориши ва уларда жамият ҳаётининг турли йўналишлари бўйича маълумотларда ўз аксини топиши, ўзбек давлатчилиги бой тараққиёт йўлига эга бўлиб келганини кўрсатади. Бундан ташқари дунёга машҳур Страбон, Плутарх, Квинт Курций Руф, Геродот каби тарихчилар билан бирга ўрта асрлар тарихшунослигида сулолавий тарихларга бағишланган асарлар ҳам буни тасдиқлайди. Аммо давлатчиликни бош манбаи бу – халқ ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида ташкил топган илк давлатлар бошқа қабила ва этнослар бирлиги асосида вужудга келади. Кейинчалик эса бу давлатлар сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан заифлиги туфайли улар ўрнида сиёсий жиҳатдан устунликка эга бўлган марказлашган давлатлар ташкил топа бошлайди. Бу марказлашган давлатлар сиёсий-иқтисодий жиҳатдан кучли бўлганлиги туфайлигина узок муддат давомида бошқарув ва стратегияни сақлаб тура олган.

Мавороуннаҳр мўғуллар томонидан истило қилингандан сўнг, улар томонидан амалга оширилган зулм ва шавқатсизлик, қаттиққўллик ва хунрезликлардан ташқари ҳокимият тепасига асосан Чингизхон ва унинг авлодлари бир сўз билан айтганда, мўғуллар сулоласига мансуб вакилларнинг келиши истило қилинган халқларнинг ижтимоий-сиёсий қарашларига тўла зид эди. Мўғуллар ҳукмронлиги эндигина шаклланиб

келаётган ўзбек халқининг миллий тараққиётига салбий таъсир ўтказган ҳолда, асрлар давомида сақланиб ва тараққийпарвар мазмун касб этиб келаётган маданият, маънавият, қадриятлар, илм-фан каби соҳалар ривожига ҳам нуқта қўйган эди. Гарчи ислом дини мўғуллар даврида кенг тарқалган бўлса-да, бу дин, аҳоли онгида дин сифатида кучли эътиқод манбаига айланмаган. Чунки бу даврда ислом динини асосий эътиқод манбаига айланиши учун биринчидан, ижтимоий муҳит йўқ эди иккинчидан, мўғуллар бунга тиш-тирноғи билан қарши эди. Бир сўз билан айтганда, бу давр ўзбек халқи тарихидаги энг оғир кечган даврлардан эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда XIV асрнинг 60-йилларида Мавороуннаҳрда ҳукм сурган нихоятда оғир сиёсий ва иқтисодий вазият мамлакатни бирлаштириб, кучли бир давлат ташкил этишни талаб қилмоқда эди. Амир Темур ўз даврининг бундай талабини яхши тушунган ва у шунинг учун ҳам бор эътиборини Мовароуннаҳрда марказлашган давлат тузишга қаратади. Амир Темур ўз сиёсатининг ғоявий асосини ташкил этишда ўзбек халқининг тарихий илдизлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган турк улусини бирлаштириш мақсадига таянди. Бунда у халқни бирлаштириш учун ягона эътиқодга бирлаштириш лозимлигини тушунган эди. Ягона эътиқод манбаини шакллантириш Марказий Осиёда ислом динининг ролини ошириш, тасаввуф тариқати вакилларига толерант муносабатда бўлиш асосида қурилган эди. Бошқа томондан ушбу даврда тасаввуфнинг нақшбандия сулуки етакчи характер касб этиб, унда меҳнатга, инсонга бўлган рационал муносабат, бошқа сулук, мазҳаб, дин вакилларига толерант кайфият ижтимоий- сиёсий ҳаётда вақт ўтиб уйғониш даври ҳодисасининг шаклланишига олиб келди: “Сўфийлик ғоялари ушбу давр ижтимоий тафаккурига улкан таъсир кўрсатган. Улардан мавжуд жамиятнинг ўткир ижтимоий зиддиятларини ҳал этишда фойдаланилган. Буларнинг ҳаммасини Ўрта Осиё жамиятининг кенг қатламларини қамраб олган кенг ҳаракатларига қиёс этиш мумкин. Бу жараён XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр жамиятида нақшбандия сулуки ва унинг машҳур арбоби Хожа Аҳрор етакчи мавқега эга бўлганда ўз чўққисига кўтарилган” [1].

Бундай юксак ва машаққатли мақсадни амалга оширишда Амир Темур руҳонийлар, ҳарбийлар, савдогар ва шаҳар хунармандларига табақаларига таяниб иш тутган. Бундан ташқари у турк, араб, ва эронликлар тарихини чуқур билган ва амалий жиҳатдан фойда келтира оладиган ҳар қандай билимларни қадрлаган. У давлат ишлари учун ҳамма нарсанинг фойдали томонларини олишга ҳаракат қилган ҳамда давлат аҳамиятига эга бўлган ҳар бир масалани ҳал этишда шу соҳанинг билимдонлари ва уламолари билан маслаҳатлашган.

Хусусан Амир Темурнинг ҳаётлик давридаёқ унинг ҳарбий санъати ва давлат бошқариш услубига бағишланган махсус асар яратилиб, бу асар “Темур тузуклари” деб номланади. Амир Темур ва Темурийлар тарихини тадқиқ этган олимлар фикрича, бу асардаги барча манбалар унинг ўз оғзидан ёзиб олинган. Асарда давлатни бошқариш услублари билан бирга бу борадаги сир-синоатлар шунингдек, Амир Темурнинг давлатни

бошқариш давомида эришган улкан ютуқлари ҳамда уларнинг сабаблари ҳақида сўз боради. Шунинг билан бирга асарда, давлатни бошқаришда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг йўналиши ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларини сайлаш, аскар-сипоҳиларнинг маоши, давлат арбоблари ҳамда қўшин бошлиқларининг бурчи ва вазифалари, амирлар, вазирлар ҳамда бошқа мансабдорларнинг давлат ишларида кўрсатган алоҳида хизматларини муносиб тақдирлаш тартиби ва бошқалар хусусида баён этилади. Албатта Амир Темур ушбу асарда келтириб ўтилган барча услуб ва маслаҳатларга тўла амал қилган ва бусиз у барпо қилган марказлашган давлатни тузиб бўлмасди ҳам. Чунки Мовароуннаҳрда Амир Темур ҳокимият тепасига келмасидан олдинги ижтимоий-сиёсий аҳвол танг ҳолатда бўлиб, Мавороуннаҳр ҳудудида яшаган умумий аҳоли турли этник бирликлар ва уруғ-қабилалар сифатида яшаб, уларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари ҳам турлича бўлган. Бу эса ўз навбатида, ушбу ҳудудда яшаган халқларнинг миллий бирлик ва бирдамлик асосида бирлашишига тўсқинлик қилар эди. Бундан ташқари давлатчилигимиз тарихида давлат бошқаруви ҳақида асар ёзиб қолдирган ягона ҳукмдор Амир Темур ҳисобланади.

У ўз замонаси тартибларига мос равишда жамиятни ўн икки тоифага тақсимласа-да, моҳият эътибори билан бу ўн икки тоифага барча ижтимоий гуруҳлар кирган. Мавороуннаҳрни Амир Темур ва Темурийлар бошқарган даврини таҳлил қилишда “Темур тузуклари” дан ташқари бир қанча бошқа тарихий асарларнинг ўрни катта албатта. Аммо бу асар бошқа асарлардан фарқ қилиб, бу ҳам бўлса унда давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий асосда қуриш ғоясининг кенг тарғиб қилинганилигидир. Амир Темур бу асардан давлатни бошқаришда кенг фойдаланган ва шу билан бирга у давлат ва жамиятни бошқаришда асардан ўзидан кейинги ҳукмдорларнинг ҳам фойдаланишини тарғиб қилган. Шу ўринда Амир Темурнинг қуйидаги гапларини эслатиб ўтиш жоиздир: “Бу тузукларни салтанат ишларини бошқаришда қўлланма сифатида фойдалангайлар... улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар” [2]. Амир Темур ва Темурийлар давридаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар фақатгина ўзбек давлатчилигининг тараққий этган даври сифатида чегараланмай, бу давр миллий шаклланишда муҳим роль ўйнаган ижтимоий-сиёсий омилларнинг юзага чиқиши билан ҳам белгиланади. Бу даврда миллий шаклланишда муҳим роль ўйнаган омиллар асосан давлат манфаатларининг халқ манфаатлари билан уйғунлашиши натижасида миллий манфаатларнинг шаклланишидир.

Шундан келиб чиққан ҳолда бу даврда қуйидаги ижтимоий омилларни халқ ижтимоий ҳаётида мавжуд эди деб ҳисобласак тўғрироқ бўлади:

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш;
- ҳар бир фуқарони эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш;
- халқни ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч, эътиқод манбаининг мавжудлиги;



- минтақада яшовчи барча халқ, элат ва ижтимоий қатламга бирдай муносабатда бўлиш.

Амир Темур ва Темурийлар даврининг тарих олдидаги хизматлари бениҳоя катта. Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал таоқоқликка барҳам бериб, юрт ва халқни ўз ҳукми остида бирлаштира олди ва марказлашган давлатни тузди. Халқ ва миллат ривожини учун зарур бўлган барча ижтимоий-сиёсий омиллар шу даврда юзага чиқди ва бу ўзбек халқининг миллий шаклланишида етакчи роль ўйнади. Бундан ташқари иқтисодий ва маданий соҳадаги улкан ислохотлар хусусан, хунармандчилик, савдо-сотик ҳамда маданият ривожига замин яратиб берди. Шунингдек, бугун биз “Темур ва Темурийлар маданияти”, “Темурийлар давлати”, “Улуғбек ва Самарқанд астрономия мактаби”, “Навоий” ва “Бобур” каби қутлуғ сўзларни нафақат ўзбекнинг балки жаҳон халқлари асарлари саҳифаларида ҳам учратар эканмиз, бу каби ибораларнинг замирида Амир Темурнинг хизматлари беқиёс эканлигини англаб етамиз. Иккинчидан, эса Амир Темур ўзи билиб-билмасдан кўплаб мамлакатларни мустамлакачилик зулмидан озод қилиш билан бирга халқларга эрк бериб, уларни миллат бўлиб шаклланишига имкониятлар яратади.

#### **Адабиётлар:**

1. Каримов Э.Э., Мадаева Ш.О. Темурийлар даврида тасаввуф тариқатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт. // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. 2003, №2. – Б. 34.
2. Тумур тузуклари А.Соғуний ва Ҳ. Караматов таржимаси; Б. Аҳмедов таҳрири остида 1996. – Б. 68.

### **ОИЛАДА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

***Насириддинова О.Т.***

*Тошкент кимё-технология институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада оилада ёшларнинг ҳуқуқи онги, дунёқараши ва ҳуқуқи маданиятини шакллантириш масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар:** оила, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, позиция, қонун, демократик ислохотлар, шахс, фуқаро, жамият, ёшлар.

Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жараёнида жамиятнинг, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ўз навбатида, муайян тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Ижтимоий-иқтисодий ва демократик ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, замонавий бозор механизмини шакллантириш жамиятимиз олдида

фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий хатти-ҳаракатини жаҳон ҳуқуқий маданиятининг барча тан олган андозаларига мослаштириш муаммосини кўяди.

Оиладаги ҳуқуқий маданият, жамият ва шахс умумий маданиятининг кўрсаткичидир. Бинобарин, жамият маданиятининг юксак даражаси, ҳуқуққа нисбатан ҳурмат ва уни теран билиш ҳамда уларга риоя этиш фуқаролик жамияти маданиятининг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Фуқаролик жамияти ўзлигини намоён этишда, муайян мақсад ва эҳтиёжларига эришишда асосан оила каби ижтимоий муассасалар кўмагидан фойдаланилади. Оила фуқаролик жамиятининг узвий таркибий қисми бўлиб, у муайян ижтимоий вазифани ўтайди.

Оила жамиятнинг бирламчи, асосий бўғинидир. Оила инсонларнинг турмуш кечирish ва ҳаёт давомийлигини таъминлаш тарзидир. Шахс маънавияти, унинг дунёқараши, инсоннинг тасаввур ва эътиқодига алоқадор кўникмалар мажмуи асосан оилада шаклланади. Тарбия шакллари аналга оширишнинг яна бир энг қулай йўли, аввало, ота-оналарнинг маънавий ва ҳуқуқий билим савиясини ошириш, уларда соғлом тафаккур ва тарбиялаш дунёқарашини шакллантиришдир. Бинобарин, ота-оналик шундай масъулиятли вазифаки, унинг жамиятимиз манфаатига мос тарзда аналга ошириш учун инсон ҳам маънавий жиҳатдан, ҳам психологик жиҳатдан тайёр бўлиши керак.

Ёшлар давлат ва жамиятнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи ижтимоий қатлам саналади ва ҳар бир жамиятнинг истиқболи унда яшаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий онглилик даражаси билан белгиланади. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир. Зеро, барча даврларда ҳам ёшлар жамиятнинг энг фаол қисми бўлиб келган.

Шу боис ёшлар тарбияси ҳаётий зарур масаладир. Ўтмишнинг буюк донишманд мутафаккирлари ўз давридаги ижтимоий тузумнинг сиёсий-иқтисодий ва маънавий асослари қандай бўлишдан қатъий назар бола тарбияси масаласига биринчи даражали иш деб қараганлар. Шундан маълумки, исталган бир тузумни насл-авлодсиз ёки унинг тарбиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ўз навбатида, ҳуқуқий тарбия узлуксиз бўлиб, уни ёшлиқдан бошлаб бериб борилиши мақсадга мувофиқдир. Болалар мактабгача тарбия муассаларидаёқ хулқ-атвор қоидаларидан хабардор бўлиши, маънавий ва ҳуқуқий нормалар тўғрисида бошланғич тушунчалар олиши, келгуси таълим олиши жараёнида эса бу билимлар кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши зарур.

Ёшларга ҳуқуқий тарбия беришдан кўзланган асосий мақсад ҳар бир ёш инсоннинг ҳуқуқий маданиятни ўзлаштириб олишига эришишдан иборатдир. Ёшларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланишининг шакл ва усуллари ҳар хил бўлгани билан мақсади битта. У ҳам бўлса, ёшларни ҳуқуқбузарлик содир қилишдан қайтариш, уларга қонун, жиноят, жазо нима эканлигини, ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари нималарга олиб келишини

тушунтиришдан иборат. Токи, ёшларда қонунларимизга ҳурмат уйғониб, қонун талабларига қатъий амал қилиш ва қонунбузарликка нисбатан муросасиз бўлиш туйғуси шакллансин. Худди ана шундай туйғугина комил инсон тарбиясида муҳим ўрин тутаети. Зеро комил инсон ғояси азал-азалдан халқимизнинг эзгу орзуси, унинг маънавиятида узвий бир қисм бўлиб келаети [1, 9].

Ушбу масалага фалсафий ёндашадиган бўлсак, тарбиялаш яшашга ўргатиш демакдир. Том маънода, ўзи ҳаёт кечиришни билмайдиган киши бировни яшашга ўргата олади дея ҳеч ким кафолат бера олмайди. Демак, фарзанднинг комил инсон бўлиб шаклланишида, бугунги кунда оилада айнан ота-онанинг маънавий-ҳуқуқий саводхон тарбиячи бўлиши талаб этилади. Холисона фикр юритиладиган бўлинса, ота-она ўз боласини ахлоқий ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Шунинг учун ҳам оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтириш ва уни миллий ғоя руҳида мустаҳкамлаш давлат аҳамиятига молик масаладир. Негаки, ижтимоий ҳаётга юз берадиган ўзгаришлар, ундаги ютуқ ва камчиликлар, салбий оқибатлар, мураккабликлар ва зиддиятлар оилада ўз аксини топади. Оила – жамият негизи, ҳар бир инсонда илк ёшлигидан бошлаб онгида шаклланадиган барча инсоний фазилатлар, эзгу ният-маслаклар, қадриятлар такомил топадиган, ҳуқуқий ва маънавий тарбия амалга ошириладиган муҳитдир. Ўзбек оиласи ўзида кўп асрлик мустаҳкам маънавий қадриятларимиз раванқ топадиган шундай масканки, унинг барқарорлиги ва мустаҳкамлиги жамиятимиз ривожининг муҳим омилларидандир. Агар оиладаги муҳит соғлом бўлса, унда камол топаётган ёш авлод қалби ва руҳига миллий истиқлол ғояларини, қонун устуворлигини сингдириш учун қулай шарт - шароит яратилган бўлади.

Бизнинг миллатимизга хос бўлган муомала маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша ва ор-номус каби туйғулар нафақат тарбия вазифасини, балки, инсоний фазилатларни шаклланишида ҳам муҳим омил родини ўтайди. Бундан ташқари, Шарқда, хусусан, Ўзбекистонда оилавий муносабатларда жамоатчилик, маҳалланинг, донишманд қарияларимизнинг фикрлари доимо эътиборга олинган. Шу жиҳатдан олиб қараганда, маънавий қадриятларимиз ҳамда урф-одатларимизнинг сақланишида, авлоддан-авлодга етказилишида оила ва маҳалла тизимининг родини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Бугунги кунда олимлар олдида турган энг катта муаммо, бу ҳар бир оила аъзоси онгига жамиятимиз маънавияти ва ривожини учун никоҳнинг мустаҳкамлиги катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириш, ёшларда оила институтига нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш ва ҳар бир оилада соғлом мафкуравий тарбия муҳитини шакллантириш масаласидир.

Айниқса, носоғлом оилаларнинг вужудга келиши оқибатида аёллар ва вояга етмаганлар томонидан ҳар турдаги ҳуқуқбузарликлар содир

этилатганлиги жуда ачинарли ҳолатлардандир. Носоғлом муҳитнинг вужудга келишига ўз-ўзидан маълумки, эр-хотиннинг ажралиши туфайли ёки оила аъзоларининг доимий можаролари сабабдир. Бунинг натижаси ўлароқ оиладаги фарзандлар ўзини ҳаётнинг мураккаб синовларига чидаш бераолмасдан ёмон йўлларга кириб кетиши, ҳуқуқбузарлик содир этиши табиий. Айрим оилалардаги бетартиблик, эр-хотиннинг низоли муносабатлари туфайли болаларнинг назоратдан четда қолаётганлиги айни ҳақиқат. Шунингдек, ёшлар ўртасида жиноятчилик, гиёҳвандлик, қолаверса уларнинг ёт оқимларга қўшилиб қолаётганлари носоғлом оила муҳити ва оилавий тарбияда йўл қўйилаётган жиддий нуқсонларга боғлиқ бўлмоқда.

Шаклланиб бўлган дунёқараш кейинги ўзгаришларни қийинчилик билан қабул қилади. Оддийроқ қилиб айтганда, дунёқарашни ўзгартириш ишонч ёки фикрлашни ўзгартиришдан анча қийинроқ кечади. Оила бу – ривожланиб, ўсиб келаётган ёш шахснинг мукамал камол топишининг асосий институти ҳисобланади. Агар разм солиб кўриладиган бўлса, ҳеч қайси давлат органи ёки таълим муассаси ёш ўсиб келаётган шахсга оиласи каби уни комил инсон сифатида шакллантира олмайди. Ота-онанинг йўқлиги ёки оиладаги келишмовчиликлар шахснинг ривожланишига доимо салбий таъсир кўрсатиб келган.

Таъкидлаш жоизки, оилада амалга ошириладиган ҳуқуқий тарбия вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбия шахсларнинг нафақат онгига, балки, уларнинг юриш-туришига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантириш нафақат ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш билан, балки ёш ўсиб келаётган авлодларда қатъий тамойилларнинг шаклланиши, жамият қабул қилган нормаларни (ҳоҳ у ахлоқ нормалари, ҳоҳ қонун кўринишида бўлсин) ҳурмат қилишга ўргатади.

Оилада ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилган тарбияни амалга оширишда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш зарур:

– ёшларни энг аввало демократия асосларига ўргатиш керак, чунки у нафақат ўзининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, бошқа шахсларни ҳурмат қилиш, шахс эркинлиги, ҳуқуқий давлат кабиларни ўрганмоғи даркор;

– ҳуқуқий нормалар яхши ва ёмон, тўғри ва нотўғри каби ахлоқий тушунчалар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Шу сабабдан, ҳуқуқий тарбия этик ва маънавий тарбия билан бирга олиб борилиши лозим;

– ҳуқуқ нормалари ҳақида қизиқарли ва ҳаётда учраб турадиган аниқ вазиятлар ва мисоллар асосида билим бериш зарур. Чунки, мавҳум тусдаги куруқ маълумотлар тарбияланувчининг онгида ҳазм қилинмайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқий тарбия масалаларига давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири сифатида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири бу ёшларни ижтимоий фаол ҳуқуқий ҳулққа эга шахс сифатида шакллантириш эканлигини назарда тутадиган бўлсак, ушбу мақсадга оилада самарали

хукукий тарбия тизимини яратиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишимиз лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида оилада хукукий тарбияни тўғри йўлга қўйиш ва шу орқали оила хукукий маданиятининг юксалишига эришиш, бошқача айтганда, том маънодаги хукукий онгни шакллантириш талаб этилмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Миллий истиқол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент, 2000.

### **ЁШЛАР АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИДА МУТАФАККИР СУФИ ОЛЛОЁР ҚОЛДИРГАН МАЪНАВИЙ МЕРОСИНING АҲАМИЯТИ**

*Юлдашева С.М., Юлдашев О.А.  
Тошкент фармацевтика институти*

**Аннотация.** Мутафаккир Суфи Оллоёр қолдирган маънавий мерос таълим-тарбиявий жиҳатдан ёшларнинг маънавий юксалишида катта аҳамиятга эгадир. Хусусан алломанинг “Саботул ожизин” китоби ислом маърифати хазинасини бойитган бебаҳо манба, маънавиятли баркамол инсонни тарбиялашга қўшилган улкан хисса бўлиб хисобланади. Китобда ислом дини асосларини ўргатувчи илм-ақоид масалалари шарҳи маҳорат билан назм этилган, ундаги панд-насихатлар, танбехлар, ахлоқий тарбия сабоқлари, руҳий камолот дастури бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишига аминмиз.

**Таянч сўзлар:** ахлоқий тарбия, ахлоқий поклик, баданни тоза тутиш, инсоний гўзал фазилат, умуминсоний қадриятлар, маънавий мерос, нафс, дахлдорлик туйғуси.

Ўзбекистон – илм фан, маданият, давлатчилик, қадимдан тараққий этган мамлакатлардан бири. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ўз нутқи ва асарларида бизнинг юртимиздан жаҳон илми хазинасига инсоният тамаддуни тараққиётига, ислом дини қувватига улкан хисса қўшган буюк шахслар етишганлигини – “илдизимиз ниҳоятда бақувватлигини”, буни келажак авлодга англашиб бориш зарурлигини кўп бор таъкидлаб ўтган. “Агарки мендан, ҳозирги кунда маънавиятимизни асраш учун нима қилиш лозим ва унга таҳдид соладиган хуружларга нималарни қарши қўйиш керак, деб сўраса, мен авваламбор шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ўзлигини англаши, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириши, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаши

зарур, деб жавоб берган бўлардим»[1] – деб таъкидлаганлар.

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларида, “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”, – деб кўрсатган эдилар. Шу жиҳатдан авлодимизни баркамол қилишда тарихий – маънавий меросимизга тўхтовсиз мурожаат қилмоғимиз лозим. Улардан бугунги ва эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқармоғимиз керак. Суфи Оллоёрнинг ахлоқ, маънавият ва инсон рухий қиёфаси ҳақидаги таълимотлари баркамол авлод тарбиясида муҳим рол ўйнайди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида – Илм-маърифат ва касб-ҳунарга интилиш, оилани муқаддас билиш, маънавий поклик, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат, эзгу қадриятларга садоқат каби фазилатлар азалдан халқимиз ва миллатимизнинг қонида бўлиб келган. Биз мана шундай бебаҳо меросимизни нафақат асрашимиз, балки уни янада бойитишимиз, келгуси авлодларга безавол етказишимиз кераклиги ҳақида тхўталди.[4]

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ёшларга қарата – “Сизлар кўп китоб ўқиган, билимли авлод вакиллари сифатида юртимиз ўтмишда жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини яхши биласиз.

Сиз – Хоразмийлар, Фарғонийлар, Беруний ва Ибн Синолар, Улуғбек, Навоий ва Бобурлар, Бухорийлар ва Термизийлар авлодасиз.

Ана шундай буюк ватандошларимиз яратган бебаҳо билим ва кашфиётлар бугун ҳам инсониятга беқиёс хизмат қилмоқда”фахр билан тўлқинланиб гапирди.[4]

Маълумки, мутафаккир Суфи Оллоёр қолдирган рисолалари таълим-тарбиявий жиҳатдан Ўрта Осиё халқларининг маънавий юксалишида катта аҳамиятга эгадир. Мақсадимиз “Бундай улуғ зотларнинг ҳаёт йўли ва қолдирган меросини тўлиқ тасвирлаш эмас, балки уларнинг энг буюк намояндалари тимсолида маърифат, илму фан, маданият, дин каби соҳаларнинг барчасини ўзида уйғунлаштирган халқимизнинг маънавий олами нақадар бой ва ранг-баранг эканини исботлаб беришдан иборат.”[2]

«Саботул ожизийн» асари Сўфи оллёр қаламига мансуб бўлиб, аҳли сунна вал жамоа эътиқодини назмий услубда баён этган мўътабар асар ҳисобланади. «Сўфи Аллоҳёр» номи билан ҳам машҳур бўлган ушбу асар 20 аср бошларигача Ўрта Осиё мадрасаларида ўқитиб келинган. Илм даргоҳларида талабаларнинг саводлари маълум даражада чиқарилгандан сўнг «Саботул ожизийн» асари ёдлатилган. Чунки бу асарда ақоид масалалари билан бирга ахлоқий фазилатлар ҳам содда ва равон услубда баён қилинган. Шунинг учун ҳам улуғ устозлардан бири бу асарни: «Саботул ожизийн» мағзи Куръондир», дея таърифлаган. «Саботул ожизийн» асари 19-аср охири ва 20-аср бошларида Қозон, Боку, Тошкент ва Бухоро шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган. Бу эса асарга талаб жуда катта бўлганига далолат қилади.«Саботул ожизийн» асари аҳли илмларни доимо ўзига жалб қилиб келган. Шу сабабли унга кўплаб шарҳлар ёзилган

ва ёзилмоқда. Жумладан «Рисолаи Азиза», «Иршадул ғаизийн» ва «ҳидаятут толибийн» сингари асарлар «Саботул ожизийн»нинг энг машхур шарҳлари ҳисобланади.

Суфи Оллоёр бобомиз “Мурод ул-орифин” (“Донолар мақсади”), “Тухфат ул-толибин” (“Толиблар совғаси”), “Маслак ул-мутаккин” (“Ишончли маслак”) ва “Саботул ожизин” каби асарларини мерос қолдирганлар. Хусусан алломанинг “Саботул ожизин” китоби ислом маърифати хазинасини бойитган бебаҳо манба, маънавийтли баркамол инсонни тарбиялашга қўшилган улкан хисса бўлиб ҳисобланади. Авлодлар тарбиясида бу китобнинг тутган муҳим ўрни шундаки, икки юз йилдан ортиқ давр мобайнида мактаб ва мадрасаларда дарслик, қўлланма сифатида ўқитилди. Китобда ислом дини асосларини ўргатувчи илм-ақоид масалалари шарҳи махорат билан назм этилган, ундаги панд-насихатлар, танбеҳлар, ахлоқий тарбия сабоқлари, руҳий камолот дастури бўлиб келган ва шундай бўлиб қолишига аминмиз. Мазкур асарларидан “Саботул ожизин” китоби содда ва жонли халқ тилида ёзилганлиги учун халқ оммаси ўртасида кенг тарқалгандир.

Бизга маълумки, Суфи Оллоёр тасаввуф илмининг йирик намоёндаларидан биридир. Суфи Оллоёрнинг “саботул-ожизин” китоби асосан ислом дини ва тасаввуфнинг қонун-қоидалари ва маросимларига бағишланган. Булардан ташқари, Суфи Оллоёрнинг ушбу китобида мусулмонларнинг хулқ-одоб қоидаларига амал қилишлари ҳақида кўрсатмалар ҳам берилган. Буларга ахлоқий поклик, баданни тоза тутиш, кийим-бош, уй-жойни озода сақлаш, либос кийиш каби қоидаларига амал қилиш киради.

Суфи Оллоёрнинг ушбу китобида инсон ва унинг хулқий фазилатлари, инсоний қадриятларни тарғиб қилувчи ғоялар, ижтимоий-психологик ва ахлоқий мазмунга бой фикрлар кўплаб учрайди ҳамда улар тасаввуф мазҳаби нуқтаи назаридан талқин қилинади. Хусусан, унда зоҳидларнинг хулқ атвори, юриш-туриши тўғрисида гап кетар экан, шоир уларни ахлоқий поклик ва руҳий камолотга чақиради. Суфи Оллоёрнинг фикрича “зоҳид” киши сахий, очиқ юзли мурувватли ва энг муҳими, ширин суҳан ва хушмуомалали бўлиши лозимлиги таъкидлайди:

Шоир ширин суҳанлик ва мулоимликни хайирли ишларнинг асоси деб ҳисоблайди. Зеро, бундай хислатга эга бўлган одам уруш-жанжалсиз бировни кўлга олиши, гумроҳларни тўғри йўлга бошлаши, харом харишлардан ўзини тийиши мумкин.

Суфи Оллоёр рисолаларида ширин сўз ва мулоим кишиларни улуғлаб уларни жамиятнинг ибратли аъзолари сифатида изоҳлайди.

Шоирнинг хар бир мисрасида инсоний гўзал фазилатлар ва умуминсоний қадриятлар улуғланади. Инсоннинг маънавий юксаклиги ва руҳий камолоти тўсқинлик қилувчи салбий хулқ атвор кўринишлари танқид қилинади:

*Қулоқ солма вале беъмани сўзга,  
Эшитсанг кўб у ердин ўзга ерга.*

Бундан ташқари Суфи Оллоёр ушбу китобда жохил кишилар билан ҳеч қачон бахслашиб бўлмаслиги ҳар қандай жохил сўзни ширин юмшоқ муомала билан енгиш мумкинлигини насихат тарзида баён этади: Суфи Оллоёрнинг “саботул ожизин” [3] китобининг устоз-шогирд муносабатларига тўхталиб – “Ҳар бир ишда етук устоз истамакнинг баёни” ҳақида шундай келтирилган: Суфи Оллоёрнинг “саботул ожизин” китобининг ҳар бир бўлимида ижтимоий ҳаёт муаммолари инсон ва унинг муносабатларининг ижтимоий-психологик масалалари ҳамда инсоннинг маънавий рухий қиёфаси тасвирлаб берилган.

Суфи Оллоёрнинг “Саботул ожизин”дан кўзда тутган бош мақсади нафсни турли иллатлардан поклаш йўли бўлиб, ахлоқ тарбияси ҳамда комил инсонни вояга етказиш эди.

Хуллас, Сўфи Оллоёр адабий мероси ўзбек мумтоз адабиёти ва тасаввуф тарихида алоҳида ўрин тутди. Агар Ҳожа Аҳрор Валий, Маҳдуми Аъзам каби бобокалонларимиз Нақшбандия таълимотларини ижтимоий ҳаётга тадбиқ этишга намуна кўрсатган бўлсалар, Сўфи Оллоёр бу тариқатнинг таълим тизимини миллий мадрасаларга ҳам олиб кирди. Улуғ олимнинг «Маслакул муттақин» асари Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Ироқ, Татаристон ва бошқа ўлкаларда бир неча бор чоп этилган.

“Саботул ожизин” китобининг рухий, маънавий, ижтимоий ва тарбиявий аҳамияти юксакдир. Зеро, биз бугунги кунда миллий маънавиятни ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўяр эканмиз маънавиятни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил қилиб уларнинг бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Йиллар ўтаверади, ҳаёт давом этади. Вақт отлиғ ҳакам ажодлар ва авлодлар ўртасидаги даврий масофани узоқлаштиради, аммо улар ўртасидаги рухий ришталарни, бой меросни, ҳаётини аъмолларни ўзаро бири-бирига мустаҳкам боғлайди. Сўфи Оллоёр сингари улуғ ажодларимизнинг маънавий мероси келажак авлодлар учун ҳам хизмат қилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ёшларга қарата-“ Энг муҳими, бу улуғ алломаларимиз ўзларининг оламшумул кашфиёт ва ихтироларини сизнинг ёшингизда – айна кучга тўлган навқирон чоғларида амалга оширганлар. Сиз ҳам буюк ажодлардан ибрат олиб, ҳаётда мўъжизалар яратишга астойдил интилишингиз керак.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб, сизларга айтадиган маслаҳатим шу: Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония вақтингиз ҳам бекор ўтмасин! Ёшлик – умрнинг энг бебаҳо даври. Илм ва билим – ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бойлик эканини асло унутманг![4].

#### **Адабиётлар:**

- 1.И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – Б. 17.
- 2.И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т., 2008. – Б. 44.
- 3.Шухрат Сирожиддинов. Сўфи Оллоёр илоҳиёти. 1-қисм. Т., 2001.



4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи. Т., 2020 й.

## **SHAXSNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARIDA DIQQATNING ROLI**

*Soliyev A.A., Mirvaliyeva M.Y.  
O'zbekiston Milliy Universiteti*

**Annotation.** This article examines the role of attention in a person's psychological characteristics and covers the topic of attention extensively. Attention and its features and mechanisms are emphasized.

Diqqat inson faoliyatining barcha turlarini muvaffaqiyatli amalga oshirishning va ularni samaradorligini ta'minlovchi muhim shartlardan biridir. Kishi faoliyati qanchalik murakkab, serzahmat, davomiylik jihatdan uzoq muddatli, mas'uliyat hissini taqozo qilsa, u diqqatga shunchalik yuksak shartlar va talablar qo'yadi. Inson ziyrakligi, farosatliligi, tez payqashi, sinchkovligi, dilkashligi uning turmush sharoitida, shaxslararo munosabatida muhim omil sifatida xizmat qiladi. Diqqat aqliy faoliyatning barcha turlarida ishtirok etadi, insonning xatti-harakatlari ham uning ishtirokida sodir bo'ladi.

Psixologiya fanida diqqatga shar xil ta'rif beriladi, uni yoritishda psixologlar turli nazariyaga asoslanib yondashdilar. Diqqat deb ongni bir nuqtaga to'plab, muayyan bir ob'ektga aktiv (faol) qaratilishi aytiladi (P. I. Ivanov). P. I. Ivanovning fikricha, biz faoliyatimiz jarayonida idrok va tasavvur qiladigan har bir narsa, har bir xodisa, o'zimiz qilgan ishimiz, o'y va fikrlarimiz diqqatning ob'ekti bo'la oladi.

N.F.Dobrinin, N.V.Kuzmina, I.V.Straxov, M.V.Gamezo, F.N.Gonobolin va boshqalarning nuqtai nazaricha, diqqatning vujudga kelishida ongning bir nuqtaga to'planishi ong doirasining torayishini bildiradi, go'yoki ong doirasi bir muncha tig'izlanadi. Bunday torayish va tig'izlanish natijasida ong doirasi yanada yorqinlashadi. Ongning eng toraygan, tig'izlangan yorqin nuqtasi diqqatning markazi (fokusi) deb nomlanadi. Xuddi shu markaz (fokus) ga tushgan idrok qilinayotgan jismlar, tasavvur obrazlari, o'y va fikrlar to'la, yorqin va aniq ifodalanadi. Jashon psixologlarining fikricha, diqqat uzluksiz ravishda, muayyan darajada aktivlik xususiyatini saqlab turadi. Bunday aktivlik, ongning biron bir ob'ektga yo'nalishining kuchayishi va ma'lum vaqt davomida diqqat yo'naltirilgan narsaga ongning faol (aktiv) qaratilishini regulirovka qilib turadi hamda mazkur holatning saqlanishini ta'minlaydi.

Shuni alohida ta'kidlab o'tish kerakki, diqqat sezgi, idrok, xotira, tafakkur, xayol, nutq kabi aloshida psixik jarayon emas. Shuning uchun barcha psixik jarayonlarda qatnashadi, ularning mahsuldorligini oshirishga ta'sir etadi. Shu boisdan diqqat qaratilgan ob'ektlar ong to'plangan nuqtasida aniq, yaqqol aks ettiriladi. Demak, diqqat-aqliy jarayonlarning sifati, mahsuldorligi va samarador-

ligini ta'minlovchi insonning ichki aktivligidan iboratdir. Shuningdek, u har qanday inson faoliyatining zaruriy shartidir.

Psixologiya tarixining sahifalarini varaqlasak, diqqatning kishi faoliyatidagi roliga berilgan yuksak va qimmatli mulohazalar uchraydi.

Jumladan, fransuz olimi Kyuve geniallikni chidamli diqqat deb ta'riflashi, Nyutonning kashfiyot fikrini doimo shu masalaga qaratilish jarayoni deyishi, Ushinskiyning diqqat psixik shayotimizning yagona eshigi deb basho berishi bunga yorqin misol bo'la oladi.

Bilish jarayonlari kechishining eng muhim xususiyati uning tanlovchanlik va yo'nalganlik bilan xarakterlanadi. Shu boisdan inson atrof-muhitning ko'plab qo'zg'atuvchilari, ta'sirlari orasidan alohida nimanidir idrok etadi, faraz qiladi, allaqaysi narsa tog'risidagina mulohaza yuritadi, xolos. Ongning bu xossasi diqqat xususiyati bilan boqliq ravishda namoyon bo'ladi. Diqqat bilish jarayonlari singari o'zining alohida mazmuniga, muayyan mahsuliga ega emas, shuning uchun u barcha jarayonlarning jo'shqinligi, ildamligini ta'minlaydi. Demak, diqqat individning hissiy, aqliy yoki harakatlantiruvchi faolligi darajasining oshirilishini taqozo etadigan tarzda ongning yo'naltirilganligi va biror narsaga qaratilganligidir (E.B.Pirogova). Berilgan ta'rifga binoan, ushbu yo'naltirilganlik sub'ektning eshtiyojlariga, uning faoliyati maqsadlari va vazifalariga mos keladigan ob'ektlarning tanlanganligida, ixtiyorsiz yoki ixtiyoriy tanlashda va ajratishda vujudga keladi.

Diqqat muayyan ob'ektga to'planishi ko'p jihatdan insonning his-tuyg'usi, irodaviy sifati, qiziqishi kabilarga boqliqdir. His-tuyg'ular va emotsional holatlar diqqatning ob'ekti bilan uzviy bog'langandagina uning uchun ijobiy ahamiyat kasb etadi. His-tuyg'ular, emotsional holatlar qanchalik kuchli va ko'tarinki tarzda namoyon bo'lsa, demak diqqat ham shunchalik ob'ektga mustahkam qaratiladi. Hislar, emosiylar diqqatning ham ixtiyorsiz, ham ixtiyoriy turlarini zo'raytiradi. Insonning amaliy va aqliy faoliyati jarayonida uning ongi muayyan darajada yangi bilimlar ma'lumotlar bilan boyib borishi natijasida diqqat sham takomillashadi. Yangilikni payqash hissi odam aqliy faoliyatini faollashtiradi (aktivlashtiradi), shu bilan birga, diqqatning ob'ektga uzoqroq to'planishini ta'minlaydi. Insonning barqarorlashgan kayfiyati diqqatning kuchi va ildamligini oshiradi, tanlovchanligiga ijobiy ta'sir etadi. Stress, affekt singari emosional sholatlar diqqatga salbiy ta'sir etib, uning tashqi ta'sirlariga beriluvchan, kuchsiz qilib qo'yadi. Ana shuning oqibatida diqqat chalqiydi, bo'linadi, parishonlik namoyon bo'ladi, faoliyatdagi bir tekislik buziladi.

Psixologiyada diqqatning ixtiyoriy turi, ko'pincha irodaviy deb nomlanadi. Bu, albatta, bejiz emas, chunki diqqatning muayyan ob'ektga yo'naltirilishi iroda kuchi bilan saqlab turiladi. Hatto ixtiyorsiz diqqat faoliyatida qatnashsa, u ham irodaning zo'ri bilan yo'naltirilgan ob'ektda to'planib turadi. Irodaning faoliyatni amalga oshirishda ishtirok qilishi ko'p jihatdan kishining maqsadiga intilishi, ishchanlik qobiliyati, psixologik tayyorligiga boqliq. Shu boisdan diqqatning kuchi, barqarorligi, mustahkamligi ildamligi odamning muayyan faoliyatini bajarishga moyilligi, shayligi bilan o'lchanadi. Diqqatning yuksak darajada mujassamligini ta'minlab turishda odamning faoliyatni bajarishga

muvofiglashgani muhim rol o'ynaydi. Har qanday faoliyatni amalga oshirishning boshida qiyinchiliklar yuzaga keladi va ular kishidan irodaviy zo'r berishni talab qiladi.

Diqqatning ob'ektga to'planishi, mustahkamlanishi odamning qiziqishlariga bog'liqdir. Hatto ixtiyorsiz diqqatning faoliyatda mujassamlashishida kishining ishtiyoqi va qiziqishi katta ahamiyatga egadir. Odatda faoliyatga qiziqish bevosita va bilvosita shaklda namoyon bo'ladi. Bevosita qiziqish faoliyat jarayoniga, xatti-harakatlarning o'ziga, ish uslublariga qaratilgan qiziqishdan iboratdir. Bilvosita qiziqish esa, faoliyatning maqsadga, uning natijasiga yo'naltirilgan qiziqishdir. Ixtiyoriy, irodaviy diqqat bilvosita qiziqish bilan aloqadordir.

Psixologik ma'lumotlarning tahliliga ko'ra, diqqatning ob'ektga to'planishi va mustahkamlanishi ko'zlangan maqsadni, faoliyat mahsulining zarurligi hamda sifatining ahamiyatini inson tomonidan anglash orqali ta'minlab turiladi. Faoliyat maqsadini anglash o'z ish-harakatida kishi diqqatining yuksak darajada mujassamlanishini ta'min etuvchi eng muhim shart va sharoitlardan biridir.

Diqqatning ixtiyorsiz va ixtiyoriy ravishda vujudga kelishi o'zining yo'nalishiga ko'ra tashqi va ichki bo'lishi mumkin. Agar diqqatning manbai ongimizdan tashqarida bo'lsa tashqi deb ataladi. Masalan, shofer, tikuvchi, muharrir kabilarning faoliyatida sodir bo'ladigan diqqat tashqi diqqatdir. Tashqi diqqat faqat idrok qilish jarayonidagina namoyon bo'lmasdan, balki fikr yuritilayotgan narsalarga sham qaratiladi. Jumladan, ixtirochining o'zi yaratgan narsasini tasavvur qilishi, rassomning obrazlarni kashf qilish jarayoni, muhandisning to'qon qurilishini ko'z o'ngiga keltirish bilan bog'liq holatlar bunga misol bo'la oladi.

#### **Adabiyotlar:**

1. Jumanazarov Yo. Yosh psixologiyasi va pedagogik psixologiya. Namangan, 2005. 172 b.
2. Ivanov P.I. Zufarova M. Umumiy psixologiya T.2014.304 b.
3. Haydarov F.I. Xalilova N.I. Umimiy psixologiya. T.,2010. 358 b.
4. [www. library.com](http://www.library.com)
5. [www. psychology.net.ru](http://www. psychology.net.ru)

## **ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ**

***Отамуратов С.***

*Ўзбекистон Миллий Университети*

**Аннотация.** Мазкур мақола ёшларнинг инновацион тафаккурини шакллантириш, интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантиришга бағишланган бўлиб, унда ёшларнинг ижтимоийлашувини ривожлантириш учун инновацион ғояларини моддий жиҳатдан таъминланишга эришиш, яратилган инновацион ғояларнинг амалиётга татбиқ қилишни ташкилланштиришнинг муҳим жиҳатлари ёритилган.

**Калит сўзлар:** инновация, илм-фан, техника, технология, ёшлар, янгилик, ихтиролар.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг, бозор иқтисодиётга асосланган демократик жамият қуриш стратегик вазифа сифатида белгиланганди, уни амалга оширишда илм, техника ва технология соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш, ҳар бир соҳада ўзгараётган макон ва замонга мос равишда янгиликлар яратиш зарурияти пайдо бўлди, пировардида инновация тушунчасининг илмий адабиётда қўлланилиши ҳам оммалаша бошлади.

Албатта, бу тушунча илгари ҳозирги кундаги каби маъно-мазмун ёки аҳамиятга эга бўлмаган, балки «илм-фан тараққиёти», «илм-фандаги инқилоб», «илмий-технологик инқилоб» каби турли тушунчалар шаклида илм-фан, техника ва технология соҳасида яратилган янгиликларни ифодалашга хизмат қилган ва қўлланиб келинган.

«Инновация» тушунчасига дастлаб фойда олиш омили сифатида қаралган, янги тушунча сифатида илмий таърифлар берилган. Хусусан, «Инновация» тушунчаси ва унинг илмий назариясини 1911 йилда Й.Шумпетер «Ижтимоий ривожланиш назарияси» асарида ишлаб чиққан. У бу тушунчани иқтисодий, яъни тадбиркорликни жорий қилиш воситасида фойда олиш омили сифатида киритган [1]. «Фалсафа энциклопедик луғат»да, унга қуйидагича таъриф берилган: «Инновация» (инг. Innovations – киритилган янгилик, ихтиро) олдин мавжуд бўлмаган предмет, тузилма, қадрият ва фаолият методлари (технологиялари)ни яратиш, пайдо бўлган янгиликларни, белги, образ ва символларда ифодалаш, ижтимоий ўзлаштириш ҳамда тарқатиш орқали жамият ва инсон ҳаётининг барча соҳасига татбиқ қилиш жараёни» [2].

Инновация тушунчасига бир қанча таъриф берилган ва бу жараён, табиийки, яна давом этади. Чунки бу тушунча сиртдан содда ва осондек туюлса-да, лекин кўп қиррали ва мураккабдир. Бу, бир томондан, унинг инсон фаолиятининг барча соҳаси билан боғлиқлигида, иккинчидан, янгилик яратиш, уларни ишлаб чиқариш ва амалиётга татбиқ этиш, пировардида амалда самара ва натижадорликни ошириш ва таъминлашда намоён бўлади. Бу фикрларимизга асосланиб айтиш мумкинки, «Инновация» илм, фан, техника, технология, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларида кеча мавжуд бўлмаган, бугун инсониятнинг интеллектуал салоҳиятининг амалиётдаги натижаси сифатида янгидан яратилган янгилик ва ихтиролар ва уларни амалиётга татбиқ этилиши жараёнидир.

Янада содда қилиб айтганда, инновация инсон интеллектуал фаолиятининг ҳосиласи сифатида юзага келадиган янгилик ва ихтиролардир. Инновация инсоният тарихининг барча босқичида рўй берган. Лекин, уларнинг амалиётга татбиқ этиш даражаси ва самараси бир хилда кечмаган. Улар ҳар бир давр тараққиёти ва инсон интеллектуал салоҳияти ривожланишига мос

равишда шаклланган, ривожланган, бугун эса янги босқичда унинг эҳтиёжларининг инъикоси сифатида намоён бўлмоқда.

Инновация кенг қамровли тушунча бўлганлиги, уларнинг барчасини умумлаштирган ҳолатда бир мавзу доирасида тадқиқ қилиш мураккаблиги боис бу ўринда фақат ижтимоий соҳадаги инновацион жараёнлар ҳақида фикр юритамиз.

Бизнинг фикримизча, ёшларни ижтимоий соҳадаги инновацион жараёнларда фаол иштирок этиши учун: а) уларда инновацион тафаккурни шакллантириш; б) интеллектуал салоҳиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш; в) жамиятда ёшлар ижтимоийлашувини ривожлантириш, яъни турли ижтимоий гуруҳ ва қатламлар билан ягона мақсад йўлида ҳамкорликни мустаҳкамлаш; г) инновацион ғояларнинг моддий жиҳатдан тўлиқ таъминланишига эришиш; д) яратилган инновацион ғояларнинг амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилиш лозим.

Бугунги кунда бу йўналишда қандай муаммолар мавжуд? Бир томондан инновацион ғоя ва ихтироларга эҳтиёж ортиб, ёшларнинг бадий ва санъат асарларига бўлган қизиқиши «сўниб» бораётган бўлса, иккинчи томондан уларнинг ўрнини бугунги шароитда интернет, мобил телефон ва шу каби турли оммавий коммуникация технологиялари эгаллаётир. Оммавий коммуникация технологиялари инсонга китобни бевосита ўқиш, воқеа ва жараёнлар ҳақида мулоҳаза юритиш, тегишли хулосалар чиқариш ҳамда янги фикрларга эга бўлиш имкониятини бера олмайди. Бундан ташқари улар воқеа ёки жараёнларни «механик» тарзда етказиб, мушоҳада учун вақт «қолдирмайди», тезкорлиги эса китобни бевосита ўқишдан ҳосил бўладиган маънавий озуқани тухфа этолмайди. Зеро, буни китоб ўқийдиган ҳар бир фаол инсон яхши билади. Аммо, бу ғояни ёшларнинг англаши ва улар ўртасида омалашуви ҳамон мураккаб кечмоқда.

Бироқ, бугунги глобаллашув, шиддатли воқеалар ва ахборот асрида интернет, мобил телефон ва замонавий оммавий коммуникация технологиялари инсон ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда. Уларнинг макон ва замонда кечаётган ўзгариш, янгилик ва ихтироларни фуқароларга тезкор етказа олиш имкониятини сира инкор қилиб бўлмайди. Гап шундаки улар инсон тафаккурини «чархлаш», мулоҳаза ва мушоҳада юритишда китобчалик руҳий ва маънавий озуқа бера олмайди.

Айни шу маънода ёшларни бадий, санъат, илмий ва бошқа жанрдаги асарларни мутолаа қилишга йўналтириш уларда инновацион тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга саналади. Айни пайтда мамлакатимизда ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар истиқболда ижобий самарасини бериши шубҳасиз. Бироқ унга фақат изчиллик билан ҳар кун, ҳар доим этиборни кучайтириш талаб этилади. Акс ҳолда ёшларимиз оммавий ахборот воситалари (жумладан, Интернет)дан тарқалаётган воқеа, ҳодиса, янгилик ва ихтироларни робот «онги» даражасида қабул қилишга кўникади, пировардида инновацион тафаккур шиддат билан ўзгараётган давр талабларидан орқада қолиб кетади.

Ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликни ривожлантиришнинг яна бир муҳим йўналиши – бу янги авлодга мамлакатимизда фан, техника, технология соҳаларида амалга оширилаётган тадқиқотларга кенг жалб қилиш, бу соҳада қўлга киритиладиган ютуқларнинг иштирокчисига айлантиришга эришиш ва, айти пайтда, мавжуд муаммолар ечимини излашга кенг жалб қилиш ҳамда ечимини топа билиш қобилияти ва салоҳиятини ривожлантириш орқали уларда ўзига ишонч муҳити ва руҳиятини шакллантиришдир. Бундай муҳит ва руҳиятни шакллантиришда, албатта, таълим тизими етакчилик қилиши лозим.

Ёшларда мамлакатда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси, эгаси ва истеъмолчиси руҳиятини шакллантиришга эришиш уларнинг ижтимоий-инновацион фаоллигининг ошишига ижобий таъсир ўтказди. Бундай руҳиятнинг шаклланиши, ўз навбатида, ёшларда жараёнда яратилаётган бойликлар катта меҳнат эвазига юзага келаётгани, яъни меҳнатнинг қадрини англашга ёрдам беради, уларни яратувчиликка бўлган интилишини кучайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, ўзларининг меҳнати эвазига яратиладиган моддий ва маънавий бойликларни кадрлаш, уларни ишлаб чиқишга бўлган қизиқишини оширади. Янгилик ва ихтироларни моддий ва маънавий бойликлар ишлаб чиқаришга жорий этишга нисбатан рағбат уйғотади ва шу тариқа ёшларда ижтимоий-инновацион фаоллик ортиб боради.

Ёшларда ижтимоий-инновацион фаолликни оширишдаги яна бир муҳим омил, улар яратган янгилик ва ихтироларни нафақат рағбатлантириш, балки амалиётга татбиқ ҳам қилишдир. Шу боис бир қатор тараққий топган мамлакатлар уларнинг олий ўқув юртларида ўзларининг йўналиши бўйича маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган «корхона», «фабрика» ва ихтиролар яратишга хизмат қиладиган конструкторлик жиҳозлари ташкил этилган. Уларда асосан талаба ёшлар фаолият олиб боради, ишлаб чиқарган маҳсулотларидан келадиган фойдадан даромад кўради. Бу тажрибадан биз ҳам самарали фойдалансак ёшларимизда инновацион ғояларга қизиқиш ва интилиш кучайиши шубҳасиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. Капитализм, социализм и демократия. – М., Прогресс, 2008.
2. Фалсафа энциклопедик луғат.–Т., Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2010. – Б.138.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь.
4. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадларимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир//“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойидаги нутқи. – “Халқ сўзи”, 2017, 1 июль.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиётимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз, 1-жилд. Тошкент.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б.535.

6. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон ёшларига байрам табриги. 2018 й., 29 июнь, www.president.uz.
7. “Yoshlar – kelajak bunyodkori” шиори остидаги уюлмаган ёшлар билан олиб борилаётган ишларда натижадорликка эришишнинг илмий-амалий масалаларига бағишланган республика конференцияси. Тошкент.: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 3-5.
8. Авесто” тарихий-адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. Тошкент.: “Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2015. – Б.120.
9. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Тошкент.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.

## **EKOLOGIK BARQARORLIKNI TA'MINLASHDA EKOLOGIK ONG VA MADANIYATNING O'RNI**

*Ostanov J., Suvanova D.*

*Samarqand veterinariya meditsinasi instituti*

*“Agar mendan sizni nima qiynaydi?” deb so‘rasangiz, farzandlarimizning ta’lim va tarbiyasi deb javob beraman.*

*Shavkat Mirziyoyev*

Inson tabiatning bir bo‘lagi bo‘lgan holda, u bilan munosabat orqali ekologik madaniyat shakllana borishi tufayli tabiatni muhofaza qilish va ulardan oqilona foydalanishni tartibga solishda uni boshqarish uchun tabiat qonunlarini kashf qilib kelgan. Ammo inson o‘zining tabiatga ta’siri orqali undagi muvozanatni buzdi va tabiat hodisalarining davriy ketma-ketligini izdan chiqardi.

Ayni damda yoshlarimizning ekologik huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirishga xizmat qiluvchi ekologik ta'lim-tarbiya umumiy ta'lim tizimining ajralmas bo‘g‘ini bo‘lib, uning asosiy joyalarini o‘zida mujassam etgan. Ekologik madaniyatni oshirishda hozirgi kungacha ko‘plab amaliy ishlar qilindi. Ekologik ta'lim kontseptsiyasining ishlab chiqilishi, ekologiyadan davlat ta'limi standartining yaratilishi, bir qancha dasturlar, to‘plamlar chiqilgani, metodik qo‘llanmalarining tayyorlanganligi, bir qator respublika miqyosida o‘tazilgan anjumanlar shular jumlasidandir. Mavjud muammolarni hal etish uchun O‘zbekistonda yangi ijtimoiy harakatlar qatori ekologiya va salomatlik xalqaro jamjarma "Ekosan" tashkil etildi.

Taraqqiyotning bugungi bosqichida fuqarolarning ekologik madaniyatini oshirish masalasi dolzarb muammolardan biridir. Ekologik madaniyat umuminsoniy qadriyatlarning maxsus namoyon bo‘lishi sifatida tabiatga munosabatlarning yangi yo‘nalishlarini vujudga keltiradi. Xalqimizda "Buloq suvi qurimaguncha inson uning qadriga yetmaydi" degan ibratli maqol bor. Darhaqiqat, necha asrlar davomida inson o‘zining taraqqiyoti jarayoni bilan birga ekologiya inqirozi jarayonini tezlashtirdi. Jamiyatning rivojlanib borishi bilan

insonlarning atrof-muhitga bo'lgan ta'siri o'sib boradi. Inson tabiat bilan, ya'ni o'simliklar, hayvonot dunyosi hamda yer osti va yer usti boyliklari bilan o'zaro muloqotda bo'ladi. Ekologik muammolar kengayib, ularni hal etish dolzarb vazifa bo'lib qolgan hozirgi davrda bu muammolarni hal qilishda insoniyat uchun asosan ekologik ong va ekologik madaniyatning o'rni beqiyosdir. Tabiat va inson o'rtasidagi munosabat ma'lum bir qonunlar orqali boshqariladi, ularga rioya qilmaslik ertami kechmi, albatta ekologik halokatga olib keladi. Bu muammo o'zining insoniyatga keltirayotgan va keltirishi mumkin bo'lgan fojiali oqibatlari jihatidan yadro urushi halokatidan keyin ikkinchi o'rinda turadi. Albatta, ilmiy-texnikaviy rivojlanish natijasida, turli soha ilm va texnologiyalarining taraqqiyoti, yangi energiya manbalari va kimyoviy moddalarning paydo bo'lishi, tabiiy resurslardan yovuzlarcha foydalanish natijasida havo, suv ifloslanadi, insoniyatni boquvchi yer yaroqsiz holga kelib, oqibatda uni yashash muhitidan mahrum etadi. Hozirgi davrda insoniyat, u qanday xavf qarshisida kelib qolganligini tushunib yetdi, atrof-muhitga inson faoliyati tufayli yetkazilayotgan zarar qanday natijalarga olib kelganligini yaqqol his etdi. Inson faoliyatining natijasida atrof muhitga ancha sezilarli o'zgarishlar ro'y bermoqda. Bular asosan hozirgi kunda mavjud bo'lgan ekologik xavfsizlik klassifikatsiyasida bo'lgan: umumsayyoraviy, mintaqaviy, milliy, lokal ekologik xavfsizliklar mamlakatimiz hududini ham chetlab o'tmadi. Bu xavflardan ozon qatlami muammolari, ya'ni yemirilishi, iqlimning o'zgarishi, cho'llanish, toza ichimlik suvi tanqisligi, Orol dengizi muammosi, hayvonot va o'simlik dunyosi turlarining qisqarib borishi, o'simlik dunyosining noqonuniy kesilib borishi, yer degradatsiyasi, suv resurslari tanqisligi, atmosfera ifloslanishi shular jumlasidandir. Ekologik fojialarning bu darajadagi jadallashib borishida ekologik ong va ekologik madaniyat alohida o'rin tutadi. Shu ma'noda, o'z qobiliyatini ro'yobga chiqarish, o'zlikni anglash va asrash muammosi doim inson ekologiyasining bosh muammosi bolib kelgan. M.Monten o'z vaqtida *“Dunyoda eng muhimi o'zlikni saqlashdir”* [1], deb bejiz yozmagan.

Ekologik ong va ekologik madaniyatning asosiy vazifasi xalqimiz ekologik madaniyatini oshirish orqali huquqiy fuqarolik jamiyati tamoyillari asosida tabiatdan foydalanishni yo'lga qo'yish, tabiatni muhofaza qilish sohasida Davlat nazorati bilan bir qatorda jamoatchilik nazoratini kuchaytirish, xalqimiz ongi va madaniyatida ona Vatanimiz tabiatiga bo'lgan mehr-muhabbatini oshirish, uni asrab-avaylash va kelgusi avlod uchun zarur hayotiy sharoitlar qoldirishimiz kerakligini ko'rsatishdir. Lekin xalqimiz eng avvalo yosh avlodni ona Vatanga muhabbat, xalqiga sodiqlik, ongida millatimiz va davlatimiz rivojiga xavf solib turgan xodisalarga, shu jumladan, ekologik xavfga ham, faqat ularni bilishi va sodiqligi, tadbirkorligi va mas'uliyatligi bilan javob bera olishi hamda xavfni bartaraf etish mumkinligini singdira olishimiz, shu jumladan, ekologik ong va madaniyatni yo'lga qo'yish orqali kelajakda sodir bo'lishi mumkin bo'ladigan ko'p ofatlarning oldini olish mumkin bo'ladi.

Ekologik madaniyatni shakllantirishda, ekologik ong va dunyoqarashni shakllantirish va rivojlantirishda bir qator yutuqlarga erishilayotgan bir vaqtda ushbu sohani singdirishda muhim o'rin tutadigan maktab tarbiyasiga, o'rta va oliy



ta'lim muassasalariga e'tibor qaratishimiz lozim. Bundan tashqari, insoniyat tarbiyasi uchun uning mahallasi ham alohida o'rin egallaydi. Mahallalar ham ushbu ishlarga jonbozlik ko'rsatishi lozim, deb o'ylayman. Yosh avlodning ekologik tarbiyasi bugungi kun-dolzarb masalasi ekan, biz, avvalo, ekologiyaning foydasini, uni asrab-avaylashni bolalarga yoshlikdan o'rgatib borishimiz zarur. Ekologik duyonqarashni shakllantirishning negizi oiladagi tarbiya va ta'lim muassasalariga bevosita bog'liqdir. Ajdodlarimiz bola tarbiyasi masalasiga alohida e'tibor bilan qaraganlar va bu borada ibratli an'analarni vujudga keltirganlar

Xulosa o'rnida shuni aytish mumkinki: bolalar go'daklik chog'laridanoq axloqiy va mehnat tarbiyasini oilada boshlaganlar. Ularda mehnatga muhabbat, atrof-muhitga hurmat, obodonchilik va ko'kalamzorlashtirish hissi sabot bilan singdirilgan. Masalan, atrofni ifloslantirmaslik uchun axlatlarni alohida chuqurchalarga tashlash, hojatxonalarni ariq, soy, bo'loq suvlaridan uzoqroq joyda kovlash, yong'in chiqmasligi chorasini ko'rish, turli ehtiyojlar uchun yashnab turgan daraxtda emas, balki qurib qolganlaridan foydalanish, nihollarni sindirib, payxon qilmaslik, qushlarning uyasini buzmaslik kabi xatti-harakatlar shakllantirilgan. Oila davrasida farzandlarga «Suvga tuflama, uni iflos qilma, chunki barcha jonivorlar uni ichib bahra oladi», «Gullab turgan mevali daraxtning shoxini sindirma, u meva beradi, uni o'zing iste'mol qilasan», «Pishib etilmagan uzumni uzma, agar uzsang katta gunoh ish bo'ladi. Agar diniy qarashlarning qadimiy tarixiga nazar solsak, ularda tabiat unsurlarining, hayvon va boshqa jonivorlarning muqaddaslashtirilgani hamda sig'inilgani uchratamiz. Zardushtiylik dining muqaddas kitobi "Avesto" da borliqning moddiy asosi hisoblangan to'rtta unsur, tuproq, suv, havo muqaddaslashtirilgan, olovga esa sajda qilingan.

#### **Adabiyotlar:**

1. Falsafa asoslari. O'quv qullanma. – T., 2018. – B. 184.
2. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib yangi bosqichga ko'taramiz. 1-jild. – Toshkent.: O'zbekiston, 2017.
3. Karimov I.A. mamlakatimizni modernizatsiya qilish va kuchli fuqarolik jamiyatini barpo etish – ustuvor maqsadimizdir. – T.: «Ўзбекистон», 2010.

## **ЁШЛАР ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

**Останов Ж.Э.**

*Самарқанд ветеринария медицина институти*

**Аннотация.** Мақолада шахс экологик маданиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўрни ҳақида сўз боради. Бундан

асосий мақсад, ёшларда табиатни севиш, уни муҳофаза қилиш, табиат нематларидан оқилона фойдаланиш куникмаларини ҳосил қилиш ва миллий қадриятларимизга бўлган эътиборни сақлаб қолишдан иборатдир. Ер сайёрасини муҳофаза қилиш инсоният саломатлигини сақлаш бугунги пандимия даврининг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бунга эришишнинг энг самарали усули эса ёшлар онгига миллий ва умуминсоний қадриятлар орқали таъсир этиш ҳисобланади.

**Калит сўзлар:** Қадрият, аксиология, экология, экологик маданият, экологик дунёқараш, глобаллашув, глобал муаммолар, экологик муаммолар.

Тараққиётнинг бугунги босқичида дунёда ёшлар экологик дунёқарашини шакллантириш нафақат глобал муаммоларнинг олдини олувчи омил, айти пайтда экологик хавфсизликни таъминловчи восита, экологик маданиятни юксалтирувчи усул сифатида тан олинган. Замонлар оша шаклланган инсоният қадриятларининг кадрсизланиши муаммоси экологик муаммолар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ечими инсон онги, тафаккури, ақл-идроки, интеллектуал салоҳияти ва бир бутун қадриятлар тизими иштирокида содир бўлади. Шу боис шахс экологик дунёқарашининг аксиологик жиҳатларини ривожлантириш ва миллий субъектив омилларини, экологик қадриятларнинг объектив ва имкониятларини тадқиқ этиш ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий масалага айланган.

Ёшлар экологик маданиятни шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган онтологик воқелик, гносеологик жараёнларнинг фалсафий таҳлили, табиат, жамият ва тафаккур ҳодисаларини объектив билиш ва инсониятнинг адекват фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи янгича методологик ёндошувларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Шунинг учун шахс экологик дунёқарашини шаклланишида: экологик идрок, тасаввур, тушунча ва тафаккур муҳим субъектив омиллар бўлиб хизмат қилади. Уларни миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар билан алоқадорлик нуқтаи назаридан тадқиқ этишни, миллий қадриятларнинг фалсафий-методологик асосларини, гносеологик имкониятларини замонавий фан парадигмалари асосида ўрганиш долзарб бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда янги тараққиёт босқичида ёшларда экологик маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришга мутасадди давлат ташкилотлари, оммавий институтлар, махсус экологик ҳаракатлар фаолиятини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор масаласи сифатида қаралмоқда. Республикамизда экологик вазиятни соғломлаштириш ва ёшларда экологик дунёқарашини илмий-педагогик комплексни шакллантириш масалалари кун тартибига кўйилган. Президентимиз таъкидлаганидек «...Бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин» [1]. Шунинг учун юртимизда ёшларнинг экологик

маданиятини миллий ва умуминсоний кадриятлар билан диалектик алоқадорликда илмий тадқиқ этиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда республикада вужудга келган экологик вазиятни соғломлаштиришда экологик дунёқараш генезисини, ижтимоий-тарихий асосларининг ёшлар маънавий ҳаёти миллий ва умуминсоний кадриятлар билан боғлиқлиги ва тадрижий ривожланиш қонуниятларини ўрганишга қаратилган эътиборни янада кучайтириш лозим. Аввало шахснинг экологик тафаккур тарзи яшаб турган минтақанинг табиий-географик иқлими, шарт-шароити, у мансуб бўлган миллат ёки халқнинг менталитети, турмуш мароми, тарихи, урф-одати, эътиқоди, дунёқараши билан узвий боғлиқ. Ёшларнинг экологик онги даражасини, экологик дунёқараши характерини яхшироқ тушуниш учун, уларнинг ривожланиш жараёнида қандай замонавий омилларнинг таъсир этаётганлиги, глобаллашув жараёнларининг таъсирини англаш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга эга. Глобаллашув жараёнларининг умумий хусусиятлари ёшларнинг табиатдан «бегоналашуви» ва «экологик маргиналлашувида» [2] намоён бўлмоқда. Юқоридаги фикр мантиғидан шундай хулоса келиб чиқадики, экологик дунёқарашнинг тағ-заминларидан бири – шахснинг борлиқ, табиат ва жонзотларга нисбатан ахлоқий масъуллиги ҳисобланади. Экологик дунёқарашнинг иккинчи муҳим компоненти шахс экологик руҳияти бўлиб, унинг ифодасини инсоннинг табиатга бўлган меҳри, ҳис-туйғуларида кўриш мумкин. Шунга кўра, шахс дунёқарашини экологик муаммолар контекстида олиб қарасак: шахс – табиий-ижтимоий жараёнлар натижасида вужудга келган экологик вазият маҳсули бўлиб, экологик-ижтимоий муносабатларга, цивилизацияларнинг ўзаро уйғунлигига илмий дунёқараши асосида таъсир кўрсатадиган, ўзида табиий-физиологик, психологик, ирсий ва ижтимоий таъсирлар эволюциясини мужассамлаштирган индивиддир.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, шахс ижтимоий мақомини белгилайдиган мезонлар тизимида унинг экологик маданияти алоҳида ўринга эга. Ҳозирги замон глобал муаммолари таркибида экологик муаммоларнинг устуворлашуви шахс мақомига айнан шу нуқтаи назардан ёндашишни тақозо қилмоқда. Экологик дунёқараш тузилиши ва унинг таркиб топиши мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур соҳада илмий изланишлар олиб борган республикамиз олимлари қарашларида ҳам бир-биридан фарқ қилувчи нуқтаи назарлар мавжуд. Хусусан, Э.С.Ҳошимова қарашларида экологик амалиёт объекти билан боғлиқ масалалар: глобал, регионал ва худудий хусусиятлар билан алоқадорликда олиб қаралади. Муаллиф асосий эътиборни шахсдаги фаол экологик мавқени таркиб топишида таълим-тарбия, хусусан эътиқод, ишончнинг ўрнига қаратган. Унинг фикрича: *«Фаол экологик мавқенинг шаклланишида шу йўналишдаги таълим-тарбия соҳаларининг ўзаро боғланиши жуда катта аҳамиятга эга. Бу жараёнда экологик тарбия табиатга нисбатан назарий қарашларни шакллантиришидангина иборат бўлмасдан, шу билан бирга эътиқод*

*шаклланишини ва амалий фаолиятга тайёргарликни ҳам назарда тутуди» [3].*

Умуман, экологик дунёқараш ҳар бир давр тақозоси, табиий муҳит, ижтимоий воқеалар, глобал ҳодисалар таъсирида мунтазам ўзгариб, янги-ланиб боровчи ижтимоий онгинг муайян шакли сифатида намоён бўлади. Бугунги пандимия даврида экологик вазиятни барқарорлаштиришга бўлган янгича ёндошувлар ҳам бунга ёрқин мисол бўлди. Шунга кўра, кенг маънода: экологик дунёқараш бу – инсонни табиатдаги ўзгаришларнинг табиий, ижтимоий ва техноген омилларини моҳиятан англаш, баҳолаш ҳамда оқибатларини олдиндан ҳис қила билишини: ғояларда, назарияларда, таълимотларда ифодалаб, глобал табиий ва антропоген ўзгаришларга мослашишга йўналтирилган интеллектуал салоҳиятининг мажмуидир, – деб таърифланиши мумкин.

Шундай қилиб, инсоннинг интеллектуал салоҳиятининг муҳим жиҳати бўлган экологик дунёқарашининг ўзига хос хусусиятлари ва функцияларини муҳокама қилиш, уларнинг адабиётларда берилган талқинларини таҳлил қилиш, куйидаги хулосаларга келиш имкониятини беради:

биринчидан, экологик дунёқараш тарихидаги маънавий-маданий меросни ижодий ривожлантириш, улар ўртасидаги ворислик муносабатларини таҳлил этиш ҳозирги давр экологик дунёқарашини шакллантириб, кескин-лашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омилига айланмоқда;

иккинчидан, турли тарихий даврларда шахс экологик дунёқарашни шаклланиши объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари: афсонавий, диний мазмундаги ғоялари синтезлашуви замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади.

Зеро, ҳар қандай тарихий даврда *«маънавий-руҳий тикланиши инсоннинг ерга ва унинг бойликларига бўлган муносабатини ўз ичига олиши лозим»* [4]. Бу муносабатлар диалектикаси, шахс экологик сифатларини шунчаки кун тартибига қўйиш билан эмас, балки инсонда табиатни муҳофаза қилиш ҳис-туйғуларини тарбиялаш, уларда илмий дунёқарашни шакллантириш, бу соҳадаги амалий тажрибаларини чуқурлаштиришга боғлиқ деган хулосага келинган.

Тарихдан маълумки, қадимги Шарқ цивилизацияларида амал қилувчи қадриятлар тизими минг йиллар мобайнида нисбатан турғун сақланган. Масалан, Қадимги Ҳиндистон ва Хитой фалсафий таълимотларида анимизм устувор аҳамиятга эга бўлган. Бу ҳолатлар қадимги дунёда таркиб топган табиат олдида сажда қилиш, унинг нарса ва ҳодисаларини олий қадрият деб тан олиш ва шунга мувофиқ муносабатни сақлаб қолган. Капиталистик муносабатлар табиатни утилитар қадриятга айлантирди, унга фақат меркантил муносабатни тиклади ва табиат жуда кучли антропоген таъсирни бошдан кечира бошлади. Ҳозирги аянчли вазият экологик маданият инқирузи билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни эътироф этиш керакки, «бугунги кунда одамларда экологик билимларнинг етарли эмаслиги, баъзиларда умуман йўқлиги билиниб қолмоқда. Кўпчилик экологик муаммолар мавжудлигидан хабардор, баъзилар кечиктириб бўлмас қарорлар қабул қилиш кераклигини, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўлида туб бурилиш зарурлигини талаб қилишса, бошқа тоифадаги одамлар бунга кераги йўқ деб ўйлашади» [5]. Айнан шу масалада экологик дунёқарашнинг функционал аҳамияти кўзга ташланади. Яъни, турли-туман одамларнинг, ижтимоий бирликларнинг мақсадлари умумийлиги қадриятлар умумийлигини таъминлайди

Мазкур мақолада миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шахс экологик маданияти шаклланиши бўйича қуйидагича хулосалар қилишимиз мумкин:

- Шахс экологик маданиятни шакллантиришда маънавий-маданий меросни замон билан ҳамнафас ривожлантириш, кескинлашаётган ва глобаллашаётган экологик муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим субъектив омилига айланмоқда. Шахс экологик дунёқарашни шаклланишининг объектив шарт-шароитлари ва субъектив омиллари таркибида диний қадриятлар, миллий урф-одатлар, анъаналар, ўтмиш мутафаккирларининг илмий ва бадиий ижодий мероси синтезлашуви замонавий экологик дунёқарашни шакллантиришнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади.

- Бугунги пандимия даврдаги глобал ўзгаришлар экологик дунёқараш парадигмаларини ўзгартириб, инсониятнинг экологик фаолияти йўналишларини, характерини ва ривожланиш тенденцияларини шахс экологик онги ва дунёқараш эволюциясида намоён қилмоқда. Шахс экологик дунёқарашни ривожланиши жараёнида шаклланган ва муайян мақсадга йўналтирилган миллий экологик қадриятларга муносабатда ҳар бир миллатнинг ўзлигини англаши намоён бўлмоқда.

#### **Адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Т., Ўзбекистон, 2017. – Б. 570.
2. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Т., Иқтисод-молия, 2012. – Б. 114.
3. Ҳошимова Э.С. Экология проблемасида глобал ва зонал муносабатлар. – Т., Фан, 1986. – Б. 36.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т., Ўзбекистон, 1999. – Б. 530-531.
5. Ашрапов М. Экологик дунёқараш //Ўзбекистон экология хабарномаси, 2005, №3, (54). – Б. 29.

## МУРАККАБ ТЕРМИНЛАР ТУЗИЛИШИДА СЕМАНТИК МУНОСАБАТЛАР

*Дауланова Х.И.*

*Тошкент давлат стоматология институти*

**Аннотация.** Мураккаб сўзнинг тузилиш ва маъноларини шакллантириш масалалари тилшуносликда долзарб саналади. Шунга кўра, қуйидаги мақолада семантик таҳлиллар асосида юнон ва лотин термин-элементлари ўртасидаги муносабатлар очиб беришга ҳаракат қилинади. Семантик ҳолат мураккаб терминда таянч компонентни ўзгартириш усули сифатида тушунилади.

**Калит сўзлар:** термин-элемент, мураккаб сўз, юнон-лотин, негиз, ясама, семантика.

Мураккаб сўзнинг семантик тузилиши объектлар ўртасида мавжуд бўлиши мумкин бўлган ва мураккаб сўзнинг таркибий қисмлари томонидан белгиланадиган мантиқий-семантик муносабатлар тузилишини акс эттиради. Бу тушунчалар ўртасидаги муносабат мураккаб сўзнинг семантик тузилишини шакллантиришга асос бўлади. Бу ҳолатни бир қатор тилшунослар аниқ тушунадилар: «мураккаб сўз ҳар доим белгиланган объектлар ўртасида алоқа мавжудлигини устун кўяди... ва алоқанинг табиати нарсаларнинг табиий мантиқиға асосланган ҳолда баҳоланади. Ясама сўз ўзининг маъносини қисмларга бўлиб ифодалайди ва бу бўлинишнинг намоён бўлиши ономасиологик хусусиятга ономасиологик асоснинг қаршилигида ҳам ифодаланган икки қисмли семантик тузилмадир ва бу қисмининг мос ёзувлар қисмининг қаршилигида. Шу туфайли олинган сўзлар семантикаси... таркибий қисмлари семантикасининг ва улар ўртасидаги грамматик муносабатларнинг мураккаб функцияси сифатида қаралиши мумкин" (Кубрякова, 1981).

Шундай қилиб, «мураккаб сўз, гарчи компонентлар ўртасида аниқ муносабатларни ўз ичига олмаса-да, албатта, маълум маънога эга. Бу имконият инсоннинг лингвистик ва экстралингвистик тажрибасининг яқин узвий боғлиқлигида ётади» (Кубрякова, 1981). Бу узвийликнинг асоси ва қонуниятларини аниқлаш мураккаб сўзнинг тузилиш ва маъноларини шакллантириш масаласини ҳал қилиш демакдир.

Микробиологик терминлар аффиксация ёки сўзларнинг ўзаро қўшилиши билан ҳосил бўлган ясама сўзлар ҳисобланади ва уларнинг ясалиши учун юнон-лотин сўз ясаш элементлари хизмат қилади, уларнинг таркибий ва семантик хусусиятларини ўрганиш терминологияни тартиблаштириш ва термин яратиш йўлларини такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Юнон-лотин тиллари этимологиясининг сўз ясовчи таркибий қисмлари бўлган лотинча моделлари турли терминологик тизимларни, инглиз ва бошқа тилларни, янги ясама терминлар билан тўлдириш учун кенг

кўлланилади ва бундай моделларнинг тузилиши ва семантикасини билиш кўпчилик Европа тилларида шаклланган терминларни тушуниш имконини беради.

Ушбу турдаги лотин моделларининг турли тилларда кенг кўлланилиши классик этимологик морфемаларнинг жуда қулай сўз ҳосил қилувчи элементлар эканлиги билан изоҳланади. Уларнинг этимонлари билан семантик алоқани сақлаган ҳолда, кўриб чиқиладиган бирликлар семантик жиҳатдан аввалгисидан ажратилади, умумийроқ, айрим ҳолларда эса кўпроқ ихтисослашган маъно касб этади ва бир вақтнинг ўзида ясаилишнинг терминологик хусусиятини белгилайди. Шундай қилиб, боғланган негиз – *blast-* (юнон. «куртак, ниҳол») ҳар қандай ривожланаётган тузилма (хужайра, хужайралар гуруҳи, тўқима ва бошқалар) маъносида ишлатилади, қиёсланг: *erythroblast, blasospore, blastocyte, blastomycosis*. Худди шундай, семантик равишда ўзининг этимонидан ажратилган ва янада умумий маъно билан боғлиқ *cyst-* негизи (юнонча *cystos* «қоп»), биоморфология соҳасида ишлатиладиган ҳар қандай ичи бўш ёки сферик тузилиши мурожаат қилиш, қиёсланг: *cystospore, cystophore, cystidium, cystosine*, паразитологияда эса – қиёсланг: «циста, ҳимоя қобиғи» - *cysticercoid, cystecercosis*.

Юнон-лотин тиллари этимологиясининг сўз ясовчи элементларининг инглиз ва бошқа тиллар терминларидаги юқори фаоллиги ҳам бу морфемаларнинг яна бир муҳим хусусияти, яъни мураккаб илмий тушунчаларни ифодалаш учун бу бирликларни бирлаштиришнинг алоҳида қулайлиги билан изоҳланади.

Юнон-лотин термин-элементларининг бу барча хусусиятлари уларнинг ҳар томонлама ўрганиш зарурлигини белгилайди.

Ясама терминларни яхшироқ тушуниш ва уларнинг семантик тузилишини тўғри лексикографик ифодалаш мақсадида деривацион ономазиология позициясидан терминнинг ички тузилишида юнон ва лотин термин-элементлари ўртасидаги муносабатлар семантикасини очиб бериш зарур ҳисобланади.

Е.С.Кубрякованинг ишларида деривацион ономазиологиянинг асосий тамойиллари, хусусан, сўзларнинг ўзаро бирикишининг ономазиологик асослари шакллантирилган. Е.С.Кубрякованинг фикрига кўра, мураккаб сўзлардаги ономазиологик механизм ноаниқ характерга эга ва мотивация усуллари мураккаб ва хилма-хилдир. Бу тўла маъноли бирликларни бирлаштиришнинг ўзига хослигидан келиб чиқади, чунки такт бирликларининг битта сўзнинг ичида жойлашиши реал воқеликда белгиланган объектларнинг турли хил алоқаларига мос келиши мумкин. Бу ҳодисани аниқлаш учун асли хулосада мураккаб сўз компонентлари билан гап бўлаклари ўртасида параллель ўтказишга ҳаракат қилинди. Ушбу уриниш Г.Марчандга тегишли бўлиб, у ҳосила таркибидаги алоҳида референциал компонентларни объектив, субъектив, ҳолат гуруҳи ва бошқалар билан ундовчи гапда боғлайди. Унинг семантик вариантларидан бирида гап бўлаклари назарияси С.Филлморнинг синтактик-семантик ҳолатлари

тушунчаси билан ифодаланади, бу унинг амалий табиати туфайли предикат бўлмаган хусусиятларнинг корпусини аниқлаш учун қулайдир. Шунинг учун композит таърифларида келтирилган предикатив муносабатлар таҳлилига асосланиб, биз ҳол муносабатлари, яъни бирикишнинг характерли ва асосий компонентлари ўртасидаги номинатив муносабатлар инвентаризациясини аниқладик. Семантик ҳолат мураккаб терминда таянч (асосий) компонентни ўзгартириш усули сифатида тушунилади. Мантикий ва семантик аппарат бизга 5та ҳолат гуруҳларини аниқлашга имкон берди: объектив муносабатлар, субъектив йўналиш, аниқ модификация, атрибутив муносабатлар, бутун қисмли муносабатлар (поссесив-партитив ҳолат). Қиёсланг:

- 1) объектив муносабатлар: *bacteriology, virulicides, dermatomycetes*;
- 2) субъектив йўналиш: *phytogenesis, phytoncides*;
- 3) аниқ модификация: *phytotherapy, actinomycosis, streptoderma*;
- 4) атрибутив муносабатлар: *astrocyte, heliophyte*;
- 5) бутун қисмли муносабатлар: *bacteriuria, toxemia*.

Соф муносабатлардан ташқари, одатда уч компонентли терминлар ҳам мавжуд. Фақат объектив ва субъектив муносабатлар бошқалар билан бирлаштириш мумкин. Масалан:

- 1) субъект-объект муносабатлари: *electro-cardio-graphy*
- 2) объект-инструментал: *radio-hepato-graphy, phytochemistry*;
- 3) объект-атрибутив: *baso-philial* – асосий рангларга кириш хусусияти
- 4) объект-поссесив: *ophthalmo-ono-metry*
- 5) субъект-атрибутив: *pan-ophthalmia* – кўз барча қобиклари

касалиги

Мураккаб сўз компонентлари ўртасидаги синтактик муносабатлар муаммоси синтаксис ва сўз яшаш семантикасининг ўзаро муносабати ҳақида умумий синхрон тасаввур берувчи аниқ таҳлил усули билан ҳал этилади.

#### **Адабиётлар:**

1. Marchand H. The categories and types of present-day English word-formation. – Wiesden, 1960.
2. Порецкий Я.И. Элементы латинского словообразования и современные языки. – Минск, 1977. – 123 с.
3. Новодранова В.Ф. Сопоставительное изучение греко-латинских словообразовательных элементов (На материале латинских и английских медицинских терминов) // Проблемы функционирования языка. – Калинин, 1987. – С. 66-73.
4. Кубрякова Е.С. Части речи в ономазиологическом освещении. – М., 1978. – 128 с.
5. Кубрякова Е.С. Семантика производного слова // Аспекты семантических исследований. – М., 1980. – С. 81-155.



## **БУЮК АЖДОДИМИЗ АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТИББИЙ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ АСРЛАР ОША ЭЪТИРОФИ**

**Қодирова Ш.А.**

*Тошкент тиббиёт академияси*

*“Улуғ сиймолар ҳақида гап кетар экан, албатта, буюк ҳаким Абу Али ибн Сино номини тилга олмай ўтолмаймиз. Зеро, унинг асарлари бутун башарият маънавий мулкидир. ЮНЕСКО унинг номи билан Халқаро олтин медаль таъсис этгани бежиз эмас...”*

*Майкл Бари Лейн ЮНЕСКО фахрийси*

**Аннотация.** Ўзбекистон замини ҳақли равишда ўзининг буюк аждодлари, уларнинг жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган беҳисоб интеллектуал мероси билан ҳақли равишда фахрланади. Ана шундай комусий аждодларимиздан бири бу-Абу Али ибн Сино эди. Мақолада буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг табобат ва илм-фан маданиятига қўшган ҳиссаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** Абу Али ибн Сино, тиббий қарашлар, маънавий-маърифий қарашлар.

Серқирра аллома Абу Али ибн Синонинг ҳисоблашича, инсон олам ривожланишининг тожи бўлиб, у инсоннинг соғлом бўлиши, бахтиёр ҳаёт кечириши, маърифатли ва илмли бўлиши муҳим аҳамият касб этишини ўзининг тиббий, илмий, маънавий-тарбиявий қарашларида баён этган.

Ибн Сино асарларининг сони 280 дан ошган, улардан 40 дан ортиғи тиббиётга оид, 30 га яқин рисола турли табиий фанларга, 3та рисола мусиқага, 185та рисола эса фалсафа, мантик, психология, теология, этика ва ижтимоий-сиёсий масалаларга бағишланганлиги манбаларда келтирилган [1].

Ўз даврининг буюк табиби бўлган Ибн Сино тиббиётнинг асосий вазифаси “инсон соғлиғини сақлаш, агар касаллик пайдо бўлган бўлса, бу касалликни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш ва уларни йўқотиш орқали соғлиқни тиклашдан иборат”, деб ҳисоблаган [1]. Бу борада олим табобат мавзусига оид 8 та дoston- уржuzалар ёзган [4].

Жумладан: 1. Соғлиқни сақлаш-гигиена ҳақида уржуза;

2. Йилнинг тўрт фасллари ҳақида уржуза;

3. Анатомиа ҳақида уржуза;

4. Гиппократ васиятлари ҳақида уржуза;

5. Тажрибадан ўтган амалиётлар ҳақида уржуза;

6. Тиббий насиҳатлар ҳақида уржуза;

7. Алоқа ҳақида уржуза;

## 8. Табобат ҳақида уржуза

Касаллик ва унинг келиб чиқиши, диагностика ва даволашда Ибн Сино детерминизмни асос қилиб олади, яъни, ҳар бир касаллик муҳит, шароит, овқатланиш, тананинг ўзига хос хусусияти, организмнинг ташқи таъсирга муносабати каби омиллар билан узвий боғлиқ ҳолда, маълум тизимда текширилади. Касалликларни ўрганишда олим “тиб илмида назарий билимлар ва амалиёт ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир-бирига асосланмоғи зарур, акс ҳолда у ривож топмайди ва ўз мақсадига эриша олмайди”, деб ҳисоблайди.

“Тиб илми аввало икки қисмга - назарий ва амалий қисмларга бўлинади. Назария деб аталувчи қисми табибларнинг фикрларини ифода қилиб, махсус амалия деб аталадиган қисми тадбир ва амалнинг қандай бўлиши кераклигини ўргатади. Тибнинг амалий қисми иккига бўлинади.

Биринчи қисми – соғлом танларнинг тадбирни билиш, бу соғлиқни сақлашга тааллуқли бўлгани учун соғлиқни сақлаш илми деб аталади, деган ғояни илгарига сурган.

Иккинчи қисми – касал таннинг тадбирини билиш, соғлом ҳолатга қайтариш йўллари кўрсатади, бу даволаш илми деб аталади”.

Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитни ҳар томонлама билишга катта аҳамият берган ва муҳитдаги турли табиий нарсалар, сув, ҳаво орқали касаллик тарқатувчи кўзга кўринмайдиган “майда ҳайвонотлар” ҳақидаги фикрни олға сурди. Бу билан у Пастердан деярли 8 аср олдин юқумли касалликларни кўзғатувчи микроблар тўғрисидаги фикрни асослаб, буюк кашфиёт қилди [2]. Ибн Сино табобат масалаларини оммабоп ҳолда назм билан изоҳловчи тиббий асарлар-“уржуза”лар яратди. Аллома “Соғлиқни сақлаш-гигиена ҳақида уржуза (достон), “Йилнинг тўрт фасллари ҳақида уржуза”, “Тиббий насихатлар ҳақида уржуза, “Табобат ҳақида уржуза” ва “Тиббий достон” каби асарларида турли касалликларни тузатишдан кўра, унинг олдини олиш масаласини илгари суради, бу эса унинг назарида ҳам, ҳозир ҳам ҳам муҳим. Абу Али ибн Сино ички ва ташқи муҳит (овқат, ҳаво, иқлим, турмуш шароити) касалликнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнашини кўрсатиб беради. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканини уқтириб, сувни қайнатиб ёки филтрлаб истеъмол қилишни тавсия этади, касалликларнинг олдини олиш, организмни ёшлик давридан чиниқтира бошлаш гигиена тадбирларини мунтазам равишда тўғри амалга ошириш масалаларига катта аҳамият беради. Ибн Сино фикрича, “бадан тарбия билан мўътадил ва ўз вақтида шуғулланувчи киши касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди” [3].

Шунингдек, олимни маънавий-тарбиявий ўғитлари билан ҳам миллий педагогика асосчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Ибн Сино инсонларни, айниқса ёшларни илм ўрганишга ва маълум бир соҳани эгаллайдиган мутахассиси бўлишга чақирган. У кимки илм чўққисини эгалламоқчи бўлса, кўзлаган мақсадидан оғишмасдан йўлда учрайдиган барча қийинчиликларни босиб ўтиши лозимлигини, бунда

инсонларда бўладиган бардош-матонат ва ғайрат муҳим ўрин тутишини асарларида кўрсатган. Мутафаккир доимо ўрганилган билимларни бойитиш, ривожлантириш ва уни халққа фойда келтириш учун қўллаш лозимлигини ҳам айтиб, “кимки илм масжидига кирган бўлса, дунёвий илмларни пухта эгаллаган бўлса ва шу билимини халққа фойда келтириш учун ишлатадиган бўлса, у энг мард ва комил инсондир,” деб ҳисоблаган [3]. Шунингдек, Ибн Сино ўз асарларида олий ахлоқ, маърифатли, маънавий етук инсон ҳақида, уни камол топтириш йўллари ҳақида ҳам ёзган. У “Китоб ун-нажот” асарида “Маърифатли инсоннинг юзидан нур ёғилиб туради ва бу нур инсоннинг ҳаёти давомида олган билимлари билан мужассамлашиб, инсонни янада илм чўққиларини эгаллашга ундайди”, деб ҳисоблайди [3]. Ибн Сино маърифатсиз ва маданиятсиз кишиларни кўзи ожиз кишилар назарида тутган. У кишиларни огоҳлантириб, турли хил манфур кишиларнинг илмий билимларни қоралашларидан огоҳ бўлишни таъкидлаган.

Буюк аждодимиз ўзининг одоб-ахлоққа бағишланган китобларида эса камтарлик ота-онага ҳурмат, илм олишга ҳавас каби муҳим масалалар ҳақида қимматли фикрларини илгари суради.

Бу ҳақда аллома Абу Али ибн Сино шундай айтади:

Ўн нарса ҳамма эзгуликнинг манбаидир:

1. Тўғри сўзлашиш ва ишлаш;
2. Ҳалол, пок меҳнат қилиш;
3. Ҳаммага инсоф, адолат билан муомала қилиш
4. Нафс орзуларига ортиқча берилмаслик;
5. Олим-фозиллар билан суҳбатлашиш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлиш;
6. Катталарнинг иззат-ҳурматларини бажо келтириш;
7. Чин ва самимий дўстлик;
8. Муҳтожларга ёрдам этиш ва уларга инъом-эҳсон қилишни унутмаслик;
9. Худбин бўлмаслик;
10. Нодонларга насиҳат этиш.

Қомусий олим Ибн Синонинг ўз давридаги инновацион ғоялари, тиб-биётдаги кашфиётлари, халқ табобатига қўшган улкан ҳиссаси, ёшларни тарбиялашдаги ахлоқий ва тарбиявий қарашлари мана ўн асрдан ортиқ вақт ўтаётган бўлса ҳам ўз қадру-қимматини, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Жумладан:

1. Унинг “Тиб қонунлари” асари Европада XII асрдан бошлаб латин тилига 30 мартадан ортиқ нашр қилиниб, амалиётда кенг қўлланилди. (5)

2. 5 та китобдан иборат “Ал-қонун фит-тибб” (қисқача номи “Қонун”)нинг 1-китобида баён этилган инсон организмни ўрганиш бўйича баён қарашлар мажмуасини умумлаштирган ҳолда 1-китобни ҳозирга замон ички касалликлар пропедевтикаси дарслигига тенглаштириш мумкин, деб ҳисобланади.

3. Олимнинг касалликларнинг келиб чиқишида роль ўйнайдиган ташқи омилларнинг, “майда ҳайвонот”ларнинг организмга таъсири,

касалликларни даволаш ва олдини олиш учун тавсия этган фикр-мулоҳазалари билан Ибн Сино тиббиётнинг микробиология, гигиена, халқ табobati, эпидемиология каби фанларига ҳақли равишда асос солиб, уларни бойитди.

4. Айниқса ҳозирда бутун дунёни қамраб олган пандемия шароитида буюк аждодимизнинг ўғитлари ўз исботини топди. Чунончи, унинг пандемия даврида инсонлар ўзини қандай тутиш кераклигига оид маълумотлари, яъни, табибнинг одамларни энг аввало ваҳимадан қутқариш кераклиги, кўчадан келиб, уст-бошни сирка билан артиш лозимлиги, кўпчиликнинг касаллик тарқалган пайтда бир ерда тўпланмаслигини, касалларни алоҳидалаш кераклиги ва хоналарни доимо шамоллатиб туриш лозимлигини уқтирганлиги ҳақидаги илмий мероси нақадар тўғри эканлигини карантин даврига оид қоидаларда ўз эътирофи ва тасдиғини топди [2].

5. Ҳозирги пайтда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этадиган соғломлаштириш машқларига ҳам олим катта эътибор берган ва у жисмоний машқларнинг инсон организмни даволашда ва чиниқтиришда ўрни ва ролига тўхталиб, жисмоний машқларга тўхтовсиз, чуқур нафас олишга олиб келувчи эркин ҳаракатлар, дея таъриф берган [3], улар мушакларни, бўғимларни, асабни мустаҳкамлашини ва машқларни бажаришда ёшни ҳам ҳисобга олишни уқтириб, уқалаш, совуқ ва иссиқ сувда чиниқиш каби муолажаларни бажариш орқали ҳам инсонлар даво ва дориларга муҳтож бўлмаслигини тасдиқлаган.

Улуғ аллома, табобат илмининг султони, қомусий олим, илм-фаннинг 29 та соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган бобомиз Абу Али ибн Синонинг ўн аср ўтишига қарамай бутун инсониятга хизмат қилаётган улкан, ҳар томонлама бой меросининг аҳамияти 2020 йилнинг 16 августида таваллудининг 1040 йиллигига бағишлаб “Абу Али ибн Сино-Ўзбекистон фахри ва жаҳон мулки” мавзусидаги илмий-маърифий онлайн анжуманида ҳам эътироф этиб, улуғланди. Зотан, мутафаккир олим, донишманд аллома Абу Али ибн Синонинг тиббий ўғитлари инсоният тарихи олдида ўзининг олижаноб бурчини бажариб келди ва келажакда ҳам бажаради. Буюк аждодимиз Абу Али ибн Синонинг ўзи ҳам у истаган “фозил ва комил инсон” каби асрлар оша ардоқланиб, эъзозланиб бораверади.

#### **Адабиётлар:**

1. Х.Расулов, Ж.Қодиров. Абу Али ибн Сино. – Т., 2007. – Б. 9-12.
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. Сайланма. 3-жилд. – Т., 1992. – Б. 91-93.
3. Каримов У.Т. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. – Т., 1991. – Б. 28-30.
4. Ирисов А.Т. Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва Тиббий дoston. – Т., 1981. – Б. 4.
5. Аъзамхўжаев С. 100 Марказий Осиё мутафаккирлари. – Т., 2011. – Б. 8-9.

## ДУНЁ ГЕОЭКОЛОГИК МАНЗАРАСИ ВА ЭКОЛОГИК ГУМАНИЗМ ҒОЯЛАРИ

*Тилавов Ў.Ғ.*

*Ўзбекистон Миллий Университети*

**Аннотация.** Мақолада, жаҳонда кечаётган глобал иқлим ўзгаришлари шароитида атроф-муҳит муҳофазасига бўлган эътиборни кучайтириш жамият аъзоларининг экологик тафаккурини ривожлантириш орқали амалга ошириш ҳамда, экологик гуманизм ғояларининг ривожини инсонни табиатга бўлган муносабатида позитив имкониятлар кенгайтиришига хизмат қилиши кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** Глобал иқлим ўзгариши, гуманизм, табиат, жамият, экологик гуманизм, экологик қадрият, экологик мувозанат, экологик маргиналлашув, экологик хавфсизлик, атроф-муҳит муҳофазаси, дунё геоэкологик манзараси, глобал экологик тафаккур.

Жамият тарихий тараққиётининг юксак интеллектуал салоҳиятга, фан, техника ва инновацион технологияларга асосланган ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши: *бир томондан*, инсоннинг табиат устидан “хукмронлиги” мустақамлашуви ва жамият иқтисодий тараққиётга олиб келиши, иқтисодий омиллар детерминантлигини мутлақлаштирувчи таълимотларга асос бўлган. *Иккинчи томондан*, бу ҳодиса инсоннинг *табиатдан бегоналашуви* ва шахс *экологик маргиналлашувига* – маънавий-ахлоқий қашшоқлашувига асосий сабаб бўлмоқда. Натижада, инсоният эскалацияси кучайиб, оқбатлари кескинлашаётган глобал муаммолар комплексига, экологик хавфсизликка реал таҳдидларга тўкнаш келмоқда.

Экологик хавфсизликка таҳдидлар табиий атроф-муҳит (ҳатто, бизга чексиз бўлиб кўринган: дунё океанлари ва космос) нинг шиддат билан ифлосланиши, глобал иқлим ўзгариши ва табиий тикланмайдиган ресурслар қашшоқлашуви, бошқа ижтимоий ва экологик муаммолар кескинлашуви инсоният тақдири, цивилизацияси келажаги ҳақида (аксарият кўпчилик ваҳима, деб баҳолайдиган) пессимистик, алармистик, фаталистик хулосаларга, футурологик таълимотларга асос бўлмоқда.

Бошқача қилиб айтганда, инсониятнинг қайта тикланмайдиган табиий ресурслар тугаб бориши, глобал иқлим ўзгариши, техноген ҳалокатлар такрорланиш тенденциялари даврийлиги кучайиши ва бошқа хавф-хатарлар экологик инқирозлар билан боғлиқлигини англаб, амалий ҳаракатларни бошланганлиги ҳам ҳақиқат. Зеро, инсоният табиатга антропоген таъсири натижасида вужудга келган муаммолар “экологик ҳалокатлар – инсоннинг табиатга нисбатан *гуманистик муносабат инқирози* оқибати” [1], деб унинг сабабларини маънавий-ахлоқий асослардан қидирмоқда.

Шунинг учун ҳам, XX аср ўрталаридан бошлаб, экологик муаммолар глобаллашуви ва кескинлашувининг фалсафий тушунчалари, категориал

аппарати мазмун-моҳиятини, *Ҳазрати инсон* (homo sapiens) ҳаёти ва фаолиятини *экологик гуманизм* тамойили контекстида қайта кўриб чиқишни тақозо қилмоқда. Чунки, умуман бу ҳодисани ўрганадиган интегратив фанларнинг парадигмаларидаги ўзгаришлар – *дунё геоэкологик манзараси* ўзгаришлари барқарорлигида инсон омили устуворлиги билан боғлиқдир.

Шу нуқтаи назардан, “гуманизм” тушунчасининг (лот. humanus – инсонийлик) моҳиятини: “Жамиятшунослик”, “Инсоншунослик” ва бошқа ижтимоий-гуманитар фан мутахассислари томонидан экологик муносабатлар контекстида мантиқий-фалсафий таҳлил қилиш, бу тушунча мазмунини инсопарварлаштириш вазифасини кўймоқда. Айниқса, ҳозирги кунда, инсон ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан экологик фаолиятида тадрижий ўзгаришларни гуманизм тамойиллари нуқтаи-назардан олиб қараш, табиатни муҳофаза қилиш амалиётини – *экологик гуманизм* ҳодисасини янгича талқин қилишни тақозо қилади. Чунки, экологик муаммолар глобаллашуви ва кескинлашуви шароитида, гуманизм муаммосининг жамиятшунос илмий жамоатчилиқ диққат-эътибори марказига қўйилиши – *экологик тафаккур усули эволюцияси* асоси ва натижаси бўлмоқда.

“Экологик гуманизм” умуминсоний маънавий-ахлоқий қадрият мақомига эга бўлиб, фақат муайян шахс, ижтимоий бирликлар ва миллат манфаатлари билан чегараланмайди. Бошқача қилиб айтганда, унинг мазмуни умуминсоний: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий экологик муносабатларида конкретлашади. Зеро, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилган ҳар қандай миллат, барқарор экологик тараққиётини таъминлайдиган партиясини ривожлантирмасдан, бошқа ижтимоий-сиёсий муносабатларда гуманизм тамойилларини амалга ошириши мураккаб вазифадир.

Ҳозирги мавжуд адабиётларда экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди айрим институтлар фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, муайян йўналишларини детерминлаштирувчи омилларини мутлақлаштириш устувор. Ваҳоланки, инсоният ҳаётига, цивилизация келажагига таҳдидларга комплекс-системали ёндашиладиган бўлса, умуман экологик гуманизм тушунчасининг моҳияти инсон ҳаётига даҳлдор бўлиб, унинг мазмуни муайян ижтимоий муносабатлар доирасида конкретлашади. Яъни “гуманизм тушунчасининг мазмуни табиатга инсоний муносабатларда конкретлашади ва универсал характер касб этади”. [1] “Шу сабабли, ҳукуматлар экологик хавфсизликни таъминлашдан бўйин товлаётган давлатларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллаш, уларнинг товарларини сотиб олишдан бош тортиш орқали бутун дунёда экологик хавфсизликни таъминлаган бўлар эдилар. Шу ўринда, «иқтисодий қамчи» усули чинакамига қўл беради. Инсоният бошига кўланка солиб турган экологик фалокатларнинг олдини олиш бўйича халқаро ҳамкорлик маълум даражада шаклланган ва муҳим тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, ҳали бу борадаги ишларни янада изчил фаоллаштириш зарур. Чунки ҳозиргача атроф-муҳит муҳофазаси ва инсониятга етарли, қулай яшаш шароитларини

яратиш масалаларини бошқариб турувчи том маънодаги кенг кўламли, таъсирчан, холис, ягона халқаро тизим вужудга келгани йўқ. Халқаро экологик ҳамкорлик такомиллашиб бориши инсоният тараққиётининг бундан кейинги босқичларида ҳам муҳим ҳаётий заруратлардан бири бўлиб қолаверади” [2]. Бизнинг назаримизда, “экологик гуманизм” тушунчасининг (ижтимоий ҳодиса ва маънавий-ахлоқий категория сифатида) маъно-мазмунини аниқлаш учун: *бир томондан*, гуманизм – инсоннинг табиий яшаш шароитини яхшилаш ҳақидаги: назарий таълимотми, ғоями ёки амалий фаолиятми, деган саволларга жавобларни; *иккинчи томондан*, тушунчанинг ижтимоий мазмунини, моҳиятини, амалий натижаларини ва истиқболларини белгилайдиган механизмлар тизимида экологик фаолият субъектлари (институтлари) ролини аниқлаб олиш керак. Яъни бу методологик ёндашув, унинг ҳақиқийлигини ёки сохталлигини конкретлаштириш учун зарур.

Шу тамойилга кўра, гуманизмни умуминсоният цивилизацияси тақдирини белгилайдиган *ҳақиқий гуманизм* ва тор миллий доирадаги утилитар-меркантил манфаатлар билан боғлиқ *сохта (псевдогуманизмга)* ажратиш жоиз. Бунга инсоният тарихидан исталганча мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, муайян ижтимоий бирликлар ва сиёсий институтларнинг (давлат назарда тутилмоқда) вақтинчалик моддий-иқтисодий фаровонлигини таъминлаш учун: утилитар-меркантил эҳтиёжлари ва манфаатларига мос волонтаристик, субъективистик, тоталитар сиёсати, муқаррар равишда, экологик инқирозга ва ҳалокатга олиб келади ҳамда умуминсоният манфаатларига зид антигуманистик характерини намоён қилади.

Экологик сиёсий институтларининг гуманистик миссияси – инсоният экологик хавфсизлигини таъминлашдан иборат глобал муаммони ҳал қилишида намоён бўлиб, ҳар қандай тарихий даврда, муайян ижтимоий-экологик маконда конкрет мазмун касб этган. Аниқроқ қилиб айтганда, давлат экологик сиёсатининг гуманистик характери, биосфера экологик барқарор мувозанатини ва ривожланишини таъминлашга йўналтирилган институционал тизимида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб:

- *биринчидан*, экологик ижтимоий-сиёсий ҳаракатни ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш усуллари, воситалари ҳамда уларни қўллаш “технологияси” мукамаллигига мос бўлади;

- *иккинчидан*, атроф-муҳит муҳофазаси муаммолари глобаллашуви шароитда экологик партияларнинг гуманистик миссияси, инсон интеллектуал салоҳиятини инсонпарварлаштириш билан боғлиқ;

- *учинчидан*, конкрет экологик воқеликда ижтимоий-сиёсий стратегик вазибалар тизимида инсон соғлигини сақлашни ривожлантириш эҳтиёжи, зарурияти экологик гуманизм тақозосидир;

- *тўртинчидан*, инсонларнинг реал табиий атроф-муҳитга жисмоний ва маънавий “кўникиш эффекти” – адаптация потенциалини шакллантиришда тиббиёт ва таълим-тарбия институтлари алоҳида роль уйнайди.

**Адабиётлар:**

1. Мамашокиров С. Ваҳимами ёки ҳақиқат. – Т., 2012. – Б. 91.
2. <http://xs.uz/uzkr/post/global-ekologik-muammolar-barqaror-taraqqiyotga-katta-tahdid-solmoqda-buning-oldini-olish-uchun-nima-qilish-kerak>

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВРИДА ЎЗБЕК ЭТНОТАФАККУРИДАГИ  
ЯНГИЛАНИШЛАР**

**Умарова Ф.С.**

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилаётган инновацион ғоялар, таклифлар ва ташаббусларнинг ижтимоий-фалсафий моҳияти, Янги Ўзбекистон даврида маънавий-маданий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, концептуал аҳамиятга эга ёндашувлар очиб берилади.

**Калит сўзлар:** модернизация, инновация, инновацион ғоя, интеллектуал изланишлар, тафаккур, этнотафаккур, онг, Янги Ўзбекистон, маънавий-маданий ҳаёт, инновацион ривожланиш концепцияси.

Инновацион изланишлар, ўтган йиллардагидек, шунчаки илм-фан билан шуғулланиш, шунчаки олий маълумотли бўлиш, шунчаки илмий даражага эришиш эмас, энди биз рақобатга қурилган дунёга, унда нафақат манфаатлар кураши, шунингдек, инновацион изланишларда ўзлигини, қандай ақлу идрокка, ижодий салоҳиятга эга эканимизни амалда исботлайдиган, ҳатто хавф-хатарларга тўла муносабатларга, алоқаларга кирмоқдамиз.

Бу муносабатлар ҳар доим ҳам очик, дўстона, интернационал эмас, уларда нафақат айрим шахсларни, балки бутун бошли халқ, миллатни чалғитадиган, уларни мустақил тараққиёт йўлларида оздирадиган ва пировард натижада, ўзлигидан, этнотафаккуридан воз кечишга олиб келадиган сиёсий, иқтисодий ва психологик омиллар яширин. Глобаллашув сиёсий ва иқтисодий омилларни у ёки бу даражада аён кўрсатаётган эди, лекин короновирус тарқалиши билан боғлиқ юзага келган хавф-хатар зимдан ҳаракат қилмоқда. Масалан, Европа давлатлари ва АҚШда ўтказилган социологик кузатувлардан маълум бўлаяптидики, улардаги ёшларнинг 55 фоизи давлат органларининг пандемия олдидаги ожизлиги боис улардан ҳафсаласи пир бўлган [1.]. Жаҳон тафаккур аҳли короновирус офатининг нима экани ҳақида аниқ бир хулосага келолмаяпти, халқлар ва давлатлар таназзулга рўпара турибди, айниқса кишилар онги ва тасаввурларида уйғонган хавф “COVID-19 кўпайиб кетаётган аҳоли сонини қисқартириш, илғор қатлам ва унга хизмат қиладиган кишиларни қолдириш” мақсадида уюштирилган хуруж, деган фикрларни келтириб чиқармоқда.



Интеллектуал изланишлар кишидан илм-фан сирлари ва ютуқларидан хабардор бўлишни, ижтимоий тараққиёт қонунларини англаган ҳолда ижодий кучлари ва салоҳиятини халқ, миллат равнақига сарфлашни тақозо этади. Шу мақсадда Ўзбекистонда Президент мактаблари, ихтисослашган ва ижод мактаблари ташкил этилди, “Замонавий мактаб” дастурида 147 ўрта мактаб қайта қурилди, 168 таси таъмирланди. Ёшларнинг ижодий ва ижтимоий фаоллигини рўёбга чиқариш учун Ёшлар ишлари агентлиги, Ёшлар масалалари бўйича идораларо кенгаш тузилди, Олий мажлис қошида Ёшлар парламентлари, Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси очилди, вилоятларда эса “Лойиҳалар фабрикаси” ишга туширилди. “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури доирасида иқтидорли ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш учун 8 мингдан зиёд бизнес лойиҳаларига 1,7 триллион сўм маблағ ажратилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш учун 2020 йилнинг биринчи ярми давомида 28,2 миллиард сўмлик 31 стартап лойиҳа молиялаштирилди. Халқаро илмий ҳамкорлик доирасида Германия, Россия ва Белорус Республикалари билан биргаликда 9,6 миллиард сўмлик 38 та қўшма лойиҳа амалга оширилди [2.]. Президент айтганидек: “Мамлакатимиз юқори технологик соҳалар бўйича дунёда ортда қолиб кетган. Барча соҳаларни модернизация қилиш, жаҳон билан ҳам қадам бўлиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиб, зарур шароитлар яратдик. Вазирлик жамоаси илмий-техник ривожланиш соҳасида аниқ амалий натижалар кўрсатиши керак” [3.].

Ўзбекистонда олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинган бўлиб, унда олий таълим қамровини 50 фоизгача етказиш назарда тутилган. Таълим тизимини халқаро таълим стандартлари даражасига кўтариш, назарий билимларни ижтимоий амалий масалалар билан боғлашга эришиш, олий ўқув юртларининг халқаро нуфузли 1000 талик тизим қаторига олиб чиқиш, Европа стандартлари поғонасидаги Боллонье тизимига мувофиқ келадиган илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлашга эришиш, кадрлар тайёрлаш ва интеллектуал салоҳиятни ошириш борасида олий таълимда туб ўзгаришлар қилиш, кредит модуль тизимига ўтиш, фан, ишлаб чиқариш ва таълимнинг интеграциялашуви “Университет 3.0” дастурига мувофиқлаштириш каби янгиланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ўзбекистон олий таълим тизими нафақат таълим хизматларини импорт қилувчи, шунингдек, экспорт қилувчи муассасаларга айланиши керак.

Карантин барча соҳалар каби инновацион изланишлар ва этнофақкурдаги ўзгаришлар учун имконият яратди. Тўғри, у ижобий ҳодиса эмас. Ушбу зиддиятли томонларни махсус сўровномалар ҳам кўрсатади. Масалан, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) нинг ёшларга мўлжалланган “Uz Report” халқаро лойиҳаси учун рақамли платформа орқали “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти кўмагида 100 мингдан зиёд респондент ўртасида ўтказилган оммавий сўровнома мисол бўлиши мумкин. Карантин шароитида ёшларимизнинг 10 фоизи одатдаги тартибда яшашда давом

этнода. Улар кўпроқ шифокорлар, савдо-сотик ходимлари, хунармандлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидир. 18 фоиз ёшлар онлайн тизимида дарс ўтаётганини билдирган. Улар ўқитувчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар ва тадқиқотчилар, банк молия тизими ходимларидир. Қолган 10 фоиз ёшлар эса ўзларининг шахсий томорқа хўжаликларидаги юмушлари билан банд бўлишган. 28 фоиз ёшлар ўзининг асосий меҳнат фаолиятини сақлаб қолганини билдирган. Респондентларнинг 16 фоизи уй ишлари, билимларини ошириш, китоб мутолааси, 25 фоизи спорт машғулотлари билан банд. Уларнинг 11 фоизи ижтимоий тармоқларда мулоқотлар олиб боради, 2 фоизи кўнгил очар ТВ дастуралр кўради. Респондентларнинг 63 фоизи 3-6 нафар оила аъзолари билан баҳамжихат яшаётганини, 47 фоизи карантин оилавий муносабатларга салбий таъсир кўрсатмаганини, 46 фоизи оилавий муносабатлари яхшиланганини, 16 фоиз эркалар уй юмушларида қатнашаётганини билдиришган. Карантин ёшларда интернет хизматларига бўлган эҳтиёжлари кескин ошганини кўрсатди. Сўровномада қатнашганларнинг 13 фоизи руҳий психологик ёрдамга, 3 фоизи ҳуқуқий хизматларга муҳтож бўлаётганини билдирган [4.]. Хуллас, карантин ёшларимизда интеллектуал изланишларга қизиқиш уйғотган ва уларни бўш вақтларидан самарали фойдаланишга ундаган.

Хулоса қилиб айтганда, кузатишлардан маълум бўладики, маданий-маънавий соҳадаги модернизация ва ўзбек этнофаққуридаги янгилашлар силлиқ кечадиган жараёнлар эмас, улар бутун жамиятдаги ўзгаришлар маҳсули сифатида намоён бўлиш хусусиятига эга. Шу билан бирга улар ижтимоий онг, ижодий изланишлар, интеллектуал салоҳиятни рўёбга чиқариш, ёшларнинг билим олишга бўлган қизиқишларини қондириш, уларда замонавий касб-кор кўникмаларини шакллантириш кабиларга бевосита таъсир этиш кучига эга алоҳида феномендир.

#### **Адабиётлар:**

1. Тошмухамедова Д. Ёшларимизнинг фуқаролик ва ижтимоий масъулияти намоён бўлмоқда// Халқ сўзи, 2020, 9 июнь.
2. WWW. XS. UZ. 2020,13 июнь.
3. Халқ сўзи, 2020, 13 июнь
4. Тошмухамедова Д. Ёшларимизнинг фуқаролик ва ижтимоий масъулияти намоён бўлмоқда// Халқ сўзи, 2020, 9 июнь.

### **ТАБИЙ БОЙЛИКЛАРИМИЗНИ ЗАРДЎШТИЙЛИК ДИНИНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО”ДА ЭЪЗОЛЛАНИШИ**

*Исҳоқова Ш.М., Абдуллаева Х.Б., Қурбонов Ф.Ч.*

*Ўзбекистон Миллий Университети*

**Аннотация.** Мақолада инсонларнинг тупроқ, сув, ҳаво ва оловга бўлган муносабатлари “Авесто”даги персонажлар орқали тасвирлаб берилган.

Табиат омилларига эътиборли бўлишга ахлоқий нормаларни асоси сифатида эътироф этилган.

**Калит сўзлар:** Зардуштийлик, Авесто, Қадимги Миср, Қадимги Хоразм, Ахурамазда, Анхрамайну, Митра, Романо, Вандидод, тупроқ, сув, олов.

Ҳаммамизга маълумки, олам тўрт унсур – сув, ҳаво, тупроқ ва оловдан ташкил топган. Тириклигимизнинг асоси бўлган бу тўрт нарсага муносабатларимиз қандай? Бу муносабатларимиз ва қарашларимиз албатта, узок ўтмишга бориб тақалади. Авлодларимизнинг табиатга, борлиқ оламга бўлган эътиборлари ўзига хос бўлганлиги, борлиқ оламга биздан – да кўра кўпроқ маъсулият билан ёндошганлари қадимий адабиётларда жуда мазмунли ифодалаб берилган.

Зардуштийларнинг муқаддас китоби “Авесто” Қадимги Хоразмда вужудга келган бўлиб, материалистик дунё, борлиқ муқаддаслаштирилади.

Авестода ёзилишича Ер, сув, ҳавони булғаш, ифлослантириш энг катта гуноҳлар қаторига киради деб ҳисоблашган. Ҳақиқатда, кўпчилик инсонлар ер, тупроқ ҳақида жуда кам нарса билишади. Тупроқ нима? - деб ўзимизга савол бериб кўрайлик. Бу савол инсониятни қадимдан қизиқтириб келган. Қадимги Мисрда тупроқни - буюк Нил ҳадяси, элладаликлар эса аёл ва она, Русда эса онахон-боқувчимиз, бизда Она тупроқ – дея эъзозлаб келганмиз. Инсоният тупроқларни унумдор қилиш учун кўп меҳнат сарфлаган, лекин унумдорлик аслида фақат тирик жонзотларга хос бўлган генетик хусусиятдир.

“Авесто”фақат одамнинггина эмас, балки бир ҳовуч тупроқ, бир култум сув, бир нафаслик ҳавонинг ҳам муқаддас эканлиги ҳақидаги китоб.

Авесто яна шу жиҳати билан қимматлики, унда илк фалсафий таълимотлар билан яъни олам икки қрама-қарши куч, ёруғлик билан зулматнинг, яхшилик билан ёмонликнинг тўхтовсиз курашларидан иборат. Яхшилик ва ёруғлик худоси Ахурамазда ер, ўсимлик ва бошқа ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Ахурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қилади. Яхшилик ва эзгулик худоси Ахурамазда ер, ўсимлик ва бошқа ҳамма табиий бойликларни яратган. Ёмонлик ва ёвузлик тимсоли Анхрамайну Ахурамаздага қарши тўхтовсиз курашади, аммо уни енгишга ожизлик қилади. Бу кураш абадий давом этади. Яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар эса ер остида жойлашган, ер сахни эса кураш майдонидир. Зардуштийликда экин ерларини кўпайтириш, шудгор қилиш, асраб авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб, илоҳий низом тусини олган. Оловга сиғиниш, ер ва олов худоси Митрага, яйлов худоси Романога ибодат қилиш, уй-жой қуриш, уни олов билан, уй ҳайвонлари, хотин, бола-чақа билан

тўлдириш, ўсимлик ва дарахт кўкартириш, ерни парвариш қилиш зардўштиё ликнинг асосий мақсади бўлган. Ахурамазда "...ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўк..." дейди. Ҳудои жониворни худо йўлига қурбонликка сўйишдан афзалроқ ҳисобланган. Шунинг учун зардўштиёлар бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга интиланлар. Охурамазда ерга экин экишни ердаги ёвузликларга барҳам беришдан иборат, деб ҳисоблайди. Башоротлардан бирида: " Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқонҳиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка имон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир", дейилади. "Авесто" нинг "Вандидод" қисмида тупроққа, деҳқончилик ва боғу –роғ қилиш ва замонавий тил билан айтганда, экология ва биотизимни бир маромда сақлашга катта эътибор берилган:

"Эй оламни яратган зот! Эй, ҳақиқат! Замини ҳаммадан кўра кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким? Ахура Мазда жавоб берди:

– Эй, Сипийтмон Зардўшт!

У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У куруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

Эй, Сипийтмон Зардўшт! Кимда ким заминничап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўли билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

-Эй мард! Эй, мени чап ва ўнг қўли билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот! Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Маен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман.

-“Авесто” ернинг дарёлару-боғлар, тоғлар-булоқлар, кўлу-сахролага, оту-туялар уюри... ўсимлигу- гиёҳлар, шаҳар ва манзилгоҳларнинг бунёд этиш тарихига доир асар. Дунёда бирор бир диний таълимот, ё бирор бир аллома заминни ва ундан унгувчи буғдой ва унинг ҳосиласи – нонни “Авесто” чалик кўкка кўтармаган.

" Зардўшт илоҳ Ахура маздадан сўради:

Эй, Ахура Мазда! Заминни ҳаммадан ҳам бахтиёр қилгувчи ким?

Ахура Мазда жавоб берди:

-Эй, зардўшт! Кимки уни яхшилаб ҳайдаса ва зироатга тайёрласа!

Кимки ғалла экса, у ҳақиқатни экади..."

Қачонки эгатларда уруғлар етилса, девлар, ўринларидан кўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун берса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаш олмайди.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди... ("Вандидод", 3- фаргард, 31,32 бандалар

Зардуштлиқда экин ерларин кўпайтириш, шудгор қилиш, асраб авайлаш, уни муқаддас ҳисоблаб, илоҳий низом тусини олган.

Ахура Мазда дунёни яратиб, ерларни, молларни одамларга тақсимлаб, бошпана берар экан, тинч меҳнатдан роҳатланишни, боғ яратишни, мол боқишни, деҳқончилик қилиб, уй қуришни ва покиза ҳаёт кечиришни ато этади. “Авесто”да баён этилган яхшилик руҳи бу яратувчанлик, бунёдкорлик кучи, ёмонлик руҳи эса, - бузиш ва бузғунчиликни олиб келади. Яхшилик – ҳаёт рамзи, ерни одамлар, фойдали ҳайвонлар ва ўсимлик лар билан тўлдириш, инсоният умри, куч – қудрат. билан мунаввар этмақдир. Ёмонлик эса қурғоқчилик ва очарчилик, молларнинг қирилиб кетиши, ... руҳий бузилиш оқибатидир.

Охурамазда қонунларида кўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланган. Ундан кейинги савобли иш эса, озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонлари ва чорва молларини кўпайтиришдан иборат бўлган. Зардушт худо номидан ҳукмронларга қарата бундай дейди: “Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга на оғлом, бақувват болаларга эга бўлади... Ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади”. “Вандидод”да баён этилишича ерни худди қизни севгандай севмоқ, унга яхши уруғлар сепмоқ, уни мўл-кўл ҳосил берувчи онага айлантирмоқ керак. Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади.

Ахура мазданинг кўрсатмасига биноан “ерга яхши ва кучли уруғ сепмоқ” дунёдаги энг зарур қонун ҳисобланади: “Ёш келин эрига гўдак ҳады этганидай,. Ишлов берилмаган ва экилмаган ер, эрсиз ва фарзандсиз жоҳил қиз каби бахтсиздир. Қиз яхшиэрни орзу қилганидай, ер ҳам яхши қўшчига илҳақ.”

Зардуштийлик ўғитларида она заминга, деҳқончилика, хунармандҳилик, чорвачилик, Ватан ва халққа улуғ муҳаббат руҳи марказий ўринни эгаллайди. Ер – хазина, сув – гавҳар. Еримизни, тупроғимизни авайлаб асрайлик. Қачондир келажак авлодларимиз бу бебаҳо бойлигимиз – тупроғимизни унумдор ҳолида етказиб берганимиз учун биздан миннатдор бўлсин. Улар ҳам ўз навбатида авлодларига муносиб мерос қолдиришларига ишонамиз.

#### **Адабиётлар:**

1. Д.Бобожонов, М.Абдурашулов “Авесто” – ўзбек халқининг бебаҳо мероси “Абадият фарзандлари” 2009. ©Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2009.

2. Муҳаммаджон Қодиров <http://xorazmiy.uz/uz/pages/view/90>

3. O'zbekiston Respublikasi Xalq talim vazirligi. Respublika bolalar kutubxonasi.Fan: Tarix «Avesto» <https://qomus.info/encyclopedia/cat-a/avesto-uz/>

4. <http://taqvim.uz/ru/library/view/167>

## **АҲОЛИНИНГ ТИББИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**Худаёрова О.К.**

*А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ*

**Бурхонова С.Т.**

*Тошкент молия институту*

**Аннотация.** Ушбу мақолада тиббиёт соҳасидаги ислохотларни тизимли амалга ошириш, тиббий маданиятни юксалтириш йўллари ва аҳоли саломатлигини сақлаш, мустаҳкамлашда амалга ошириладиган долзарб масалалар хусусида фикр юритилган. Шунингдек, замонавий миллий тиббиёт равнақига ижобий таъсир этувчи асосий омиллар аниқлаган ҳамда ёшларнинг соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга доир илмий, амалий тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** тиббиёт ва тиббий маданият, соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, тиббий хизмат, илм, фан, инновациялар, интеграция, репродуктив саломатлик, рефлексив қобилият, юксак дунёқараш, замонавий билим, кўникма, малака.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ этиш бўйича кенг кўламдаги ислохотлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Бугунги кунда мазкур соҳани жадал ривожлантириш ва инсонлар саломатлигини сақлаш борасида фаол, фойдали ишларни амалга ошириш орқали халқимизнинг тиббий маданиятини юксалтириш энг муҳим долзарб масаладир. Инсоният чинакам оғир ва машаққатли синов даврини бошдан кечирмоқда. Юртимизга ҳам кириб келган коронавирус балосини бартараф этишда энг катта масъулият ва фидокорлик шифокорларимизнинг зиммасига тушди. Коронавирус пандемияси шароитида тиббиёт ходимлари ягона куч сифатида бирлашиб, фаоллик ва фидойилик кўрсатдилар. Маълумки, дунёда миллатлараро тотувлик, миллий, диний ва сиёсий бағрикенглик барқарор бўлсагина беморлар дардига малҳам топилади ва инсонлар соғ бўладилар, касаллик эса ортга чекинади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланган ҳолда яхшилик, тинчлик, дўстлик хусусиятларига таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат, биродарлик ва бағрикенгликка даъват этади. Буларнинг барчаси ижтимоий, тиббий фойдали фаолият сифатида намоён бўлмоқда. Хусусан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилди. Буюк аждодимиз Имом Могуридий ҳазратларининг “*Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин*”, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта-қайта исботламоқда. Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия

даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш – энг устувор йўналишлардан бири бўлиши лозим” дейилади [1].

Тиббиёт илм-фанига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш, фундаментал ва илмий-инновацион тадқиқотлар натижаларини ҳаётга жорий этиш орқали жамиятда тиббий маданиятнинг юксалишига эришилади. Натижада бу замонавий миллий тиббиёт равнақининг таъминланишига ижобий таъсир этади. Бугунги кунда тиббий маданиятни оширишда илғор хорижий стандартлар асосида тиббиёт тизимини ташкил этиш, аҳоли соғлигини сақлаш хизматларида инновацион ёндашувга жиддий эътибор бериш зарур. Оналик ва болаликни муҳофаза этиш хизматини янада яхшилаш, аёллар тиббий кўригини тизимли ташкиллаштириш, шу билан бирга тез тиббий ёрдам хизмати чақириқларини атоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича рақамлаштириш ҳамда тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш энг фойдали фаолиятлардандир. Айниқса, тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. 2021 йил Ўзбекистонда "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш масалалари диққат марказида бўлди. Давлатимиз раҳбари таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттиришга бўлган эътиборни янада кучайтириш кераклигини алоҳида таъкидладилар. “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва кудратли кучга айланади” [2].

Тиббий маданият — саломатлик гарови дейилади. Халқимиз саломатлигини асраш, юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли сабъ-ҳаракатлар натижасида юртимизда эпидемиологик вазият барқарорлиги таъминланади. Шунга алоҳида эътибор бериш зарурки, ўз саломатлигига эътиборли, жисмонан фаол, белгиланган муддатларда тиббий кўрикдан ўтиб, унинг хулосаларига

тўла амал қилган инсон хасталикка йўлиқмайди. Зотан, ана шундай юксак тиббий маданият ва соғлом турмуш тарзига риоя этиш орқали нафақат ўзимизнинг, балки келажак авлодларимизнинг ҳам саломатлигини ҳимоялашга эришамиз. Аҳолининг тиббий маданиятини оширишда кўйидаги жиҳатларга эътибор бериш зарур ҳисобланади.

1. Аввало, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, репродуктив саломаталикни сақлаш, чуқурлаштирилган тиббий кўрикни ташкил этиш, маҳалла аҳолиси ва ёшлар ўртасида тиббий маданиятни оширишда авра суҳбатларини ташкил этилишига жиддий эътибор бериш зарур.

2. Аҳолининг тиббий маданиятга эга бўлиш заруриятини англаши ва унга қатъият ва ўзига ишонч ҳамда масъулият билан ендашиб, тиббий билимларни ўзлаштиришга жиддий эътибор бериш, тиббий фаолиятнинг назарияси ва амалиёти билан чуқурроқ танишиш, эгаллаган билимларини ҳаёт ва амалиёт билан боғлай олиш лозим.

3. Тиббий маданиятга эга бўлиш учун шахсий рефлексив қобилият таъсирига кўра, физиологик гигиеник жиҳатдан тайёргарликни кучайтириш ва турли касалликлардан сақланишга интилиш керак.

4. Тиббий маданияни эгаллашда янгича фикрлаш ва ҳаракат қила олиш, ижодий ёндашиш, аҳолининг тиббий маданият, юксак дунёқарашини ошириш ва уларнинг миллий табобатдан хабардор бўлишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

5. Замонавий билимли ва малакали кадрларни тайёрлашда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва чет эллик тиббиёт мутахассисларини жалб этиш юзасидан самарали амалий саъй-ҳаракатларни фаоллаштириш асосида халқимиз учун фаровон ва соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва ҳоказо.

Хулоса шуки, бу борада барчамиз жипслашиб, тинимсиз ўқиб-ўргансак, ҳар қандай фаолиятимизни инновацион ижтимоий фойдали фаолиятга айлантириб, ўз ишимизни унумли, самарали ва мукамал бажаришда замонавий ёндашув орқали энг юксак чуққиларга интилиб, янги марраларни эгаллашимиз натижасида чексиз муваффақиятларга эришамиз. Бунинг учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак тиббий маданият эгаси бўлиш барчанинг узлуксиз ҳаётий эҳтиёжига айланиши керак.

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 29.12.2020.



## ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИНГ ХУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

*Абдурахманова Н.Х.*

*Тошкент тиббиёт академияси*

**Аннотация.** Бу мақолада аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммо ва камчиликлар кўриб чиқилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, қонун устуворлиги, қонунийлик, ҳуқуқ тизими, ислохот, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий таълим, тарбия, ҳуқуқ.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб боришда, қонун устуворлигини таъминлашда ва қонунийликни мустаҳкамлашда муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда миллий ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, ҳар бир қатламда, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Лекин шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантириш, аҳолининг, қолаверса қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Жамиятимизда, қишлоқ жойларда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамиз.

Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди.

Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир. Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, билан ендашиш зарур. Яна бир муҳим жиҳат шуки, Конституциямиз тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳужжатдир. Чунки у инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзида мужассам этган. Шу маънода Бош қомусимиз умуминсоний ғоялар –

тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиги каби улуғ ғояларга хизмат қилади. Бинобарин инсон ўз ҳуқуқини англаб етар экан, ҳуқуқ билан бирга бурч ва масъулият борлигини ҳам унутмаслиги лозим. Хар бир эркин фуқаро, жамиятда узимизнинг ҳуқуқларимизни талаб қиладиган бўлсак, Ватан ҳимояси, юрт тинчлигини таъминлаш, меҳнатга муносабат, атрофдаги воқеаларга дахлдорлик, виждон амри деган тушунчаларнинг амалий ифодаси қандай бўлади, деган мантиқий савол туғилиши табиий. Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни умумлаштириб айтганда, ҳуқуқий маданият бу – қонунчилик берган имкониятлардан, конституцияда муҳрланган ва қонунларимизда ўз ифодасини топган, биз деярли ҳар куни такрорлаб гапирадиган ҳуқуқлардан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш деганидир. Президентимиз таъкидлаганларидек, “Халқимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиши лозим. Зеро, мустақиллик сўзининг замирида улуғ ҳуқуққа эга бўлиш тушунчаси ётади. Яъни мустақиллик нафақат ўзини эркин сезиш, ўз ҳаётини куришда катта эғалик ҳам демакдир”.

Айнан хозирда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс – оила – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши уйлаймизки ижобий натижаларни яратади.

Хозирги кунда яна шу нарсага эътибор қаратишимиз керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти халққа охириги мурожатларида шундай таъкидладилар “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим. Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади”, деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз.” дея аниқ мақсадларни олдимизга қуйишимизга туртки бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Зеро, хар бир инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканлиги, уларни ҳимоя қилиш эса асосий мақсадимиздир.

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

*Зияева Д.*

*Тошкент ахборот технологиялари университети*

**Аннотация.** Мақола глобаллашув шароитида таълим-тарбия масалаларига бағишланган бўлиб, унда глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига ўтказаетган таъсири ёритилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, ёшлар, таълим, тарбия, ахлоқ, ахборот майдони, ғоявий жараёнлар.

Бугунги кунда глобаллашув замонавий цивилизация тараққиётининг муҳим хусусиятини ўзида ифодалаб, у жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-мафкуравий соҳаларини қамраб олади. Ҳеч қандай миллий чегараларни тан олмайдиган, дунёда умумий технологик ва ахборот майдони юзага келаётганини ифодаловчи технологик глобаллашув, ижтимоий-сиёсий жараёнларни ўзида ифодаловчи сиёсий глобаллашув, фан, маданият, таълим ва ахлоқ соҳасидаги жараёнларни ифодаловчи ижтимоий-маданий глобаллашув жараёнлари содир бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнининг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида ғоявий жараёнларга таъсир кўрсатишидир.

Ижтимоий ҳаётда глобаллашув жараёни барча соҳаларга таъсир кўрсатиб, алоҳида мамлакатларни жаҳон ҳамжамияти билан боғлайди. Бугунги кунда глобаллашув жамият тараққиётидаги қонуний тарихий жараён бўлиб, глобаллашув жараёни инсоният жамияти янги цивилизациявий сифат ўзгаришини ўзида ифодаламоқда. Жамият ҳаётидаги бу янги сифат даражаси ахборот-техникавий ёки ахборот-компьютер цивилизацияси сифатида эътироф этилмоқда. Ахборот технологияси иқтисодиёт ривожланиши, қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларидан кейинги ўринни эгаллайди.

Глобаллашув ва ахборотлашув барча мамлакатларнинг иқтисодиёти, сиёсати ва маънавий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди. Мафкуравий глобаллашув ахборот воситаларининг ривожини ва бу соҳада содир бўлаётган ўзгаришлар билан боғлиқ бўлиб, ахборотни кенг жамоатчиликка етказиб берувчи матбуот, радио, телевидение каби ходисаларни ўзида бирлаштирувчи оммавий ахборот воситалари (ОАВ) жамият ҳаётига улкан таъсир ўтказиш имкониятига эга. Радио, телевидение, Интернет энг сўнгги илмий янгиликларни қисқа вақтда бутун дунёга маълум қилишга, илм-фан, маданият, адабиёт ва санъат ютуқларидан ҳар бир одам фойдалана олишига замин яратмоқда. Интернет бугунги ахборот маконининг муҳим бўғинига

айланиб, бугунги кунда Интернетдан нафақат компьютер тармоғи, балки бошқа соҳаларда ҳам фойдаланилмоқда.

Ҳозирги давр жаҳон миқёсида глобаллашув жараёни кучаяётган, инсониятнинг ахборотлашган жамият босқичига ўтиши тобора чуқурлашиб бораётган даврдир. Тезкор ахборот ва коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида дунёдаги турли халқ ва элатлар орасида глобаллашув жараёнлари содир бўлаётган вақтда бутун инсоният, жумладан халқимиз ҳам маънавиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли мафкуравий таҳдидлар остида яшамокда.

Бугунги кунда глобаллашув инсоният жамияти тараққиёти ва ижтимоий жараёнларнинг жаҳон миқёсида интеграциялашиб, оламшумул аҳамият касб этиб боришини ўзида ифодаловчи тушунча бўлиб, глобаллашув коммуникация воситаларидаги туб ўзгаришлар, инвестициялардаги янги жараёнлар, дунёга янгича қарашнинг вужудга келишида намоён бўлади. Глобаллашув муайян ҳодиса, жараённинг кўплаб минтақалар, давлатлар ва бутун ер юзини камраб олганини ҳамда уларнинг инсоният тақдирига дахлдор эканлигини англагучи тушунчадир.

Маънавий ҳаётдаги глобаллашув жараёнлари, оммавий ахборот воситалари, Интернет, радио, телевидение, уяли алоқа воситалари орқали ахборотни етказишнинг фаоллашуви ҳам ижобий ҳам салбий оқибатларни келтириб чиқариб, бир томондан маънавий глобаллашув натижасида маънавий ҳаётимизга кириб келаётган илм-фан, маданият ва санъат, маънавий мерос ижобий аҳамиятга эга бўлса, иккинчи томондан турли зарарли ғоялар ҳамда мафкураларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётига кириб келиши баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш вазифасини долзарб масала сифатида кун тартибига қўйди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ҳамда янги технологик воситалар асосида халқимиз ҳаётида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар ҳақида хикоя қилувчи чуқур таҳлилий маълумотларни мунтазам бериб бориш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, турли ижтимоий тоифа ва гуруҳларнинг қизиқиш ва интилишлари, ҳаётини манфаатларини ёритиш, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш тамойилини ижтимоий ҳаётга кенг татбиқ қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброк аҳамият касб этмоқда.

Глобаллашув жараёнларининг инсон тафаккури, жамият ривожига кўрсатадиган таъсири ниҳоят даражада беқиёс бўлиб, глобаллашув натижасида кириб келаётган “оммавий маданият”нинг жамият тараққиёти ва инсон камолотига таъсири тобора яққолроқ кўзга ташланмоқда.

Шунинг учун бугунги кунда “оммавий маданият”нинг маънавий-ахлоқий тубанликларидан давлатимиз фуқаролари, энг аввало ёшларни асраб авайлаш, уларни огоҳликка даъват этиш, ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг дилини, руҳиятини, ақл-идроки ва умуман маънавиятини диний ақидапарастлик, жаҳолатпарастликлар хатаридан ташқари, айни пайтда жаҳонда юз бераётган сиёсий, мафкуравий, ижтимоий, иқтисодий,

маънавий манфаатлар йўналишидаги курашларнинг хатарли таъсиридан мухофаза қилишни ҳам ўз ичига олади. Инсон онги ва қалби учун кураш эса энг аввало ахборот орқали, ғоявий, мафкуравий таъсир кўрсатиш орқали олиб борилади. Бугунги кунда ён-атрофимизда диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” деган турли бало-қазоларнинг хавфи тобора кучайиб бораётганини ҳисобга оладиган бўлсак, - деган эди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев, -...ҳозирги вақтда ёшлар тарбияси биз учун ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган масала бўлиб қолмоқда [1].

Ўзбекистон фуқаролари, энг аввало ўсиб келаётган ёш авлодни глобаллашув натижасида кириб келаётган турли хил зарарли ғоялар ва мафкуралар ҳамда кундалик ҳаётимизда ўз таъсирини кучайтиришга интилаётган “оммавий маданиятнинг зарарли таъсиридан химоя қилишда қўйидаги масалаларга эътиборни қаратиш муҳимдир. Энг аввало,

- ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш, миллий мафкурани ёшларнинг онги ва қалбига сингдириш, таълим тизими, маҳалла, оила тарбиясини бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда олиб бориш;

- ёшларимизни миллий урф-одат ва анъаналаримизга хурмат руҳида тарбиялаш мақсадида ушбу йўналишда ўтказилаётган кўрик танловлар ва турли лойиҳаларнинг тарғиботини кенгайтириш;

- ёшларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига кенг йўл очиб, уларга яратилаётган шароитлар бўйича ташвиқот ишларини кенгайтириш;

- ёшларни муайян касб-хунарга қизиқтириш бўйича таълим муассасаларида психологик марказлар фаолиятини ривожлантириш;

- ёшларимизни аждодларимизнинг тарихий, адабий-бадий меросини ўрганиш ва уни кўз қорачиғидек асрашга ўргатиш;

- ёшлар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантириш мақсадида ОАВлари ролини ошириш ва замонавий ахборот технологияларидан тўғри фойдаланишга йўналтириш.

Глобаллашув жараёни, замонавий ахборот коммуникация тармоқларининг жадал ривожланиши, “оммавий маданият”нинг таҳдиди ўсиб келаётган ёш авлодимизни юксак маънавиятли, дунёқараши кенг, ватанпарвар қилиб тарбиялашни, бой тарихий маънавий меросимиз асосида уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини юксалтиришни талаб қилмоқда. Ёш авлодда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаб, уларнинг онги ва қалбига миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириш масаласига давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатда ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Миллий Интернет тармоғи, матбуот нашрлари фаолиятини янада кенгайтириш ва жонлантириш ҳам баркамол авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

#### **Адабиётлар:**

1. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Самарқандгазетаси, 2016 йил 10-декабрь, 3 бет.

## **ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА БМТ БИЛАН САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

*Зияев Ф.*

*Тошкент молия институти*

**Аннотация.** Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи асосида тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистон давлатининг ташқи сиёсатдаги олиб бораётган сиёсати ҳақида гап кетади.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, мустақиллик, БМТ, Ўзбекистон, Афғонистон, очиқ мулоқот, тинчлик.

Дунёда кечаётган ҳозирги глобаллашув жараёни инсоният тараққиётига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга, ўзида турли таҳдид ва хавф-хатарларни ҳам намоён этмоқда. Ана шундай шароитда давримизнинг энг обрўли халқаро тузилмаси — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида самарали ҳамкорлик қилиш халқимизнинг туб миллий манфаатларига тўлиқ мос келади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи Ўзбекистон-БМТ муносабатларининг янги босқичини бошлаб берди. Дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига тортган ушбу маърузада Президентмиз, энг аввало, мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилганлиги, Ўзбекистоннинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Республикамизда БМТнинг 2015 йилда қабул қилинган, 2030 йилга қадар инсониятни раванқ топтиришнинг 17 та йўналишини ўз ичига олган Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга оширишда бир қатор ютуқлар қўлга киритилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ва фаоллигини ошириш, болалар ўлимини камайтириш; оналар соғлиғини яхшилаш; турли юқумли ва хавфли касалликларнинг олдини олиш, экологик барқарорликни таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда. Кейинги ўн йил давомида Ўзбекистон йиллик давлат бюджети харажатларининг салкам 60 фоизи ижтимоий соҳа эҳтиёжлари учун сарфланаётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида, шунингдек, халқаро аҳамиятга эга бўлган бошқа бир қатор долзарб масалаларни ҳам кўтариб чиқди. Хусусан, халқаро терроризм, экстремизм, диний бағрикенглик, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, Марказий Осиёда яхши кўшничилик, ўзаро ҳамжихатлик ва конструктив ҳамкорлик муҳитини барпо этиш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, Президентимиз ёшлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурди.

Бундан ташқари, мамлакатимиз раҳбарининг кўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ҳамда Ўзбекистон ҳеч қандай блокка кўшилмаслик мақомини сақлаб қолган ҳолда, очик мулоқотга тайёр эканлиги борасида билдирган қатъий позицияси халқаро жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида қатъий ислохотларни амалга оширилаётгани, жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бориб, барча соҳаларда чуқур ислохотлар амалга оширилаётгани, бундан кўзланган мақсад – «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборатлиги, умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга мўлжалланган Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси қабул қилинганлиги, инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахсни қамоқда сақлаш билан боғлиқ кўплаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилгани, экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинаётгани ҳамда уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилаётгани, иқтисодиёт тизимини либераллаштириш учун эса қулай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишлари эканлиги, миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтгани, аҳоли учун юзага келиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича зарурий чоралар кўрилгани, илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилгани, бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилиб, кредит олиш имкониятлари кенгайтирилгани, янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилиб, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилгани, халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожлантирилаётгани, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини янгитдан тиклангани, амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла

хамоҳанг эканлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашилини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарурлиги, Республикамиз томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги раҳбарияти ташкилотни бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттириши, Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақасига устувор аҳамият қаратаётгани, Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдорлиги қатъий тарафдори эканлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласи, БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ», деган позициясини тўла қўллаб-қувватланиши, Ўзбекистон БМТнинг превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё ва Сирдарё ҳавзалари сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги конвенциялар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаши, экологик муаммоларидан бири – Орол ҳалокати, Афғонистонда тинчликка эришишнинг ягона йўли – марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдиндан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш кераклиги, улар билан музокаралар уюштириш, музокаралар афғонистонликларнинг ўзлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган ҳолда, Афғонистон ҳудудида ва БМТ шафелигида ўтиши кераклиги, афғон халқи ўз тақдирини ўзи мустақил ҳал қилишга ҳақлиги, таҳдидларни келтириб чиқараётган асосий сабаблар билан эмас, балки уларнинг оқибатларига қарши курашиш билангина чекланиб қолинаётгани, халқаро терроризм ва экстремизмнинг илдизини бошқа омиллар билан бирга, жаҳолат ва мурасасизлик ташкил этиши, бу борада биринчи навбатда, ёшларнинг онгу тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш энг муҳим вазифа экани, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилаётгани, дунё ёшлари – сон жиҳатидан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлод экани, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этаётгани, асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш экани, ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозимлиги, Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро ҳуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар



хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишни таклиф этилгани, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши кераклиги, бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа экани, Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини алоҳида қайд этганлари, буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳиҳи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олгани, БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилганликлари, бу ҳужжатнинг асосий мақсади – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат экани, резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка кўмаклашишга қаратилгани, Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўшилмаслик мақомини сақлаб қолиши ва бу борада очиқ мулоқотга тайёр экани, барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканлигидир.

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ЖАРАЁНИДА ЖАМИЯТДА ДИНИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ МУСТАҲҚАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган нутқи мисолида)

*Холбеков А.*

*Тошкент молия институти*

**Аннотация.** Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи асосида тайёрланган бўлиб, унда Ўзбекистонда диний эътиқод ва диний бағрикенглик масаллари муҳокама этилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, дин, диний эътиқод, ёшлар, маънавият, осойишталик.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида жаҳонда зўравонлик ва жаҳолатни тарғиб қилувчи мафкуравий “вирус” тарқалаётганидан ташвиш билдириб, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний

эркинликни таъминлашга йўналтирилган резолюцияни қабул қилиш ташаббусини илгари сурди

Жаҳолатга қарши курашда диний таълимнинг аҳамияти шундаки, бағрикенглик, диндорлар ўртасида ўзаро ҳурматни қарор топтириш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш, диний эркинликни таъминлаш, диндорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, диндорларнинг камситилишига йўл қўймаслик, ҳар қандай маънавий таҳдид, диний мутаассиблик, экстремизм, миссионерлик, қўпоровчилик ҳаракатларига барҳам беришга замин яратилади. Зеро, “ислом дини эзгулик ва тинчликка, янги инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган глобаллашув жараёнида жамиятда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиши, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш, тинч-осуда ҳаётни, муқаддас дин поклигини асраш халқ тақдири ва келажаги, ҳаёт-мамоти вазифаси эканини таъкидлади: “Дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпоровчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш замирида ижтимоий барқарорликни издан чиқариш, миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятининг шаклланишига замин яратиш билан бирга, ўз мустақил фикрига ва ҳаётий тажрибасига эга бўлмаган, маънавияти, иродаси бўш, билими саёз айрим ёшларнинг турли зарарли оқим ва гуруҳларга кириб кетишига сабаб бўлмоқда.

Диний эътиқод инсоният тарихининг барча босқичларида маданий-маънавий ҳаётнинг ажралмас қисми бўлиб келган. Ислом дини, моҳиятига кўра, эзгулик ғояларига асосланади, поклик, халоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби эзгу фазилатларга таянади, маърифатни, илм-фанни улуғлайди. Зеро, “бутун жаҳон жамоатчилигига Ислом динининг асл ватанпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа деб ҳисоблаймиз”. Буюк мақсадларга инсон маънавий, сиёсий, ҳуқуқий оламининг муҳим омили – маърифат орқали эришиладики, онг ва тафаккурдаги ўзгаришни фақат маърифат билан бойитиш мумкин. Ўзбекистон диний маърифат ва кадриятлар юртидирки, кўп асрлик миллий ва диний кадриятларни асраб-авайлаш, дунё илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган аждодларнинг бебаҳо меросини ўрганиш, унинг асосида ёшларни баркамол авлод этиб тарбиялаш жамиятда барқарор ва соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартидир.

“Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг тинчлик-осойишталикни сақлаш, диний бағрикенгликни таъминлашдаги аҳамияти беқиёс: “Биз муқаддас динимизни азалий кадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз. Ислом дини эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”

Амалий таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси – илм-маърифат, маданият замини бўлган Ўзбекистондан маърифий ислом ғоялари тарқалиши, ислом динининг инсонпарварлик таълимотини ёйиш бўйича Мовароуннаҳрда шаклланган тарихий мактаблар анъанасининг давом этиши “Жаҳолатга қарши – маърифат” билан курашишнинг самарали ечими бўлади.

2. Хавфсизликка дахлдор таҳдидларни куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш усули кутилган натижани бермаяпти. Дунё бўйлаб экстремистик ташкилотларнинг ўттиз саккиз йиллик фаолияти таҳлилидан англашиладики, радикал гуруҳлар фаолиятининг етти фоизи қуролли аралашув натижасида тўхтатилган бўлса, уларнинг қирқ фоизи тинч йўл билан – сиёсий музокаралар ўтказиш воситасида барҳам топган. Бу борада Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётни қўллаб-қувватлаш борасидаги таклиф ва ташаббуси эътиборга лойиқдир.

3. Диний экстремизмдан азият чеккан ҳар бир оилага кўмаклашиш, адашиб диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолган фуқаролар, шунингдек, ёшларни бегона, ёвуз оқим гирдобидан озод қилиш, ўсиб келаётган ёшларни бу хавфдан огоҳлантириш, уларнинг маънавий дахлсизлигини ҳимоя қилиш, экстремистик ғоялар таъсирига тушиб, Ватанидан узилиб қолган фуқароларни ижтимоий реабилитация қилиш, соғлом муҳитга қайтариш, хориж мамлакатларида яшаётган юртдошларимизнинг аҳволи ҳақида онлайн маълумот алмашиш, зарур бўлса, фуқароларга ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий кўмак бериш жамият маънавий муҳитини соғломлаштиришни жадаллаштиради.

4. Дини ва эътиқодий қарашлари турлича бўлган кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирини тушуниш қадриятларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг камситилишига йўл қўймаслик жамиятда барқарор маънавий муҳитни таъминлашнинг муҳим шартидир.

5. Глобаллашув жараёнида жиддий тус олган терроризм, ақидапарастлик, ва диний экстремизмнинг олдини олиш, тинчликни таъминлашнинг муҳим шарти, аввало, таълимга йўналтирилган инвестициядир. Мамлакатимизда фан-таълим тизимига жиддий эътибор қаратиш, соҳага замонавий, илғор тажрибаларни жорий этиш, ёшларни бугунги ҳаёт талабларига мос тарзда ўқитиш, ҳам дунёвий, ҳам диний билим бериш муҳим аҳамиятга эгадир.

